Юқоридагилар асосида таъкидлаш мумкинки, кокцидларнинг озуқа ўсимлигида яшашга, озикланиш ва кўпайишга экологик адаптациялари уларнинг озуқа ўсимлигида очик колонияларни ҳосил қилиб яшашида; яшаш ва озикланиш жойлари сифатида ўсимликнинг барча қисмларини – танаси, шохлари, новда ва барглари танлаши ҳамда бирдай зич колонияларни ҳосил қилишида; фақат кокцидларгагина хос бўлган вояга етиб улгурмай, личинкалик даврида кўпайиши – неотенияда ва уларнинг ривожланиш тараққиёти комплекс иқлимий омиллар таъсири билан тўғридан-тўғри боғланганлигида ва бошқа ҳолатларда ўз ифодасини топган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Архангельская А.Д. Кокциды Средней Азии. –Ташкент: Изд. Комитета наук Уз.ССР.,1937– 158 с.
2. Борхсениус Н.С. Сбор и изучение червецов и щитовок в помощь работающим на полезащитных лесных полосах. М -Л.: Изд. АН СССР, 1950. – 152 с.
3. Флора Узбекистана. 4 т. –Ташкент: Изд. Акад. наук Узб. ССР, 1959. – 250 с.
4. Qayimov A.Q., Berdiyev E.T. Dendrologiya. – Toshkent: Cho'lpon nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi., 2012. –288 б.

UDK: 331.103.32

O'ZBEKISTONDA XIZMAT KO'RSATISH TURLARINING RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI*F.O.Abdullayev, Urganch davlat universiteti "Turizm" kafedrasini mudiri, i.f.n.**N.Xo'jayeva, Urganch davlat universiteti Turizm yo'nalishi 1- bosqich talabasi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada mintaqa iqtisodiyotini rivojlantirishda xizmatlar sohasining ro'li ko'rsatib berilgan. Shuningdek, mintaqada xizmatlar sohasining o'tgan yillarga nisbatan rivojlanish ko'rsatkichlari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: xizmat, servis, xizmatlar sohasi, aholi turmush darajasi, turmush sifati, iste'mol.

Аннотация: В этой статье показана роль сектора услуг в развитии экономики региона. А также анализированы показатели развития услуг в регионе по сравнению с предыдущими годами.

Ключевые слова: обслуживание, услуги, сектор услуг, жизненный уровень населения, качество жизни, потребление.

Annotation: This article shows the role of the services sector in developing the region's economy. As well as, indicators of development of services in the region compared to previous years.

Key words: service, service industry, living standards, quality of life, consumption.

Aholining turmush darajasini oshirish va sifatini yaxshilanishi xizmat ko'rsatish sohasining rivojlanish darajasiga bog'liq. Shu sababli ham mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratib kelinmoqda. O'zbekiston mustaqillikdan keyin qisqa davr ichida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish va unda aholi bandligini oshirish bo'yicha boy tajribaga ham erishdi. Buni mamlakatda xizmat ko'rsatish sohasining ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotidagi o'rnini mustahkamlash va uni rivojlantirish borasida olib borilayotgan makroiqtisodiy siyosatda ko'rish mumkin.

Iqtisodchi olim E.A. Kameneva «Globallashuv jarayoni rivojlanishi bilan iqtisodiyotning asosiy sohasi bo'lmish xizmat ko'rsatish tarmoqlari o'zgarib boradi. Bunda xizmat ko'rsatish sohasi bir xil ko'rinishga ega bo'lmaydi va ijtimoiy-iqtisodiy sharoitdan kelib chiqqan holda xizmatlarning turlari har xil darajada rivojlanadi»-deb ta'kidlagan.

Xizmat ko'rsatish tarmoqlarini modernizatsiyalanishi asosan quyidagi imkoniyatlarni yaratib beradi:

- xizmat turlarini ko'paytiradi;
- xizmatlar hajmini oshiradi;
- xizmatlarning sifatini yaxshilaydi;
- xizmat ko'rsatish tezligini oshiradi.

Xizmat ko'rsatish sohasini modernizatsiyalanish jarayonida quyidagi muammolar kelib chiqadi:

➤ xizmat ko'rsatish sohasini modernizatsiyalash natijasida xizmat ko'rsatish sohasidan ortgan mehnat resurslarini ish bilan ta'minlash muammosi;


➤ xizmat ko'rsatish sohasidagi hodimlarning malakaviy ko'nikmasini oshirish muammosi;

➤ xizmat ko'rsatish sohasida mehnat unumdorligini yanada oshirish muammosi. Bunda modernizatsiya mehnat unumdorligini oshirsada, biroq ushbu sohada band hodimlarning yanada ko'proq xizmat ko'rsatishi uchun rag'batlantirishning turli usullarini ishlab chiqish muammosini qo'yadi.


Aholi tomonidan har xil turdagi xizmat ko'rsatish turlariga bo'lgan talabning doimiy o'sishi va davlat tomonidan ushbu sohaga aloqador infratuzilmalarni (ijtimoiy, transport-kommunikatsiya, savdo va boshqalar) rivojlantirish bo'yicha ko'rilayotgan amaliy choralar xizmatlar sohasining barcha tarmoqlarini jadal rivojlanishini ta'minladi (1-rasm).

Masalan, savdo oddiy taqsimlash mexanizmidan iste'molchiga yo'naltirilgan bozor talablarini shakllantirish jarayonlarida faol ishtirokchiga aylandi. Hozirgi vaqtda, savdo xizmatlari iqtisodiyotda ko'rsatilgan jami xizmatlar hajmining sezilarli (27,4 trln.so'm) qismini tashkil etib, 2010-2016 yillarda 3,1 martaga ko'paygan.


Aloqa va axborotlashtirish xizmatlari jadal rivojlanib, ularning umumiy hajmi 4,6 martaga oshgan. Telekommunikatsiya tarmoqlari, kompyuterlashtirish va axborot texnologiyalarini rivojlantirish va rekonstruksiya qilish milliy dasturlarining amalga oshirilishi, simsiz telefon aloqalarning o'sishiga, uyali aloqa abonentlari va Internet tarmog'iga jamoaviy ulanish joylari sonining ko'payishiga olib kelmoqda (2, 3-rasmlar).



1-rasm. 2010-2016 yillarda alohida xizmat turlarining o'lishi




2-rasm. Mobil aloqa xizmatlarining o'lish darajasi (foizda)




3-rasm. Internet xizmatlari hajmi va abonentlar sonining o'lishi

2016 yil yakunlari bo'yicha, aholining uyali aloqa bilan ta'minlanishi 100 kishi hisobiga 65,3 birlikni tashkil etdi. Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligining ma'lumotlariga ko'ra, xalqaro kanallarning ma'lumotlarni uzatish qobiliyati 54980 Mbit/s (2010 yilda 2510 Mbit/s.)ni tashkil etgan. Hozirgi vaqtda, raqamli televideniaga to'liq o'tish bo'yicha keng ko'lamli dasturlar amalga oshirilmoqda.


2010-2016 yillarda moliyaviy xizmatlar hajmi 4,2 martaga oshdi. Bunday o'sishga, tijorat banklarining, ularni kapitallashtirish va moliyaviy barqarorligini oshirishni o'z ichiga olgan moliyaviy faoliyatlarini takomillashtirish natijasida erishildi. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlarini kreditlashning takomillashgan mexanizmi, istiqbolli investitsiya loyihalarini kreditlashni kengaytirish, shuningdek yangi elektron to'lov texnologiyalarini joriy qilgan holda moliyaviy tashkilotlarning hududiy tarmoqlarini kengaytirish moliyaviy xizmatlarning o'sishiga ta'sir ko'rsatgan boshqa omillar bo'ldi.



4-rasm. 2010 yil xizmatlar tarkibi (foizda)



5-rasm. 2016 yil xizmatlar tarkibi (foizda)



6-rasm. 2010-2016 yillarda kichik tadbirkorlikning xizmatlar sohasidagi ulushi

Sog'liqni saqlash tizimining isloh qilinishi, yuqori texnologik tibbiy yordam ko'rsatish bo'yicha tibbiy xizmat ko'rsatish darajasining oshirilishi, sog'liqni saqlash amaliyotiga ilg'or chet el tajribalarini keng joriy etilishi sog'liqni saqlash sohasi xizmatlarini 4,9 martaga oshirish imkonini berdi.

Hozirgi vaqtda, xizmatlar ishlab chiqarish iste'molchilarning daromadlari darajasi, didi va nimani afzal ko'rishlariga qarab tabaqalanib bormoqda.

Hajmlarning o'sishi bilan birga, bozor xizmatlarining tarkibiy nisbatlari ham o'zgardi. Xizmatlar umumiy hajmida transport xizmatlari qisqarib, yangi bozor xizmatlarining ulushi ko'paydi.

Xususan, 2010-2016 yillarda transport xizmatlarining ulushi 36,2 foizdan 28,2 foizga, aloqa va axborotlashtirish xizmatlari 8,0 foizdan 6,8 foizga kamaygan. Shu bilan birga, savdo xizmatlarining ulushi 25,4 foizdan 29,6 foizga, moliyaviy xizmatlar ulushi 10,2 foizdan 10,7 foizga, ta'lim sohasidagi xizmatlar 2,9 foizdan 3,5 foizga, yashash va ovqatlanish xizmatlari 1,1 foizdan 3,3 foizga, ko'chmas mulk bilan bog'liq xizmatlar 3,1 foizdan 3,7 foizga ko'paydi. Kompyuterlar va maishiy tovarlarni ta'mirlash bo'yicha xizmatlar, me'morchilik, muhandislik izlanishlari, texnik sinovlar va tahlil sohasidagi xizmatlar va boshqa xizmatlarning jami xizmatlar hajmidagi ulushi o'zgarishsiz qolgan (4- va 5-rasmlar).

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari tomonidan xizmatlar ishlab chiqarishning kengayishi xizmatlar sohasining jadal rivojlanishini ta'minlamoqda. Xizmatlar sohasini rivojlantirish dasturini amalga oshirish doirasida, tadbirkorlik sub'ektlariga, xizmatlar ko'rsatish bo'yicha yangi tashkil etiladigan korxonalarni texnologik jihozlash uchun katta miqdordagi imtiyozli kreditlar taqdim etildi. Natijada, kichik tadbirkorlikning bozor xizmatlari ishlab chiqarish umumiy hajmidagi ulushi 53,9 foizdan 61,4 foizga ko'paydi (6-rasm).

Yangi ish o'rinlarini tashkil etish, investitsiya, soliq, pul-kredit va ilmiy-texnik siyosatni takomillashtirish hamda yangi axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda kichik biznesni rivojlantirish orqali iqtisodiyotning yanada barqaror o'sishini ta'minlash, bozor xizmatlarining tarmoq tuzilmasida sifatli tarkibiy o'zgarishlar qilish imkonini beradi.

Bu esa, O'zbekistonda xizmatlar ishlab chiqarish va iste'mol qilishning oqilona tuzilmasini shakllantirish hamda aholi turmush darajasi va sifatini yanada oshirilishini ta'minlash imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Birinchi Prezident I.A.Karimovning 2006 yil 17 aprelda qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasida 2006-2010 yillarda xizmat ko'rsatish va servis sohasini rivojlantirishni jadallashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori
2. Mualliflar jamoasi: M.Q. Parдав va boshqalar. Xizmat ko'rsatish, servis va turizm sohasini rivojlantirish: muammolari va ularning yechimlari. Monografiya, – T.: Iqtisod-moliya, 2008
3. Xudayberganov D.T. Mintaqada xizmatlar bozorini rivojlantirish yo'nalishlari va xususiyatlari // Risola. – Urganch: UrDU nashriyoti, 2011.
4. O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasining ma'lumotlari.
5. www.xorazm.uz. Xorazm viloyatining rasmiy veb-sahifasi

УДК 330.332.8.025.1

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ Егамбердиев Ш. С. ТДИУ таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни иқтисодиёт соҳаси билан боғлиқ жиҳатлари ва мазкур тушунчага турли хил назарий ёндашувлар, шунингдек, маҳаллийлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига доир масалалар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш, бандлик даражасини ошириш, импортни қисқартириш ва экспортни ошириш.

Аннотация: В данной статье обсуждены аспекты локализации развития в области экономики и различные теоретические подходы к этой концепции, а также социально-экономические аспекты локализации.

Ключевые слова: локализация, размещение производства, занятость, сокращение импорта и продвижение экспорта.

Annotation: This article discusses the aspects of localization of development in the field of economics and various theoretical approaches to this concept, as well as socio-economic aspects of localization.

Key Words: localization, placement of production, employment, reduction of imports and export promotion.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали ва оптимал фойдаланиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожлантиришга эришиш, аҳоли бандлигини устувор таъминлаш, барча мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади.

Мақсадга эришишнинг асосий йўналишларидан бири мамлакатимиз sanoat тармоқларида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада кенг жорий қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжудларини самарали фаолият олиб боришини таъминлашдан иборат.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари бўйича Ўзбекистон бой тажрибага эга давлат ҳисобланади. Хусусан, мамлакатимизда 2000 йилдан бошлаб маҳаллийлаштириш жараёнлари кенг қамровда амалга оширилиб келинаётгани ва мақсадли дастурлар қабул қилинаётганлигининг ўзи ушбу соҳанинг миллий иқтисодиётда нақадар муҳим ўрин тутишини англатади. “Маълумки, 2017 йил 19 апрель куни шу масалада видеоселектор ўтказилган, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажми ва турларини мақбуллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган эди. Шунга мувофиқ ўтган йили муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 9,9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. 512 миллион долларлик ёки 2016 йилга нисбатан 20 фоиз кўп маҳаллийлаштирилган маҳсулот экспорт қилинган. 100 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, базавий тармоқларда импорт 353 миллион долларга қисқартирилгани ҳам бу борадаги ишларнинг натижалари бўлди” [1]. Ушбу кўрсаткичлар маҳаллийлаштириш жараёнларининг мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида муҳим ўринни эгаллаб бораётганидан далolat беради.

Биз мазкур мақолада маҳаллийлаштиришнинг назарий асослари ва ижтимоий-иқтисодий моҳиятига тўхталиб ўтишни мақсад қилдик. Бу мақсадга эришишда маҳаллийлаштириш тушунчаси фанга киритилишини ҳамда унга олимлар томонидан берилган таърифлар ва қарашларни таҳлил қилиб чиқдик.

Шу ўринда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш нима? У қандай жараёнларни ўз ичига олади ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришда унинг роли қандай? деган саволлар юзага келади.

Маҳаллийлаштириш – бирон минтақа ёки аҳоли яшаш жойига маълум бир тармоқни аниқ соҳага жалб этишни билдиради. Маҳаллийлаштириш вилоят ёки минтақаларнинг ихтисослашуви бўйича ҳудудий меҳнат тақсимооти билан узвий боғлиқдир. Ушбу жараёнда янги турдаги маҳсулот ёки хизматни яратилиши билан бирга ишлаб чиқаришга янги ёндашув усуллари, янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилиши бевосита ҳудуд инфратузилмасини янада ривожлантириш, иш кучини бандлигини таъминлаш ва маҳаллий бюджетни барқарор ривожлантиришга замин яратади.

Маҳаллийлаштириш тушунчасига иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллийлаштириш тушунчаси турли манбаларда турлича ёритилган, хусусан, «маҳаллийлаштириш – (лотинча “localis” сўзидан олинган бўлиб, маҳаллий деган маънони англатади) у ёки бу нарсани муайян жойга йўналтириш: фаолият доирасини чеклаш, у ёки бу ходисани, жараёни оммалаштиришдир» [2] деб таърифланган.

Алфред Вебернинг (Германия) “Ишлаб чиқаришни жойлаштириш назарияси” га асосан, ишлаб чиқариш жойлашган ҳудудда хомашёни олиб келиш (транспорт) харажатлари ва сўнгги ишлаб чиқариладиган маҳсулот харажатлари минимал бўлиши аниқланган. У икки асосий ҳолатни мисол сифатида келтирган. Биринчи ҳолатда маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг сўнгги натижавий оғирлиги уни ишлаб чиқариш учун сарфланган хом ашё оғирлигидан камроқ эканлиги ёритилган бўлса, иккинчисида маҳсулотни сўнгги ишлаб чиқариш натижавий оғирлиги оғирроқ бўлиб транспортирофкани ташкил этишни талаб этади. Иккинчи ҳолат одатда маҳсулот ишлаб чиқаришдагина доимий хом ашё бўлмаган, топилиши осон бўлган сув, ўғит, ёғоч сингари хом ашё саналади. Бу оғирликнинг ортиши деб аталади [3].

Вебернинг мазкур назарияси жаҳон амалиётида “тоза назария” номи остида тан олинган ва 1909 йилдан бери ишлаб чиқариш ҳудудларида унумли фойдаланилади. Вебер ўзининг назариясида ишлаб чиқаришнинг жойлашувига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиб, қуйидагиларга ажратди:

-бирламчи омиллар минтақавий омиллар саналиб унда ишлаб чиқаришни минтақада ўзаро яқин, ихтисосликни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилишини ўз ичига олади.

-иккиламчи омиллар (агломерацион ва дегламерацион) ишлаб чиқаришни қайта тақсимлашдан иборат [4].

Минтақавий омиллар Вебернинг фикри бўйича транспорт харажатлари ва ишчи кучи сарфига асосланади. Агар ишлаб чиқаришни жойлаштиришга таъсир этувчи омиллардан транспорт харажатларини истисно қилган ҳолда тасаввур қилсак, у ҳолда ҳеч қандай таъсир этувчи омил

бўлмайди. Шунда хулоса қилиш мумкинки, ишлаб чиқаришни жойлаштириш транспорт харажатлари паст бўлган ҳудудларда жойлаштирилади. Бунинг учун қуйидагилар инобатга олинади:

1-транспортировка қилиш учун оғирликни ҳисобга олиш

2-масофа ёпиқ бўлиш лозим.

Вебер минтақавий омилга ишлаб чиқаришни жойлаштириш ҳудудини танлашда ўша ҳудудда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотга мавжуд эҳтиёж даражаси ҳамда хом ашё таъминотини инобатга олиш лозимлигини таъкидлаган.

Вебер хом ашёга уларни амалиётда тавсифлаш назари билан ёндашган бўлиб, топиладиган хомашё ва ишлаб чиқаришни минтақада ўзлаштириш орқали топилган хом ашёларга маҳаллийлаштириш тушунчасини илгари сурган. Германия тарихида ўша даврда мазкур назарияга асосан энг кўп топиладиган хом ашё сув, ғиштни лойи бўлган, аксинча эса темир рудаси ва минераллар маҳаллийлаштиришга муҳтож хом ашё саналган.

Иккиламчи омиллардан бири бўлган агломерацион омилга ишлаб чиқаришни бир жойда ташкил этиш натижасида ишлаб чиқаришни ёки маркетинг тизимининг юритилиши арзон бўлиши ёки устунликка эга бўлишига айтилади. Буни биз марказлашув деб ҳам ишлатамиз. Дегламерацион омил деб эса ишлаб чиқаришни кўплаб жойда ташкил этилиши натижасида маҳсулот ва хизматларнинг арзонлашувига айтилади [5]. Бу эса номарказлашув деб ҳам юритилади. Мазкур омиллар фақатгина икки минтақанинг омилларини ҳисобга олган ҳолда умумий тизим доирасида ҳаракат қилиш имконини беради ҳолос. Мамлакат иқтисодиётига эса мазкур муносабат ташқи иқтисодиётни мустаҳкамлаш ҳамда ташқи омиллар таъсирини камайтириш имконини беради.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш назарияси Вебер назариясидан ҳам олдин, яъни, 1826 йилда Йоганн Генрих Тюнен (Германия) томонидан яратилган. Олим “Миллий иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигидан давлатнинг муносабатини шакллантириш” номли асарига маҳаллийлаштириш сўзини иқтисодиётда илк бора қўлаган. Мазкур фундаментал билимга асосланган асарнинг асосий мазмуни қишлоқ хўжалигини жойлаштириш қонуниятларидан иборат бўлган.

Тюненнинг изланишлари юқори даражадаги абстракция билан ажралиб туради. У саноат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалигини маҳсулотларини етиштиришни таъминлайдиган ягона бозорга эга марказий шаҳарга нисбатан давлатдан ташқари иқтисодий борликни ажратиб олишни таклиф этган. “Давлат ташқи иқтисодий алоқаларга эга эмас, аммо қишлоқ хўжалигига ихтисослашган деб тасаввур қилайлик. Шаҳардаги маҳсулот нарҳи билан унинг ихтиёрий жойида сотиладиган нарҳи ўртасида транспорт харажатлари туфайли фарқ мавжуд бўлади. Бу эса юк оғирлиги унинг ташиш узоклигига пропорционал бўлади” [6].

Тюненнинг назариясини Александр Григорьевич Гранберг (Россия) қуйидагича таърифлаган: “Мен Кубада “халқаларни” кўрдим. Бу аҳоли яшаш жойлари атрофида, қишлоқ хўжалиги фаолияти турлари билан банд бўлган ишчиларнинг истиқомат қилиш жойларида аграр плантацияларнинг жойлашув чизмаси эди” [7].

Тюненнинг мазкур назарияси маҳаллийлаштиришни асосий вазифаси – минтақада, мамлакатда ишлаб чиқариш орқали эҳтиёжни қондиришни илгари суришга туртки берди. Унинг қишлоқ хўжалиги бўйича олган назарияси бугунги кунга келиб кўплаб мамлакатларда ўз натижасини бермоқда. Хусусан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида пакана дарахтлар, зотдор моллар маҳаллийлаштирилди. Саноат ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кенг қамровда амалга оширилиб келинмоқда.

Маҳаллийлаштиришнинг назарияси янада ривожланишига 1882 йилда Карл Вильгельм Фридрих Лаунхардт (Германия) томонидан ишлаб чиқилган “Саноат корхонасини рационал жойлаштириш” ғояси орқали маҳсулот ишлаб чиқаришда хомашё таъминоти ва манбаларига яқин жойларда алоҳида саноат ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг оптимал услубини ишлаб чиқди. Объект сифатида Лаунхардт металлургия билан шуғулланадиган корхонани олди. Лаунхардтнинг ҳам Тюнен каби назариясининг бош омили транспорт харажатлари саналади [8]. Ишлаб чиқариш харажатлари тадқиқ этилаётган ҳудуд учун тенг олинади. Корхонани оптимал жойлаштириш ташиладиган юк ва унинг орасидаги масофага боғлиқ тарзда танланади. Лаунхардтнинг масаласи геометрик ва механик ечимни ўзида намоён этади.

Саноат ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида ҳам мазкур услубдан фойдаланиш тавсия этилади, аммо у кўпбурчак шаклга эга бўлиши ҳам мумкин. Иқтисодий географияда металлургия корхоналарининг кўпи Лаунхардт учбурчаги шаклида жойлаштирилган бўлиб, уни филиал деб аташ тушунчасидан йироқлаштириб, маҳаллийлаштириш деб қабул қилиш оммалашган. Лаунхардтнинг мазкур назарияси ишлаб чиқаришни марказлаштиришдан қочиб ҳамда ҳар бир минтақада мавжуд бўлиши учун жойлаштиришни назарда тутган бўлиб, маҳаллийлаштириш тушунчасини яна бойитишга ўз хиссасини қўшган.

Марказий жойлар назарияси ўзида маҳаллийлаштиришни ижтимоий-сиёсий жиҳатини эмас, балки иқтисодий аҳамиятини очиб берувчи дастлабки назария саналади. Бу назария Вальтер Кристаллер (Германия) томонидан асос солинган бўлиб, унинг бу назариясидаги бош масала аҳоли яшаш жойларини бозор жойлашган маконларда жойлаштириш тизимини тартиблаштириш функциясини ечишга қаратилган [9]. Кристаллер марказлашган жойлар деб товар ва хизматлар билан нафақат ўзини таъминлайдиган, балки ўзининг аҳоли яшаш жойларини таъминлайдиган иқтисодий марказларга айтади. Хизмат кўрсатиш ва сотиш ҳудуди вақт ўтиши давомида тўғри олтибурчак шаклини яшашга интилиб боради. Бу асалари уясини шаклини эслатади, яъни ўтроқ аҳоли қолган олтибурчаклар билан туташади. Айнан бунинг натижасида маҳсулот сотиш учун бозорга боришни ўртача масофасини минималлаштиради ёки хизмат кўрсатиш циклини тезлаштириб, узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Маҳаллийлаштиришни иқтисодиёт назариясида бугунги кунга келиб Леон Вальрас (Франция) назарияси бўйича ўрганилади ва тадқиқ этилади. Вальрас назарияси борлиқда иқтисодий мувозанатлилик моделини ўзида баён этган. Унинг асоси сифатида эса экспорт-импорт операциялари олинган. Яъни, ҳар бир ҳудуд, минтақа, вилоят, мамлакат ўзининг ихтисослигидаги маҳсулот ишлаб чиқаришда давом этаверса-ю аҳолининг қолган эҳтиёжини ҳисобга олмаса, бу иқтисодий мувозанатни бузилишига олиб келади. Аммо эҳтиёжни ҳисобга олди ҳам дейлик, бу эҳтиёжни фақатгина импорт маҳсулот орқали қондириш мумкин бўлса ҳам иқтисодий мувозанатнинг таъминланиши узок давом этмайди ва ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб боради [10]. Бу салбий мисоллар қаторига валюта бўйича ҳисоб-китоб қилиш орқали импорт қилинган маҳсулот ёки хизматлар, божхона тизими туфайли фаслий маҳсулотларнинг кечикиши, нархнинг ишлаб чиқарувчи томонидан монополистик устунликка бўлиши сингари омиллар қимматли эҳтиёждан воз кечиш ёки ЯИМнинг улушини тобора камайиб боришига олиб келади. Шу боис, Вальрас ишлаб чиқаришнинг фаолияти ва маҳсулотини олдин мавжуд бўлмаган жойларда ташкил этиш, уларни сонини ошириш, монополистик майдон юзага келмаслиги учун рақобат муҳитини доимий тарзда ривожлантиришга бағишлаган ғояларни илгари суради. Унинг назариясига кўра логистикадан воз кечишнинг ўз даври мавжуд бўлиб, бу жараён амалга ошиши учун баъзан давлат ҳам руҳсат бериши лозим. Саноат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жой, шарт-шароит танлаши эмас, балки тадбиркор унга инфратузилмани мослаштириши лозимлигини ҳам таъкидлайди. Буларнинг барчаси “Умумий жойлаштириш назарияси”да акс эттирилган [11].

Франсуа Перру (Франция) томонидан полисларнинг кенгайтирилиши борасидаги ғоя илгари сурилган эди. Унинг ғояси янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришда фаол бўлган иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари асосида ётади. Саноатнинг етакчи тармоқлари жойлаштирилган жой полисларга айланади, яъни, саноатнинг бошқа тармоқларини ҳам бир қаторда ривожланишига сабабчи бўлади [12]. Бу эса иқтисодиётнинг саноати ишлаб чиқаришидан унумли фойдаланиш саналади. Бу “тармоқлараро иқтисодий даъват” корхоналарни “иқтисодий полисларнинг ўсиши”да кўмаклашишига олиб келишга хизмат қилади. Полисларнинг кенгайиш концепцияси минтақада интеграцион жараёнларнинг шаклланишида асос бўлиши мумкин.

Ж.Будвильнинг (Франция) фикрига таянадиган бўлсак, у полисларнинг кенгайишини саноатнинг етакчи тармоқларинигина эмас, балки мамлакат иқтисодиёти учун инновацион жараёнлар ва манбалар функциясини бажарувчи ҳудудда ҳам ривожлантиришига олиб келади [13] деб таъкидлаган.

Полисларнинг кенгайиш назарияси П.Потъенинг (Франция) “ривожланиш ўзаги” борасидаги илмий иши туфайли ривожланди. Потъенинг ғояси полисларнинг кенгайиш ҳудудлари орасидаги жойларда жойлашган ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга, инновацияларни оммалаштириши, юк ташиш оқимларининг ошиши туфайли транспорт алоқаларни таъминлашда қўшимча импульсив ўсишга олиб келади. Бунинг натижасида мазкур жараён “ривожланиш коридорлари” [14] га айланади. Бунга мисол сифатида Потье автомобилсозликни олган, яъни илгари автомобилсозлик саноати билан шуғулланмаган мамлакат ишлаб чиқаришни энди йўлга қўйган бўлса, босқичма-босқич автомобилнинг эҳтиёт қисмларини ҳам ишлаб чиқаришига ўтиб боради. Мазкур йўлни ишлаб чиқарувчи тутмаса, у ҳолда унинг маҳсулот ва хизмат кўрсатиши ҳам тобора қимматлашиб боради ва маҳсулотга бўлган талабнинг “мажбурий пасайиши”га олиб келиши мумкин. Натижада ишлаб чиқарувчи зарар кўради. Мазкур назария маҳаллийлаштириш полиси деб ҳам аталади. Замонавий иқтисодиёт назариясида иқтисодий атамалар орасида “мегаполис ҳудуди”, “мегасаноат полиси”, “инновацион қудук” сингари атамалар билан аташади.

Монтагем Ресифнинг фикрига кўра ҳар бир мамлакатнинг ўзининг ишлаб чиқаришдаги монополистик ихтисослиги ва устунлиги мавжуд. Мисол учун Швецария соат ишлаб чиқаришга, Бразилия кофе етиштиришга, Ҳиндистон чой етиштиришга ихтисослаштирилган. Ҳиндистондаги металлургия саноати Бихар шаҳрида тўпланган, чой саноати Ассамда, пахтадан қоғоз ишлаб чиқариш

Махараштра ва Гуджарат штатида, шакар етиштириш саноати Ап ва Бихарда, жут толасини ишлаб чиқариш Бенгалда ва ҳ.к.

Бунда маҳаллийлаштириш сабабларини Ресиф асосли тарзда масаланинг ечими, яъни нима учун? барча йирик ишлаб чиқариш ҳар жойда жойлашган? уларни бир жойда жойлаштириш ҳам мумкин-ку деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилган. Унга кўра ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш худудини танлаш арафасида кўплаб омилларга эътибор қаратади: тадбиркорларнинг иррационал оқими, хом ашёни ишлаб чиқариш жойининг яқинлиги, аҳоли турмуш тарзининг нисбатан пастлиги ва ишчи кучининг арзонроқ бўлиши ва ҳ.к. Аммо бу сабабларнинг барчасининг тагида бир мақсад, яъни ишлаб чиқаришнинг юритилишида паст нархдаги ушланмалар ва транспорт харажатларининг минималлиги ётади.

Кўриниб турибдики, мамлакатда реал иқтисодий ўсишга эришиш бевосита амалга оширилаётган фаол саноат сиёсати билан боғлиқ бўлиб, унинг муҳим йўналишларидан бири – бу ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришдан иборат.

Маҳаллийлаштириш тушунчаси турли манбаларда турлича талқин қилинган. Катта энциклопедия луғатида «маҳаллийлаштириш – (лотинча “localis” сўзидан олинган бўлиб, маҳаллий деган маънони англатади) у ёки бу нарсани муайян жойга йўналтириш: фаолият доирасини чеклаш, у ёки бу ходисани, жараённи оммалаштиришдир» [17] деб таърифланган.

Уларга эса куйидагилар таъсир этиши мумкин:

- иқлим шароити;
- хомашё ишлаб чиқарувчисига яқин бўлиши;
- бозорларга яқин бўлиши;
- ишчи кучининг етарлича малакага эгаллиги ва уларни меҳнатга ўргатишнинг осонлиги;
- молиянинг мавжудлиги;

- илдам импульс (Баъзан саноат ишлаб чиқариши маълум бир жойда тасодифан, тадбиркорларнинг кўпчилиги туфайли ёки ўша ҳудудга боғлиқлиги юқори бўлган маданий тушунчанинг мустаҳкамлиги боис ҳам жалб этилган бўлиши мумкин. Ҳиндистон мисолида насос шланкаларини ишлаб чиқариши Лудхиянада бошланган эди. Бу қадам эса бошқа ишлаб чиқариши тармоқ ва соҳаларини ўша ҳудудга оқиб боришига олиб келди ва маҳаллийлаштириши ривожланиб кетди.);

- Сиёсий патронаж.

Саноат ишлаб чиқаришга, умуман олганда ихтиёрий соҳа тармоқнинг ривожланишига сиёсий таъсир энг кучли таъсир кучи саналади. Ҳиндистонда ҳинд ва мусулмон бошқарувчиларига патронажнинг берилиши Варанасида шойи ишлаб чиқаришга асос бўлди, шунингдек, Деҳлида фил суягидан ишлаб чиқариш ишларига асос солинди. Ресиф ўзининг китобида маҳаллийлаштириш оқибатларини ҳам ажратиб кўрсатган. Унга кўра оқибатлари сифатида маҳаллийлаштиришни устунлик ва камчиликларини ҳам алоҳида ёритган [15] (1-чизма).


Россия олимларидан бири Ю.Никинов томонидан “маҳаллийлаштириш – бу импорт асосида олиб келинаётган товарларга нисбатан маҳаллий тарзда ишлаб чиқарилган товарларга истёъмолчилар талабининг ортиб бориши жараёни” [18] сифатида қаралган.

Яна бир Россия олими А.Вазьянский ўз тадқиқотларида “маҳаллийлаштириш – бу хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бошқа мамлакат худудида ишлаб чиқариш жараёни” [19] деб эътироф этган.

Россия давлат арбоби Александр Демин томонидан маҳаллийлаштириш тушунчасига “функционаллиги, сифати, нархи ва дизайни бўйича хорижий товарлар (хизматлар) билан рақобатлаша оладиган товарлар (хизматлар)ни мамлакат худудида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали ушбу товарлар (хизматлар) импортдан воз кечиш [20]” деб таъриф берилган.

Аксарият хорижий иқтисодий адабиётларда эса маҳаллийлаштиришга давлат томонидан ички бозорни хорижий ишлаб чиқарувчилардан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш жараёни сифатида қаралган ва қаттиқ танқид остига олинган.

Фикримизча, қайд этиб ўтилган анъанавий қарашлар маҳаллийлаштиришнинг замонавий концепциясига мос келмайди.



Расм 1. Монтагем Ресифнинг маҳаллийлаштириш оқибатлари чизмаси[16]

Маҳаллийлаштиришнинг замонавий концепцияси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган махсулотларни нафақат ички, шунингдек, ташқи бозорда рақобатдошлигини оширишни кўзда тутаяди. Чунки бу борада мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади хорижий

давлатларга хом ашё эмас, балки юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар экспорт қилишни йўлга қўйишдан иборат.

Замонавий маҳаллийлаштиришнинг асосий йўналиши – бу хом ашёга йўналтирилган эмас, балки хом ашёни чуқур қайта ишловчи, юқори технологик саноат секторларини ривожлантиришдир.

Бу борадаги асосий дастгоҳ – мамлакат рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий муҳитни яхшилаш, бошқа мамлакатлар билан таққослаганда бизнесни амалга оширишда Ўзбекистоннинг жозибадорлигини юксалтириш борасида бизнес вакиллари ва давлатнинг ҳамкорликдаги ҳаракатидир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, маҳаллийлаштириш нафақат маҳаллий товарлар ишлаб чиқаришни, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида етакчи хорижий савдо маркалари (брэндлари) остида товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ҳам кўзда тутати.

Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу унинг корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантиришга қаратилганлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш ва бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур. Шунинг назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларини ривожлантириш ҳозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси – янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади».

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, маҳаллийлаштириш – бу замонавий дастгоҳ ва усқуналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳамда корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш орқали истеъмол хусусияти, сифати ва нархи бўйича ички ва ташқи бозорда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги бизнес ва давлатнинг ҳамкорликдаги ҳаракатидир.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллийлаштириш сиёсатини мамлакатнинг ташқи омилар таъсиридан ҳимояловчи, шунингдек, миллий ҳавфсизликка бўлган таҳдидларни олдини олувчи восита сифатида ҳам кўришимиз мумкин. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш натижасида давлат ўз ички бозорини нафақат арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, балки импорт ҳажмини қисқартириш ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ва хизматларни тақдир этиш имкониятига эга бўлади. Маҳаллийлаштириш натижасида аҳоли бандлик даражаси ва ижтимоий муҳит сифатини ошириш кўрсаткичига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 21 февралда “Импорт ҳажмини қисқартириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларини таҳлил қилиш, бу борадаги энг муҳим устувор вазифалар”ни белгилаб олишга бағишланган йиғилишдаги маърузаси. // <http://president.uz/2018> йил 21 феврал.
2. Большой энциклопедический словарь. Москва, 1997 г.
3. *Парсон Т. А., Чёрный Ю. Ю.* Человек в потоке истории: введение в социологию культуры Альфреда Вебера. — М.: Наука, 2006. 312 с.
4. Блауг М. Теория размещения промышленных предприятий Вебера // Экономическая мысль в ретроспективе = Economic Theory in Retrospect. — М.: Дело, 1994. — С. 578-580. — XVII, 627 с.
5. Блауг М. Вебер, Альфред // 100 великих экономистов до Кейнса = Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикс, 2008. — С. 59-61. — 352 с.
6. Тюнен, Иоганн-Генрих // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона: В 86 томах (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907. 56 с.
7. Utkin V. I. Control systems with decoupling motions / V. I. Utkin, A. S. Vostrikov // Preprints of 7-th kongress IFAC. Helsinki (Finland), 1978. 1978. Vol. 2., p.967-973.
8. Alshuler B L, Aronov A G Electron - Electron Interactions in Disordered Systems (Modern Problems in Condensed Matter Sciences, Vol. 10, Eds A L Efros, M Pollak) (Amsterdam: North-Holland, 1985) p. 1
9. A Schumpeterian Model of Growth in the World Economy: Some Notes on a New Paradigm in International Economics // *Weltwirtschaftliches Archiv*. 2001, Band 127, Heft 4.
10. Востриков А. С. Синтез систем регулирования методом локализации: Монография. Новосибирск: Изд-во НГТУ, 2007. 252 с.
11. Вальрас Леон Мари Эспри / Васильчук Ю. А. // Брасос — Вещ. — М. : Советская энциклопедия, 1991. — (Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров ; т. 4).
12. Allen P.M., Sanglier M. Self-Organization and Decision-Making (англ.) // *Environment and Planning*. — 2006. — Т. 13. — С. 167-183.
13. Boudeville J. Problems of Regional Economic Planning. - Edinburg, 1966. - P. 11.

14. Pottier P. Axes de communication et developpement economique // Revue Economique. - 1963. - № 1. - P 12-58.
15. M.Recife. Tinbergen J., BosH. Mathematical Models of Economic Growth. - New York, 2002.

References

16. Большой энциклопедический словарь. Москва, 1997 г.
17. Ю.Никинов Импортзамещающая политика и увеличение конкурентоспособности экономики России (Материалы круглого стола) . Москва, 2004 г. стр.3
18. А.Вазьянский Локализация производства как проблема современного менеджмента. Автореферат. Нижний Новгород, 2007 г. стр.7
19. А.Демин Государственная политика в области импортозамещения. Москва, 2004 г. стр.15
20. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққийти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришидир. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.42.

УДК 631:339.13

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

У.А. Мирзалимов

Аннотация: Ушбу мақолада олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ривожлантириши муаммолари ва уларнинг ечими баён этилган.

Калим сўзлар: таълим, таълим сифати, менежмент, инновацион менежмент, ахборот технологиялари.

Аннотация: В данной статье рассмотрены проблемы развития инновационной деятельности в системе высшего образования и пути их решения.

Ключевые слова: образование, качество образования, менеджмент, инновационный менеджмент, информационные технологии

Abstracts: In the given article problems of innovative activity development in the system of higher education and a ways of this decision are considered.

Keywords: education, quality of education, management, innovative management, information technology

Жамиятнинг маънавий-маданий, иқтисодий ҳаёти ва меҳнат бозорининг тараққийи талабларига мос равишда ривожланиб бориши тараққийнинг жадаллашуви, ахборот муҳитининг глобаллашуви кадрларга бўлган талабни мураккаблаштириб бораверади. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тўғрисидаги Қонунида комил инсон ва етук малакали мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш назарда тутилган, мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими (Миллий модел)нинг ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида Давлат Таълим Стандартлари ишлаб чиқилди, ДТСнинг жорий этилиши эса таълим мазмунининг ўзгаришига олиб келди, таълим жараёнида таълим мазмунининг ўзгариши эса таълимни модернизациялаш орқали амалга ошди. Таълимни модернизациялаш эса ўз навбатида таълимнинг сифатини таъминлайди натижада таълимнинг сифатли амалга оширилиши таълим самарадорлиги учун асос бўлади.

Таълимда юксак сифат кўрсаткичларига эришиш, энг аввало унинг фундаментал асосларини, шахснинг жамиятни ҳар бир фуқаросини истикболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгилаб берилган. Бинобарин, ҳар қандай таълим хусусан олий таълимнинг пировард мақсади ҳам энг аввало интеллектуал билим ва салоҳиятга эга бўлган кадрлар тайёрлашдан иборат.

“Халқимиз дунёқарашада инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир, - деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев, Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз” [1].

Таълим сифати - ДТСларини ижтимоий-иқтисодий тараққийи талаблари асосида талабаларда билим, кўникма ва малакалар билан бирга уларда ҳаётий компетенцияларни шакллантириш учун профессор-ўқитувчининг ўқув жараёни замонавий ахборот технологиялари асосида ва ўқитишнинг замонавий усуллари қўллаган ҳолда ташкил этиши, ўқув жараёнини шахсга йўналтирилган таълим параметрлари асосида олиб бориши, талабаларда билим, кўникма ва малака билан бирга уларда ҳаётий

компетенцияларни шакллантириши ва ўзининг касбий компетенцияларини доимий равишда ривожлантириб, такомиллаштириб бориши заруриятидир.

Таълим сифатини оширишда таълим тизимида инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш талаб этилади.

Умуман олганда, инновацион сўзининг маъноси инглиз тилидаги «innovation» сўзидан олинган бўлиб, сўзма-сўз таржимаси «янгилик» ва «янгилик киритиш» маъносини билдиради. Ушбу ҳолатда янгилик замирида янги тартибни, янги услубни, янги технологияни, яхшилашни, кашфиётни тушуниш мумкин.

Инновация (янгилик киритиш)ни янги илмий техник (технология), ташкилий-иқтисодий, ишлаб чиқариш ёки шу каби бошқа қарорларни биринчи марта амалиётга қўллаш тарзида аниқлаш мумкин.

Таълимда инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

Интерфаол («Inter» - бу ўзаро, «act» - ҳаракат қилмоқ) – ўзаро ҳаракат қилмоқ ва ким биландир мулоқот, суҳбат тартибида бўлишни англатади [2]. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиётлари – билим ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билим жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Ўтган асрда кенг кўламда ривож топган илмий-техник инкилоб иқтисодчиларнинг диққат-эътиборини ишлаб чиқариш соҳасида рўй бераётган турли технологик ўзгаришларга тортди. Шундай ўзгаришлардан бири биз юқорида таҳлил этишга ҳаракат қилган «инновация» тушунчаси билан аталади. Бугунги кунда инновация тушунчаси бирон-бир турдаги фаолиятнинг таркибий жиҳатдан янгиланишининг тубдан ўзгартирилишини ифодалайди.

Бунда мавжуд ташкилий тузилма ёхуд жараённинг алоҳида олинган унсурини нисбатан мукамалроқ бошқа бир унсур билан алмаштирилиши ёхуд мавжуд тизимнинг янгиликлар билан бойитилиши ҳисобига такомиллаштирилиши тушунилади. Демак инновация - мавжуд нарсанинг янги ҳолатга ўтиши ёки янги сифат касб этиши билан боғлиқ жараён сифатида эътироф этилишидир. Буни баъзида янгиликнинг амалиётга жорий этилиши, деб ҳам аташ мумкин.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар янгиликка иқтисодиёт билимларга асосланиб, инновацион иқтисодиёт деб аталса, инновацион муҳитда, инновацион билим, инновацион фаолият талаби асосида эса, инновацион маданиятга зарурият сезилмоқда [3]. Бу уч компонентни таҳлил қилар экан рус олими В.А. Бардовский олий педагогик таълим инновациясининг характерли томонини қуйидагича изоҳлайди: «Агар инновация деганда фақат янгиликни яратиш ва жорий этилишигина тушунилмасдан, балки тафаккурни ўзгартириш услуби ҳам тушунилар экан. Демак ҳар қандай инновация маданиятга ва ижтимоий муҳитга таъсир ўтказа олади [4].

Таълим инновациясига нисбатан аниқ таъриф А.В. Берестов тадқиқотларида кўзга ташланади. Олий таълимдаги инновацион жараённи изоҳлар экан, муаллиф бу муаммони, маданиятшунослик, психология, социология, менежмент, иқтисодиёт фанлари билан интеграциялашув даражаси ўсиб бораётганлигини қайд этади [5].

Юқоридаги фикрларга асосланиб, инновацияга янги билимларга эга бўлиш, ана шу билимларни ўзида акс эттириш фаолияти ёки фаолият натижаси, деган умумназарий тўхтамга келиш мумкин.

Олий таълимдаги инновацион жараён ҳам бошқа инновациялар каби даставвал инсонлар онгида мавжуд реаллик билан унинг идеал ҳолати ўртасидаги тафовут инъикоси сифатида шаклланади. Аксарият ҳолларда инновацион ғоялар тез ўсиб бораётган эҳтиёжлар билан нисбатан суст ривожланаётган ишлаб чиқариш тизимининг салоҳият имкониятлари ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф этишга интилиш асосида шаклланиб боради.

Таълим жараёнида баркамол авлод тарбиясида икки тушунча: таълим ва тарбия тушунчалари доимо бир-бири билан уйғун ҳолда ишлатилади. Таълим тушунчаси шахснинг маърифий ва тарбиявий даражасини орттириш орқали унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ўргатувчи билан ўрганувчилар ўзаро биргаликда амалга оширадиган дидактик фаолиятдир. Шахснинг амалий тараққиётини таъминлаш мақсадида қўриладиган дидактик чора-тадбирлар тизимидир [6].

Тарбия тушунчаси – биринчидан, янги авлод кишиларига катта авлоднинг ижтимоий тарихий тажрибасини бериш туфайли ривожланишини таъминловчи ижтимоий вазифа, иккинчидан, ижтимоий институтлар таъсири остида инсон субъектив-шахсий ва маънавий дунёсини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ мақсадга йўналтирилган, тизимлаштирилган ва онгли жараёнидир. Тарбия

– таълим билан ўзаро жипс боғланган ижтимоийлашишнинг асосий бўғини, таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланади [7].

Ўқитиш-тарбия жараёнида ўқитувчи марказий ўринда туради. Замонавий ўқитувчи – келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларни муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир. Ўқитувчининг ўқитиш-тарбия жараёнидаги асосий вазифаси – бу бошқарувчиликдир. Ўқитувчи шахс ва жамоанинг шаклланиши, ривожланиши, билим олиши ва тарбияланиши жараёнини бошқаради. Талабанинг ўқитиш-тарбия жараёнидаги асосий вазифалари қуйидагилардир: излаш, керакли билимларни мустақил излаб топиш, ахборот тўплаш ва уларни ишлата билиш, ўқишдир.

ОТМда инновацион ривожланиш стратегияси “нимани ўзгартириш” ва “қандай ўзгартириш”ни белгилаб бериши лозим. Бу саволларга ОТМни инновацион ривожланиш стратегияси жавоб беради. ОТМлар истеъмолчилар, келажакдаги қарши агентларни чуқур ўрганиш, рақобатчилар билан алоқа ўрнатиш, янги тижорат тузилмалар, уларнинг истиқболли ва ишончилигини аниқлаган ҳолда уларнинг талабларига йўналтирилган сиёсат олиб бормоқдалар. Узоқ муддатли мақсадлар ва инновацион стратегиялар ОТМнинг ички ва ташқи муҳити ўзгаришларида ўз ифодасини топмоқда.

Шундай қилиб, ОТМнинг инновацион асосда ривожланиш модули барча фаолиятлар сифати даражасини кўтариш ҳисобига таълим, илмий ва инновацион фаолиятда унинг реал рақобатбардошлигини оширадиган механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича чуқур интеграцияни талаб этади.

ОТМ нинг асосий инновацион вазифаси янги замонавий билимни бир бутун жараёнда ҳам оладиган, ҳам тарқатадиган, ҳам қўллай оладиган сифатли, рақобатбардош инновацион мутахассисларни техника ва технологияларнинг истиқболли соҳалари бўйича тайёрлаш ҳисобланади. Инновацион иқтисодиёт учун бундай мутахассисларни тайёрлаш - ОТМ учун инновацион муҳитни ва шу билан бирга унга мос малакадаги ва маданиятдаги профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантиришни талаб этади. ОТМда анъанавий ўқитиш, тадқиқотлар олиб бориш, малакавий ва тарбиявий вазифалардан ташқари сифат жиҳатдан янги инновацион ва тадбиркорлик вазифалари пайдо бўлди. ОТМ нинг асосий инновацион вазифаси янги замонавий билимни бир бутун жараёнда ҳам оладиган, ҳам тарқатадиган, ҳам қўллай оладиган сифатли, рақобатбардош инновацион мутахассисларни техника ва технологияларнинг истиқболли соҳалари бўйича тайёрлаш ҳисобланади.

Амалиёт кўрсатмоқдаки, ОТМ янги модели ўзида фундаментал таълимни, академик фанни мужассамлаштирган, ривожланган, кенг тармоқли юқори технологик инновацион тузилмалар ва кичик корхоналардан иборат бўлган ўқув-илмий, инновацион мажмуали янги модели миллий инновацион тизимда яратилаётган энг самарали тузилма элементларидан бўлиб ҳисобланади. Бир томондан, бу мажмуалар амалиётдагига нисбатан инновацион янгилликларни яратиш ва уларни бозорга чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлган сезиларли даражада катта илмий-техник ва инновацион салоҳиятига эга. Бундан ташқари улар инновацион иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлашга ўтмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим тизими афзалликларидан тизимли ва мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланиш таълим, академик ва тармоқ фанлари натижалари ва ютуқларини самарали инновацион интеграциялаш асосида инновацион фаолиятни ривожлантириш, мамлакатда самарали инновацион иқтисодиётни яратиш имкониятларини вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикаси ОТМларида инновацион фаолиятни самарали ривожлантириш жараёнида ўзига хос қатор муаммолар мавжуд. Чунончи:

1. Салоҳиятли кўпгина ёшлар тижорат фаолиятига ўтиб кетиши натижасида ОТМларда инновацион фаолиятни амалга оширишда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдалана оладиган профессор-ўқитувчи кадрлар танқис;

2. ОТМнинг моддий-техник базаси эскирганлиги ва унинг заҳиралари чекланганлиги;

3. ОТМнинг инновацион фаолиятини самарали ривожлантириш учун молиявий ресурслар танқислиги;

4. ОТМда инновацияларни жорий этишда профессор-ўқитувчилар томонидан ижтимоий-психологик тавсифдаги тўсиқлар вужудга келтирилиши;

5. ОТМни инновацион ривожлантириш учун меъерий базалари тўла шаклланмаганлиги.

Бу муаммоларни ҳал этиш ва Ўзбекистон иқтисодиётини инновациялар асосида ривожлантириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати олиб бораётган сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436 сонли қарори ёки 2008 йили 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратadbирлари тўғрисидаги” ПҚ-916 сон қарори мисол бўлиши мумкин.

Президентимизнинг бу фармонларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ОТМларни инновациялар асосида ривожлантиришнинг устувор йўналишлари амалга оширилмоқда. Бу йўналишлар бўйича вазирликнинг тегишли қатор буйруқ ва қарорлар қабул қилинди. Бунга 2008 йил 8 августдаги 237 сонли ва 166-сонли буйруқлари ва бошқа қатор буйруқлар мисол бўлади.

Қўйилган бу мақсадларни амалга ошириш учун ОТМда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

- таълим ва илмий-техник соҳада, фан ва техниканинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, билим олишнинг бирламчи босқичидан фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш, ички ва ташқи бозорда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичларини қамраб олган тўла инновацион циклни шакллантириш;
- таълим ва инновацион маҳсулот ҳамда хизматларни яратиш ва ишлаб чиқишда маркетинг фаолиятига таяниш;
- билим ва ихтироларни тижоратлаштириш, интеллектуал мулк ва технологиялар трансферини самарали ҳимоялаш асосида маркетинг фаолияти доирасида ишлаб чиқилган ангиликларни, янги технологияларни ОТМларида кенг тарқатиш тизимини яратиш;
- инновацион лойиҳаларни, уларни молиялаш йўллари қидириш, маҳсулотни бозорга чиқариш усуллари баҳолашнинг янги услубиятини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- инновацион жараёнларга олимлар, ўқитувчилар, талабалар ва докторантларни жалб этиш шароит ва имкониятларини, хусусан: бизнес инкубаторларни, технопаркларни ва бошқа инновацион тузилмаларни жалб этиш орқали илмий ва илмий-техник инновацияларни мажмуали қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш; илмий ва илмий-техник салоҳиятни устувор тадқиқотлар ўтказиш ва ишланмалар бўйича жараёнларда тўплаш; талабалар ва ёш мутахассисларни илмий фаолиятга жалб этиш мақсадида илмий-техник анжуманлар ўтказиш, илмий лойиҳалар ижрочилари ва раҳбарлари қатнашадиган ҳамкорликдаги тадбирларни ишлаб чиқиш;
- ўқув жараёнига ОТМларнинг инновацион фаолияти натижаларини жорий этиш;
- ОТМларга ёки унинг профессор-ўқитувчиларига тегишли интеллектуал мулк объектларини ҳимоялаш бўйича ягона тизимни, мавжуд инфратузилмаларни қайта қуриш орқали таълим ва илмий жараёнларга интеграция қилиш имкониятларини яратувчи янги инфратузилмани яратиш;
- ОТМларда ҳужжатлар ҳаракатини автоматлаштиришга ёрдам берувчи ва унинг ўқув, илмий ва ахборот блокларини бирлаштирувчи ягона ахборот тизимини яратиш;
- Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш давлат дастури доирасида ОТМларни ва Ўзбекистон Фанлар академияси ва унинг идоралари билан илмий фаолиятни модернизация қилиш режа тадбирларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш бўйича яқин алоқаларни ривожлантириш;
- трансфер ва технологиялар самарадорлигини ошириш, бюджетдан ташқари қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш, ОТМнинг инновацион ишланмалари маълумотлар банкини ва мониторинг тизимини яратиш;
- ОТМларни тармоқлар, ҳудудлар, концернлар, корхоналар ва бошқа хўжалик субъектлари билан илмий–инновацион ва таълим соҳасида яқин шерикчилигини таъминлаш;
- минтақа ОТМларининг ҳудудий илмий-техник сиёсатини амалга ошириш жараёнидаги иштирокини жонлантириш;
- инновацион тадбиркорлик соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш;
- ОТМ миқёсида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи (венчур молиялаш, халқаро ташкилотлар фондларини, ҳомийларни жалб этиш каби) янги молиявий–иқтисодий механизмлар жорий этиш бўйича тажрибалар ўтказиш.

ОТМ инновацион фаолиятининг устувор йўналишларини тадқиқ этганда у ҳам ўқув фаолияти, ҳам илмий фаолият олиб борувчи ташкилот эканлигини, бу йўналиш ангиликларни яратиш соҳасида ўзига хос мақсадларга асосланганлигини унутмаслик керак.

ОТМ тизимида инновацион таълим хизмати лойиҳалари икки йўналишда ишлаб чиқилмоқда:

- ОТМ миқёсида тизимли аҳамият касб этувчи лойиҳалар
- ОТМни устувор соҳалари бўйича инновацион лойиҳалар.

ОТМни ривожлантириш инновацион дастурининг устувор йўналишлари бўйича инновацион таълим лойиҳалари ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилаётган мустақил инновацион лойиҳалар ҳисобланади. Бу турдаги лойиҳалар бугунги кунда Республикамиз ОТМларида

кўпайиб бормоқда. Бундай лойиҳаларни ишлаб чикувчилари, эндиликда уларни техник-иқтисодий асослашга, ташқи молиялаштириш манбаларига кўпроқ эътиборларини қаратишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. “Халқимиз дунёқарашида инновация мухитини яратиш – энг муҳим вазифамиз”. Халқ-Сўзи газетаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/12383-1>
2. Каримов И. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Асарлар 7-жилд. Тошкент-«Ўзбекистон», 1999, Б.381.
3. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.:Истеъдод, 2008. – Б.15.
4. Новиков А.М. Российское образование в новой эпохе: парадоксы, наследия, векторы развития: публицистическая: монография. - М.: Эгвес, 2000. С.81-82.
5. Бардовский В.А. Теория и практика организационно –методического обеспечения инновационного развития высшего педагогического образования. – дис. на соиск. учен. степени д.п.н. – Санкт-Петербург, 1999. – С.115.
6. Берестов А.В. Инновационная деятельность в высшей школе современной России /текст/. дис.канд. соц.наук. - М: ПГБ, 2005. – С.97.
7. Тарбия: (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.10.

УЎТ:387

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ З.М.Мухаммедова, СамИСИ, PhD докторанти

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда туризмни инновацион ривожлантиришнинг муаммолари ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган, ҳамда соҳани инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида таклифлар берилган.

Калим сўзлар: туризм, инновация, экотуризм, қишлоқ туризми, агротуризм, туристик корхона, инновацион лойиҳа, инновацион фаолият, инновацион инфратизим.

Аннотация: В статье проанализированы проблемы инновационного развития туризма в республике и влияющие на него факторы. Кроме того, приведены предложения по инновационному развитию основных направлений отрасли.

Ключевые слова: туризм, инновация, экотуризм, сельский туризм, агротуризм, туристическое предприятие, инновационный проект, инновационная деятельность, инновационная инфраструктура.

Annotation: In this article analyzed problems of innovation development of tourism in republic and factors which influence to it. Beside it supplies main directions about innovation development of chief options of this sphere.

Key words: tourism, innovation, ecotourism, rural tourism, agro tourism, enterprise of tourism, innovation project, innovation activity, innovation infrastructure.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини ислоҳ қилиш қаторида туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳисобига соҳани янги босқичга кўтариш, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини замон талабларига мослаштириш бўйича қатор қарорлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666-сонли “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори туризм соҳасини янада қўллаб-қуватлаш ва ривожлантиришга қаратилгандир.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йилнинг 26 январидан 38-сонли “Самарқанд вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида” қарорнинг қабул қилиниши Самарқандда туризмни жадал ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Қарорга асосан вилоят ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, вилоятда саноат, қурилиш, хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар белгилаш назарда тутилган. Самарқанд вилоятида ҳам вилоят ҳокимининг 2017 йилнинг 28 январидан шу мазмундаги 35-Қ-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга асосан жами 4 та бўлим, 25

банддан иборат, молиявий қиймати 46,0 млн. АҚШ доллари, 18,4 млн. евро ва 3,4 млрд сўм микдоригадаги дастур тасдиқланди. Дастур 2 бўлим ва 10 та банддан иборат бўлиб, бевосита туризм соҳасида амалга ошириладиган вазифаларни қамраб олган. Дастур 2017 йилнинг ўзида вилоятда 40 та янги меҳмонхона, экотуризм ва қишлоқ туризми, агротуризм йўналишида сайёҳлик мажмуалари барпо қилиш, Пахтачи, Пайариқ ва Нуробод туманларидаги “Добусия” шаҳристони, “Кўктепа” ёдгорлиги, “Ҳазрати Довуд” зиёратгоҳи атрофларини ободонлаштириш, маданий мерос объектларини консервация ва реставрация қилиш, Ургут туманида хунармандчилик марказини тиклаш, Самарқанд халқаро аэропорти ва темир йўл вокзалида ахборот марказларини ташкил қилиш, Регистон майдонида театрлаштирилган томошаларни ташкил қилишни ўз ичига олган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 15 мартда 137-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унинг асосий мақсади туризм соҳаси ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларини халқаро туризм бозорларида фаол тарғибот қилишга қаратилган. Қарордаги муҳим янгиликлардан бири - туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари “Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг тасдиқланишидир. Бундан ташқари, ушбу қарор билан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик (меҳмонхона) йиғимни ундириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Ушбу қарор, шунингдек, туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларида яшовчиларнинг ҳисобини махсус электрон автоматлаштирилган дастурни қўллаб юритишни кўзда тутувчи назорат механизми яратилишини ва тизимга барча меҳмонхоналарнинг улаишини назарда туттади.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи доирасида берган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги № 450-сонли “2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда вилоят ҳокимининг шу мазмундаги қарори 2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини юксалтириш, вилоятда қишлоқ туризмни жадал ривожлантириш бўйича “йўл харита”сининг яратилишига асос бўлди.

Шу асосда вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган 2017 йил 6 июлдаги 356-Қ-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги №450-сонли “2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳақида”ги ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимининг шу мазмундаги қарорлари бевосита туризм соҳасида 2017-2019 йилларда амалда туризм соҳасида хизматларни кенгайтириш бўйича вазифаларни белгилаб берди.

Юқорида номлари келтирилган мажлис баёни ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорлари, йўналтирувчи, оралиқ ва топшириқ хатлари ижро учун бирдай юборилган бўлсада, айрим бандлар ижроси тўлиқ якунига етмаганлиги, муддатида бажарилмаган бандлар муҳокамаси ташкил этилмаганлиги ҳамда тегишли бандларга нисбатан менежмент нуқтаи назаридан ва тармоқ бошқармалари комплекс ёндашуви таъминланмаганлигини қайд этиш мумкин.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инновацион жараённинг асосий импульси бўлиб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан қабул қилинган «Инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2008 йил 16 июлдаги қарор мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилгандир. Ушбу қарор жамиятнинг мавжуд илмий-техник салоҳияти талабларидан келиб чиққан ҳолда, келажақда инновацион маҳсулотлар ва технологиялар ривожланишининг комплекс тадбирларини белгилаб берди.

Иқтисодиётдаги инновацион ва инвестицион фаолиятни жадаллаштириш талаблари кучайиб бораётган бир пайтда, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризм хизматлар бозорининг роли тобора ортиб бормоқда. Ушбу шароитда туризм хизматлар бозорида инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг самарали механизмларини излаб топиш ва қўллаш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда.

Туризм соҳасини ривожлантириш муаммолари бўйича нашр қилинган илмий ишлар, методологик ишланмалар ва амалий тавсияларни ўрганиш натижалари Ўзбекистоннинг туризм хизматлар бозорида инновацион жараёнларни қўллаш механизмларидан амалий фойдаланишнинг назарий асослари мажмуавий равишда тадқиқ этилмаганлигини кўрсатди. Шу туфайли ҳозирги пайтда ушбу муаммонинг ечимини топиш ўта долзарб масала бўлиб турибди.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларига инновацион жараёнлар тадқиқига оид кўпгина адабиётлар чоп этилган ҳамда бир қанча ишлар амалга оширилган. Масалан, баъзи олимлар ўз ишларида МДХ давлатлари ҳамда бошқа мамлакатлардаги илмий-техника ва инновацион фаолиятнинг замонавий тенденцияларини аниқлашга ва ушбу мамлакатларда олиб борилаётган инновацион сиёсатнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга уринганлар. Ўз моҳиятига кўра бу уринишлар фан, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўзаро интеграциялашув жараёнини ифодалайди. Инновацион фаолиятнинг натижаси янги маҳсулот ёки сифат жиҳатдан янги хусусиятли маҳсулотлар, янги ишлаб чиқариш воситаларини жорий қилиш, янги бозорни ўзлаштириш, хом ашё, бутловчи қисмлар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг янги манбаларини излаб топиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари жорий этишда кўрилади. Инновацион фаолиятни бошқаришнинг муҳим жиҳати инновацион инфратизимни ривожлантиришдир. Инновацион инфратизим ишлаб чиқаришдаги инновацион жараёнларнинг ривожланишини бевосита таъминловчи илмий техникага доир билимлар ва хизмат кўрсатишни умумлаштирувчи иқтисодий соҳаларидан бири ҳисобланади.

Хозирги пайтда туризм ривожини қонуниятларини янада чуқурроқ англаш учун инновацион ёндашувларнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олиш лозим бўлмоқда. Янги билимларни ўзлаштириш туризмнинг янги тизимини жорий қилиш механизминини фаоллаштиришга имкон яратиб беради. Инновацион концепцияни назарий жиҳатдан туризм тизимини тавсифлаш шакли сифатида тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Бутун тармоқ бўйича ривожланиш жараёнларини кўриб чиқадиган бўлсак, алоҳида фирмаларда жорий қилинадиган янгилик ҳар доим ҳам тубдан ўзгартирилган воқелик бўлавермайди. Чунки бу янгилик бошқа фирмада, бошқа соҳада қўлланилган бўлиши мумкин, мазкур даврда ундан маълум даражада самара олинган, ёки аксинча олинмаган даромад миқдорини тушириб юборган бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамадан, туристик фирма янгилик тарафдорлари ва унга қаршилар фикрини ўрганиб чиқади ва ушбу янгиликни жорий қилишда таваккал қилади. Янгиликни жорий қилишнинг муҳим хусусиятларидан бири самарага эришмаслик хавфидир. Аммо таваккалчилик ташкилотда инновацион фаолиятнинг мажбурий шарт бўлиб ҳисобланади.

Туризмнинг инновацион жиҳатларини ўрганиш иқтисодий фаолиятнинг одатдаги муаммоларига (масалан, тармоқда кечаётган таркибий ўзгаришларга) янада чуқурроқ назар ташлашга ундайди. У янгиликнинг реал иқтисодий муносабатларга мослашишига имкон яратиб беради. Инновацион фаолиятни ошириш иқтисодий вазифаларни ечиш воситалари орқали амалга оширилади.

Туристик хизматлар бозорини инновацион фаолият нуқтаи назаридан тадқиқ қилишда, бизнингча, қуйидаги икки турдаги инновацияларни фарқлаш лозим бўлади:

- янгиладиган инновациялар, яъни туристик маҳсулотнинг моҳиятини ўзгартирмасдан туриб, унинг алоҳида кўрсаткичларини янгилаш амалга оширилади;
- тубдан ўзгартирадиган шиддатли инновациялар – бунда бутун туристик маҳсулот ишлаб чиқишнинг янги, тамоман юқори даражаси назарда тутилади.

Шиддатли инновацияларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш жараёнида олимлар ва менежерларнинг ўзаро ҳамкорлиги ўта муҳимдир, компанияларнинг умумий мақсадларга эришишга қаратилган ўзаро узвий алоқалари уларнинг бозордаги позицияларини янада мустаҳкамлашга имкон яратади. Новатор, яъни янгиликка интилувчи туристик корхоналар тўғри, фундаментал инновацион дастурларни танлашда маҳорат ва кўникмага эга бўлишлари зарур. Туристик корхоналар имкониятдаги лойиҳалардан бирига тўхталишдан олдин ўзлари фаолият олиб борадиган умумий иқтисодий муҳитни ҳисобга олишлари керак. Маҳсулотларни қисқа муддатли модификациялашга ва унчалик аҳамиятли бўлмаган такомиллаштиришга мавжуд ресурсларни сарфламасдан, маълум даражадаги натижаларга эришиш, шунингдек, реал фойда ва даромадлар олиш имконини берадиган кенгайтирилган ҳамда истиқболли лойиҳаларни танлаш зарур. Аксарият ҳолларда инновацион дастурлар корхона фаолиятини узоқ муддатли режалаштириш билан узвий боғлиқ бўлади.

Бизнинг фикримизча, туристик корхоналар лойиҳаси тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилишдан олдин уни учта позиция бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- технологик тўсиқлар пайдо бўлиш эҳтимоли;
- корхона рентабеллигига таъсир кўрсатадиган иқтисодий муҳит омиллари;
- лойиҳани технологик ва иқтисодий амалга оширишга эришиш учун унинг устида ишлаш давомийлиги.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг БМТжаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида “ Бугунги кунда дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган вазият, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, тез-тез такрорланаётган жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирозлари халқаро туризм ривожини йўлида турли

муаммолар туғдириб, унинг олдига янги-янги талаблар қўяётганини, табиийки, биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз” - деб таъкидлаган ҳамда мамлакатда халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган куйидаги еттига энг муҳим омилларни белгилаб берган:

- 1) бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- 2) иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлигининг ошиб бориши;
- 3) бугунги кунда халқаро туризм ўрта синф учун дам олишнинг кенг тарқалган турига айланиб бориши;
- 4) сайёҳлик инфратузилмасининг ривожлангани, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбуллиги, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлиги, замонавий ахборот технологияларининг жорий этилгани;
- 5) мазкур соҳада кўп нарса туризм саноатига йўналтириладиган инвестициялар даражасига боғлиқ бўлиб, бу бюджет маблағларини ва мазкур соҳага маблағ сарфлаши учун хусусий капитал ва бизнесга давлат томонидан зарур имтиёз, преференция ва рағбатлантирадиган омиллар яратилишини, инфратузилма, меҳмонхона хўжалиги, транспортни ривожлантириш, замонавий алоқа ва бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлашни ўз ичига олади;
- 6) юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи омили;
- 7) виза масаласини ва туризм билан боғлиқ бошқа бюрократик расмиятчиликларни соддалаштириш, хусусан, сайёҳлик фирмалари фаолияти учун зарур молиявий кафолатлар бериш ҳозирги босқичда халқаро туризмни жадал ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Ушбу муҳим омиллар бугунги кунда туризм соҳасини инновацион ривожлантиришда ва туризм бозорини мукамал шакллантириш тамойилларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Шунга биноан туризм хизматлари бозорининг куйидаги инновацион ривожланиш йўналишлари таклифини мақсадга мувофиқ деб топдик ва булар куйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни жорий қилиш (“Туризм” тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш ва “Инновацион фаолият” тўғрисида меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш);
- корхона ва туристик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқарув тизимида янгиликларни (ташкилий инновацияларни) жорий этиш, жумладан, қайта ташкил қилиш ва йириклашув;
- эътиборни мавжуд туристик маҳсулотни ўзгартиришга ёки янгисини бренд асосида яратишга қаратиш;
- туристик хизматлар ва товарлар сотишнинг янги бозорларини аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш;
- илғор ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш;
- транспорт ва меҳмонхона хизматларини тақдим этиш ҳамда брон қилиш жараёнини соддалаштириш: Самарқанд мисолида транспорт тури, масалан Ҳазрати довудга замонавий транспорт тури йўқ.
- туристик корхоналар ташкилий-бошқарув фаолиятининг замонавий шаклларини амалиётга жорий этиш.

Мухтасар айтганда туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳисобига соҳани янги босқичга кўтариш, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини замон талабларига мослаштириш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниши, туризм тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш ва “Инновацион фаолият” тўғрисида меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш туризмни ҳуқуқий механизмларини такомиллашувига, пировардида уни инновацион ривожлантириш соҳани ЯИМдаги улушини кўпайишига, хизматлар экспортини ортиб боришига, банд аҳоли сонини ошишига, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалишига хизмат қилади ва Ўзбекистонда туризм индустриясини тараққий этиши учун имконият ҳозирлайди деб ҳисоблаймиз.

УЎТ 332.1

**ХУДУД ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****Т.Ж. Рахимов, УрДУ докторанти**

Аннотация: Мақолада ҳудудий иқтисодий тизимни такомиллаштириш механизлари кўриб чиқилган. Иқтисодий тармоқларнинг ўзаро таъсири ва иқтисодий тизимни барқарор ривожлантиришнинг оптимал механизлари таҳлил қилинган. Ҳудудий иқтисодий тизимлар учун В.Леонтьевнинг “Ишлаб чиқариш ва харажатлар” модели таклиф қилинган.

Калим сўзлар: ҳудуд, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий механизмлار, барқарор ривожланиш, модель, тармоқлараро баланс, иқтисодий тизим.

Аннотация: В статье рассматриваются механизмы совершенствования региональной экономической системы. Проанализированы оптимальные механизмы устойчивого развития экономической системы и взаимодействие экономических секторов. Предложена модель В.Леонтьева «Затраты и выпуск» для региональной экономической системы.

Ключевые слова: территория, социально-экономическое развитие территории, экономические механизмы, устойчивое развитие, модель, межотраслевой баланс, экономическая система.

Abstract: In this paper looked through mechanisms improvement of the regional economic system. Analyzed optimal mechanisms for sustainable development of the economic system and interaction of economic sectors. The application model of V.Leontiev "Cost-benefit analyses" was offered for the regional economic system.

Key words: territory, social and economic development of the territory, economic mechanisms, sustainable development, model, interindustry balance, economic system.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнларида мамлакатлар ҳудудларини иқтисодий ривожлантиришнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам изчил ўсишни таъминлаш кўп жиҳатдан ҳудудларнинг ривожланиш даражасига ва ўсиш суръатларига боғлиқдир. Бугунги кунда, ҳудудлар иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, уларни комплекс ривожлантириш дастурлари қабул қилинмоқда.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида ҳам “ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш масштабларни кенгайтириш ҳисобига ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасидаги фарқини камайтириш, энг аввало саноат ва экспорт салоҳиятини ўстириш йўли билан қиёсланган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш” [1] масалаларига катта эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида ҳудудларни иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда энг аввало, ҳудуднинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ёндашув талаб этилади. Хорижда ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришда ислоҳотларни марказлаштирилган ва тармоқли даражасидан минтақавий даражага ўтказиш механизми муҳим аҳамиятга эга. Ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришда самарали механизмларини шакллантиришда институционал ўзгаришларни чуқурлаштиришнинг роли катта бўлиб ҳудуднинг иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларни натижалари ва иқтисодий индикаторлар динамикасини баҳолашни талаб этади. Хорижий иқтисодчи олимлар бу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Россиялик олим Т.Н.Мацкевичнинг фикрига кўра, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини характерловчи кўрсаткичлар орасида комплекс кўрсаткич сифатида инсон потенциали ривожланиш индекси асосий ўринни эгаллайди [2].

Т.В. Погодина ва С.А. Бренчагова ўзларининг тадқиқотларида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайдиган кўрсаткичлар сифатида, ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат маҳсулоти ҳажми, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми, қурилиш пудратчилари томонидан шартномалар асосида бажарилган ишлар ҳажми, асосий капиталга киритилган инвестициялар, аҳолининг ўртача ойлик даромадлари, чакана товар айланмаси кўрсаткичларини кўрсатиб ўтадилар [3]. В.Парето ўзининг тадқиқотларида иқтисодиётда мутаносиблик ва иқтисодий мувозанатни таъминлашда албатта ресурсларнинг чекланганлиги ҳамда эҳтиёжларнинг чексизлигини инобатга олиш ҳақидаги назарияни илгари суради [4].

таксимлаш ва истеъмол қилишдаги талабларини мустақил таъминлайди ва ўз ривожланишини бошқара олиш қобилиятига эга” [8].

Худуднинг иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда:

- замонавий ахборот технологияларни ва янги экологик тоза техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш;

- илмий ишланмаларни ички бозорини ҳимоя қилиш, уни экспортини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- интеллектуал мулкни ривожлантиришга субсидиялар миқдорини ошириш;

- минтақа ресурс салоҳиятининг келажакдаги реал ҳолатини таҳлил қилиш билан бирга прогноз кўрсаткичларини ҳам бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи асосий кўрсаткичлар эканлигини эътиборга олиш зарур.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1) Худуднинг иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш ЯХМни янада ўсишига олиб келади, бу эса ўз-ўзидан худуд аҳолисининг даромади ва ҳаёт сифатини оширишга замин яратади. Даромади ва ҳаёт сифати ошган аҳоли тадбиркорликка, касаначиликка, фермерчиликка ҳамда ишлаб чиқаришга иштиёқи ортиб, бунинг натижасида худуд бюджетига тушумлар салмоғи янада ошади.

2) Худуд аҳолиси ва у ерда фаолият юритаётган иқтисодиёт субъектларини талаб ва эҳтиёжларини прогнозлаш орқали энг устувор вазифаларни аниқлаб янги механизмни шакллантириш зарур.

3) Худуд иқтисодий ўсиш механизмини такомиллаштиришда:

- хусусий корхоналар;

- давлат корхоналари;

- давлат нотижорат ташкилотлари;

-нодавлат, нотижорат ташкилотларини ЯХМда салмоғини баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

4) ЯХМни ташқи ҳамда ички омиллар таъсирида ўзгариб боришини ҳисобга олиб, янги молиявий институтларни ташкил этиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш реал сектор тармоқларида хусусий мулкчиликни ривожлантириш худудни иқтисодий тизимини барқарор ривожланишига замин яратади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».Lex.uz.

2. Мацкевич Т.Н. Проблемы социально-экономического развития региона: Монография. Ставрополь, 2004

3. Погодина Т. В., Бренчалов С. А. Анализ и интегральная оценка социально-экономического развития регионов Привольжского федерального округа // Региональная экономика: теория и практика. 2005. № 12.

4. Арон Р. Вильфредо Парето Этапы развития социологической мысли. –М.: Прогресс-Политика, 1992. стр. 98

5. Солиев А., Абдуназаров Х. Аҳоли ўсиши ва истеъмолларини ишлаб чиқаришнинг худудий хусусиятлари// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент №12-2003 -50-52 б.

6. Содиков А.М. Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари. и.ф.д. автореферати – Тошкент: Ўзбекистон миллий университети, 2006, 42 б.

7. Рузметов Б. Региональная экономика. Опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. – Т.: Фан, 2003.-219 с.

8. Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. Иқт.фан.бўйича док. (DSc) диссертацияси автореферати.Тошкент, 2017, 66 б.

УДК: 314.335.044.32

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШИНING ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

А. Садуллаев - УрДУ фахрий профессори

Аннотация: Мақолада Хоразм вилоятида мустақиллик йилларида демографик ривожланиш соҳасида, шу жумладан тугилиш, ўлим ва табиий ўсиш жараёнларида юз берган ўзгаришлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: демографик ривожланиш, аҳоли, туғилиш, ўлим, табиий ўсиш, соғлиқни сақлаш, репродуктив саломатлик, оилани режалаштириш.

Аннотация: В статье рассматриваются изменения в сфере демографического развития, в т.ч. в процессах рождаемости, смертности и естественного прироста населения в годы независимости в Хорезмской области.

Ключевые слова: демографическое развитие, население, рождаемость, смертность, естественный прирост, здравоохранение, репродуктивное здоровье, планирование семьи.

Annotation: The article considers changes in the sphere of demographic development, incl. in the processes of fertility, mortality and natural population growth during the years of independence in the Khorezm region.

Key words: demographic development, population, birth rate, mortality, natural increase, health, reproductive health, family planning.

Мамлакатларнинг иқтисодий режалари ва ривожланишида демографик омилларни албатта ҳисобга олиш вазифаси қўйиладики, Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида ушбу жараён амалиётга тўлиқ татбиқ қилинмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² ҳам аҳолининг соғлигини сақлаш ва турмуш фаровонлигини ошириб бориш масалаларига катта эътибор берилган. Анъанавий демографик жараёнларни (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишлар, ўртача умр кўриш даражаси ва ҳ.) тадқиқ ва таҳлил қилишда ресурслар, озиқ-овқат, хом-ашё манбалари, таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш, даромадлар ва истеъмол, аҳоли жойлашуви ва атроф-муҳит каби омиллар билан боғлаб ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда демографик вазиятни яхшилаш бўйича, айниқса болалар ва оналар ўлими, репродуктив саломатлик, оилани режалаштириш, таълим каби аҳоли ривожланишининг муҳим соҳаларида муваффақиятларга эришиш дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, унда ушбу соҳада аниқ мақсадлар, вазифалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

1-жадвал

Хоразм вилоятида аҳоли такрор барпо бўлиши кўрсаткичларининг ўзгариши, 1991-2016 йй³.

Йиллар	Туғилиш коэффициенти, промилле	Ўлим коэффициенти, промилле	Табиий ўсиш коэффициенти, промилле
1991	36,1	5,9	30,2
1995	29,3	6,0	23,3
2000	24,0	5,2	18,8
2005	21,7	4,6	17,1
2006	22,7	4,7	18,0
2007	24,4	4,6	19,8
2008	23,7	4,8	18,9
2009	25,4	4,3	21,2
2010	22,8	4,4	18,4
2011	21,7	4,4	17,3
2012	21,2	4,7	16,5
2013	22,7	4,4	18,3
2014	23,7	4,6	19,1
2015	22,8	4,5	18,3
2016	22,2	4,6	17,6

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий соҳада юз бераётган ижобий ўзгаришлар аҳоли сонининг ва таркибининг ҳолатига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмади. Ўзбекистонда аҳолининг мутлоқ сони ўсиб бораётганлигига қарамасдан, йиллик ўсиш суръатлари пасаймоқда. Агар, 1991 йилда ўсиш 2,3 % ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда фақат 1,7 % га тенг бўлди. Аҳоли сони ўсишининг ўзгариши асосан, туғилишнинг пасайиши ҳисобига бўлмоқда. 1991-2016 йиллар давомида туғилиш

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси \lex.uz

³ Хоразм вилоятининг демографик ҳолати. Хоразм вилояти статистика бошқармаси. Урганч 2017.

коэффициенти 34,7 дан 22,8 промиллегача пасайди⁴. Ўзбекистон минтакалари ичида иқтисодий ривожланиши ва демографик хусусиятлари жиҳатидан ажралиб турадиган Хоразм вилоятида ҳам кейинги йилларда аҳоли сонининг ўсиши камайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Вилоят аҳолиси 1991 йилдан 2016 йилгача 1097,8 минг кишидан 1767,7 минг кишигача (161,1 фоиз) кўпайди. Йиллик ўсиш суръатлари 2,5 фоизни ташкил қилди. Бу умумреспублика кўрсаткичларидан (2,1 фоиз) биров юқоридир. Вилоятда аҳоли сонининг ўсиши умумреспублика кўрсаткичларидан юқори бўлишига қарамадан, табиий ўсиш кўрсаткичларининг пасайиши яққол намоён бўлмоқда, ва у асосан туғилиш даражасининг камайиши ҳисобига юз бермоқда.

Кўриниб турибдики, аҳолининг табиий ўсиши кўрсаткичлари йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, бутун Ўзбекистонда, шу жумладан Хоразм вилоятида ҳам, аҳоли ўз ҳаётининг сифатий кўрсаткичларини яхшилаш учун оилани оқилона режалаштиришга ўта бошладилар.

Ўтган асрнинг 90 – йилларида туғилишнинг кескин пасайиши – ўтиш даврига хос бўлган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг оқибатидир, ва вазият барқарорлашуви билан туғилиш яна ўсади, деган фикрлар ҳам мавжуддир. Ҳақиқатда эса, анча мураккаб тизимли ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришлар дунёнинг ривожланган мамлакатлардаги каби моҳиятга эгадир, хатто уларда бу, анча қулай иқтисодий ўсиш шароитларида юз берган бўлса-да.

Кўпгина кучли ривожланган Европа давлатлари ҳам ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб туғилишнинг кескин пасайишини бошидан кечирдилар, лекин ҳеч бирида кейинчалик ўсишга айланмади. Ҳатто туғилиш аста-секин бўлсада яна пасайишда давом этмоқда.

Юқоридаги кўрсаткич туғилишнинг умумий коэффициенти бўлиб, ушбу жараённинг ўзгаришларини туғилишнинг йиғинди коэффициенти (15-49 ёш, яъни фертил ёшдаги ҳар бир аёлга тўғри келадиган туғилган болалар сони) янада аниқроқ кўрсатиб беради. Масалан, 1991 йилларда фертил ёшдаги бир аёл ҳаёти давомида туққан болалар сони, яъни туғилишнинг йиғинди коэффициенти 4,2 ни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда пасайиш тенденцияси кузатилди ва 2016 йилда бу кўрсаткич 2,4 ни ташкил этди.

Вилоятда демографик ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири юқори табиий ўсиш суръатларига ва вилоят умумий аҳолисида жуда юқори ҳиссага эга бўлган қишлоқ аҳолисининг сони мунтазам ўсиб бораётганлигидадир. Айнан, қишлоқ аҳолиси вилоят аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил қилиб, биринчи навбатда табиий ўсишнинг, туғилишнинг ва болалар ўлимининг ҳажмини белгилаб беради.

2-жадвал.

Хоразм вилояти туманларида туғилиш коэффициентлари,
1991-2016 йиллар⁵

№	Туманлар	1991 йил	2000 йил	2010 йил	2016 йил	2016 йил 1991 йилга нисбатан, ўзгариш
1	Богот	37,8	25,2	23,2	22,6	0,59
2	Гурлан	38,1	26,7	25,2	22,8	0,59
3	Кўшкўпир	38,0	25,1	23,4	22,6	0,59
4	Урганч	33,6	22,3	24,1	20,0	0,59
5	Хазорасп	37,2	27,3	26,3	23,4	0,63
6	Хонқа	38,7	26,1	26,3	22,8	0,59
7	Хива	37,6	27,5	25,3	22,9	0,61
8	Шовот	40,7	24,2	24,6	23,1	0,57
9	Янгиариқ	37,0	24,3	22,3	21,1	0,57
10	Янгибозор	39,7	24,9	24,5	22,8	0,57
	Жами	37,6	25,3	24,6	22,3	0,59

Лекин, вилоятнинг қишлоқ туманларида ҳам туғилиш даражасининг камайиши у ёки бу даражада юз берган. Бинобарин, бу баъзи туманларда умумий вилоят кўрсаткичидан юқорироқ бўлган бўлса, бошқаларида туғилиш даражасининг пасайиши камроқ суръатларда давом қилганлигини кузатишимиз мумкин. Туғилиш даражасининг юқори пасайиш суръатлари Шовот, Янгиариқ ва Янгибозор туманларида намоён бўлди. Уларда 2016 йилда туғилиш даражаси 1991 йилнинг 57 фоизини

⁴ Ўзбекистон Республикасининг демографик ҳолати. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.2017.; Максакова Т.П. Основные направления демографического развития Узбекистана после 2014 года. Ташкент 2015.

⁵ Хоразм вилоятининг демографик ҳолати. Хоразм вилояти статистика бошқармаси. Урганч 2017.

ташқил қилди, холос. Бунинг сабаби шу билан изоҳланадики, Шовот ва Янгибозор туманларида 1991 йилнинг ўзида энг юқори туғилиш даражаси мавжуд бўлгани учун ундан кейинги пасайиш юқори суръатларни ташқил қилган. Хазорасп ва Хива туманларида эса туғилиш даражасининг пасайиш суръатлари бироз пастроқ бўлиб, 2016 йилда у 1991 йилнинг мос равишда 63 ва 61 фоизи кўринишида бўлди. Сабаби Хазорасп туманида туғилиш даражаси ҳозирги кунда ҳам бошқа туманларга нисбатан бироз юқори бўлиб қолмоқда, Хива туманида эса таҳлил қилаётган давримизнинг бошида туғилиш даражаси бошқа туманларга нисбатан анча паст бўлган, ва ҳозирда туғилиш даражаси уларники билан деярли бир хил даражага келиб қолган.

Кейинги 25 йил давомида демографик жараёнларнинг ўлим кўрсаткичлари борасида ҳам ўзгаришлар юз бериб, ўлим даражаси пасайиб бораётганлиги намоён бўлмоқда, яъни 1991 йилда ҳар 1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффиценти 5,9 промиллега тенг бўлган бўлса, 2016 йилга келиб у 4,6 промиллегача қисқарди. Ушбу жараён, юқорида айтиб ўтганимиздек, республикада мустақиллик йилларида ривожланишидаги ижобий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, яъни аҳоли турмуш фаровонлигининг тобора юксалиб бораётганлиги, тиббиёт соҳасининг ривожланаётганлиги, кишиларнинг ўз соғлиғига нисбатан маъсулияти ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Аҳоли ўлимининг камайиб бориши ҳозирги кунда Ўзбекистонда энг муҳим ижтимоий - демографик ижобий ўзгариш ҳисобланади. Унинг даражаси нафақат демографик вазиятнинг ҳолатини, балки давлатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиши ва унинг фуқароларининг соғлиғи ҳолатини белгилаб беради. Трансформация даврининг мураккаб шароитларига қарамасдан, республикада ўлим даражасининг изчил камайиб бориши ва аҳоли ўртача умр кўриш даражасининг ошиб бориши кузатилмоқда. Гўдақлар, болалар ва оналар ўлимининг камайиб бораётганлиги Ўзбекистонда у ижтимоий сиёсатнинг асосий устиворлиги ҳисобланиб, юқоридаги кўрсаткичлар 2-3 баробар қисқарган. Шу билан биргаликда Республикада аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ошиб бормоқда (кейинги 20 йилда у 3,6 ёшга кўпайди). Саломатлик, тиббий хизмат, репродуктив саломатлик масалалари маҳаллий ўзини бошқариш органларидан тортиб, давлат органларининг ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг доимий назоратидадир.

Бинобарин, Ўзбекистондаги ҳозирги демографик вазият барқарор ижобий тенденция моҳиятига эга бўлиб, келажакда аҳоли такрор барпо бўлишига асос ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда аҳоли такрор барпо бўлишининг замонавий ёки оқилона тури вужудга келди.

Хоразм вилояти аҳолисининг асосий хусусиятларидан бири унинг таркибида ёшларнинг кўплигидир. Жумладан, вилоят аҳолисининг 2001-2016 йиллардаги ёш таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилган. Масалан, 2001 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар (0-15 ёшдагилар) улуши 40,4 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар (эркаклар 16-59 ёш, аёллар 16-54 ёш) 53,2 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар 6,4 фоизни ташқил этган бўлса, 2016 йилга келиб, ушбу кўрсаткичлар, мувофиқ равишда 30,9 фоиз, 61,0 фоиз ва 8,1 фоизга ўзгарган⁶.

Аҳоли таркибида болалар ва ёшларнинг кўп бўлиши бутун Ўзбекистон бўйича ҳам худди шундай кўринишда бўлгани учун мамлакатимиз «ёш аҳолилик» давлатлар қаторига киради. Ривожланган давлатлар эса аҳолисининг қариб бориши жараёнини бошидан кечирмоқдалар. Демографлар қариб бораётган аҳоли деганда, унинг таркибида қариялар ҳиссасининг ошиб боришини тушунадилар.

Мамлакат аҳолиси таркибида уларнинг ҳиссаси 7-8 % дан ошса, аҳоли қариб бораётган ҳисобланади. Асосий кўпчилик иқтисодий ривожланган ғарб мамлакатларида қариялар таркибига 65 ёшга кирган ва ундан ошган одамларни киритадилар. Айрим мамлакатларда (*ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам*) қариялар қаторига киритиш чегараси 60 ёш ҳисобланади. Шунга қарамасдан, бу гуруҳ ҳиссаси ҳамма вақт шартли ҳисобланади, чунки мамлакат аҳолисининг ёш таркибига ёшлар ҳиссаси катта таъсир кўрсатади. 20 ёшгача бўлган болалар ва ёшлар ҳиссаси қарияларга нисбатан уч-тўрт марта кўп бўлса, қарияларнинг ҳиссаси 8 % дан ошганда ҳам миллатнинг қариб бориши юз бермайди.

Кейинги 25 йил давомида аҳоли ривожланиши ҳолати ва динамикасини тадқиқ қилиш натижаларини умумлаштирган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистондаги, шу жумладан Хоразм вилоятидаги ҳозирги демографик вазият ижобий тенденцияга эга бўлган анча барқарор моҳиятга эгадир. Уни демографик хавфсизлик нуқтаи назаридан баҳолашда айтиш мумкинки, вазият анчагина қулай кўринишга эга. Бундай вазият иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг трансформацияси тизими таъсирида ва аҳоли демографик хулқ-атворининг ўзгариши натижасида юзага келгандир.

⁶ Хоразм вилоятининг демографик ҳолати. Хоразм вилояти статистика бошқармаси 2017 йил.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси. “Халқ сўзи” феврал 2017 йил.
2. Максакова Т.П. Основные направления демографического развития Узбекистана после 2014 года. Ташкент 2015.
3. Ўзбекистон Республикасининг демографик ҳолати. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.2017.
4. Хоразм вилоятининг демографик ҳолати. Хоразм вилояти статистика бошқармаси. Урганч 2017.

УДК: 330.338.482.4.6

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

С.К. Салаев, Урганч Давлат университети “Туризм ва иқтисодиёт” факультети декани, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Россия табиий фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Д.Т. Худайберганов, Урганч давлат университети “Туризм” кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг туризм салоҳияти ва уни оширишнинг омиллари ҳамда йўналишлари кўриб чиқилади. Шунингдек, минтақа туристик салоҳиятини ошириш бўйича айрим инновацион лойиҳаларнинг моҳияти ва амалга ошириш механизмлари баён этилади.

Калим сўзлар: Хоразм вилояти, туризм, туризм салоҳияти, виза, минтақа, туристик ресурс, туристик фирма, халқаро лойиҳа.

Аннотация: В данной статье рассматриваются факторы и основные направления повышения туристического потенциала Хорезмской области. Кроме того, излагается некоторые инновационные проекты по повышению туристического потенциала региона и механизмы их осуществления.

Ключевые слова: Хорезмская область, туризм, туристический потенциал, виза, регион, туристический ресурс, туристическая фирма, международный проект.

Abstract: This article examines the factors of increase and the main direction of increasing the tourist potential of the Khorezm region. In addition, some innovative projects to enhance the region's tourism potential and mechanisms for their implementation are outlined.

Key words: Khorezm region, tourism, touristic potential, visa, region, touristic resource, touristic firm, international project.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш шароитида туризм соҳасини кенг ривожлантириш алоҳида ўрин тутди. Чунки, туризм соҳаси бугунги куннинг энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий “феномени” сифатида жаҳон иқтисодиётидаги энг сердаромад соҳалардан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этмоқда ва ҳар йили бутун дунёда бир миллиард нафардан ортиқ киши саёҳат қилмоқда [8].

Хусусан, туризм соҳасини келажакда кенг тараққий қилдириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаларида ўз аксини тошган бўлиб, маърузаларда ҳудудларни комплекс ва интенсив равишда ривожлантириш борасида қабул қилинган янги мақсадли дастурларни амалга ошириш бўйича муҳим вазифа ва чоралар белгилаб берилган [1]. Дарҳақиқат, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида янги мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинди ва ҳар бир ҳудуднинг тараққиёти учун унинг долзарблиги белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Қарор асосида 2017 йил 4 майда 2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури қабул қилинди [2]. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши Хоразм вилояти ҳудудида туризмни келажакда барқарор ривожлантириш ва туризм салоҳиятини ошириш асосида ушбу соҳанинг ҳудудларни ривожланишига бўлган таъсирини кучайтиришдан иборат.

Аввало, мазкур имкониятларни тўлиқ юзага чиқариш учун туризм салоҳиятини ошириш лозим. Шу боисдан ҳам, туризм соҳасини республикаимизнинг ҳудудларида ривожлантириш асосида туризм салоҳиятини оширишнинг ҳуқуқий асослари таъминланмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Фармон асосида инвестицияларни кенг жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш ҳамда мамлакатнинг бой табиий, маданий-тарихий меросининг ресурслари ва имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳисобига туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди [3].

Уларга асосан, 2018 йил 10 февралдан бошлаб, Исроил, Индонезия, Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония фуқаролари ҳамда Ўзбекистонга мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим тартиби белгиланди ҳамда бошқа 39 та давлатларнинг фуқаролари учун туризм визаларини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинди [3]. Бевосита мазкур мамлакатлардан Хоразм вилоятига катта миқдорда туристлар ташриф буюриб, туризм салоҳиятини оширишда муҳим ўринларни эгалламоқда.

Шунингдек, туризмдаги расмиётчиликларни янада соддалаштириш ва туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилиш мақсадида 2018 йилнинг 1 майидан бошлаб, Ўзбекистонда транзит бўйича ҳаракатланаётган чет эллик йўловчиларга 72 соатлик кириш визалари бериш жорий этилди [4]. Мазкур имкониятнинг юзага чиқиши ҳам туризм салоҳиятини оширишга қаратилган йўналиш бўлиб, унга асосан туризм дастурлари бўйича танишув турлари учун туристларнинг аэропорт чегара ҳудудидан ташқарига қисқа муддатли назорат қилинадиган ҳолда чиқиш тартиби белгиланди. Мазкур ҳолда йўловчиларда учинчи мамлакатга авиачипта ва визаси бўлиши ҳамда консуллик йиғимларини тўлаши лозим.

Куйи Амударё минтақаси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан таркиб топган. Бирок, Хоразм вилояти “кичик минтақа” сифатида туризмга ихтисослашган алоҳида ҳудуд ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон минтақаларининг (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг катта қисми) ўзига хос маданий ва маҳаллий хусусиятларга эга эканлигини ҳисобга олиб, бу ҳудудга туризмни самарали ривожлантириш керак ҳамда “туристик минтақа” деб қараш тўғри бўлади [5].

Туристтик минтақа ўзининг бой туристик ресурсларига эга бўлади ва улардан самарали фойдаланадилар, булар бевосита келажакда туризм салоҳиятини оширишга катта хизмат қилади. Хоразм вилояти туристик ҳудудда туристик ресурслардан ҳозирги кунда 208 та маданий мерос объектлари, шу жумладан 20 та археологик, 124 та тарихий-меъморчилик ёдгорликлари, 7 та ансамбл, 28 та диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳлар рўйхатга олинган [6]. Вилоятга “турист” сифатида ташриф буюраётган республикамиз ва хориж мамлакатларининг фуқаролари мазкур ресурсларни кўришга, уларни қизиқиб томоша қилишга ва унинг атрофида маданий хордиқ чиқаришга келишиб, бевосита уларнинг келиши вилоятда фаолият олиб бораётган туристик фирмалар томонидан амалга оширилмоқда.

Хоразм вилоятида ўз фаолиятларини олиб бораётган 21 та туристик фирмалардан 7 таси томонидан республикамиз ҳудудлари бўйлаб саёҳатларни ташкил этиш ҳудудлари танланган. Мазкур ҳудудларнинг туризм салоҳияти юқори бўлиб, туристларни бевосита жалб қила олади. Чунки, уларнинг мақсади Хоразм вилоятида туризм салоҳиятини ошириш орқали туризм соҳасини барқарор ривожлантириш ва юқори фойда олишга эришиш ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал. Хоразм вилоятидаги туристик фирмаларнинг саёҳатларни ташкил этиш ҳудудлари [7]

№	Турфирмаларнинг номи	Танланган ҳудудлар
1	“Mitra travel” МЧЖ	Тошкент шаҳар ва Қашқадарё вилояти
2	“Zukhro travel” МЧЖ	Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри
3	“Golden ring travel” МЧЖ	Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари
4	“Xiva gold tur” МЧЖ	Самарқанд вилояти
5	“Expert navigator” МЧЖ	Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти
6	“Xorazm ko'hi nur” МЧЖ	Навоий ва Тошкент вилоятлари
7	“Atlas travel agency” МЧЖ	Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари

Юқоридагилардан ташқари, Хоразм вилоятида келажакда туризм салоҳиятини ошириш мақсадида турфирмалар, шунингдек хорижий мамлакатлар билан ўқув ва илмий фаолият соҳасидаги ҳамкорлик яхши йўлга қўйилиб, Урганч давлат университети олимлари томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида халқаро лойиҳалар тайёрланди ва хорижий мамлакат экспертларига тақдим қилинди. Лойиҳалар туризм салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган қуйидаги мавзу ва йўналишларда намоиш қилинди:

- **электрон хариталар ва навигаторларни татбиқ этиш.** Ушбу лойиҳанинг асосий вазифаси маршрут координаталарни аниқлаб олиш, Хоразмнинг тарихий ёдгорликларини паспортларини тузиб чиқиш ва воҳани электрон харитаси ва навигаторларини яратиш ҳамда шулар асосида “Олтин халқа” туристик маршрутини ишлаб чиқиш. Бунинг учун тадқиқот ишлари энг янги технологиялар билан жиҳозланган ГИС-лабораторияларида ўтказилади ва лойиҳа доирасида иш олиб бораётган

мутахассислар картография бўйича КРАСС лойиҳаси доирасида 10 йиллик малакавий иш малакасига эга бўлишлари талаб қилинади.

Ҳамда археологик объектларнинг координаталари аниқланади, электрон хариталар тузиб чиқилади ва доимий равишда янгиланиб туради. Шу билан бирга, тўпланган маълумотлар навигаторларга жойлаштирилади. Тарихий объектларнинг паспортлари тузилади ва кўпгина хориж тилларига таржима қилинади ҳамда буклетлар кўринишида тарқатиш чоралари кўрилади. Келгусида мазкур тажриба иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Жумладан, турли мақсадларда фойдаланувчилар учун вилоятдаги объект ва йўлларнинг электрон хариталари тузилади ва навигаторлар ёрдамида истеъмолчиларга етказилади.

- **Хоразм вилояти туристик салоҳиятининг энциклопедиясини яратиш.** Мазкур лойиҳа ўз ичига тарихий-маданий, экологик, агро- ва гастрономик туризм турлари, шунингдек туристик фирмалар, миллий либослар ва тақинчоқлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, меҳмонхона ва хостеллар ҳамда транспорт тизими каби мавзуларни камраб олади.

Хоразм вилояти туристик салоҳиятининг мазкур тўлақонли ва тизимли мажмуавий каталогини яратиш орқали вилоят туристик салоҳиятининг халқаро ва миллий даражалардаги ахборотлилик даражаси ошади. Бунда туризм салоҳиятининг барча унсурлари ва ресурслари ягона китоб каталогиди жамланади. Ташриф буюрувчилар вилоят туризми ҳақидаги тўлиқ ва батафсил маълумотларга тез ва қулай тарзда эга бўладилар.

Мазкур лойиҳа халқаро ташкилотлар, элчихона ва консулликлар, хорижий ва миллий туристик ташкилотлар, меҳмонхоналар, юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан кенг миқёсда қўлланилади. Ҳамда лойиҳани амалиётга татбиқ қилиш натижасида халқаро ва миллий даражада Хоразм вилоятининг туризм салоҳияти комплекс тарзда тарғиб қилинади ҳамда туристик оқимни 2-2,5 баробарга оширишга олиб келади.

- **“Calligraphy art of ancient Khiva” мобил иловасини яратиш.** Мазкур лойиҳа асосида “Ичан-қалъа” ҳудудида жойлашган меъморий обидалардаги ҳаттотлик санъати асосида битилган эпиграфларни ўқиш ва яхши тушунишга имкон берувчи мобил илова яратилади. Мобил илова 7 тилда, яъни инглиз, рус, немис, француз, испан, араб ва хитой тилларида яратилади.

Лойиҳанинг асосий мақсади - маҳаллий ва хорижий туристларга қадимий обидаларда битилган ёзувларнинг маъно-мазмунини тушуниш ва бу орқали уларнинг қадимий шаҳар Хивага бўлган қизиқишларини янада кучайтиришга имконият яратишдир. Чунки, бугунги кунда узоқ йиллик тарихга эга бўлган туристларнинг эътиборини доимий равишда ўзига қаратиб келаётган ҳаттотлик санъатининг номоддий маданий меросини асраш ва оммалаштиришга қаратилган тизимли ва замонавий ахборот технологиялари асосидаги ишланмалари мавжуд эмас. Шу боисдан ҳам, мазкур лойиҳа ўз ичига мазкур номоддий маданий меросни кенг тарғиб қилиш ва туристларга янада янги қулайликларни яратиш қабиларни олади. Натижада, вилоятга кўпроқ хорижий туристлар жалб қилинади ва келажакда Хоразм вилоятининг туристик жозибадорлигини янада оширишга кўмаклашади.

- **“Ичан-қалъа” аудио гид мобил иловасини яратиш.** Лойиҳанинг асосий мақсади Хива шаҳридаги “Ичан-қалъа” кўрикхонасининг тарихий обидалари билан танишиш учун хориждан келадиган туристларга мўлжалланган аудио-гид мобил иловасини яратишдир.

Маълумки, аудио-гид - мустақил равишда туристик объектлар билан танишмоқчи бўлганлар учун фонограмма бўлиб, бугунги кунда Лувр, Буюк Британия ва Метрополитен санъат музейлари ўз экспонатларини таништириш учун аудио-гидлардан фойдаланмоқдалар. Мазкур мобил илова “Ичан-қалъа” ичидаги меъморий ёдгорликлар билан 6 хил тилда танишиш имкониятини яратади ва ушбу тилларда ёдгорлик тўғрисида муҳим маълумотларни топиб олиш мумкин.

Иловани интернет тармоғига уланмасдан туриб фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиб, айниқса бу ташриф буюрувчилар учун жуда қулай. Ҳамда илова Android ва IOS платформалари учун яратилади ва бунинг учун махсус аудио-гид мосламасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Мазкур лойиҳа натижасида осонлик билан ҳар хил тилларда “Ичан-қалъа” кўрикхонаси ичидаги ёдгорликлар тўғрисида маълумот олиш, индивидуал тарзда экскурсия қилишни хоҳлаган туристларни жалб қилиш ва хориж аудиториясига тарихий ёдгорликларни таништириш орқали туристик манзилнинг имижини яратиш имконияти яратилади.

- **“Ичан-қалъа” аркидаги археологик ёдгорликни консервациялаш.** Мазкур лойиҳанинг асосини Хива шаҳри “Ичан-қалъа”нинг хон қароргоҳи бўлган Кўхна Арк ҳудудида сақланиб қолган ноёб археологик қазилма қолдиқларининг консервациялаш ишларини олиб бориш ташкил этади. Археологик объектнинг устига қалин шиша қопламасини ўрнатиш тарихий объектнинг асл ва умумий ҳолатда томоша қилиш имконини бериши билан биргаликда, турли хил салбий табиий таъсирлардан ҳимоя қилиш имкониятини вужудга келтиради.

Лойиҳани амалга оширишнинг илк босқичида тадқиқотлар натижасида очилган Кўҳна аркдаги археологик ёдгорликнинг худудлари чегараланиб, атрофлари баланд бўлмаган бетон девор билан ўралди. Кейинги босқичда эса бутун ёдгорликнинг худуди шиша конструкция-бостирмалар билан ёпилади. Мазкур лойиҳанинг амалиётга жорий этилиши “Ичан-Қалъа” худудида археологик объектларнинг кўпайиши, барқарор сақланиши ҳамда хорижий туристларнинг хон қароргоҳи тарихи ҳақидаги тасаввурлари ва қизиқишининг ортишига сабаб бўлади.

Юқорида келтирилган лойиҳалар келажакда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини оширувчи омилардан бири бўлиб хизмат қилиши билан бирга Хоразм вилоятида туристлар оқимининг кўпайишига, кириш туризмнинг миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айланишига ҳамда вилоятнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларининг кенг тарғиб қилинишига олиб келади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлиси”даги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майда қабул қилинган ПҚ-2953 сонли “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралда қабул қилинган ПФ-5326-сонли “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралда қабул қилинган ПҚ-3509-сонли “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
5. Хайитбоев Р., Матякубов У. Экологик туризм. - Самарқанд: СамИСИ, - 2010. - 60 б.
6. Рўзметов Б., Матякубов У., Худойбергенов Д. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш истиқболлари. В сб: “Актуальные проблемы туризма -2009” Сборник научных трудов. Выпуск №1. -Т.: «ДП Патент -Пресс», 2009. - 138 с.
7. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилояти худудий бошқармасининг маълумотлари
8. UNWTO Tourism Highlights, 2017 Edition. www.tourlib.net/wto/WTO_highlights_2015.pdf.

УДК: 338.242.2

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Б. Хайтбоева, Урганч Давлат университети ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодиётида енгил саноатнинг аҳамияти ва унинг ривожлантириши истиқболлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилади. Шунингдек, мамлакатда енгил саноатни ривожлантиришида инвестицияларнинг жалб қилувчанлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: енгил саноат, инвестиция, диверсификация, стратегия, инвестиция сиёсати, инвестиция лойиҳалари, рақобатбардош маҳсулот, экспорт салоҳияти.

Аннотация. В данной статье рассматривается значение и перспективы развития легкой промышленности в Узбекистане. Также, приведены предложения и рекомендации по повышению инвестиционной привлекательности в развитии легкой промышленности.

Ключевые слова: легкая промышленность, инвестиция, диверсификация, стратегия, инвестиционная политика, инвестиционные проекты, конкурентоспособная продукция, экспортный потенциал.

Abstract. This article discusses the importance of light industry in Uzbekistan and the prospects for its development. So, proposals and comments on increasing the investment attractiveness in the development of light industry are presented.

Key Words: light industry, investment, diversification, strategy, investment policy, investment project, competitive products, export potential.

Кириш

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда энгил саноатни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар, мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базалар яратилиб, уларнинг самарасида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар салмоқли ютуқларга эришди ва сифат жиҳатидан ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Шу даврда тармоққа 2,5 миллиард доллардан ортиқ сармоя жалб этилиб, 200 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилган. Бугунги кунда энгил саноат мамлакатимизнинг макроиқтисодий мажмуасида мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947- сон Фармонининг 1-илоvasида келтирилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш» вазифаси кўйилган. [1]

Республика тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишини таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга янада илгари суриш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш борасида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда [1].

Ўзбекистон Республикасининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 24 январда қабул қилинган 5285-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида тўқимачилик саноатини янада ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилганлиги мамлакатимизда энгил саноатни янада ривожлантиришга замин яратади [2].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш механизмларини такомиллаштиришда энгил саноат тармоғини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, биринчи навбатда энгил саноат капиталнинг тез айланма ҳаракати билан ишлайдиган тармоқ ҳисобланса, иккинчидан, унинг технологик жараёнлари қишлоқ хўжалиги, кимё саноати ва бошқа соҳаларга йўналтирилган. Шу боисдан соҳани янада ривожлантириш учун мамлакатимизда қулай хом-ашё ресурслари мавжуд.

Машҳур иқтисодчилар, жумладан Николас Калдор, Рагнар Нерске ва Артур Льюис томонидан ишлаб чиқилган таркибий ўзгаришларнинг анъанавий иқтисодий назариялари ишчи ўринларини яратиш ва иқтисодий ўсишнинг асоси – саноатлаштириш деб қарашган. Қайта ишловчи саноат иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим роль ўйнаши тўғрисидаги мунозаралар бугунги кунгача давом этмоқда [3].

Россиялик тадқиқотчи Жаркова Н.Н. “Энгил саноатни ривожлантиришнинг кластер модели” да келтиришича, саноатда кластер модель – бу бошқаришнинг янги технологик усули бўлиб, у рақобатбардошликни оширишга имкон беради. Кластернинг асосларини кластерни шакллантирувчи корхоналар ташкил этиб, улар тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда кластерга хизмат кўрсатувчи хом ашё ресурсларини етказиб берувчи корхоналардир. Кўпчилик ривожланган давлатлар миллий инновацион шакллантириш ва тартибга солишда кластернинг ушбу ёндашув тизимларидан фойдаланадилар [4].

Жаҳон экспертларининг берган баҳоларига қараганда, кейинги даврларда Ўзбекистон Республикаси энгил саноатида сифат ва миқдор жиҳатидан жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу ўзгаришлар республика ички бозорини сифатли саноат моллари билан тўлдириш, уларни экспортга йўналтириш учун ишлаб чиқариш ҳажмини юксалтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш борасидаги ишлар орқали яққол намоён бўлмоқда. Айни чоғда тармоқни янада юксалтиришнинг асосий омили сифатида бир маромда жалб этиладиган маҳаллий ва хорижий сармоялар асосий аҳамият касб этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёти университетининг тадқиқотчиси А. Султоновнинг фикрича, энгил саноат корхоналари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда улардан фойдаланиш йўналишларини ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек, “аҳоли, яъни, ишловчиларнинг энгил саноат корхоналарига киритадиган ресурси фақат меҳнат” деган тушунчадан воз кечиш, аҳолининг бошқа ресурс турларидан: капитал, интеллектуал ва ахборот ресурсларидан энгил саноат корхоналарида самарали фойдаланиш лозим [5].

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани батафсил ёритишда илмий тадқиқотларнинг илмий мушоҳада, анализ ва синтез, суҳбат, назарий ва эмпирик усуллари билан кенг фойдаланилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2017 йил) [6,8]

№	Ишлаб чиқариш тармоғи	Млрд.сўм	2016 йилга нисбатан фоизда
I.	Қайта ишлаш саноати (ишлаб чиқарадиган саноат)	112681,5	106,4
1.	Озиқ-овқат, ичимликлар, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	28332,3	95,0
2.	Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	20999,5	102,6
3.	Машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш	20188,5	139,0
4.	Ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш	3484,6	104,3
5.	Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1269,3	118,1
6.	Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш	3735,6	98,9
7.	Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш	13348,4	105,7
8.	Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	1481,6	113,6
9.	Бошқа нометалл минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш	7114,6	108,8
10.	Металлургия саноати	11651,0	109,2

Таҳлил ва натижалар

Республика саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жихатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида республика корхоналари томонидан 144,2 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 107,0 % ни, саноат ишлаб чиқариш индекси эса 104,6 % ни ташкил этди [7,8].

Шунингдек, 2017 йилда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта жиҳозлаш меҳнат унумдорлигини 2016 йилга нисбатан 5,6 % га ошиши таъминланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида бир қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилиши натижасида, 2017 йил январь-декабрь ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 20 999,5 млрд. сўмни ташкил қилган ва бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 102,6 %ни ташкил этган [7,8].

Мамлакатимизда ўтказилиб келаётган Халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаларида Ўзбекистон хар йили тайёр ва ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотлар экспортига оид 1 млрд АҚШ доллардан ортиқ шартномалар имзолайди.

Энг йирик қийматли шартномалар асосан Россия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур ва Молдова давлатлари билан имзоланади. Хорижий компания вакиллари Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари сифати ва нархини юқори баҳолашади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳ қилиш ва либераллаштириш жараёнларини изчил давом эттириш натижасида 2017 йил давомида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми жами 144 185,3 миллиард сўмни ташкил қилган, шундан 112 681,5 миллиард сўм ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари маҳсулотларига тўғри келмоқда (1-жадвал).

Юқоридаги жадал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 20 999,5 млрд. сўмни ташкил қилган ва бу кўрсаткич жами қайта ишлаш саноатининг 18,6 фоизини ташкил қилган.

Қолаверса 2017 йил давомида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 60 719,2 млрд. сўм (доллар эквивалентида 11,9 млрд. АҚШ долл.) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2016 йилга нисбатан 107,1 % ни ташкил қилди. Жами асосий капиталга инвестицияларнинг 61,0 % Тошкент шаҳри, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида ўзлаштирилди (мос равишда жами инвестицияларнинг 19,0 %, 18,1 %, 16,8 % ва 7,1 % миқдори). Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида юқори инвестицион фаоллик кузатилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суратлари кузатилган ҳудудларни кўрадиган бўлсак: Бухоро вилоятида 151,7 % (11 008,9 млрд. сўм), Қашқадарё вилоятида 123,5 % (10181,9 млрд. сўм), Сурхондарё вилоятида 138,5 % (2949,1 млрд. сўм), Тошкент шаҳрида 103,7 % (11525,9 млрд. сўм)

ўшиш суръати кузатилди. Тошкент, Фарғона, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга инвестицияларнинг ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 3,6 – 50,9 % га камайди.[6,8]

(2-жадвал)

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар

<i>Иқтисодий фаолият турлари</i>	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>	
		<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>
Асосий капиталга инвестициялар - жами	60719,2	100,0	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2004,3	3,2	3,3
Тоғ - кон саноати	12405,3	18,1	20,4
Ишлаб чиқариш саноати	8746,8	14,4	14,4
Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5262,5	5,3	8,7
Қурилиш	2472,3	4,6	4,1
Бошқа фаолият турлари	29,828	54,4	49,1

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жами асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг 14,4 % и ишлаб чиқариш саноати тармоқларига тўғри келмоқда, бу эса 8 746,8 млрд. сўмни ташкил қилмоқда.

2017 йилда Республикада 49 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият юритаётган бўлиб, 10,2 мингта корхоналар ташкил этилган, улардан: Тошкент шаҳрига 2,6 мингта корхона, Фарғона вилоятига 1144 та корхона, Тошкент вилоятига 1057 та корхона, Самарқанд вилоятига - 895 та, Наманган ва Андижон вилоятларига 800 тадан ортиқ корхона, Бухоро вилоятига 500 тага яқин корхона, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларига 400 тадан ортиқ корхона, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларига 300 тадан ортиқ корхона, Навоий ва Сирдарё вилоятларига 200 тадан ортиқ корхона тўғри келади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодиёт ва жамият ҳаётида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Шундай бўлсада, истиқболда Ўзбекистон нафақат саноатнинг техник даражаси, балки ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳам чинакам индустриал мамлакат мақомини олиш учун ҳал этиш зарур бўлган куйидаги муаммолар мавжуд:

Биринчидан, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялашнинг ҳозирги босқичи бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган куйидаги хусусиятларга эга: халқаро рақобатбардошлик даражасининг пастлиги; саноатнинг энергия ва ресурс сиғимдорлигининг юқорилиги; қўшилган қиймат даражасининг пастлиги; ишлаб чиқариш қувватларининг ортиқчилиги; минтакавий ва тармоқлараро ривожланишнинг номутаносиблиги; атроф-муҳитнинг ифлосланиши.

Иккинчидан, ишчи кучи тезлик билан ўсаётган бир шароитда, саноатнинг нисбатан капитал сиғимдорлиги юқорилиги сабабли саноатдаги янги барқарор иш ўринларининг сони етарли даражадаги тезлик билан яратилмаётганлиги.

Учинчидан, саноат технологиялари асосан четдан ўзлаштирилиши, тадқиқот ва ишланмаларга инвестициялар оқимининг қониқарли даражада эмаслиги, миллий корхоналарнинг инновацион салоҳияти чегараланганлиги – иқтисодиётни модернизациялашга тўсик бўлувчи омиллар сифатида намоён бўлмоқда.

Тўртинчидан, ресурсларнинг чегараланганлиги ва атроф-муҳитнинг ҳолати саноатни барқарор ривожлантириш йўлларини фаол равишда излашни талаб қилмоқда.

Фикримизча, юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш бўйича куйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- хорижий инвестицияларни жалб қилишда худудий жиҳатдан ёндашувни таъминлаш, яъни мамлакатимиз минтақаларини иқтисодий ривожланишини бир маромда олиб бориш мақсадида, оқсаб қолаётган худудларга инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш. Бу борада, мамлакатимиз томонидан махсус минтақаларда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун имтиёзлар яратиш;

- меҳнат ресурслари юқори бўлган худудларда енгил саноат корхоналарини ташкил этиш орқали аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга эришиш;

- соҳа тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш мақсадида хорижий инвестициялар жалб қилувчанлигини ошириш ва имкониятларни кенгайтириш;

- ўзлаштирилган саноат жараёнларини такомиллаштириш билан бирга, алоҳида эътиборни янги ва юқори технологияларни жорий қилиш, инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва давлат инновацион тизимини яратишга қаратиш лозим;

- саноат корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш ва юқори технологик маҳсулот экспортини кўллаб-қувватлаш бўйича самарали халқаро инновацион ҳамкорликка жалб қилиш механизмларини яратиш.

Ўйлаймизки, юқорида санаб ўтилган ислохотларни амалга ошириш мамлакатимизда нафақат энгил саноат, балки барча ишлаб чиқариш тармоқларини иқтисодий ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини янада такомиллашувига олиб келади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Lex.uz.
2. “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 24 январда қабул қилиган 5285-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
3. Lin, Justin, 2011, “New Structural Economics: A Framework for Rethinking Development,” World Bank Research Observer, Vol. 26, No. 2, pp. 193–221; Rodrik, Dani, 2011, “The Manufacturing Imperative,” Project Syndicate.
4. Жаркова Н.Н. Кластерная модель развития легкой промышленности. Москва, 2011
5. Султанов А.А. Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг асосий йўналишлари. Монография. Т.: “ITA-PRES”, 2015, 164-б.
6. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси (2017 йил январь-декабрь) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
7. www.uza.uz Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти.
8. www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитасининг расмий сайти.

УДК: 796.57

ВЕЛОТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛИ ТУРИСТИК ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА

Ш. Ш. Рахмонов СамИСИ, талаба

М.Т. Алимова и.ф.д., СамИСИ, Маркетинг кафедраси мудири

Аннотация: Мақолада туризм соҳасининг дунё иқтисодиётидаги ўрни ҳамда халқаро туризмнинг ривожланиши тенденциялари ёритилган. Шунингдек, бугунги кунда кўплаб хорижий мамлакатларда ривожланиб бораётган туризмнинг барқарор шаклларида бири бўлмиш велотуризм, ушбу туризм турининг аҳамияти, тур учун инфратузилма яратилишининг зарурияти, дунё велотуризм маршрутлари ва велотуризм ривожланган мамлакатлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Мамлакатимизда ҳам ушбу туризм турини ривожлантиришнинг аҳамияти ҳамда велотуризмнинг истиқболли туристик йўналиши эканлиги баён этилган.

Калит сўзлар: актив туризм, велотуризм, велоўйлақлар, веломаршрутлар, «Халқаро велосипедчилар иттифоқи», «Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси».

Аннотация: В статье рассмотрены роль туризма в мировой экономике, а также тенденции развития международного туризма. Кроме того, представлены сведения о велотуризме, как одной из устойчиво развивающейся формы туризма во многих зарубежных странах, о значении данного вида туризма, важности создания инфраструктуры для тура, маршрутах велотуризма в мире, а также о странах мира, где развит велотуризм. Обозначено значение развития велотуризма в нашей стране, а также как перспективного туристического направления.

Ключевые слова: активный туризм, велотуризм, велодорожки, веломаршруты, «международный союз велосипедистов», «федерация велосипедного спорта Республики Узбекистан».

Abstract: The article considers the role of tourism in the world economy, as well as the trends of the development of international tourism. In addition, here is presented information on cycle tourism as one of the steadily developing forms of tourism in many foreign countries, the importance of this type of tourism, the importance of creating an infrastructure for the tour, cycling routes in the world, as well as countries of the world where cycle tourism is developed. There is indicated significance of the development of cycling in our country, as well as a promising tourist direction.


Key words: active tourism, cycle tourism, bike routes, bike itineraries, “International Union of Cyclists”, “Federation of bicycle sports of the Republic of Uzbekistan”

Бугун туризм дунё иктисодиётининг жадал ривожланаётган йирик тармоқларидан бири бўлиб, жаҳонда экспорт салоҳияти бўйича кимё ва ёнилғи саноатидан кейинги учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Дунё Саёҳат ва Туризм Кенгаши (World Travel&Tourism Council)нинг 2016 йилги маълумотларига кўра, соҳанинг дунё ЯИИДаги улуши 10,2 фоиз, хизматлар экспортидаги улуши 6,6 фоиз ва жами киритилган инвестициялардаги улуши 4,4 фоизни ташкил этган ҳамда бу кўрсаткичлар 2027 йилга келиб мос равишда 11,4 фоиз, 7,2 фоиз ва 5,0 фоизни ташкил этиши башорат қилинмоқда [1, б.1]. Туризм йилдан-йилга инсонлар ҳаётига тезлик билан кириб бораётган бўлиб, уларнинг яшаш тарзининг ажралмас бир қисмига айланиб бормоқда ва уларнинг саёҳатлари халқаро даражада валюта оқимининг ошишига ҳам ўзининг катта ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Дунё бўйлаб саёҳат қилган хорижий туристлар сони ва улардан тушган даромадлар статистикаси [2]

Йиллар		2011	2012	2013	2014	2015	2016
Хорижий туристлар сони		983 млн	1 млрд 35 млн	1 млрд 87 млн	1 млрд 133 млн	1 млрд 186 млн	1 млрд 235 млн
Хорижий туристлардан тушган даромадлар (АҚШ долларарида)		1 трлн 30 млрд	1 трлн 75 млрд	1 трлн 159 млрд	1 трлн 245 млрд	1 трлн 260 млрд	1 трлн 220 млрд
Ўтган йилга нисбатан фарқ	Туристлар сони (% да)	4,6	4,0	5,0	4,3	4,6	3,9
	Тушган даромадлар миқдори (% да)	3,9	4,0	5,0	3,7	4,4	2,6

Бугунги кунда халқаро туристлар турли мақсадларда саёҳат қилаётган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи – 53 фоизи дам олиш, рекреация ва таътил мақсадида, 27 фоизи соғлиғини тиклаш, диний, дўстлар ва қариндошларни кичага ташриф, 13 фоизи иш ва касбий мақсадларда, 7 фоизи аниқ белгиланмаган мақсадларда саёҳат қилишмоқда [3, б.5] ва улар ўз саёҳатлари давомида актив туризм турларидан баҳраманд бўлишни хоҳлашмоқда. Актив туризм турларидан бири бўлган велотуризм ҳозирда кўпчилик туристлар таркибини қизиқтириб, уларни ўз доирасига бирлаштирмоқда. Ушбу турнинг асосий элементи ҳисобланган велосипедда ҳаракатланиш эса спорт, рекреация, марокли дам олиш ва туризм фаолиятининг энг барқарор шаклларида биридир. Бугун велотуризм туризм хизматлар бозорининг кескин суръатларда ривожланаётган актив туридан бири саналади. **Велотуризм (велосипед туризми)** – туризмнинг бир тури бўлиб, бунда ҳаракатланишнинг асоси ва бирдан-бир манбаси бўлиб велосипедлар хизмат қилади [4, б.3]. Велотуризм кўп қиррали тушунча бўлиб, бу тур нафақат актив дам олиш, балки спорт машғулотларидан ажралмаган ҳолда туристик фаолият билан шуғулланишнинг қулай ва самарали усулидир. Актив дам олиш турлари орасида велотуризм ўзининг ҳаракатланиш тезлиги ва маршрут узунлиги билан етакчилик қилади. Бундан ташқари бу туризм тури туристларни ёш жиҳатдан категорияларига ажратмайди. Бу турдан ёшлар билан бир қаторда ёши катталар ҳам соғлиғини тиклаш, тоза ҳавода сайр қилиш, ҳордиқ чиқариш мақсадида фойдаланишлари мумкин. Велотуризм саёҳатчиларга ажойиб пейзажлардан йўл-йўлакай баҳраманд бўлиб ўтиш, шу билан биргаликда саёҳат давомидаги вақтни спорт машғулоти билан ўтказиш имкониятини беради. Шунинг учун велосипеддан нафақат узоқ масофаларни яқин қилишда, балки туризмни ривожлантиришда ҳам фойдаланиш мумкин.



1-расм. Томас Стивенснинг велосипедда дунё бўйлаб қилган саёҳатининг харитаси

Ушбу турнинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дунёни велосипедда айланиб чиққан ilk саёҳатчи Томас Стивенс ҳисобланиб, у ушбу мураккаб саёҳатни 1884-1887 йиллар оралиғида амалга оширган. Қизиқарли томони шундаки, у саёҳатида велосипедларнинг эски конструкцияларидан бири бўлмиш, ҳаракатланиш жуда қийин бўлган – олд ғилдираги катта велосипеддан фойдаланган (1-расм). Шунингдек, у пайтда велосипедларда шина мавжуд бўлмаган [5, б 3].

Бугунги кунда кўпгина мамлакатларда велотуризм учун деярли барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, жумладан, GPS-навигаторлар, махсус йўлаклар, велосипедлар, велорюкзаклар, велосумкалар, тунаш жойлари ва бошқа зарурий элементлар мавжуд. Тур учун асосий инфратузилмалардан бири бўлмиш велоёўлакларнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлмоқда ва ривожланмоқда. Мисол учун, Польшада кечкурун мовий нур таратадиган велоёўлаклар мавжуд бўлиб, улар кун бўйи қуёш нурларидан энергия олади ва 10 соатгача велоёўлакларни ёритиб туради.

Велотуризм учун энг муҳим элементлардан яна бири, бу велотуристлар учун махсус меҳмонхоналар ҳисобланади. Бундай меҳмонхоналар 1 тадан 5 тагача велосипедлар билан баҳоланиб, велосипедлар сони ошиши билан ундаги хизмат сифати, қулайликлар ошаверади (2-расм).

Ҳозирги кунда велотуристлар учун дунё бўйича юздан ортиқ бир-бирдан ажойиб веломаршрутлар ишлаб чиқилган. Лекин уларнинг ҳаммасидан фойдаланишнинг иложи йўқ. Қуйида худудларда ишлаб чиқилган ва ер юзида тан олинган 10 та энг зўр веломаршрутлар келтирилган:

1. Уайт ороли, Англия;
2. Прованс, Франция;
3. Тасмания, Австралия;
4. Сан-Хуан ороллари, АҚШ;
5. Миллий шоссе №1, Вьетнам;
6. Клер Графлиги, Ирландия;
7. Ла-Фарола, Куба;
8. Кейп-Бретон ороли, Канада;
9. Фриули-Венеция-Джулия, Италия;
10. Отага яриморолли, Янги Зеландия.



2-расм. Велотуристлар учун махсус меҳмонхоналар даражалари белгиси [6, б.13]

Велотуристларга сифатли хизмат кўрсатиш туризм бозорида халқаро рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради. Шунинг учун велотуризм суёт ривожланган мамлакатлар ушбу туризм тури ривожланган давлатларнинг (Германия, Австрия, Канада, Австралия, Буюк Британия, Дания, Финландия, Нидерландия, Швецария) амалиётлари ва тажрибаларини ўрганишмоқда.

Австрияда велотуристларнинг маълумот олишлари жуда осон бўлиб, ҳам миллий ҳам худудий даражада юқори ташкиллаштирилган. Велоёўллар бўйича миллий туризм порталида (<http://www.austria.info/>) бутун мамлакат велотурлар бўйича маълумотлар (www.radtouren.at) бериледи.

Буюк Британияда 2012 йилда 149 миллион кунлик ва 1,23 миллион бир кундан ортиқ бўлган кичик велосафарлар амалга оширилган бўлиб, булар мамлакат иқтисодиётига мос равишда 1,83 миллиард ва 0,41 миллиард фунт стерлингга даромад келтирган. Шунингдек, Шотландияда хордик чиқариш учун велосипед ҳайдовчилари умумий велосипед ҳайдовчиларнинг 45 фоизини ташкил этади [7, б.13].

Италияда велотуризм учун иккита ассоциация шакллантирилган: Италия Велосипед Меҳмонхоналар консорсиуми (The Italy Bike Hotels consortium) ва Яшил Италия консорсиуми қошида Трек&Велосипед Меҳмонхоналар бренди ҳисобланади (The Trek&Bike Hotels Brand).

Данияда велосипедда ҳаракатланишнинг аҳамиятини кўрсатувчи фактлар:

- ўртача олиб қаралганда, ҳар бир даниялик кунига 1,5 км масофани велосипедда босиб ўтади;
- 2013 йилда Данияда 500 000 велосипед сотилган;
- Копенгагенда ишга ва ўқишга қатнайдиغان данияликларнинг 45% велосипедда ҳаракатланадилар;
- аҳолисининг 10 тадан 9 тасида шахсий велосипеди мавжуд;
- мамлакатда тахминан 300 та велосипед ҳайдовчилари учун клублар мавжуд.

Германияда Велосипед Ҳайдовчилари Ассоциацияси (The German Cyclist's Association) мавжуд бўлиб, ушбу ташкилотнинг берган маълумотларига кўра, сўнгги йилларда мамлакатда велосипедда ҳаракатланиш 11% га ошган. 2015 йилда германияликларнинг 25% ўз саёҳатлари давомида велосипедлардан фойдаланганлар [8, б.24].

Словениянинг кўплаб ҳудудлари велотуризм учун ихтисослашган. Триглав миллий парки атрофлари, Похорже ҳудуди, Нотранжска парки, Словения кирғоқ бўйлари, Идрижско, Керклжанско, Короўка ҳудудлари, Словениянинг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий ҳудудлари велотуризм ривожланган марказлардандир.

Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда велоспортга ва велосипеддан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, 2017 йилнинг 21 декабр куни пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган «Халқаро велосипедчилар иттифоқи» (UCI) Президенти Давид Лапартъен ва Осиё велосипед спорти конфедерацияси (АСС) Президенти Усама Аҳмад Абдуллоҳ Аш-Шафар бошчилигидаги делегация ҳамда «Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси», Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси раҳбарлари ўртасидаги расмий учрашув бу йўналишга қўйилган илк қадамлардан бўлди.

Учрашувда томонлар ушбу спорт турини юртимизда янада ривожлантириш, бунга ёшларни оммавий жалб қилиш орқали етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг иқтисодори ва қобилиятларини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш бериш ҳамда «Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси» ва «Халқаро велосипедчилар Иттифоқи» ўртасида ҳамкорликдаги лойиҳаларни кенгайтириш ва уларни амалга оширишга доир ишлар муҳокама қилинди. Шунингдек, учрашув давомида 2019 йилда шоссе йўналиши бўйича Осиё чемпионатини ўтказиш, Президентимизнинг «Чорвоқ» эркин туристик зонасини яратиш тўғрисидаги қарорига асосан «Tour de Charwak Lake» халқаро велопойгаси ўтказилиши каби масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ўз навбатида, Халқаро велосипедчилар иттифоқи ва Осиё велосипед спорти конфедерацияси қайтадан ташкил қилинган Tashkent City минтақавий велосипед клубининг турли халқаро мусобақаларда иштирок этишини таъминлаш ва амалий ёрдам беришни кўшимча қилишди.

Шунингдек, «2019 Asian Road & Para Cycling Championships» велоспорт-шоссе йўналиши бўйича катталар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган чемпионат 2019 йил март ойда тарихда илк бора Ўзбекистон Республикасида ўтказилади. 2018 йил 18 февралда Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Осиё Велоспорт Конфедерацияси (АСС) Конгресси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда 12 давлат Федерациялари раҳбарлари иштирок этишди. Йиғилишда «Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси» Осиё чемпионатини ўтказишга номзод сифатида киритилди. Осиё Велоспорт Конфедерацияси (АСС) очиқ йиғилишида 34 мамлакат делегатлари иштирокида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси велоспорт-шоссе йўналиши бўйича катталар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган «2019 Asian Road & Para Cycling Championships» чемпионати мезбони деб эълон қилинди. Шу ўринда Осиё Велоспорт Конфедерацияси (АСС) қоидаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳри навбатдаги Осиё Велоспорт Конфедерацияси (АСС) Конгресси ўтказиладиган шаҳар деб белгиланди. Чемпионатнинг 2019 йил март ойда Ўзбекистон Республикасида ўтказилиши, 2020 йил Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига қатнашишида терма жамоамиз учун муҳим бўлган рейтинг очколарни беради.

Бизга маълумки, мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристларнинг ёши асосан 55 ёшдан ошган ва уларнинг кўпчилиги тарихий-маданий туризм ихлосмандлари ҳисобланадилар. Велотуризмни ривожлантириш орқали биз нафақат туристлар учун янги йўналишни очамиз, балки ватанимизга ташриф буюрувчи ёшлар сонининг ошишига ҳам йўл очган бўламиз. Чунки, бугунги кунда айнан актив туризм турлари ёшлар орасида оммабоп турлардан саналади. Мамлакатимизда ҳам ушбу туризм турини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Самарқанд шаҳри мисолида олиб қарайдиган бўлсак, велотурларни ривожлантириш учун дастлабки қадамлар қўйилган. Шаҳарнинг марказий қисми, Мустақиллик кўчасида велосипедларни ижарага бериш хизмати (rent a bike) мавжуд бўлиб, хизматдан ҳозирда асосан ёшлар фойдаланишмоқда. Тур давомида улар Мустақиллик кўчаси, Алишер Навоий номли истироҳат боғи ва Ёшлар марказий хиёбони атрофи бўйлаб велосипедда ҳаракатланмоқдалар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда ҳам ушбу туризм турини ривожлантириш учун етарли даражада имкониятлар мавжуд. Фақатгина бунинг учун асосий инфратузилма ҳисобланмиш велоўлакларни шакллантириш, туристлар учун қизиқарли ва такрорланмас веломаршрутлар ишлаб чиқиш керак. Шунингдек, велотуризмнинг асосий объекти ҳисобланмиш велосипедлар, уларни ижарага бериш шахобчалари, велотуристлар учун йўл бўйларида кичик ва арзон меҳмонхоналарни ташкил этиш ҳамда велотуристларга ахборот берувчи марказлар фаолиятини ривожлантириш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. World Travel&Tourism Council, Travel&Tourism Economic Impact 2017 World, 16.
2. UNWTO нинг йиллик нашрлари асосида муаллифлар томонидан тузилди
3. UNWTO Tourism Highlights 2017 Edition, 3 б.
4. HOW TO PROMOTE BIKE TOURISM GLOBALLY, Original scientific paper, Accepted 24 February 2017, 3 б.
5. Thomas Steven's bicycle journey, The New York Times, October 3, 1885, page 3
6. Josip Rotar, Aleksandra Gantar, Danijela Kočiš, Matej Pehnec. How to develop cycle tourism? Maribor, 2012, 13 б.
7. Ivan Zovko, The value of cycle tourism, Opportunities for Scottish economy, 2013, 13 б.
8. Knowledge transfer project: Cycling tourism, Cycling tourism in USA, Denmark, Germany, the Netherlands, Sweden and their perceptions of Norway as a cycling destination, Oslo, august 2016, 24 б.
9. Ш.Ш. Рахмонов, Велотуризм, Самарқанд 2018, 5-6 бетлар.

ТАРИХ ФАНЛАРИ

УДК: 930.85

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ САВДО-ТИЖОРАТ АЛОҚАЛАРИДА ИМПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХОНЛИК ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ (XVI – XIX АСРЛАР)*Н.А. Аллаева, т.ф.н., доц. ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими*

Аннотация: Мақола сўнги ўрта асрларда Хива хонлигининг қўшни давлатлар билан олиб борган ўзаро савдо алоқаларини кўрсатиб беришга қаратилган. Унда четдан келтирилган маҳсулоларнинг тури ва кўлами ҳамда уларнинг хонлик иқтисодиётига кўрсатган таъсири масаласи таҳлил этилган. Мақолада Хива хонлигига қўшни давлатлардан импорт қилинган маҳсулотлар билан бирга, уларнинг турлари ва ўзига хос географияси ҳамда транзит савдо алоқалари орқали кириб келган инглиз, француз (фаранги) ва хитой моллари ҳақида ҳам апрофлича маълумот берилган.

Калим сўзлар: Хива хонлиги, савдо алоқалари, импорт моллари, ҳунармандчилик буюмлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, бозорлар.

Аннотация: Статья посвящена изучению торговых отношений Хивинского ханства с соседними странами в позднесредневековом периоде. В ней анализируются виды и ассортимент ввозимого из соседних государств товаров, а также влияние их на экономику ханства. В статье также приводятся обобщенные сведения об импортированных в Хивинское ханство товарах, об их видах и особенностях географии, а также о английских, французских и китайских товарах.

Ключевые слова: Хивинское ханство, торговые отношения, импортные товары, ремесленные изделия, сельскохозяйственные продукты, базары.

Abstract: The paper investigates external trade-commercial relations of the Khiva Khanate with neighboring countries in the early modern period. Through brief review of local goods exported to other entities, there are made explicit analyses on imported products and their role in development of the khanate's economy. There are presented comprehensive data about sorts and certain geography of goods that brought from neighboring countries, as well as delivered by transit English, French and Chinese products.

Key words: Khiva Khanate, trade relations, import products, handicrafts, agricultural products, bazaars.

Миссионерларнинг даъвати ҳам, дипломатик келишувлар ҳам, қурол кучи билан бўйсиндиришлар ҳам халқларни ҳаётини эҳтиёж ва фойда алмашинуви, яъни савдо-сотиқ сингари бирлаштира олмайди¹.

Ўрта Осиёнинг йирик савдо марказлари қатори ўз даврида Ғарб билан Шарқнинг иқтисодий алоқаларида муҳим ўрин тутган Хоразм ўлкаси қўшни халқлар билан қизғин савдо алоқаларини олиб борган.

Хива хонлигида ҳунармандчилик чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, унинг анъанавий турлари сўнги ўрта асрларда ҳам ривожланиб борган. Унинг давомийлиги ўзбек халқ амалий санъатининг юксак намунаси сифатида бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Сифати ва безагига кўра Хива хонлигида аҳоли турли табақасининг эҳтиёжлари учун тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари ташқи бозорда ҳам ўз харидорларига эга бўлган. Хонликда тўнлар учун ишлаб чиқарилган *ипак, ярим ипак ва ип газламалар, канавислар, бахмал, бўз* ва бошқалар кенг тайёрларган. Шу жиҳатдан, Хивада *чопон* тикиш жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу ернинг чопонлари ўзининг сифати ва кўриниши билан бошқа худудларникидан ажралиб турган ва қўшни худудларда машҳур ҳисобланган.

Хива хонлигидаги устахоналарда нисбатан кўпроқ тайёрланадиган маҳсулот шагринь (*шагран-қизил чарм*) бўлиб, терига ишлов бериш яхши йўлга қўйилган.

Хива телпақларига қўшни хонликларнинг бозорларида ҳам талаб катта бўлган ва улар бозорларда юқори нархларда сотилган. Ҳунармандчилик маҳсулотларидан ташқари Хоразм деҳқонларининг маҳорат билан етиштирган *қишлоқ хўжалиги масулотлари*, хусусан, “шарқда ҳам, ғарбда ҳам тенги йўқ” деб таърифланган Хоразм қовунлари, олмалари, шунингдек зотдор от ва хачирлар нафақат яқин қўшни мамлакатлар, балки узоқ ўлкаларга ҳам олиб кетилган.

Хива хонлигидан бошқа давлатларга олиб чиқилган маҳсулоларнинг тури ва ҳажми маълум даражада унинг кўлами ҳақида маълумот беради. Шу билан бирга, хонликка четдан келтирилган

¹ Хрулев С. Проект устава товарищества для развития торговли со Среднею Азиею // Туркестанский сборник. Спб., 1883. Т. 375. С. 73.

моллар унинг иқтисодийётига сезиларли таъсир кўрсатганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Шу жиҳатдан, ушбу мақолада Хива хонлигига импорт қилинган маҳсулотлар, уларнинг турлари ва ўзига хос географияси масаласини кўриб чиқиш мақсад қилиб қўйилди.

Мавжуд маълумотлар Хива хонлиги бозорларига қўшни давлатлардан келтирилган маҳсулотлар билан бирга, транзит савдо алоқалари орқали узоқ ўлкалардан, жумладан инглиз, фаранг ва хитой моллари ҳам олиб келинганлигини кўрсатади.

Эрондан келтирилган моллар:

XVI аср ўрталарида шарқ мамлакатларининг иқтисодий аҳволи, улар билан савдо-тижорат алоқаларини йўлга қўйиш имкониятларини тадқиқ этган савдо агенти Антоний Женкинсон Урганч бозорлари ҳақида ёзар экан, у аҳамиятсиз даражада деб таърифлаган бўлсада, “бу ердаги бозорларда сотиладиган асосий молларнинг Бухоро ёки Эрондан келтирилиши”ни қайд этган².

Эрондан *Маишҳад камони ва ёйлари, рангли кимхоб, ранг-баранг ипаклар, пўлат ханжарлар* Хоразмга етарли даражада олиб келинганки, улар ҳатто рус подшоларига совға қилиб юборилган. Хусусан, 1585 йилда элчи Ҳожа Муҳаммад орқали Рус подшоси Федор Ивановичга юборилган Хива хони Ҳожи Муҳаммадхоннинг қимматбаҳо совғалари ичида олтин ва турли ранглар билан ишлов берилган Маишҳад ёйлари қайд этилган³. 1615 йилда Хива хони томонидан рус подшоси саройига юборилган кўпдан-кўп совға-саломлар орасида эса, *рангли қизилбош кимхоби, маишҳад камони, ранг-баранг қизилбош ипаклари, қизилбош пўлат ханжарлари* санаб ўтилган⁴.

XVI – XVIII асрларда Бухоро хонлигининг ташқи савдо алоқаларини тадқиқ қилган О. Бертон Эрондан иккала хонликка [*Бухоро ва Хива*] келтириладиган моллар ичида *ипак* ва ундан ташқари *отлар* ҳам бўлганлигини қайд этган⁵. Мавжуд маълумотлар кейинги даврда ҳам *ипак* матоларининг келтирилиши давом этганлигини кўрсатади. XIX асрга оид архив ҳужжатларини тадқиқ этган Д. Валиеванинг кўрсатишича, бу даврда Ўрта Осиё савдогарлари Исфаҳондан *худ-боф* деб номланган *ипак* матоларини олиб келишган. Шунингдек, муаллиф томонидан, Эрондан *мурч, имбир* каби ҳинд моллари билан бирга *шакар, феруза* ҳамда Эрон экспортининг асосини ташкил этувчи донаси 30 рупийлик салла учун ишлатиладиган *Кирмоншоҳ шоллари* ва *тамаки* санаб ўтилади⁶.

XVII аср Эронда *гиламдўзлик* юқори бадиий маҳорат даражасига кўтарилган бўлиб, қўй ва эчки юнгидан тикилган ажойиб Кермон гиламлари биринчи ўринда турган. Шунингдек, Кошоннинг қизил, зангори рангли жун ва ипак гиламлари ҳам машҳур бўлган⁷. Эрон гиламлари Ўрта Осиёда ҳам харидоргир бўлиб, Қозоқ даштларигача олиб бориб сотилган. Рус элчиси И. Муравин (1740) қозоқ хонларидан бўлган Абулхайрхон билан бўлган учрашувини тасвирлар экан, унинг ўз чодирида “*Эрон гиламлари* билан қопланган ўринда ўтирган”лигини таъкидлаб ўтади⁸.

Хивада хон ҳарамининг асосий жиҳозлари пол ва деворларни қоплаб турган *эрон ва туркман гиламлари* эканлигини тасвирлаган XIX аср муаллифининг маълумотлари бу маҳсулот савдосининг кўлами ҳақида тасаввур беради⁹.

Россия империясининг вакили сифатида Хива хонлиги бозорлари ва иқтисодий имкониятларини аниқлаш учун юборилган (1740 й.) инглиз савдогари Роман Гогнинг маълумотида кўра, Эрондан тоза *дур-марварид*, турли-туман [қимматбаҳо], лекин унча сифатли бўлмаган *тошлар, гиламлар*, турли *шойи матолар (кутня, кутни)*, қимматбаҳо *тилло, кумуш ва ипакдан тикилган белбоғлар (кушак), зарбофтлар, тилло ва кумуш нарча матолар, қўй терилари* келтирилган¹⁰.

² Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560 гг. // Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. (Перевод с англ. Н. Готье). Москва, 1938. С. 177.

³ Чулошникова А. Торговля Московского государства со Средней Азией в XVI – XVII вв. // Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Ленинград, 1932. Вып. 3, ч. I. С. 90.

⁴ Кологривов С.Н. Материалы для истории сношения России с иностранными державами в XVII в. Спб., 1911. С. 22-23.

⁵ Burton A. The Bukharans a Dynastic, Diplomatic and Commercial History. 1500-1702. Great Britain, 1997. P. 443.

⁶ Валиева Д. Среднеазиатско-иранские отношения в первой половине XIX века // Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока. Ташкент, 1963. С. 52-53.

⁷ Петрушевский И.П. Иран в XVII веке / История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века (VI, VII, VIII, IX главы кн.). Под ред. В.В. Струве. Ленинград, 1958. С. 284-285.

⁸ Гладышев Д., Муравин И. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740 – 1741 годах Гладышевым и Муравиным. Спб., 1851. С. 12.

⁹ Костенко Л. Город Хива в 1873 году // Туркестанский сборник. Спб., 1873. Т. 82. С. 326.

¹⁰ Возвратный из Хивы в Оренбург проезд английского купца Романа Гока / Архив внешней политики Российской империи (АВПРИ), ф. 125/1, д. 2, л. 3а.

Рус савдогари Данила Рукавкиннинг Хива хонлигида “тангаларнинг Эрон ҳамда Бухоронинг олтин ва кумушидан зарб этилиши” ҳақида берган маълумоти¹¹ Хоразмга бу мамлакатлардан кўплаб ҳунармандчилик маҳсулотлари қаторида олтин ва кумуш хом ашёсининг (кўпинча яширин йўл билан) киритилганлигини билдиради.

1753 йилда Хива хонлигида бўлган савдогар Муртазо Айитов “Хоразмлик савдогарларнинг Эронга қатнаши туфайли кумуш олдинги йилга нисбатан бирмунча ортди”, дея қайд этади¹².

Хом ашё сифатида келтирилган олтин ва кумушидан ташқари, хонликда қўшни давлатларда зарб этилган тангалардан ҳам кенг миқёсда фойдаланишган. О. Бертоннинг маълумот беришича, Хоразмда савдони ривожлантириш учун маҳаллий пуллардан ташқари Бухоро ва Эрондан келтирилган кумуш тангалар ҳам муомалада бўлган¹³.

Хонликда ўзининг мис тангаларидан ташқари Бухоронинг олтин тангалари, Голланд червонлари билан бирга Эроннинг рейёл деб аталган кумуш пулларининг муомалада бўлганлиги¹⁴ анъанавий давом этиб келган Хоразм ташқи иқтисодий алоқаларининг кўлами ҳақида ҳам тушунча беради.

Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги дипломатик алоқаларга доир айрим маълумотлар хонликка кўплаб Эрон пулларининг кириб келишини таъминлаган қўшимча омиллар ҳақида тасаввур беради. Хусусан, XVI асрда Бухоро Шайбонийларига қарши курашда иттифоқчилик қилган Хоразм султони Динмуҳаммад миннатдорчилик тариқасида Эрон шоҳи томонидан йилига 300 туман миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланган, яъни шоҳ Таҳмосиб I (1524-1576) унга ҳар йили Сабзавордан 300 табриз туманини йиғиб олиш ҳуқуқини берган¹⁵. 1718 йилда А. Бекович-Черкасский бошчилигидаги рус ҳарбий экспедициясининг барбод бўлганлиги тўғрисидаги хабарни Исфаҳонга етказиб келган махсус Хива чопари Эрон ҳукумати томонидан 72 червон билан тақдирланган, Хива хонига эса, шоҳ Султон Хусайн томонидан 2000 туман пул ҳада сифатида юборилган¹⁶. Ушбу маълумотлар орқали хонликка кириб келган Эрон пулларининг оқими ҳақида маълумотга эга бўламиз.

Рус элчиси Г. Данилевскийнинг гувоҳлик беришича, Хива хонлигига Эрондан айрим *дорилар* ҳам келтирилган¹⁷.

Бухоро хонлигидан келтирилган моллар:

Роман Гогнинг гувоҳлик беришича, Бухородан қатта миқдорда *кўрпалар*, [қимматбаҳо] *тошлар*, *мис*, *темир*, *қўрғошин* кабилар олиб келинган. Шунингдек, Эрон ва Олтин масжид (?) орқали Россиядан келтириладиган *могут*, *тўсин бўёғи* (*краши Брусковая*), *концеиль* (?), *чарм* ва турли майда моллар ҳам Бухородан олиб кирилган¹⁸.

Г.А. Михалева ҳам Хивага бухоролик савдогарлар томонидан Эроннинг турли моллари – чит, ҳар хил газламалар ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳам етказиб келинганлигини таъкидлайди¹⁹.

Муртазо Айитов ўзининг Хивада бўлган давридаги (1753 й.) иқтисодий ҳолат ҳақида маълумот берар экан, “Хивада Бухородан ва бошқа Узоқ шарқ мамлакатларидан келтириладиган олтин аввалги вақтларга қараганда анча кўпайган”лигини қайд этган²⁰.

Дашти Қипчоқдан келтирилган моллар:

Қозоқ даштидан Хива хонлигига асосан *қорва моллари* келтирилган. Роман Гог рус ҳукуматига тақдим қилган ҳисоботида Қайсоқлар [*Қозоқлар*] томонидан Хивага *от*, *қўй* ва *бошқа ҳайвонлар*нинг келтирилганини маълум қилган. Унинг гувоҳлик беришича, қозоқлар томонидан кўпроқ ёввойи отларнинг *терилари* келтирилган, чунки уларга Хивада мавжуд бўлган кўплаб [*тери ошлайдиган*] устаконаларда ишлов берилиб, керакли молларга айирбошланган²¹.

¹¹ Бетгер Е.К. Самарский купец Данила Рукавкин и его караван в Хиву в 1753 г. // Известия АН Туркменской ССР. 1952. № 6. Отдельный оттиск. С. 10.

¹² Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. Тошкент, 1973. Б. 79.

¹³ Burton A. The Bukharans a Dynastic ... P. 436.

¹⁴ Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг., гвардейского Генерального Штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. Москва, 1822. Ч. II. С. 82.

¹⁵ Искандарбек туркман. Тарих-и Оламоро-йи Аббосий. Техрон, 1350/1970. 1-жилд. С. 66.

¹⁶ Аннанепесов М. Укрепление русско-туркменских взаимоотношений в XVIII – XIX вв. / Под ред. А.А. Рослякова. Ашхабад, 1981. С. 37.

¹⁷ Описание Хивинского ханства. Составлено в 1843 г. подполковником Генерального штаба Г.И. Данилевским // Записки ИРГО. СПб. 1851. Кн. V. С. 67. (қандай дори эканлиги келтирилмаган).

¹⁸ Возвратный из Хивы в Оренбург приезд английского купца Романа Гока / АВПРИ, ф. 125/1, д. 2, 3а.

¹⁹ Михалева Г.А. Узбекистан в XVII – пер. пол. XIX в. Ремесло, торговля, пошлины. Ташкент, 1991. С. 61.

²⁰ Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари ... Б. 79.

²¹ Возвратный из Хивы в Оренбург приезд английского купца Романа Гока / АВПРИ, ф. 125/1, д. 2, 3а.

“Фирдавс ул-икбол”да оломон хужумларида жабр кўрган қозок савдогарлари ҳақида маълумот берилар экан, уларнинг савдо учун кўп миқдорда *қўйлар* билан келганлиги қайд этилади. “Қазоқнинг *қўйларин* оломон хатодин талағон эркан, ҳазрат соҳибқирон [Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825)] ул воқеага вуқуф топғоч, барча таланғон қўйни оломондин истирдод қилиб, эгасига топшуруб, хоитири вайронин меъмори лутфи била обод қилди”, деб кўрсатилади манбада²².

Рус ҳукумати вакили XIX асрда қозоқларнинг Ўрта Осиё хонликлари билан улгуржи савдо олиб бориши ҳақида маълумот берар экан, ҳар йили Сирдарё чизиги орқали Бухоро ва Хивага 200 000 бош *қўй* хайдаб борилганлигини қайд этади. Шунингдек, муаллифнинг хабар беришича, Сирдарё қозоқлари хонликларга қўйлардан ташқари *танга пулларни* ҳам олиб кирганлар²³.

Хива хонлиги тарихини тадқиқ қилган Н. Веселовский ҳам, хиваликлар *чорва молларини* асосан кирғиз-қайсоқлар (*қозоқлар*) ва оролликлардан сотиб олганликларини қайд этган²⁴.

Россиядан келтирилган моллар:

Оренбург ва Астрахан шаҳарларининг Россия савдоси учун аҳамиятини ошириш юзасидан ўтказилган тадбирлар бевосита Хива хонлигининг узоқ ва яқин қўшни давлатлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйишида ҳам сезиларли таъсирга эга бўлган. Ф. Беневини Хивада бўлган вақтида (1722) бу ерга 300 туяга ортилган моллар билан катта қарвон келганлигини маълум қилган. Унинг хабар беришича, *мовут, қундуз териси, нўлат, қалай ва қурол-яроғдан* иборат молларнинг катта қисми Астрахандан келтирилган рус, арман ва ҳинд моллари бўлган²⁵.

1756 йил Оренбургда бўлиб қайтган Хоразм қарвонида олиб келинган рус молларидан ташқари *немис молларининг* қайд этилиши²⁶, ушбу савдо маркази Хива хонлигига олиб кирилган маҳсулотларнинг худудий кўламини кенгайтиришдаги аҳамиятини тушинишга ёрдам беради.

“Фирдавс ул-икбол”да Оренбург, яъни руснинг “...Отил канорида бино қилғон савдохонаси” бўлмиш Янгиқалъадан чиқиб, юртига қайтаётган Хоразм қарвони ҳақида келтирилган маълумот, у ердан хонликка олиб кирилган маҳсулотларнинг тури ва географияси ҳақида тасаввурларимизни янада бойитади. Хусусан,

“...Хоразм қарвониким, зару сийм бирла тўлуь юклари, жавоҳир сануфиға ҳомил бари, Хитой куммош андадур беҳисоб, Фарангий матоига худ не ҳисоб”, дея катта миқдордаги *мис, олтин, Хитой кумуши, Фарангий матолари* санаб ўтилади манбада²⁷.

1808 йил декабрида Оренбургдан чиққан мазкур қарвон Кўҳна Вазир яқинига етганда туркманларнинг човдур қабиласи ҳужуми учраган. Муаррихнинг хабар беришича, “Қарвон аҳли дағи юкларидин кўрғон эгириб, саккиз кун муҳориба қилиб, отқулаштилари. Ва айтурларким, кўрғошин тугаб, икки кун мис ва кумушдин ўқ ясаб отибдурлар”²⁸. Бу маълумотдан шуни англаш мумкинки, қарвонда савдогарлар билан бирга ҳунармандлар ҳам бўлган ва уларнинг шунчалик тезликда маҳорат билан ўқ ясаганликлари таҳсинга лойик. Қарвонда ўқ ясашга етадиган миқдорда мис ва кумушнинг бўлиши эса, Хоразмга бошқа юртлардан турли моллар билан бирга ушбу металлларнинг салмоқли миқдорда олиб келинганидан далолат беради.

Кўқон хонлигидан келтирилган моллар:

Кўқон хонлиги сўнгги ўрта асрларда сифатли қоғозлар ишлаб чиқариш билан машҳур бўлиб, *Кўқон қоғози* Ўрта Осиёнинг турли худудлари каби Хива хонлигига ҳам олиб келинган ва кенг истеъмолда бўлган²⁹.

Кўқондан келтирилиб, Хива бозорларида сотилган моллар ичида Хитой *чойи, чинни буюмлари* ва *кумуш ёмбилар* алоҳида эътиборга лойикдир. Хитойдан Хивага келадиган қулай йўл Кўқон хонлигидан ўтган бўлиб, *чинни буюмлар* айнан Қошғар ва Кўқон орқали Хоразм бозорларига келтирилган³⁰.

²² Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. Тошкент, 2010. Б. 446.

²³ Мейеръ Л. Аральская флотилия в отношении к среднеазиатской торговле // Морской сборник. СПб, 1862. С. 128-129.

²⁴ Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. Отъ древнейшихъ временъ до настоящаго. СПб., 1877. С. 227.

²⁵ Попов А. Сношения России с Бухарой и Хивой при Петре Великом // Записки ИРГО. СПб., 1853. Вып. 9. С. 140.

²⁶ Зияев Х. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари ... Б. 88.

²⁷ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол ... Б. 275.

²⁸ ўша жойда.

²⁹ Қосимов Й. Кўқон хонлиги тарихи очерклари. Тошкент – Наманган, 1994. Б. 28.

³⁰ Из истории международных отношений в Центральной Азии. Алма-Ата, 1990. С. 111.

XIX асрнинг 30-йиллари Бухорода бўлган муаллифларнинг маълумотига кўра, Бухородан Хивага келтирилган *тахтачой* (*гшиш чой*) аслида Кўкон орқали Қашқардан келтирилган бўлиб, бу савдода Кўкон хонлигининг ўзига хос ўрни бўлган³¹.

Хивага етказиб берилган *чой* Кўкон ва Бухоро орқали Қашқардан келтирилганини маълум қилган муаллиф эса, бу савдонинг XIX аср 60-йилларида ҳам давом этганлигини қайд этади³².

Қорақалпоқлар томонидан келтирилган моллар:

Асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб, ҳамиша хоразмликлар билан ёнма-ён яшаб келган қорақалпоқлар томонидан Хива бозорларига *отлар*, кўпроқ *чорва моллар ва бошиқа ҳайвонлар* олиб келинган. Шунингдек, улар тайёрланган *елим* ва *мол чарвиси*, озроқ миқдорда *нон* ва *бугдой* олиб келишган. Оролик [ўзбек]ларнинг булардан ташқари янги тутилган *балиқ* келтирилганликларини қайд этган Роман Гог, “бу дарёда балиқлар жуда кўп бўлиб, *осётр* (*бакра балиқ*), *белуга* (*оқ бакра*), *сазан* (*зоғора балиқ*) ва бошқалари борки, ороликлар ва қорақалпоқлар улардан *елим* тайёрлашади” деб, маълумот беради³³.

Туркманлар томонидан келтирилган моллар:

Роман Гогнинг маълум қилишича, туркманлар Хива хонлигига *от*, *чорва моллари* ва *турли ҳайвонларни* олиб келиб сотишган³⁴.

“Шажара-йи турк”да гарчи батафсил маълумот берилмаган бўлсада, хонликка келган така туркман савдогарлари ҳақида эслатиб ўтилган³⁵.

1773 йилда Каспий денгизининг шарқий соҳилларида бўлган С. Гмелин туркманлар ўзларининг барча кўшнилари: хиваликлар, бухороликлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, астрободликлар ва руслар билан савдо олиб борганликлари тўғрисида хабар берган³⁶. Туркманлар томонидан Хивага зотдор *отлар* ҳам етказиб келтирилган. Рус элчиси Н. Муравьевнинг қайд этишича, Хивада аъло даражадаги отлар бўлса-да, *отларнинг энг зўрлари* туркманлар томонидан Гургон ва Атроқдан келтирилган³⁷.

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиб шуни қайд этиш мумкинки, кўрсатилган даврда Хива хонлигининг кўшни мамлакатлар билан ўзаро савдо алоқалари бевосита бадавлат савдогарларнинг савдо келишувлари орқали амалга оширилган. Хоразмнинг йирик бозорларидан ташқари Россия, Бухоро, Кўкон, Эрон сингари кўшни давлатларнинг йирик савдо марказлари ҳам унинг ташқи савдо алоқаларини ривожланишида муҳим ўрин тутган. Хиванинг ташқи савдо алоқалари бухоролик, туркман, арман савдогарлари воситачилигида ҳам амалга оширилган. Хонликнинг маҳаллий маҳсулотларидан ташқари, транзит моллардан ҳам катта даромад олинган.

УДК: 392.37

ОИЛАВИЙ ТУРМУШ - БУЮК ҲАЁТ МАКТАБИ

Н.А. Бекчанова, УрДУ Тарих факультети, «Тарих» кафедраси катта илмий ходими

Аннотация: *Ушбу мақолада оилавий муносабатларни ривожлантиришида ва миллий маънавий қадриятларни роли ёритиб берилди. Оилада болаларни хар томонлама маънавий баркамол қилиб тарбиялашида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни каттадир. Мақолада оилада ёшлар тарбиясида миллий ва маънавий қадриятлар асосида тарбиялашнинг усул ва воситалари ёритиб берилди.*

Калит сузлар: *оила, тарихий мерос, тарих ва адабиёт, миллий ва маънавий қадрият, тоқат, миллат фаровонлиги.*

Аннотация: *В статье раскрывается развитие семейных отношений и влияние на них национальных и духовных ценностей. В воспитании гармонично развитого поколения имеет огромное значение формирование в семье национальных и духовных ценностей. В статье автор раскрывает методы и факторы воспитания молодежи в духе национальных и духовных ценностей.*

³¹ Записки о Бухарском ханстве (отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). Москва, 1983. С. 81.

³² Пещерова Е. М. Гончарное производства Средней Азии. Москва, 1959. С. 287.

³³ АВПРИ, ф. 125/1, д. 2, л. 5 об.

³⁴ АВПРИ, ф. 125/1, д. 2, л. 5 об.

³⁵ Абулғозий. Шажараи турк / Нашрга тайёрловчилар Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. Тошкент, 1992. Б. 183.

³⁶ Путешествие Самуила Гмелина по Каспийскому море // Труды ТГО. Ашхабад, 1958. Вып. 1. С. 207.

³⁷ Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... С. 84.

Ключевые слово. Семья, историческое наследие, история и литература, национальная и духовная ценность, терпимость, национальное благоустройство.

Abstracts: In the article are revealed the development of family relations and their influence national and cultural wealth. In education harmonious – developed the generation has huge value in formation in a family national and spiritual values. In the article the author opens methods and factors education of youth in the spirit of national and spiritual to values.

Keywords. Family, historical heritage, history and literature. National and spiritual value, patience, national well-being

Бахтли оила-бахтли кишилар жамоасидир. Оиладаги одамлар бир-бирларини қанчалик чуқур тушунсалар, бир-бирларининг яхши ва ёмон томонларини англаган холда муомала - муносабатда бўлиб, иноқ турмуш курсалар, бундай оиладан ажойиб шахслар етишиб чиқади. Бу ўз навбатида жамият ривожига, инсоният истиқболига ижобий таъсир кўрсатади. Кўриниб турибдики, шахс, жамият, оила узвий боғлиқликда яшайди. Бахтли оила қуриш учун энг аввало ҳар ким ўзига муносиб умр йўлдоши танлай билиши керак. Бунинг учун эса биринчи ўринда инсон ўзини ўзи чуқур англаши, сунг атрофдаги одамлар феъл-атворини ижобий, салбий томонларини фарқлай олиши, ўзига ва ўзгаларга танқидий баҳо бериши зарур. Бу осон эмас! Атрофдаги одамлар ниҳоятда хилма-хилдир. Масалан, ўзбек халқ ҳикматларида шундай дейилади¹:

Одам кўринишда бир-бирига ўхшайди гўё,
Лек, ҳар кишида ўзига хос қалб, ақл мухайё.
Кўкдаги юлдузлар ҳам сиртдан бир-бирига ўхшаш,
Аммо аслида-чи, ҳар бирининг ўзи бир дунё

Ёшларимизда бу масала бўйича аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун бундан 90-100 йиллар олдинги уларнинг тенгдошлари, яъни XX аср бошидаги ва бугунги кунларимиздаги 15-16 ёшли йигит - қизлар ўртасидаги тафавутларни солиштириб ўтамиз. Махсус адабиётларда ёзилиши ва ўтказилган тадқиқотлар натижаларида кузатилишича, сўнгги 100 йил ичида одамларда кузатиладиган акселерация² жараёнига кўра уларнинг жинсий, физиологик балоғатга етиши 2-3 йилга илгарилаб кетган. Бундан 100 йилча олдин ёшларнинг жинсий балоғатга етиш даври 15-16 ёшга тўғри келган. Ҳозир эса бу ҳолат ўртача 12-13 ёшларга тўғри келади. Энди шу ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик жиҳатларини кўриб чиқамиз. Илгари 15-16 ёшларида оилавий ҳаётга етуклик талабларидан бири бўлмиш жинсий етукликка, балоғатга етар эканлар, улар аксарият холларда шу ёшга келиб ўша даврлар учун хос ва лозим бўлган. Унчалик мураккаб бўлмаган деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик сир-асрорларидан деярли бохабар бўлганлар. Ўша даврдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ва технологик жараёнлар улардан махсус ёки олий маълумотни талаб қилмаган, 3-4 йил устоз кўрган шогирд 16-17 ёшида ўзи мустақил иш юрита оладиган устага, ўз ишини амаллаб кета оладиган мутахассисга айланган. Мабодо, у шу вақтда оила қурадигандек бўлса, ўз хунари орқали меҳнат қилиб ўзини ва оила аъзоларини иқтисодий жиҳатдан таъминлай олиши мумкин бўлган. Бундан ташқари, у вақтлардаги 18-20 ёшли йигит маҳалла – куйда, жамоатчилик орасида маълум даражада ижтимоий етук шахс сифатида қабул қилинган, турли тадбир ва маросимларда етук, унинг ҳақи иштирокчиси сифатида қатнашиши мумкин бўлган, яъни унинг ижтимоий жиҳатдан балоғатга етганлиги жамоатчилик томонидан қабул қилинган. Энди шу хусусиятларни бугунги кун ёшларида кўриб чиқадиган бўлсак, улар 12-13 ёшларда жинсий (физиологик) етукликка эришадилар. Бирок улар бирор касб-хунар эгаси бўлиб, мустақил ишлаб, ўзини ва оиласини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган бўлиши учун аввало мактабни битириши, сўнг у ёки бу касб-хунар коллежи ёки академик лицейда ўқиб, бирор бир касбни эгаллаши керак. Бунинг учун 9 йил мактабда, 3-коллеж ёки лицейда ўқиши зарур бўлади. 12 йиллик барча учун мажбурий таълимдан сўнг ёшларимизнинг маълум бир қисми ўқишни олий ўқув юртларида давом эттиради. Бундан кўриниб турибдики, ёшларимизнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари уларнинг маълум қисми 20-21, бошқалари учун 23-25 ёшга тўғри келади.³ Замонамизда камол топаётган йигит-қизларда кўпгина инсоний фазилатлар, хислатлар, сифатлар, камтарлик тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Уларга ўз кадр-қимматини билиш туйғуси ҳамроҳдир. Чунки турмуш қуришга тайёргарлик кўраётган, катта ҳаёт қучогига эндигина кириб келаётган ёшларга махмадоналик,

¹ Ўзбек халқ ҳикматлари Тошкент.1989йил

²Library/it-med.ru

³ «Глобаллашув ва фан-техника тараккиётининг замонавий муаммолари» мавзуида илмий-амалий семинар материаллари 2014 166-167 бет

хушомадгуйлик каби ярамас хулқ-одатлар нохуш иллатлар, қилиқлар асло ярашмаслиги аниқ. Ана шундан келиб чиққан холда ёшларнинг ахлоқий камолот даражасини кескин суръатда кўтармоғимиз мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун улар олдига қўйиладиган талаблар жиддий, бажариладиган топшириқлар кучли ақлий зўр беришларига, ирода сифатларини ишга солиб мавжуд тўсиқларни енгишга қаратилган бўлиши лозим. Модомики шундай экан, ўспирин йигит ва қизлар миллий ифтихор хисси билан нафас олиб, камол топишлари зарур. Ўспирин йигит –қизларимизнинг олижаноб инсоний хислатларга эга бўлиши кўп жиҳатдан ота-оналарга, катта ёшдаги кишиларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам халқимизда ажойиб бир нақл бор «Қуш уясида кўрганини қилади» деб бежизга айтилмаган. Оила кучоғида шаклланган одат ва хислатлар ўспириннинг кейинги ҳаётига жиддий таъсир қилиши аниқ. Уларда пайдо бўладиган инсонийлик хислатлари вужудга келишида оиланинг роли муҳимдир. Оила аъзолари қандай муомалада бўлсалар, шу муҳит қобиғидаги ўспиринларда ҳам худди шунга ўхшаш ва уларга хос хулқ-атворлар намоён бўла бошлайди. Оилавий турмуш – бу буюк ҳаёт мактаби демакдир, унда эр-хотин бир-бирини тарбиялайди, бири иккинчисидан ўрганади, ўзидаги камчиликларни бартараф қилади. Ана шу мураккаб синовларга бардош берган оилагина мустаҳкам, инोक, ҳамжиҳат, бахтли бўлади. Оила қуришда асосий мақсад фарзанд кўриш, авлодлар давомийлиги, болаларга бахтли ҳаёт ато этиш, жамият манфаати йўлида хормай-толмай самарали меҳнат қилишдан иборатдир. Қолаверса ўз турмуш эстафетамизни фарзандларга топшириш, оиланинг арзигулик кадриятларини ёшларга мерос қолдиришдир. Ҳозирги даврда камтарлик, қизлик иффати ва ғурури тўғрисидаги тушунчаларни қизларга ўз вақтида сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга бўлсада, бу ишлар ҳамма оилаларда ҳам амалга ошириладиганлигига ким қафолат бера олади? Маълумки, ҳозирги вақтда турмуш қийинчиликлари ва уларни енгишда ёрдам берадиган, ёш оилалар ва никоҳга алоқадор турли масалалар бўйича муурожаат қилинадиган маслаҳат (консультация) пунктлари ишлаб турибди. Ушбу ташкилотларда шифокор никоҳнинг биологик томонларини ёритишни ўз зиммасига олган бўлса, рухшунос мутахассислар турмуш қуришга ҳозирлик кўрган оилавий ҳаётнинг ахлоқий, ижтимоий-руҳий негизлари билан таништиришни ўз гардинларига олишган. Ёшларни турмуш қуришга тайёрлаш давомида ажралишдек мудҳиш воқеа оила муҳити учун фожиа эканлиги уларнинг онгига сингдириш, кирди-чиқдининг ёмон оқибатларини яққол мисоллар ёрдамида тушунтириш бу соҳадаги сохта, тор маънодаги фикрларни бартараф қилишда муҳим роль ўйнайди. Инсон турмушини эмас хатто қуш уясини ҳам бузиш увол эканлигини бизга ота-боболаримиз мерос қилиб қолдирган. Ана шу муқаддас кадриятга содиқ қолган холда турмушга жиддий муносабатда бўлинса, у тақдирда метиндай мустаҳкам оилалар қарор топаверади. Буюк татар олими Ризоуддин ибн Фахруддин (XIX асрнинг II ярми-XX асрнинг бошларида яшаган) ижодининг сарчашмаларидан бири –«Оила» асаридан айрим намуналар келтирамыз.⁴«Ислом шариатида роҳиблик бўлмагани учун уylanмоқ ҳақида Расулulloҳ ҳазратларидан амрлар содир бўлгани маълумдир»... «уйланиш масаласини ислом шариати буюк нарсалардан деб билиб, оила тузишни мамлакат ташкил қилиш қадар керакли ҳисобланиб, бу борада бир қанча низомлар ҳам чиққанлиги маълум. Оила учун чиққан низомларни, бир кунмас бир кун келиб, вақти етганда амал этувчилар ўз оилаларини кўркам равишда тузар ва ниҳоят ушбу кичкина мамлакатни идора қила олулар. Шу сабабдан кўпми-озми суражак умрларини роҳат билан кечирар ва умрларидан қолган санокли соатлари барокатли булур». «Оила ташкил этиб бир жону бир тан бўлиб бирликда яшаш учун биринчи шарт оила қураётганлар табиатларида бирлик бўлишидир. Зеро турмуш қуриш бир-икки кунлик сафарда эмас, балки умр бўйи бир-бирига йўлдош бўлишдан иборатдир. Табиатларида бир хиллик бўлмаса, бирга яшамоқ мумкин бўлмас». «Оилада фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга, ахлоқ-одобини ҳам яхшиласангизлар,»-дейлади Мухаммад пайғамбар ҳадисларидан бирида. Фарзанд - ҳаётнинг гули. Дарҳақиқат, одобли фарзанд билан ҳаётимиз файзлидир. Бироқ фарзандларимиз ҳатти-ҳаракатида ҳам гоҳо нуқсонлар кўзга ташланади, уларни ўз вақтида олдини олиб, бартараф этмаслик гуноҳ ишларга олиб боради. Шунинг учун оилада фарзандларимизга ҳадис ривоят хикматлардан намуналарни уқтириб боришимиз керак. Зотан халқимизнинг «буғдой эксанг –буғдой, арпа эксанг- арпа оласан» деган нақли айни ҳаётий ҳақиқат талқинидир. Оилада ота-она фарзандни дунёга келтиргани билан эмас, балки уни одоби ахлоқи тарбияси билан белгиланади. Ўз давридаги фаннинг деярли ҳамма соҳаларида қалам тебратган энциклопедист олим Абу Али ибн Синонинг ўзидан олдинги ўтган олимлар томонидан яратилган илмий далилларни ва тажрибаларни тартибга сола олди. Унинг «Донишнома» асари неча юз йиллар давомида маърифатпарвар инсонлар учун қўлланма бўлиб келди. «Донишнома»да таълим-тарбия, илм-

⁴ Ризоуддин ибн Фахруддин «Оила».Т.Меҳнат нашриёти.1991

маърифат, инсоннинг руҳияти, ахлоқ ва одоб каби масалалар тўғрисида таълим - тарбияга оид чуқур фикрлар ифодаланган. Ибн Сино айтадики, бола тарбияси билан аввало оила, ота-она шуғулланмоғи лозим. Унинг тарбияга оид қарашлари деярли барча асарларида ўз ифодасини топган. «Тадбир ал-манозил» китобида тарбиянинг асосий услубларини санаб кўрсатиб, агар оила бу тарбия услубини тўғри татбиқ эта олса оиладаги болалар ҳаётларида ўз бахтларига тез эришадилар, деган ғояни илгари сурган. Ибн Сино таъкидлашича, оилада отанинг табиатан юмшоқ кўнгил бўлиши, ширин сўзли бўлиши бола тарбиясини бузади, оилада бош тарбиячи отадир деб ҳисоблайди. ⁵«Тиб қонунлари» китобида эса бола тарбиясида онанинг вазифаларига алоҳида эътибор беради. Жумладан, бола камолотига элтвучи аёлнинг «ғазабланиш, қайғуриш, кўркиш» каби рухий кечинмалар зарар келтиришини уқтиради. Хулоса қилиб айтганда, аллома нафақат табиб, файласуф, олим, балки буюк мураббий ҳам эди. Бундай алломалар Қайқовус «Қобуснома» асарида, Алишер Навоий «Махбуб ул-қулуб» асарида, Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарлари шулар жумласидандир.

УДК: 930.85

ХИТОЙ ИМПЕРАТОРИ ҲУЗУРИДАГИ ҚОРАХОНИЙЛАРНИНГ БИР ЭЛЧИСИ

Д. Дутураева, ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Аннотация: Мазкур мақолада Сун императори Shenzong 神宗 (1067-1085) ҳузурига 1081 йили Қорахонийлар ҳукмдори Юсуф ибн Сулаймон (1062-1078) томонидан юборилган бир элчилик таҳлил қилинади. Шунингдек, Қорахонийлар ҳукмдорининг расмий мактуби ва Ашин исмли элчи ҳамда Хитой императори ўртасидаги суҳбат муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: Қорахонийлар, Хитой, Сун сулоласи, элчи, расмий мактуб.

Аннотация: В данной статье рассматривается посольство, отправленное в 1081 году караханидским правителем Юсуф ибн Сулайманом (1061-1078) ко двору китайского императора Шэнь-цзун (1067-1085) из династии Сун. Автор анализирует официальное письмо караханидского правителя и беседу между караханидским послом по имени Ашин и китайским императором из династии Сун.

Ключевые слова: Караханиды, Китай, династия Сун, посол, официальное письмо.

Abstract: This article deals with an envoy sent by the Qarakhanid ruler Yusuf ibn Sulayman (1061-1078) to Emperor Shenzong of Song (1067-1085) in 1081. The author discusses a question of official correspondence and a dialog between the Qarakhanid envoy Ashin and Emperor Emperor Shenzong of Song during an Imperial audience.

Key words: The Qarakhanids, China, the Song dynasty, envoy, official letter.

Еттисув, Қошғар ва Моварауннаҳр худудларида ҳукмронлик қилган Қорахонийлар (840-1212) ислом давлатлари орасида Хитойга энг яқин мамлакат ҳисобланган. Бироқ ислом дунёсининг бошқа давлатларидан фарқли равишда шиддат билан ривожланаётган денгиз савдо йўлларига чиқиш имкониятига эга бўлмаган. Шу туфайли, Қорахонийлар Хитойнинг нафис матолари, чинни, чой ва бошқа ноёб маҳсулот ва буюмларини тўғридан-тўғри қўлга киритиш илинжида континентал йўлларнинг янада ривожланишидан манфаатдор эдилар. Қорахонийлар мазкур даврдаги Хитойнинг Ляо (916-1124) ва Сун (960-1279) сулолалари билан дипломатик ва савдо алоқаларни йўлга қўйган бўлиб, иқтисодий жиҳатдан халқаро ҳамжамиятда юқори мавқега эга бўлган давлатга айланади.

Иқтисодий муносабатларни ривожлантириш илинжида Қорахонийлар шарқий Хитойда ҳукмронлик қилган Сун императорлари ҳузурига 1009-1125 йиллар давомида жами 20 дан ортиқ элчилик делегацияларини жўнатган. Мазкур мақолада Сун императори Shenzong 神宗 (1067-1085) ҳузурига 1081 йили Қорахонийлар ҳукмдори Юсуф ибн Сулаймон томонидан юборилган бир элчилик таҳлил қилинади.

Умуман, Қорахонийлар юқори малакали элчиларни тайёрлашга катта эътибор берганлар. Қорахонийлар ёзувчиси Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида қайд этилишича, элчи бир қатор талабларга жавоб бериши керак бўлган. Биринчи навбатда элчидан яхши сўз устаси бўлиши талаб қилинган. Бундан ташқари, элчиликка олий маълумотли ёқимли ташки кўринишга эга бўлган

⁵ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари Т. нашриёти 1999й

кишилар танланган бўлиб, улардан хорижий тилларни пухта эгаллаш, шеърят, илм-фан, мерганлик, ов қилиш, шахмат ва бошқа спорт ўйинларидан хабардор бўлиш ҳамда шароб ичмаслик талаб қилинган.¹

Сун императори хузурига 1081 йили юборилган Ашин (Axin 阿辛) исмли Қорахонийлар элчиси ҳам ушбу хусусиятлардан ҳоли бўлмаган. Жумладан, Ашин ҳарбий кўмондон (*buling* 部領) лавозимига эга бўлиб², Сун императори билан бўлган суҳбат давомида ўткир зеҳни ва билимдонлигини кўрсата олган. Қорахонийлар элчиси ўзи билан бирга расмий мактуб олиб келган. Унинг асл матни сақланиб қолмаган бўлиб, фақатгина бош сатрлари хитой тилига қилинган таржимада келтирилади:

*“Толев ва қудратга эга, тилларни билгувчи Хотан мамлакатининг доно Қорахон ҳукмдоридан Қуёш чиқар буюк шарқ юртининг соҳиби Хан оиласидан бўлмиш Буюк Император Тоғамга”.*³

Мазкур мактубни элтиб берган элчи саройга 1081 йили етиб келган бўлсада, унинг ўзи хабар беришича, у йўлга бундан тўрт йил аввал чиққан эди. Демак, ушбу элчилик 1077 йили Юсуф ибн Сулаймон томонидан жўнатилганлиги аниқ. Қорахонийларниг расмий мактубида бундан олдин яна уч нафар элчилик жўнатилганлиги бироқ улар ҳануз қайтиб келмаганлиги ҳақида хабар берилади. Шунда, Сун императори барча элчиларни йиғиб, уларни совға-саломлар билан сийлаган ҳолда ортига жўнатиб юбориш бўйича буйруқ чиқаради. Сун императорига нисбатан “тоға”, деб мурожаат қилиш ҳамда матнда мавжуд баъзи грамматик хатолар мазкур мактуб таржимони хитойлик бўлмаганлигини кўрсатмоқда. Элчилар Сун императори саройига Тибетнинг Цонгха конфедерацияси ҳукмдори томонидан тақдим қилинган йўлбошчи билан бирга ташриф буюришади. Ушбу тибетлик йўлбошчи элчи ва император суҳбати давомида таржимонлик ҳам қилиб туради.⁴ Айнан шу шахс мактуб сарвлахасини хитой тилига таржима қилган бўлиши мумкин. Фикримизча, Цонгха таржимонлари Қорахонийлар ва Сун императорлари ўртасидаги расмий ёзишмаларни тез-тез таржима қилиб турган бўлишлари керак.

Сун императорлари элчилардан турли масалаларга оид маълумотларни суҳбат жараёнида олишга интиланлар. Жумладан, савдо йўллари ва уларнинг ҳолати ҳақида қизиқиб келганлар. Сун императори ва Қорахонийлар элчиси Ашин ўртасидаги суҳбат намунаси Сун сулоласи манбаларида қайд этилган бўлиб, унинг таржимаси қуйида келтирилади:

Император савол берди: “Мамлакатингизни қачон тарк қилдингиз?”

Элчи жавоб берди: “Тўрт йил аввал.”

Император: “Қанча муддат йўлда бўлдингиз?”

Элчи: “Икки йил.”

Император: “Қайси мамлакатлар орқали келдингиз?”

Элчи: “Йўлимиз сариқ бошли уйғурлар [Huangtou Huihe 黃頭回紇]⁵, сомон бошли татарлар [Caotou Dada 草頭達鞑], Dongzhan 董種 мамлақати ва бошқа ҳудудлар бўйлаб ўтган эди.”

Император: “Dongzhan 董種 мамлақатида қанча муддат турдингиз?”

Элчи: “Бир йил.”

Император: “Татарларнинг бошлиги ва тайинли турар жойи борми?”

Элчи: “Ўт-ўлан ва дон камлиги тўфайли улар ўз ерлари бўйлаб тарқалган ҳолда яшайдилар.”

Император ўгирилиб, буйруқларни қабул қилувчи ҳарбий ишлар бошлиги Zhang Chengyi 張誠—га қараб деди: “Татарлар Тан сулоласи даврида Hexi 河西 [Ганьсу] ва Tiande 天德 [Баян-Нур] ҳудудларига

¹ Qutadghu Bilig, Yūsuf Khāṣṣ Ḥājjib Balāsāghūnī / пер. С.Н. Иванова, Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. – Москва: Наука, 1983. – С. 210-214.

² Xu Zizhi Tongjian Changbian асарида элчи “варварлар бўлимидан Axin” (fanbu Axin 蕃部阿辛), деб тилга олинган. Қаранг: Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига кўмаклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. – Боб 314, Б. 7612.

³ Qingbo zazhi 清波杂志 [Qingbo ҳудудидан олинган турли битиклар], Zhou Hui 周辉. (SKQS). – Боб 6, Б. 5b; Мазкур мактуб сарвлахаси бошқа Сун манбаларида ҳам келтирилади: Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига кўмаклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. – Боб 314, Б. 7612.; Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脱脱. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. – Боб 490, Б. 14109.

⁴ Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига кўмаклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. – Боб 314, Б. 7612; Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脱脱. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. – Боб 490, Б. 14109.

⁵ Мазкур даврда Дуньхуан уйғурлари “сарикбошли уйғурлар”, деб аталган.

⁶ Dongzhan 董種 (1032-1083) Тибетдаги Цонгха давлатининг иккинчи ҳукмдори бўлган.

қўшни эдилар. Ҳозир эса шимолий чегараларда Нехи 河西 ва Tiande 天德 худудлари тўсиб қўйилди. Император Taizu 太祖 (960-976) даврида улар ўлпон тўлашни бошлаган эдилар. Бироқ кейинчалик йўллар айри бўлгач, бу жараён тўхтаб қолади.”

Император яна сўради: “Тангутлар билан уруш олиб бораётган татарлар шуларми?”

Элчи жавоб берди: “Татарлар ва [тангутларнинг] Li 李 хонадони бир-бирига душмандир.”

Император: “Ушбу мамлакатлар орқали ўтган йўлларда талон-тароғлик борми?”

Элчи: “Биз йўлда фақат қитонлардан қўрқиб турдик.”

Император: “Сизлар юрган ерлар қитонлар худудидан неча li 里 узоқликда жойлашган эди?”

Элчи: “Бир минг li 里 [500 км] дан ортиқ.”⁷

Мазкур қисқа суҳбат нафақат Хитой ва Марказий Осиё худудларини туташтириб турган йўллар, балки Қорахонийлар хоқонлигининг шарқий чегараларда олиб борган сиёсати ҳақида ҳам хабардор қилади. Хотан ва Хитой ўртасидаги йўллар қадимги даврлардан амалда бўлиб, Хотан худуди Буюк ипак йўлининг жанубий тармоғида жойлашган эди. Қорахонийларга қадар сўғд савдогарлари ҳам Хотандан Хитой худудига Тибет орқали кириб борганлар.⁸ Юқоридаги суҳбатда Қорахонийлар элчиси икки йил йўлда бўлганлигини зикр қилади. Шундан бир йилини Тибетнинг Цонгха давлати худудида ўтказганлигини ҳам қайд этиб ўтади. Демак, Хотандан Хитойнинг Сун сулоласи худудигача бўлган йўл уйғур, татар ва Тибет ерлари бўйлаб бир йилни ташкил қилган, деган хулосага келиш мумкин. Хитойга 1009 йили ташриф буюрган биринчи Қорахонийлар элчиси ҳам бир йил давомида йўлда бўлганлигини қайд қилган эди.⁹ Хотан подшолиги Қорахонийлар томонидан босиб олинганга қадар ҳам ўз элчиларини Сун императори хузурига юборган эди. 961 йили ташриф буюрган Хотан элчисининг хабар беришича, уларнинг юрти 9900 li 里 [4950 км] узоқликда жойлашган. Бундан ташқари Хотан жануби-ғарбида Помир тоғлари (Congling 葱嶺) ва Ҳиндистон (Poluomen 婆羅門), жанубида Тибет (Tufan 吐蕃), шимоли-ғарбида эса 2000 li 里 [1000 км] узоқликда Қошғар (Shule 疏勒, яъни Қорахонийлар) жойлашганлиги ҳақида хабар беради.¹⁰

Қорахонийлар элчилари 1081 ва 1091 йилларда салжукларнинг Рум султонлиги (Fulin 拂菻) элчилари билан биргаликда ташриф буюрган бўлиши керак. Негаки, салжук элчилари ҳам айнан шу йўналиш бўйлаб келган эдилар.¹¹ Салжук элчилари Анатолиядан Хитойгача бўлган йўналиш бўйича батафсилроқ маълумот келтирганлар. Улар Анатолиядан чиқиб, салжук султони Маликшоҳ мамлақати (Mielisha 滅力沙) ва мусулмонлар ўлкаси (Dashi 大石) орқали Хотан (Yutian 于闐) худудига етиб борганлар. Салжуклар султонлиги ва Хотан, деб тилга олинган шарқий Қорахонийлар давлатлари ўртасидаги мусулмонлар ўлкаси ҳеч шубҳасиз ғарбий Қорахонийлардир. Айнан Хотанда салжук элчилари Қорахонийлар делегацияси билан учрашиб бирга Хитойга йўл олади. Улар Zhuochang 灼昌 аниқроғи Yuechang 约昌 шаҳри (ҳозирги Черчен) бўйлаб Дунхуанга, яъни сарикбошли уйғурлар (Huangtou Huihe 黃頭回紇) маконига етиб келадилар. Сўнгра эса татарлар (Dada 達靼) ва чўнгуллар [Zhongwo 種棍] худуди бўйлаб Dongzhan 董氈 (1032-1083) ҳукмронлик қилган Тибетдаги Цонгха давлатига кириб борадилар. Қорахонийлар ва салжуклар делегацияси Цонгха давлатига қарашли Linqin 林檎 ва Qingtang 青唐 шаҳарлари бўйлаб юриб ниҳоят Марказий мамлакат [Zhongguo 中國], яъни Хитой чегарасига етиб келадилар.¹²

Маҳмуд Қошғарий ўз асарида келтирган дунё харитасида Хотан шаҳридан Сун сулоласи худудигача бўлган ўзгача йўналишни кўрсатиб ўтган. Муаллиф Сун сулоласи худудини Мосин

⁷ Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига қўмаклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. – Боб 335, Б. 8061. Мазкур суҳбатнинг қисқартирилган шакли Song shi 宋史 асарида ҳам берилди. Қаранг: Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脫脫. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. – Боб 490, Б. 14109.

⁸ De la Vaissière, Étienne: Sogdian Traders: A History. – Leiden: Brill, 2005. – P. 144-147.

⁹ Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脫脫. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. – Боб 490, Б. 14107.

¹⁰ Ўша асар, Боб 490, Б. 14106.

¹¹ Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига қўмаклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. – Боб 455, Б. 10906.

¹² Xu Zizhi Tongjian Changbian 續資治通鑑長編 [Бошқарув ишларига қўмаклашувчи умумий кўзгунинг давоми], Li Tao 李燾. – Beijing: Zhonghua shuju, 2004. – Боб 317, Б. 7661-7662. Мазкур йўналишнинг қисқартирилган шакли Сун сулоласи расмий солномасида ҳам қайд этилган: Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脫脫. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. – Боб 490, Б. 14124-14125.

(Мочин), китонларнинг Ляо сулоласи худудини эса Син (Чин), деб тилга олади. Харитада кўрсатилган йўналишнинг биринчи қисми Хотан-Черчен-Шачжоу (ар. Шанжу), яъни Дуньхуан худудлари бўйлаб ўтган. Яъни, хитой манбаларида кўрсатилган йўналиш билан бир хил. Бироқ кейин йўл уйғурларнинг Турфон идикутлиги худуди тарафга бурилиб кетади. Хитой чегарасидаги худуд сифатида *Khātūn sinī* шаҳри кўрсатилган бўлиб, муаллифнинг хабар беришича, ушбу шаҳар тангут ва китонлар оралиғида жойлашган. Демак, Турфондаги уйғурлар ҳамда Ганьсудаги тангутлар худуди орқали ўтадиган йўл ҳам мавжуд бўлган. Шу билан бирга баъзи бир даврларда китонлар орқали ҳам Сун сулоласи худудига борилган бўлиши мумкин. Жумладан, Махмуд ал-Қошғарий хабар беришича, Ляо (Син) худудидан Сун (Мосин) ерларигача бўлган масофа 4 ой ичида босиб ўтилган.¹³ Шу тарика, Қорахонийлар ҳеч бўлмаса китонлар билан яқин дипломатик алоқаларни ўрнатган даврларда уларнинг ўлкаси бўйлаб ўтган йўллардан ҳам фойдаланган, деган хулосага келиш мумкин. Жумладан, 1021 йили Қорахонийлар ва Ляо хонадонлари ўртасида никоҳ ҳам амалга оширилган эди.¹⁴ Бироқ икки сулола ўртасидаги муносабатлар ҳар доим ҳам барқарор бўлмаган бўлиши мумкин. Шу туфайли ҳам Қорахонийлар элчиси китонлар худудига яқин жойлардан ўтаётганда улардан ҳавфсираб турган. Махмуд ал-Қошғарий ўз харитасида келтирган йўналиш ҳақидаги маълумотни Хитойга бориб келган элчилардан сўраб билган бўлиши керак. Сун императори Shenzong 神宗 ҳам саройда хизмат кўрсатган хариташуносга Қорахонийлар элчиси келтирган маълумотларга таяниб, харита яратишни буюради.¹⁵ Шу тарика, элчилар икки худудда ҳам географик билимлар манбаига айланиб, ушбу фан тармоғининг ривожига ўз ҳиссасини қўшганлар.

Қорахонийлар мазкур даврда тангутларга тегишли бўлган Дуньхуан уйғурлари, татарлар ва Тибетдаги Цонгха худуди бўйлаб бемалол ўтиб кетиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бу эса Қорахонийлар мазкур давлатларнинг барчаси билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйган, деган хулосага олиб келади. Мазкур фикр *Wenchang zalu* 文昌雜錄 (“Wenchang худудидан ноёб битиклар”) асарида келтирилган маълумотлар орқали ҳам тасдиқланади. Ушбу асар муаллифи Pang Yuanying 龐元英 бўлиб, у Шимолий Сун императори саройида тахминан 1078-1088 йилларда хорижий элчиларни жойлаштириш ишларига жавобгар шахс сифатида хизмат қилган. У ўз асарида ғарбий худудларда жойлашган қуйидаги мамлакатлар ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтган: Xia guo 夏國 (Тангутлар давлати), Dongzhan 董氈 (Тибетнинг Цонгха давлати), Yutian 于闐 (Қорахонийлар хоқонлиги), Huigu 回鶻 (Ганьсудаги уйғурлар хоқонлиги), Qiaci 龜茲 (Куча давлати), Tianzhu 天竺 (Ҳиндистон), Guashamen 瓜沙門 (Дуньхуан), Yizhou 伊州 (Кумул) ва Xizhou 西州 ёки Gaochang 高昌 (Турфондаги уйғурлар идикутлиги). Муаллифнинг хабар беришича, Цонгха давлатининг ҳукмдори Dongzhan 董氈 тангутлар, уйғурлар ва Қорахонийлар билан дипломатик муносабатларни ўрнатган эди.¹⁶ Фикримизча, Цонгха давлати ҳукмдори Қорахонийларнинг асосий ҳамкори бўлган. Негаки, у Қорахонийлар элчиларига нафақат ўз худудлари бўйлаб ўтиб кетишга руҳсат берган, балки у ерда узоқ муддат туришга ҳам изн бериб, Хитойгача йўлбошчи ва таржимонларни ҳам тақдим қилган.¹⁷ Шу билан бирга, Қорахонийлар баъзида тангутлар билан тил топишмай қолган пайтлари ҳам бўлган. Жумладан, тангутлар Дуньхуан худудини босиб олгач, Хитойга борадиган йўлни ўз назоратига оладилар. Улар олиб борган сиёсатдан Қорахонийлар норози бўлиб турганлиги маълум. Негаки, Қорахонийлар ва тангутлар ўртасида ҳарбий тўқнашувлар бўлиб турганлиги хитой манбаларида қайд этилади. Жумладан, 1093 йили Қорахонийлар ҳукмдори Сун императоридан тангутларга қарши ҳарбий қўшин юбориш учун қўмак сўрайди. Мазкур илтимос рад этилганлигига қарамай, Қорахонийлар бироз ўтиб тангутларни Ganzhou 甘, Shazhou 沙州 ва Suzhou 肅州 худудларида тор-мор қиладилар.¹⁸

Қорахонийлар элчиси татарлар ва тангутлар ўртасидаги низолар тўғрисида ҳам сўзлайди. Бу аслида Қорахонийлар шарқий худудлардаги сиёсий вазиятдан яхши хабардор бўлганлиги ҳақида далолат беради. Шу билан бирга Қорахонийларнинг ташқи дунё ҳақидаги маълумотлари Махмуд Қошғарий харитасидан ҳам кўра кенгрок бўлганлигини кўрсатади.

¹³ Dīwān lughāt al-Türk, Maḥmūd al-Kāshgharī / пер. З.-А.М. Ауэзовой, Махмуд ал-Кашгари. Диван лугат ат-Турк. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 424, 843. Махсуд ал-Қошғарий харитаси ва у ерда кўрсатилган шаҳарлар бўйича яна қаранг: Herrmann, Albert. Die älteste türkische Weltkarte (1076 n. Chr.) // Imago Mundi 1 (1935): 22-24.

¹⁴ Liao shi 遼史 [Ляо сулоласи тарихи], Tuotuo 脫脫. – Beijing: Zhonghua shuju, 1976. – Боб 16, Б. 189.

¹⁵ Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脫脫. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. – Боб 490, Б. 14109.

¹⁶ Wenchang zalu 文昌雜錄 [Wenchang худудидан турли битиклар], Pang Yuanying 龐元英. – Taipei: Taiwan Shangwu yinshuguan, 1986. – Боб 1, Б. 653.

¹⁷ Song shi 宋史 [Сун сулоласи тарихи], Tuotuo 脫脫. – Beijing: Zhonghua shuju, 1977. – Боб 490, Б. 14109.

¹⁸ Ўша асар, Боб 490, Б. 14109.

Умуман олганда, бир элчиликни таҳлил қилиш орқали бошқа бир қатор масалаларга ҳам ойдинлик киритиш мумкин. Жумладан, юқорида тилга олинган Сун императори ва Қорахонийлар элчиси ўртасидаги қисқа суҳбат мазкур даврдаги Қорахонийлар ва Хитой ўртасидаги савдо йўллари ҳолати ҳамда минтақадаги сиёсий вазият ҳақида ҳам маълумот беради.

УДК: 94+631.2

XORAZM VOHASI DEHQONCHILIGI TARIXIDAN
N.P.Kamolova, Xorazm Ma'mun akademiyasi kichik ilmiy xodimi,
P.Kamolov, Urganch Davlat universiteti dotsenti

Annotatsiya: *Maqolada Xorazm o'lkasida mavjud bo'lgan dehqonchilik tizimi va irrigatsiya sug'orish inshootlari o'zining yutuq-kamchiliklari, kuchli va kuchsiz tomonlari bilan tarixan qisqa vaqt ichida Xorazmda irrigatsiya (suvdan foydalanish, ta'mirlash va boshqalar) ishlarini tashkil qilishda va boshqarishda o'z-o'zini boshqarish va xo'jalik hisobi prinsiplarini qo'llash, suvdan foydalanishni takomillashtirish usullari bayon qilingan.*

Kalit so'zlar: *sun'iy sug'orish tizimi, sug'orma dehqonchilik, tuproq unumdorligi, loyqa o'tirtirish, mehnat qurollari.*

Аннотация: *В исторической перспективе изложены слабые и сильные стороны, достижения и недостатки системы земледелия и орошаемых сооружений, существовавших в древнем Хорезме. В период древнего Хорезма, были организованы ирригационные работы, а также применены принципы хозяйственных расчетов, усовершенствованы методы водопользования.*

Ключевые слова: *система искусственного орошения, орошаемое земледелие, плодородие почвы, осажжение глины, орудия труда.*

Abstract: *This article describes in the historical perspective the weak and strong sides, the achievements and disadvantages of the agricultural and irrigation system existing of the ancient Khorezm. During the ancient Khorezm the irrigation works were organized based on the principles of economic calculation, along with the improved methods of water use.*

Key words: *system of artificial irrigation, irrigated agriculture, soil fertility, clay precipitation, tools.*

Bozor munosabatlari jadallik bilan rivojlanayotgan bir sharoitda mamlakatimizda ishlab chiqarish tarmoqlarining rivojiga: jumladan, qishloq xo'jaligida ko'p daromadli ekinlar mahsulotlarini yetishtirishga katta e'tibor qaratilmoqda. O'zbekiston geografik jihatdan qulay hududda joylashganligi va mamlakat hududida katta, sersuv daryolarning, unumdor tuproqlarning mavjudligi qadimdan bu zaminda ibtidoiy dehqonchilik o'choqlarining paydo bo'lishi va rivojlanishiga sabab bo'ldi.

Afg'oniston hududi orqali Hindiqush tog' tizmalarining shimoliy yonbag'ridan 4000 m balandlikdan oqib tushuvchi Amudaryo o'zi bilan birga tog' jinslarini va suvda erigan minerallarni yuvib tushishi natijasida tabiiy minerallar bilan to'yingan il jinslarga boy, unumdor hisoblangan loyqa suvi (78m³) Markaziy Osiyo davlatlari, ayniqsa, mamlakatimiz shimoliy qismi hisoblangan Xorazm va Qoraqalpog'iston Respublikasi dehqonlari uchun hayotning muhim omili hisoblangan. Xorazm vohasi iqlim sharoiti jihatdan mamlakatimizning boshqa viloyatlariga nisbatan og'ir hududda joylashgan bo'lib, tuprog'i sho'rlangan, iqlimi jihatdan yozi o'ta quruq va issiq, qish mavsumi juda sovuq keladi. Havo harorati o'simliklarning o'suv davrida juda yuqori va yog'ingarchilik miqdori kam (70-90 mm), ba'zi yillarda yoz oylari umuman yomg'ir yog'masligi kuzatiladi. Qattiq sovuqlar iliq havo bilan keskin almashib turishi natijasida bahor oylarida kuchli shamollar bo'lishiga sabab bo'ladi. Yog'ingarchilikning kamligi yoki umuman bo'lmasligi, kunduz kunlari havoning nisbiy namligi past bo'lishini, yoz oyida kunning quruq bo'lishini ta'minlaydi. Shuning uchun ziroatlar faqat sun'iy sug'orish yo'li bilan parvarish qilinadi. Vohada qish mavsumida qor qatlamiga beqaror hisoblanadi, ayrim yillari umuman bo'lmaydi, agar qor yog'ishi kuzatilgan taqdirda ham o'rtacha saqlanish davri 14-16 kunni tashkil qiladi. Bu davrda havoning tumanli kunlari ko'pincha dekabr - yanvar oylarida kuzatilib, yoz mavsumida umuman kuzatilmaydi. Yil davomida kuzatilgan tumanli kunlarning o'rtacha soni 10-15 kunni tashkil qiladi.

Xorazm viloyati hududi dengiz sathidan 106-108 m balandlikda joylashgan bo'lib, O'zbekiston hududining eng past qismi hisoblanadi. Shu sababli yerosti suvlari yerning yuza qatlamiga juda yaqindir. Bunday sharoit dehqonchilik bilan shug'ullanuvchi aholi qatlamiga ancha qiyinchilik tug'diradi. Bu esa dehqonchilik qilish va qishloq xo'jaligi ekinlaridan yuqori va sifatli hosil yetishtirishning yangidan yangi innovatsion texnologiyalarini ishlab chiqishni taqozo qiladi.

Qadimgi Xorazmda ham dehqonlar ibtidoiy dehqonchilikning eng oddiy va o'sha davr uchun ancha samarali bo'lgan shakllaridan foydalanganlar. Masalan: "Daryolar toshqinidan foydalanib, yerlarga loyqa o'tirtirish yo'li bilan tuproqning unumdorlik xususiyati yaxshilangan. Arxeologik tadqiqotlar natijasida bu usuldan tahminan o'n ming yil ilgari foydalanilganligi aniqlangan" (Ahmedov, 1964, 9 b.)

Ibtidoiy davr dehqonchilik tizimining paydo bo'lish tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak, shu davr aholi qatlamining tabiatda mavjud o'simlik ildiz mevalari va tabiiy holda o'rmonzor va chakalakzorlarda pishib yotgan daraxt mevalardan oziq-ovqat sifatida foydalanganliklari bizga tarixiy va arxeologik manbalardan ma'lum. Vaqt o'tishi bilan insonlarning atrof-muhitni o'rganishga, uni anglashga bo'lgan intilish va qiziqishlari natijasida o'zlari yashab turgan makondan tashqari hududlarga asta-sekinlik bilan ko'chib o'tish jarayoni boshlangan va so'ngi tosh asri kishilari O'rta Osiyo bo'ylab keng tarqalib, o'zlari yashashi uchun qulay, ochiq manzilgoh va g'or-makonlarda hayot kechirganlar. Ularning asosiy mehnat qurollari toshdan yasalgan qirg'ichlar, keskichlar, teshgichlar va nayza paykonlari bo'lib, ular albatta yog'och va suyakdan ham mehnat qurollari yasashgan, ammo yog'och va suyakdan yasalgan mehnat qurollari zamonamizgacha saqlanib qolmagan, chunki ular yerostida chirib yo'qolib ketganligini tahmin qilishimiz mumkin.

"So'ngi davrning eng xarakterli xususiyatlardan biri ibtidoiy to'dadan urug' jamoasiga o'tilishidir. Urug'chilik ibtidoiy jamiyat tarixining alohida bosqichini tashkil etib, bu ijtimoiy hayotdagi qator ijobiy o'zgarishlarning paydo bo'lishiga zamin hozirlab berdi. Lekin dastlabki urug'chilik tuzumi o'zidan oldingi ibtidoiy to'daga nisbatan rivojlanishning yuqoriroq bosqichi bo'lishiga qaramay, bu davr kishilari hali tayyor oziq-ovqat mahsulotlaridan foydalanar – ovchilik, termachilik, baliqchilik bilan tirikchilik qilganlar" (Kabirov, Sagdullayev 1989, 58 b.).

Qadimgi tosh asrining so'ngi bosqichlariga kelib tabiatda asta-sekinlik bilan muhim jarayonlar sodir bo'lgan. Chunki mezolit bosqichining boshlanishi ulkan muzliklarning chekinish davriga to'g'ri keldi. Haroratning ko'tarilishi natijasida O'rta Osiyoning hayvonot olami va o'simliklar dunyosida ham o'zgarishlar sodir bo'la boshladi. "Qadimgi tosh asrining yirik hayvonlari asta-sekinlik bilan yo'qola borib, ular o'rniga elik, arxar, muflon, tog' echkilari, bug'u, jayron, quyon, arslon, yo'lbars, bars va boshqa hayvonlar ko'paya boshlagan. Shuningdek, O'rta Osiyodagi issiqtalab yovvoyi boshqoqli o'simlik va daraxtlar ham tobora ko'paya bordi" (Kabirov, Sagdullayev, 1989, 59 b.).

Shuni alohida ta'kidlash joizki, aynan ushbu davrdan ibtidoiy dehqonchilik ilk kurtak yoza boshlagan desak adashmaymiz. Chunki mezolit davriga kelib insonlar xo'jalik turmush tarzida katta o'zgarish va kashfiyotlar qila boshladi, mehnat qurollari yanada takomillashdi. Insonlar ongining rivojlanishida muhim o'zgarishlar sezilib, ovqatlanish va yashash sharoitlarining takomillashishiga olib keldi. Bunday holat insonlarning mehnat qilish qobiliyatini yanada rivojlanishiga sabab bo'ldi.

"Mezolit davriga kelib, janubiy o'lkalarda, shuningdek, O'rta Osiyoda sigment, trapetsiya, uchburchak shaklidagi mayda qurolchalar – mikrolitlar paydo bo'lib, suyak yoki yog'och dastachadan qadama sifatida foydalanilgan. Qadamalar dastalarga bitum-qatron bilan yopishtirilib mustahkamlangan yoki qayish bilan bog'langan. Bu qurollardan odamlar kesish va o'rish maqsadlarida pichoq va o'roq sifatida keng foydalanganlar" (Kabirov, Sagdullayev, 1989, 58 b.).

Arxeologik tadqiqot natijalariga ko'ra aynan ushbu davrda Old, Yaqin va O'rta Osiyoning ba'zi joylarida termachilikdan dehqonchilikka va ovchilikdan chorvachilikka o'ta boshlagan. Bu jarayon ba'zi joylarda erta, boshqa joylarda ancha kech sodir bo'lib, bu ishlab chiqaruvchi kuchlarning qay darajada rivojlanishi bilan bog'liq bo'lgan. Bu davrda dastlab odamlar tabiatda mavjud bo'lgan tayyor mahsulotlardan foydalanib, termachilik va ovchilik bilan shug'ullanishgan bo'lsalar, keyinchalik ular o'z mehnat faoliyatlari bilan tabiatga faol ta'sir etib, ilg'or unumdorlik xo'jaligiga – dehqonchilik va chorvachilikka o'ta boshlaganlar. Bu holni dehqonchilik va chorvachilikning ilk kurtaklari deyish mumkin.

Arxeologik tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, O'rta Osiyoning shimoliy hududlarida sun'iy sug'orishga asoslangan dehqonchilik tizimi ibtidoiy davrga borib taqaladi. "1904 yilda Ashgabat shahri yaqinida o'tkazilgan qazish ishlari natijasida bu hududda eramizdan tahminan 8250 yil ilgari sug'orib ekin ekilganligi aniqlandi". (Ahmedov, 1964, 9 b.)

Xorazm viloyati bugungi kunda O'zbekistonning shimoli-g'arbida Amudaryoning quyi qismida joylashgan. Sug'orishga asoslangan dehqonchilik madaniyati Xorazmda yuqorida ta'kidlaganidek, bosqichma bosqich qadim zamonlardan rivojlangan. Viloyat tuproqlari Amudaryo suvining loyqalaridan hosil bo'lgan. Relyefi past tekislik bo'lib, yer yuzasining umumiy nisabligi shimoldan g'arbgacha tomon. Viloyat hududi sug'orish kanallari va zovurlarining qalin sertarmoq shaxobchalari bilan qoplangan. Xorazm vohasining tuprog'i sho'rlangan, ko'pchiligi o'tloqi-botqoq. Amudaryoning eski o'zani hozirgi davrda yo'qolib ketgan Daryoliq va Davdon irmoqlari yotqiziqalaridan tashkil topib, mexanik tarkibi jihatdan murakkab, geomorfologiyasi jihatidan har xil oqim cho'kindilaridan iborat. Yerosti suvlari sho'rlangan, iste'molga deyarli

yaroqsiz qattiq suv. Shunday murakkab sharoitda dehqonchilik bilan shug'ullanish dehqonlardan o'ta omilkorlikni, ko'p va mukammal tajribani hamda mustahkam iroda, ancha mashaqqatli mehnatni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Ahmedov X.A. Sug'orish melioratsiyasi, Toshkent – 1964., 9 b.
2. Kabirov J., Sagdullayev A. O'rta Osiyo arxeologiyasi, O'qituvchi, 58 b.
3. Gulamov Y. Xorazmning sug'orilish tarixi, T., 1957, 74 b.

УДК 398.49

**НИКОХ ТҶИИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИРИМ-СИРИМЛАРДА ҚАДИМИЙ ДИНИЙ
ЭЪТИҚОДЛАРНИНГ КЎРИНИШЛАРИ**

Н.М. Маткаримова Урганч давлат университети докторанти

Аннотация: Ўзбек урф-одат ва маросимларини ўрганиш бугунги илмий жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада хоразмлик ўзбекларнинг никоҳ тўйларида амал қилинадиган ирим-сирим ва эътиқодларининг айрим кўринишлари таҳлил этилган.

Калим сўзлар: Никоҳ тўйи, ирим-сиримлар, миллий маросимлар, расм-русмлар, қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, ишонч-эътиқод, сеҳр-жоду, кўз тегиши.

Аннотация: Изучение узбекских обычаев и традиций имеет важное значение в современном научном процессе. В этой статье анализируются некоторые виды соблюдаемых примет и обычаев в свадебных помолвках хорезмских узбеков.

Ключевые слова: Свадьба, обряды и приметы, национальные церемоний, обычаи и привычки, ценности, доверие, убеждение, колдовство, сглаз.

Abstract: The study of Uzbek customs and traditions is of great importance in today's scientific process. This article analyzes some types of observed signs and customs in the wedding engagement of Khorezm Uzbeks.

Key words: Wedding, ceremonies and signs, national ceremonies, customs and habits, values, trust, conviction, witchcraft, evil eye.

Ирим-сиримларлар барча халқларда мавжуд бўлиб, бир неча минг йиллик тарихга эга. Иримлар инсониятнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, муайян синовлардан ўтиб бизгача етиб келган. Кишилар ўзларини, оила аъзолари ва бошқа яқин инсонларини ёмон кўзлардан асраш учун ирим қилишади. Одатда қонун-қоидаларда бир иш-ҳаракатни қилиш, бажариш кўзда тутилса, иримларда аксинча, муайян иш-ҳаракатларни қилмаслик, бажармаслик талаб қилинади [1, 166]. Хоразм воҳасида ирим-сиримларга ишонувчилар, амал қилувчилар билан бирга унга эътибор бермайдиганлар ҳам топилади. Аммо никоҳ тўйи билан боғлиқ ирим-сиримлар ҳам анчагина бўлиб, кўпинча одамлар унга беихтиёр амал қилишади. Чунки, тўйлардаги иримлар урф-одат ва маросимлар таркибига сингиб кетган ва анъана тарзида авлодлар орасида такрорланаверади.

Никоҳ тўйи билан боғлиқ ирим-сиримларда биз қадимий диний эътиқодларнинг таъсирини хусусан, ибтидоий динларга, Зардуштийлик ва Ислон динлари таълимотларига оид айрим жиҳатларни учратишимиз мумкин. Хоразмда тарқалган иримлардан бири “кўз тегиши”дан сақланишдир. Кишиларнинг тасаввурича, ўзгаларнинг муваффақиятини ёки бахтини кўролмайдиган шахсларнинг кўзи, кўриш иқтидори ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқ томонидан уларга нисбатан “кўзи бор”, “кўзлик”...каби иборалар ишлатилади [1, 182]. Масалан, никоҳ тўйи хонадонини ва унинг оила аъзоларини ҳар хил бало-офатлардан, турли “гўз-сук”¹лардан асраш учун баъзи момолар тўйдан олдин хонадон атрофига, уй ичига аччик тош эзилган сувдан септиришади ёки келин ва куёвнинг чўнтагига, сочлари орасига озгина туз солиб қўйишади. Одатда Хоразмда келинлар кўз тегмаслиги учун кўпинча турли хил кўзмунчоқлар тақишади. Маълумки, мунчоқ кўз гавҳарига ўхшагани учун кўз мунчоқ деб юритилади. Унинг предмети эса рангли тошдир. Кўз тегишига қарши тошдан бўлган мунчоқнинг қарши қўйилишининг бошқа бир мифологик асоси ҳам борки, у тошнинг муқаддас жисм эканлигидадир. Яъни, кўз тошга тегиб, унинг эгасига таъсир қилолмасин, деган тушунча ушбу воситанинг асосий моҳиятини ташкил этади [2, 24]. Бундан ташқари никоҳ тўйи куни бир неча маротаба келин тушган хонага исирик тутатилади. Бу ҳам ёмон кўздан сақловчи восита ҳисобланади. Булар фетешизмнинг кўринишлари бўлиб, нарса-буюмларнинг илоҳий кучга ва таъсирга эга эканлигига ишониш ҳали ҳам кишилар онгида мавжудлиги ва уларнинг ҳаётида муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

¹ Гўз-сукдан сақлаш — кўз тегиши, назардан-нафасдан асраш.

Маълумки, Зардуштийлик динида олов жуда муқаддас ходиса ҳисобланган. Шу сабабли бўлса керак, Хоразмда ҳозир ҳам оила ва никоҳ масалаларида олов билан алоқадор иримлар фаол қўлланилади. Келин минган уловни олов устидан ўтказиш, қўшаганага чироқ ёққан ҳолда келиш, бешикни ўт айлантриб, инс-жинсдан тозалаш, исириқ тутатиш каби одатлар шулар жумласидандир [2, 10]. Олинган маълумотларга кўра, келин келганда ўтнинг устидан ўтказилса, инс-жинслар ёниб кетармиш. Келин уйдан чиққанда чироқ ёқтириб, ўзи билан бирга олиб чиқади ва куёвнинг уйига ҳам ёқилган ҳолда киритилади Шунда келиннинг йўли ёруғ бўлармиш. Бу чироқ келиннинг отаси томонидан ёқиб берилган ва то куёвнинг уйига етиб боргунча чироқни ўчиб қолмаслигига ҳаракат қилинган ва уч кундан кейин ўчирилган [3, 44-49]. Бу ҳам олов билан боғлиқ ходиса бўлиб, зардуштийлик таълимотига кўра оловнинг ўчиб қолиши яхшилик аъломати эмас. Янги келинни етти баъзи жойларда уч кунгача кечкурун ташқарига чиқармайдилар, қоронғида ёлғиз қолдирмайдилар, “чилла” тушиши мумкин. Умуман тўй билан боғлиқ маросимларнинг бошидан то охиригача тўй хонадони ва айниқса келин ва куёв, ҳар қандай ташқи таъсирлардан яқинлари томонидан қаттиқ химояга олинган.

Қадимдан Хоразм воҳасида уй-жойлар ва уйнинг турли қисмлари (орқа, қуласи², тўри, адани³), айниқса, остонаси энг муқаддас жойлардан бири ҳисобланган ва у билан боғлиқ қатор диний-афсунгарлик урф-одатлари ҳамда иримлари бажарилган. Умуман олганда, уй бўсағасини муқаддаслаштириш қадимий асосга эга бўлиб, археологик қазилмалар жараёнида топилган материаллар қадимда Ўрта Осиё минтақасида остона култи кенг тарқалган ўзига хос архаик културалардан бири бўлганлигидан далолат беради. Келин уловдан тушаётганда остонага, унинг биринчи қадамига пўстин ташлашади. Шунда қадами юмшоқ бўлар экан.

Момоларнинг айтишларича, никоҳ тўйи куни келин янги хонадон остонасига биринчи бўлиб ўнг оёғини босиб кириши керак. Бунинг маъноси шуки, янги хонадонга келин билан бирга фаришталар ҳам кирар экан [дала ёзувлари №1]. Келин остона хатлаб ичкарига кираётганда ҳеч ким унинг олдидан кесиб ўтмаслиги керак. Агар одам ўтса, келин фарзандсиз бўлади деб ирим қилинади. Баъзи жойларда янги келган келиннинг олдидан туғмаган аёл ўтса, фарзандли бўлади. Лекин янги келин фарзанд кўрмайди [3, 56-58], деган иримлар ҳам бор. Ҳозир ҳам бу иримга жуда қаттиқ амал қилинади, лекин маъноси нимада эканлигини кўпчилик билмайди

Уйнинг эшиги ҳам худди остона каби хонани ташқи муҳит билан боғлашда асосий вазифани бажарган. У икки дунёнинг чегараси ҳисобланган. Эшик эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва қоронғулик, янгилик ва эскилик чегарасидирки, очилади, ёпилади, шу билан нафақат ўз вазифасини бажаради, балки куёш чиқиши ва ботиши, кутиб олиш ва қузатиш каби рамзларни ҳам ифодалайди.[4,7]

Ўтмишда фарғоналик қипчоқларда янги келин уйга киришдан олдин остонага манглайини уч марта тегизиб ўтган [5,322]. Бу маросим элементларини биз Хоразмнинг Хонқа туманида бугунги кунда ҳам учратишимиз мумкин. Келин янги хонадонга қадам қўймасдан олдин бошини уч марта остонага қўйиб, кейин ўтишида жуда катта рамзий маъно бор. Маълумки, ислом оламида муқаддас Каъбатуллоҳдан бошқа жойга сажда қилинмайди. Келинларнинг тўй куни хонадон остонасига сажда қилишидан мақсад, “шу хонадон менинг иккинчи Каъбам бўлиб қолсин”,- деган ниятда амалга оширилади.

Агар бирор хонадон қўш келин туширмакчи бўлса, куёвнинг уйига киришда олдин биринчи келин янгаси билан ичкарига киритилади, уйнинг эшиги ёпиб яна очилади ва иккинчи келин янгаси билан уйга киритилади. Шу билан бирга ўша пайтда нимадир атайлаб қарсиллатиб синдирилади. Бу одамларни сескантириб юбориши керак. Баъзи жойларда уйга иккита келин келганда, икки машина ўртасида хўроз сўйилади ва иккала куда тараф бир-бирларига нон беришади, кейин келинлар тушишади. Биринчи келин киргач эшик ёпилиб, кейин иккинчи келинни киргизиш учун бошқатдан очилади. Баъзи хонадонларда агар иккита кириш эшиги бўлса келинларнинг бири биринчи эшикдан, иккинчиси иккинчи эшикдан ёки боғ эшикдан киритилади. Бундай муносабат келинлар учун ҳам, уларнинг оилалари учун ҳам ҳеч қандай камситиш ёки бошқача муносабат мавжудлигини билдирмайди. Чунки хоразмликларда иккала келин бир вақтда бир эшикдан кирса, келинларнинг бирига “чилла” тушади деган тушунча мавжуд. Момоларнинг кўп йиллик тажрибаларидан маълумки, қўш келин тушган хонадонларнинг қайсидир бир келини кўп йиллар давомида ёки умуман фарзандли бўла олмайди. Агар иккита келин бир тушса, улар бир-бирининг хонасига уч кунгача кирмаслиги керак, чунки кирса, “чилла” тушиши мумкин [3, 53-57]. Янгибозор туманида хонадонга қўш келин тушса, биринчи келиннинг хонасига кирган киши иккинчи келиннинг хонасига кириши, ҳатто баъзи

² Орқа, қуласи – кун чиқиш ва ботиш томонлари.

³ Адан – кириш жойи, остона.

жойларида нариги келиннинг хонаси тарафига қараши ҳам ман этилади. Чиллали келин уйига бева қолган ёки эридан ажрашган хотин кирмаслиги керак [3, 49]. Бу ҳам “чилла” тушиши билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, азалдан нафақат келиннинг хонаси балки тўй хонадони ҳам “чиллахона” деб номланган ва ана шу хонадонда қилинган тилаклар амалга ошишига ишонишган. Бу ақидалар бугунги кунда ҳам ўзининг ижтимоий аҳамиятини йўқотмаган ва ҳар бир маросим остида албатта катта бир илм ва ҳикмат ётади.

Келин ва куёв учун уйнинг қайси қисмидан хона ажратилишидан қатъий назар, никоҳ куни келин уйнинг бўсаға(остона)си ёнидаги биринчи хонага ёки қайнота ва қайнонасининг хонасига туширилади. Баъзи одамларда келин хонадонга келган биринчи кунданок уйнинг тўрига ёки иккинчи қаватдаги хонага киритилса, кейин бир умр оила аъзоларига устамлик (хукмронлик) қилади, деган тушунча бор. Айримлар эса, тўйнинг биринчи куни қайнота ва қайнонасининг хонасига туширилган келин, уларга ўхшаб бахтли, саодатли бўлади деб ишонишади.

Азалдан Хоразмда меҳмон эшикдан чиқиши билан уй супуриш мумкин эмас. Агар ёшлардан кимдир билмасдан супуришни бошласа, албатта шу хонадон катталари томонидан меҳмон манзилига етгунича, ҳеч бўлмаганда биров вақт ўтгунича тўхтатиб қўйилади ва бу иримларга қаттиқ амал қилинади. Меҳмоннинг ортидан изини дарров супуриб ташлаш, қайтиб шу уйга қадам босмасин деган ёмон ирим билан изоҳланади. Бу иримнинг никоҳ тўйи билан боғлиқ жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, тўй хонадонидан уч кунгача супурилган чиқинди ҳокандоз билан олиб ташланмайди, ё уйнинг бир четига йиғиб қўйилади ёки секин гиламнинг бир чети кўтарилиб, тагига ташлаб турилади. Бунинг маъноси шуки, никоҳ тўйи маросимининг дастлабки уч кунда тўйнинг асосий энг катта маросимлари ўтказилади ва икки қуда томондан жуда кўплаб борди-келди муносабатлари амалга оширилади. Хонадонлар ўртасидаги муносабатларнинг бардавомлигини сақлаш мақсадида шундай иримларга амал қилинади. Баъзи жойларда қиз узатилган хонадонда уч кунгача уй супурилмайди, айтишларича келиннинг ота уйига келиб-кетиши қийин бўлармиш.

Одатда фотиҳадан кейин никоҳ тўйи муддати унча узокқа чўзилмайди. Агар орада анча вақт ўтса, ўртага нимадир тушади, деб хавотирланишади. Яъни тўйни умуман тўхтатувчи ёки никоҳ тўйи маросимини ўтказишга ҳалақит берувчи қандайдир воқеа содир бўлади, деб ўйлашади.

Азалдан тўй ва мотам маросимларига бориш ва келишда маълум бир қоидалар мавжуд бўлиб, уларга қатъий амал қилинган. Тўйга келувчи меҳмонлар учун ҳам бир қанча талаблар қўйилганки, шулардан бири келин тушган уйга аздор бормади, “чилла” тушади[3, 51]. Аза маъракаларидан чиқиб тўй хонадонига ёки тўйхонага борилмайди, ҳар ким тўғри ўз уйига бориши керак. Катталарнинг айтишича, маъракаларда қатнашиш савобли ишлардан бири бўлиб, уни ҳар ким ўзи билан ўз хонадонига олиб бориши керак, бўлмаса, тўй эгаси хафа бўлиб қолиши мумкин. Қадимгилар бир кунда қўл-оёқнинг тирноғини баравар олишмаган. Бир кунда ҳам тўй, ҳам ўлимга йўлиқмайин деб шундай қилишган. Бу сингари таъқиқлар, ҳаракат, огоҳлантиришларнинг ўз асосли мантқиқ, мазмуни ва воқеа-ҳодисалари борки, кўп бора такрорланган бу ҳодисаларда ҳосият бўлмаганлиги учун халқ билиб, уни таъқиқлаб, ҳеч бўлмаса, кейинги авлодларни огоҳлантириб кетган.

Бундай иримларнинг остида қаттиқ ихлос ётади ва бу кейинги яхши ишлар содир бўлиши учун инсон қалбида умид учқунларини пайдо қилади. Бу сингари одат-иримларнинг ҳисоби йўқ. Аммо, ортиқча иримчилик, ҳар ишдан хавотирланавериш ҳам, ота-боболаримиз томонидан салбий баҳолашиб, қораланган. Бироқ, ирим-сиримлар ҳам халқ турмушига минг-минг йиллардан буён ҳамроҳлик қилиб, сингиб, унинг ажралмас қисмига айланиб қолганлигини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам ирим-сирим одатини ҳар бир халқ маданиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида ўрганиш, унинг моҳиятини англаш, ҳаётий жиҳатдан далилланганларига амал қилиш, инсоният тажрибасидан тўғри фойдаланиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маҳмуд Сагтор. Ўзбек удумлари. Т., “Фан”, 1993, 224 бет.
2. Сапарбой Рўзимбоев, Нодира Собирова. Авесто Мифологияси ва Хоразм фольклори. Урганч-2001 т.
3. Хоразм фольклори. XI том. Урганч-2010
4. А.Аширов. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний этикодлар. (Фарғона водийси материаллари асосида). Автореферат. Тошкент – 2008 йил.
5. Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа ... – С. 322.
6. Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. “Алоқачи” – 2008, 225-бет.
7. Саримсоқов. Б. Ўзбек халқ маросим фольклори. Т., 1968, 182-бет
8. Матназарова Гулжон она. 78 ёш. Урганч шаҳар Фирдавсий кўчаси.

УДК 304.444

MA'NAVYI YANGILANISHLAR STRATEGIYASIDA MILLATLARARO TOTUVLIK
MASALALARI*B.S. Turdiyev, Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi
Sh.Sh. Boltayev, Xiva shahar**8 son umum ta'lim maktabida O'zYoI Boshlang'ich Tashkilot yetakchisi*

Annotatsiya: Ushbu maqola mamlakatimizda millatlararo totuvlik va uning fuqarolik jamiyatining barqaror rivojlanishini ta'minlashdagi roli ochib berilgan.

Kalit so'zlar: millatlararo totuvlik, xalqlar, etnik guruhlar, "Jamoat diplomatiyasi", milliy madaniyat markazlari, do'stlik, millat, tolerantlik.

Аннотация: Данная статья рассматривает вопросы межнационального согласия в стране, и его роль в обеспечении устойчивого развития гражданского общества.

Ключевые слова: межэтническая гармония, народы, этнические группы, "Общественная дипломатия", национальные культурные центры, дружба, нация, толерантность.

Abstract: This article describes promote inter-ethnic harmony in the country, and its role in sustainable development of civil society.

Key words: interethnic harmony, peoples, ethnic groups, "Public Diplomacy", national cultural centers, friendship, nation, tolerance.

Bugungi kunda millatlararo totuvlik - bu eng avvalo, har qanday davlatning ijtimoiy-siyosiy barqarorligini ta'minlovchi eng muhim omillardan biridir. Tarixdan ma'lumki, mamlakatimizda turli madaniyat va sivilizatsiyalar vakillari – turli xalqlar, etnik guruhlar aralashib, do'stlik va hamjihatlikda yashab O'zbekistonni Vatan tutganlar. Ularning hozirgi avlodlari uchun O'zbekiston ona-Vatanga aylandi.

Mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab bag'rikenglik va insonparvarlik madaniyatini rivojlantirish, millatlararo va konfessiyalararo hamjihatlikni, jamiyatda fuqarolar totuvligini mustahkamlash, barcha fuqarolarga millati va diniy e'tiqodidan qat'iy nazar, teng huquq va imkoniyatlar yaratish, yosh avlodni vatanparvarlik, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat, Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalash O'zbekistonda davlat siyosatining muhim ustuvor yo'nalishlaridan biri etib belgilangan [1]. Bugungi kunda respublikamizda faol "xalq diplomatiyasi" asosida chet eldagi vatandoshlarimiz bilan muntazam va o'zaro foydali munosabatlarni yo'lga qo'yish, xorijiy mamlakatlar bilan do'stona munosabatlarni va madaniy-ma'rifiy aloqalarni mustahkamlash orqali o'z faoliyatini O'zbekistonda yashab kelayotgan barcha millat va etnik diasporalarning tarixi, madaniyati, ma'naviy qadriyatlari, milliy an'analari va urf-odatlarini saqlash hamda har tomonlama rivojlantirish tamoyillariga asosan olib borayotgan Respublika baynalmilal madaniyat markazi, 138 ta milliy madaniy markazlar, O'zbekiston xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik va madaniy-ma'rifiy aloqalar jamiyatlari kengashi, shuningdek, 34 ta do'stlik jamiyatlari vakillari yagona oila farzandlaridek yashab, mehnat qilib kelmoqda. Ularning O'zbekiston qonunlarida belgilab qo'yilgan huquq va erkinliklari, manfaatlari to'liq ta'minlangan.

Shuni ta'kidlash joizki, O'zbekiston turli millatga mansub odamlar yuz yillar mobaynida bir oila kabi inoq yashab kelayotgan, dini, irqi va millatidan qat'iy nazar, inson sharaflanadigan bag'rikeng mamlakatdir. Ayni shu zaminda yuz yillar davomida dunyo madaniyatining kata miqyosdagi bir-birini boyitish jarayoni ro'y bergan. Masalan, yurtimizda tavallud topgan I.Kalantarov, Yu.Is'hoqov, L.Aronova, M.Koziyev, B.Pinxasov, N.Mallayev kabi fan va madaniyat arboblari, Manas Leviyev, Sulaymon Yudakov kabi bastakorlar, Yusuf Yelizarov singari rassomlar, O'zbekiston xalq artistlari Billur Davidova, Isohor Oqilov, Maryam Yoqubova va boshqalar turli millatga mansub ekani, ular madaniyatimiz ravnaqiga katta ulush qo'shgani bu fikrimizga dalil bo'la oladi.

Bugun yurtimizda barcha millat va elat vakillari tinch-totuv, farovon hayot kechirmoqda. Ularning huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlarini ta'minlash, ta'lim olishlari, o'z qiziqish va layoqatlari bo'yicha kasb-hunar egallashlari, madaniyatlari, urf-odatlari, an'analari saqlash hamda rivojlantirishlari uchun barcha imkoniyatlar yaratib berilgan. "O'zbekiston o'z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari,

urf-odatlari va an'analarini hurmat qilishni ta'minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi" [2] – deyiladi Konstitutsiyamizning 4-moddasida.

O'zbekistonda hukm surayotgan millatlararo bag'rikenglikning asosini YUNESKO tomonidan "16 noyabr – Xalqaro bag'rikenglik kuni" deklaratsiyasi, O'zbekistonning Konstitutsiyasi va tegishli qonunlari, "Harakatlar strategiyasi" va Sh.Mirziyoevning BMTning 72-Assambleyasida ma'ruzasida belgilab berilgan, millatlararo munosabatlar borasidagi keng qamrovli islohotlar bunga yorqin misoldir. Jumladan, 2017 yilning 24-yanvar kuni Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning yurtimizda millatlararo do'stlik va totuvlikni mustahkamlash, jamiyatimizda turli millat va elat vakillari o'rtasida hukm surayotgan o'zaro hamjihatlik va mehr-oqibat muhitini asrash, yosh avlodni vatanparvarlik, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash hamda milliy madaniy markazlar faoliyatini rivojlantirish borasidagi katta xizmatlari uchun "Respublika Baynalmilal madaniyat markazining 25-yilligi munosabati bilan milliy madaniy markazlarning bir guruh faollarini mukofotlash to'g'risida"gi Farmonlari qabul qilindi [3].

Prezidentimiz Sh.Mirziyoevning 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi farmonlari mamlakatimiz bosib o'tgan taraqqiyot yo'lining chuqur tahlili va jadal sur'atlar bilan rivojlantirishning mutlaqo yangicha yondashuv hamda tamoyillarini belgilab bergan tarixiy hujjat bo'ldi. Mazkur beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi yurtimizda olib borilayotgan islohotlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish hamda hayotimizning barcha sohalarini liberallashtirish bo'yicha aniq ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirishga qaratilgani bilan ahamiyatlidir. Harakatlar strategiyasining qabul qilinishi va amalga oshirilishi, biz yashayotgan bugungi davrning o'zi davlatimiz mustaqilligi va suverenitetini mustahkamlash, mamlakat atrofida xavfsizlik, barqarorlik va yaqin qo'shnichilik muhitini yaratishga qaratilgan puxta o'ylangan, o'zaro manfaatli va amaliy siyosatni yuritish, shuningdek, aholi, ayniqsa, yoshlar ongida insonparvarlik qadriyatlarini, turli millat vakillari o'rtasida o'zaro hamjihatlikni yanada mustahkamlash uchun asos bo'ladi.

Harakatlar strategiyasini amalga oshirishga oid davlat dasturining "Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash hamda chuqur o'ylangan, o'zaro manfaatli va amaliy tashqi siyosatni amalga oshirish" sohasida quyidagi ustuvor yo'nalishlarda belgilab qo'yilgan:

- Millatlararo munosabatlar sohasidagi siyosatning ustuvor yo'nalishlari konsepsiyasini tasdiqlash;
- Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi raisi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimlarining jamoat va diniy tashkilotlar bilan aloqalar bo'yicha o'rinbosarlarining faoliyatini tanqidiy tahlil qilish va ish samaradorligini oshirish;
- Diniy ta'lim tizimni tubdan isloh qilish;
- Birlashgan Millatlar Tashkiloti va xorijiy hamkorlar bilan birgalikda BMTning Yoshlar huquqlari bo'yicha konventsiyasi loyihasini ishlab chiqish;
- Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining "Ma'rifat va diniy bag'rikenglik" rezolyutsiyasi loyihasini ishlab chiqish;
- BMT Bosh Assambleyasining "Markaziy Osiyo mintaqasida tinchlik, xavfsizlik va barqaror ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotni ta'minlash bo'yicha mintaqaviy va xalqaro hamkorlikni mustahkamlashga doir" rezolyutsiyasi loyihasini ishlab chiqish [4].

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning tashabbuslari bilan 2017 yil 19 maydagi "Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmonlariga muvofiq Respublika baynalmilal madaniyat markazi va O'zbekiston xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik va madaniy-ma'rifiy aloqalar jamiyatlari kengashi negizida Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi tashkil etildi. Vazirlar Mahkamasi huzuridagi ushbu Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasining samarali faoliyat ko'rsatayotgani, mamlakatimiz ta'lim muassasalarida o'qish 7 ta tilda, teleradio ko'rsatuv va eshittirishlar 12 tilda efirga uzatilishi, gazeta va jurnallarning 10 dan ortiq tilda chop etilishi yurtimizda millatlar hamda dinlararo totuvlikni ta'minlashga doir oqilona siyosatimizning amaldagi yana bir yorqin namunasidir.

Bugungi kunda poytaxtimiz bo'ylab sayr qilsangiz, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy haykallari qatorida Ganjaviy, Rustaveli, Pushkin, Shevchenkolarning haykallari ham ko'cha va maydonlarimizga fayz baxsh etib turganini guvohi bo'lamiz. Bularning bari dinlararo bag'rikenglik va millatlararo totuvlik namoyishidir.

Muxtasar qilib aytganda, mamlakatimizda milliy madaniy rang-baranglik hayotimizning ajralmas qismiga aylangani barqarorlikni ta'minlashda, jamiyatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. O'zbekistonning millatlararo munosabatlarni mustahkamlash borasidagi katta tajribasi butun dunyoda keng e'tirof etilmoqda, ko'plab mamlakatlar uchun namuna bo'lib xizmat qilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi.-T.:“O'zbekiston”, 2017
2. “O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 6-son
3. “Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 2017 yil 19 may, PF-5046-son
4. 2017 — 2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasini “Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 23.01.2018 y., 06/18/5308/0610-son

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

УДК 373.167.1:811.352.3+373.167.1:811.16

**КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКАДА ТРАНСФЕРЕНЦИЯ ВА ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ
ХОДИСАЛАРИ ХУСУСИДА****М.Т. Зокиров ФарДУ доценти, ф.ф.н.****С.М. Зокирова ФарДУ ўқитувчиси**

Аннотация: Мазкур мақола бугунги кунда жаҳон тилшунослигида тез суръатлар билан ривожланаётган соҳалардан бири контрастив лингвистика муаммоларини ёритишга бағишланган. Лингвистик трансференция ҳамда интерференция масалалари контрастив лингвистиканинг асосий тадқиқот объектлари сифатида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: трансференция, интерференция, билингв, полилингв, она тили, чет тили.

Аннотация: В данной статье рассматриваются проблемы одной из быстро развивающихся областей мирового языкознания контрастивной лингвистики. Вопросы лингвистической трансференции и интерференции исследуются в качестве основных объектов изучения в контрастивной лингвистике.

Ключевые слова: контрастивная лингвистика, трансференция, интерференция, билингв, полилингв, родной язык, иностранный язык

Abstract: This article is devoted to the issue of contrastive linguistics which is being developed in high-speed today. The issue of linguistics transference and interference are considered as the main object of investigation.

Keywords: contrastive linguistics, transference, interference, bilingual, polilingual, native language, foreign language.

Бугунги кунда контрастив метод фақатгина тил назарияси соҳасида эмас, амалий-тадқиқий тадқиқотларда ҳам кенг қўлланмоқда. Контрастив лингвистика соҳасига оид ишлар кўлами кенгайиб бориши натижасида уларда белгилаб берилган вазифалар ҳам ортиб бормоқда. Тилшуносларнинг аксарият қисми контрастив лингвистика тушунчаси остида тилларни лингводидактик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қиёслаб ўрганишни тушунишади. Шунинг учун улар контрастив лингвистиканинг вазифаси ўрганилаётган чет тили ҳамда она тили ўртасидаги фарқларни кўрсатиш, интерференция манбаларини аниқлаш, типик хатоларни изохлаш, ўрганувчилар учун чет тилининг муҳим жиҳатларини белгилаб беришдан иборат деб ҳисоблашади.

Чет тилига ўқитиш жараёнида тилларни қиёслаб ўрганиш методи кенг қўлланилади. Мазкур жараёнда она тили структураси, грамматикасини амалий билиш ва унинг кўникма ҳамда нисбатан автоматиклашгани ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чет тилининг ўрганилишида она тили кўникмалари таъсирининг биринчи кўриниши трансференция, иккинчи кўриниши интерференция деб юритилади.

Трансференция бу ўрганилаётган тилга она тили элементлари ва кўникмаларини ижобий ўтказиш жараёни бўлса, интерференция эса айни омилнинг ўрганилаётган тил нормаларининг бузилишига, хатоларга олиб келадиган салбий таъсирдир.

Трансференция ходисаси интерференция масалаларига нисбатан кам ўрганилган. Трансференция (ижобий кўчириш) ходисаси интерференция ходисасига нисбатан турдош ҳисобланади, чунки трансференция ходисаси ҳам, интерференция ходисаси ҳам бир хил психологик механизмлар таъсирида вужудга келади. Фарқлинишлар, одатда фақат билингвлар ва полилингвлар нуткида кузатилади. Трансференция янги материални ўзлаштириш учун ижобий муҳит яратса, интерференция таъсирида тўсиқлар вужудга келади.

Методик адабиётларда трансференция масалаларига кам эътибор берилади. Хатолар юзага келишининг асосий манбаи бўлган интерференция эса тадқиқотчиларни кўпроқ қизиқтиради. Лекин трансференция ҳам лингводидактиканинг эътибор марказида бўлишга ҳақлидир.

Трансференция – бу кўникмаларнинг ўзаро таъсири натижасидир. Кўникма эса ҳаракатни бажаришнинг барқарорлашган усулидир [12.105]. Ҳар қандай кўникма шаклланиши замирида рефлекс туфайли рўй берадиган жараёнлар ётади. Доимий ҳаракат натижасида нерв структураларининг маълум бир қисмларида ташки таъсир натижасида кўзғалиш жараёни содир бўлиб, шартли-рефлектор алоқалар вужудга келади. Ҳар бир кўникма инсон эга бўлган кўникмалар тизимида амалга ошади. Кўникма шаклланишининг умумий хусусияти шундан иборатки, янги муаммо билан тўқнашган инсон беихтиёр олдиндан эгалланган усулларни қўллайди. Ўхшаш вазифаларнинг ечимини топишда ўз тажрибасида қўллаган усулларидан фойдаланади. Шундай қилиб, усулларни ўтказиш муваффақиятлилиги

масалаларнинг ўхшашлиги, уларнинг ечимини топишнинг шартлари ва усуллари ўзаро мос келишига боғлиқ. Агар масалалар ва улар ечимининг шартлари ва усуллари ўхшаш бўлмаса-ю, лекин инсон томонидан ўхшаш деб қабул қилинса, акс жараён интерференция содир бўлади.

Трансференция она тили ва ўрганилаётган тилларнинг фонетик-фонологик, лексик, грамматик ҳодисалари ўзаро мувофиқ бўлганда, иккинчи тилга ўргатиш жараёнини тезлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Масалан, ўзбек тилида инглиз тилидаги [ɪ] товушига ўхшаш бурун товуш мавжудлиги сабабли (инглиз тилидаги *morning, evening, everything* ўзбек тилидаги *сўнгги, денгиз, кўнгил, сингил, тонг*) шу товуш иштирокидаги сўзларни ўрганиш рус ўқувчисига қараганда ўзбек ўқувчисига осонроқ кечади.

Ўрганилаётган тилда она тилида мавжуд ҳодисалар бўлмаса ёки қисман мавжуд бўлса, айтиб бериш тил ҳодисалари турли усуллар орқали ифодаланса, иккала тилда фарқли, контраст белгилар мавжуд бўлса, интерференция ҳодисаси содир бўлади.

Дастлаб физика, биология, психология каби фанларда қўлланилган “интерференция” термини тилшуносликка немис олимлари томонидан олиб кирилиб, биринчи марта И.Эпштейн томонидан ишлатилган. У.Вайнрайх асарлари туфайли лингвистика соҳасидаги мазмуни конкретлашди [5.7-42]. Тилшунослар ҳамда психологлар мазкур атамани салбий таъсир, тўсиқ маъносида қабул қилишган. Ҳар қандай лингвистик интерференция намоён бўлиши замирида психологик-нутқий интерференция ётади, чунки бир тил меъёрларида иккинчи тил таъсирида кузатиладиган ҳар қандай “четга чиқиш”лар мазкур тилда сўзловчи индивидлар нутқида кузатилади.

Трансференция ва интерференция ҳодисалари инсоннинг ҳар қандай фаолиятидаги кўникмалар ва янгиликларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ ҳамда шу таъсирланишларнинг натижасидир. Шунинг учун Е.М.Верещчагин она тили чет сўзларини қўллашга таъсир қилганлиги сабабли онтологик планда бу икки ҳодиса бир хилдир деб ҳисоблайди [6.17]. Лекин А.А.Смирнов ва А.Н.Леонтьевлар таҳрири остида нашр қилинган “Психология” дарслигида мазкур ҳодисалар қуйидагича фарқланади: “Ўзлаштирилган кўникмаларнинг янги фаолиятни эгаллашга бўлган ижобий таъсири трансференция дейилади. Янги кўникмани эгаллашга эски кўникманинг салбий таъсири интерференция дейилади” [13].

Интерференция назарияси ривожланишига кўп тилшунослар ўз ҳиссаларини қўшган. Шунга қарамай, тиллараро лингвистик интерференциянинг барча муаммолари ҳал қилинган, деб бўлмайди. Бу борада асосий муаммолардан бири бу тиллараро интерференция моҳиятини аниқлашдир. Илмий адабиётларда тиллараро интерференциянинг лингвистик ва психологик таърифлари берилган. Лингвистик таъриф У.Вайнрайх, В.В.Алимов, Е.М.Верещчагин, В.Ю.Розенцвейг, Л.М.Уман, В.В.Климов, Ю.Д.Дешериев, Э.Хауген, В.А.Виноградов, Ю.К.Жлуктенко, Л.И.Баранникова, З.У.Блягоз, Р.К.Миньяр-Белоручев, Н.Г.Михайловская, Л.В.Шчерба, М.Т.Зокиров асарларида берилган. Айтиш мумкинки, манбаларнинг барчасида ҳам қарашлар ўзаро мувофиқ эмас. Масалан, Э.Хауген интерференцияни лингвистик чақиш сифатида талкин қилади, унда бир лингвистик бирлик бир вақтнинг ўзида икки тизимнинг элементига айланганлиги маълум бўлади. Л.И.Баранникова интерференция атамаси остида бир тилнинг структураси ёки структура элементларида иккинчи тил таъсиридаги ўзгаришларни тушунади. Бундан ташқари илмий адабиётларда интерференциянинг кенг ва тор маънода тушунишлар кузатилади. У.Вайнрайхнинг интерференцияга берган қуйидаги таърифи бугунги кунгача фанда эътироф этиб келинмоқда. У “биллингв нутқида бир неча тилларни билиш натижасида вужудга келган тил меъёрларидан ихтиёрий равишда чекиниш ҳолатлари [5.44]”ни интерференция деб тушунса, М.Т.Зокиров эса “интерференция – бу она тилида мустақамланган тил кўникмаларини ўрганилаётган иккинчи тилга ихтиёрсиз равишда олиб ўтиш натижасидир [8,92]”, дейди.

Психологияда “интерференция” термини остида бир иш-ҳаракат компонентларининг иккинчи иш-ҳаракат таркибига бир кўникма ва малака асосида киритилиши тушунилади. Сабаб бўлган ҳаракат, кўникма ва малакалар барқарорлик мезонлари асосида бир-бирига қарама-қарши қўйилиши мумкин бўлгандагина интерференция қайд қилинади. Кўникма ёки малаканинг барқарорлиги бир томондан ҳосил бўлганлик муддатининг узоклиги, иккинчи томондан эса қўлланилишининг такрорланиш даражаси билан аниқланади. Шунинг учун субординатив иккитилликка эга бўлган биллингвнинг А тил ва В тилдаги нутқи барқарорлик бўйича қарама-қарши қўйилади ва бу тиллараро интерференция вужудга келишига сабаб бўлади.

Интерференциянинг психологик жиҳатдан тадқиқини Э.М.Ахунзянов, И.А.Зимняя, А.А.Леонтьев, Н.М.Курманбаев, А.А.Залевскаяларнинг ишларида кўриш мумкин. Улар интерференция ҳодисасининг лингвистик ва психологик тушунилишини таъкидлаб, интерференция вужудга келишига сабаб бўлувчи психологик механизмлар психология фанининг тадқиқот объекти, биринчи тил ва

иккинчи тил контактлари натижасида иккинчи тил меъёрларида вужудга келиши мумкин бўлган бузилишлар лингвистиканинг тадқиқот объекти эканлигини кўрсатиб ўтишган.

Агар тиллараро лингвистик интерференцияга доир барча таърифлар таққосланса, бу атама остида бир гуруҳ олимлар ўзаро контактга киришган тилларнинг камида бирининг меъёрларидан чекинишга олиб келувчи таъсирларни, иккинчи гуруҳ олимлар эса нутқий кўникмаларнинг иккинчи тилга олиб ўтилишини назарда тутганликларини кўриш мумкин. Биринчи таъриф лингвистик жиҳатга асосланган, иккинчи таъриф эса асосан психологик жиҳатга эътибор қаратилган таърифдир. Бизнингча, иккала таъриф ҳам асосли, фақат уларни бироз тўлдириш зарур. Тиллараро интерференциянинг сабаби контактга киришган тиллар орасидаги фарқлар ҳамда нутқий кўникма ва малакаларнинг барқарорлиги даражасига боғлиқ бўлади. Бунда тиллар орасидаги фарқлар тил тизимлари асосида кўринса, кўникма ва малакаларнинг барқарорлик даражаси идрок қилиш ва нутқ яратишда тилнинг турли сатҳларида амалга ошириладиган ҳаракатлар билан белгиланади.

Интерференция мураккаб ҳодиса бўлганлиги сабабли қатор турдош фанлар томонидан ўрганилади, шунинг учун интерференция кўринишларини таснифлаш асосига унинг турли белгилари олинмоқда (манбаъ, қўлланиш соҳаси, полилингв томонидан она тилининг фарқловчи белгиларини ҳисобга олиш даражаси, интерференция намоён бўлиш шакли, унинг коммуникатив таъсирчанлиги ва ҳоказо) [2.4-23].

Мазкур санаб ўтилган белгиларга мувофиқ илмий адабиётларда интерференциянинг қуйидаги кўринишлари ажратиб кўрсатилади:

– ҳосил бўлиш манбасига кўра интерференция тиллараро ва бир тил доирасида бўлиши мумкин. Биринчиси алоқага киришган тилларнинг умумий хусусиятлари ва белгилари билан чалғитилган ўзга тилни ўрганувчи шахс мазкур тилларнинг барча хусусиятларини шундай деб ўйлайди ва она тилидаги мулоқот хулқини чет тилига тўлиқ кўчириши жараёнини назарда тутди. Натижада полилингв онгида мувофиқликларнинг шундай эркин тизими шаклланадики, унда алоқага киришган тилларнинг барча фарқловчи белгилари аралашиб кетади. Бир тил доирасидаги интерференция барча муаллифлар томонидан кўриб чиқилмаган, методик характердаги тадқиқотлардагина ажратиб кўрсатилган. Бу ҳолатда хатолар ўрганилаётган тил бирликларининг қўлланиш кўникмалари яхши ўзлаштирилмаганлиги сабабли, улар шу тилнинг бошқа бирликларига ўтказилиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, рус тилини ўрганувчилар турли феъл шакллариининг ўхшашлиги асосида нотўғри мувофиқликларга асосланишади: *Я рукоплещу ўрнига Я рукоплескою* иборасини қўллашади (*таскать* – *таскою* қолипи асосида); *хотим, хотите, хотят* шакллари ўрнига – бирликдаги 1-, 2-, 3-шахсларнинг *хочу, хочешь, хочет* шаклларига асосланиб *хочем, хочете, хочут* шакллариини ишлатишади ва ҳоказо;

– “тил – нутқ” дихотомияси нуқтаи назаридан нутқий ва тил интерференцияси фарқланади, бунда ҳар қандай нутқий ҳодиса маълум бир тилга тегишли деган фикр асос қилиб олинади. Н.В.Баграмованинг таъкидлашича, интерференциянинг нутқий босқичида кўриб чиқиладиган масалалар тилдаги интерференция масалаларидан фарқ қилади. Нутқда иккинчи тил элементларини англаш биринчи даражали омил бўлса, тил учун ўзга тил элементларининг фонетик, грамматик, семантик, стилистик интерференцияси диққат марказида туради [1]. Интерференцияни айнан шу нуқтаи назардан У.К.Юсупов ҳам ажратиб кўрсатади. У тиллараро интерференциянинг оқибатлари асосида шаклланган тил меъёридан чекиниш шаклида намоён бўладиган тиллараро интерференция ҳамда нутқда сукут шаклида намоён бўладиган тиллараро интерференцияни кўрсатиб ўтган [16.103].

– лингвистик интерференция тил системасининг барча сатҳларида учрайди. Шунга кўра уни фонетик, лексик-семантик, морфологик, синтактик турлари ажратилган [8.64];

– коммуникатив-релевант ва коммуникатив-норелевант интерференция турлари алоҳида кўрсатилган [9.9-16]. Ўзаро тушунишга ҳалақит бермайдиган иккинчи тил нормасидан чекинишлар коммуникатив-норелевант интерференцияга тегишлидир. Агар нутқдаги чекинишлар унинг тушунишини жиддий равишда қийинлаштира ёки умуман тушунарсиз қилса, интерференция коммуникатив-релевантдир;

– интерференция синтагматик ва прагматик нуқтаи назардан фарқланади. Биринчи мартаба синтагматик ва прагматик омиллар тушунчаси У.Вайнрайх томонидан фонетик интерференцияга нисбатан қўлланилган. Биринчиси маълум бир нутқий занжирга боғланган товушларга тегишлидир. Иккинчиси моделдаги товушлар ўртасидаги муносабатлар, яъни нутқий занжирнинг маълум нуқтасида пайдо бўлиши мумкин бўлган товушлар билан боғлиқдир. Мазкур ҳолат учун просодик интерференцияни ўрганилаётган чет тилининг просодик мувофиқликларининг бузилиши сифатида кўриб чиққан Л.Г.Фомиченконинг тезиси алоҳида аҳамиятлидир [14].

– А.Е.Карлинский ҳам интерференцияни кўп тилли шахснинг нутқий фаолиятининг ўзига хослигига боғлаб таснифлашни таклиф қилади [9.9-16]. Шахс нутқий фаолияти икки психик механизм

– гапириш (кодлаш) ва тушуниш (декодлаш) – хусусиятларига эга эканлигини назарда тутганда, чет тилида нутқ яратилиши билан боғлиқ экспрессив ҳамда чет тилидаги нутқни тушуниш билан боғлиқ импрессив интерференцияни фарқлаш зарур.

– биз тилларо интерференциянинг йўналишига қараб уни регрессив интерференция ва прогрессив интерференцияга ажратишни таклиф қиламиз.

Тилларо интерференцияга мисоллар келтирамыз. Рус тилида [s] ва [ts] фонемалари фарқланади, ўзбек тилида фақат соф ўзбек [s] фонемаси мавжуд. Шунинг учун ўзбекларнинг нутқида қуйидаги хатолар юзага келиши мумкин: *свет-ёруғлик* ва *цвет-ранг*, *рассвет-тонг* ва *расцвет-гуллаш* сўзларини фарқламаслик. Инглиз тилида [w] ва [v] фонемалари фарқланади, ўзбек тилида эса фақат битта [v] фонемаси мавжуд. Бу эса қуйидаги инглизча сўзларни фарқламасликка олиб келиши мумкин: *wine* – вино, *vine* – узум токи, *wail* – додламоқ, *veil* – вуаль (шляпага тутиладиган ва юзни бекитиб турадиган тўр).

Ўзбекларнинг рус тилидаги нутқларида несовершенный ва совершенный видни фарқламаслик (я экзамен не сдала, я экзамен не сдавала), в, на олд кўмакчиларни қўллашда (в факультете, в стадионе), феълли бошқарувда (испугался от него) хатоликларга йўл қўйиш ҳолатлари кўп учрайди. Уларнинг барчаси она тили таъсири билан боғлиқ равишда изоҳланади. Масалан, *группада*, *факультетта*, *стадионда*; *ундан қўрқди*.

Мазкур барча ҳолатларда ОТ→ЧТ (она тили ўрганилаётган чет тилига таъсир қилади) йўналишида тилларо интерференция ҳодисаси содир бўлади. Лекин аксинча регрессив интерференция ОТ←ЧТ ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан рус тилини ўрганаётган бола ўз она тилисида *гулларни ўтқизайлик* ўрнида *гулларни ўтиргизайлик*, *соатни тақамиз* ўрнида *соатни киямиз* мисолларини учратишимиз мумкин.

Интерференциянинг иккала кўринишини умумлаштирган ҳолда қуйидаги мисолларни келтирамыз.

Маълумки, ўзбек тилида кесимлик шакли эганинг кўплик шаклида бўлиши билан белгиланмайди. Шунинг учун эга кўплик шаклида, кесим эса бирлик шаклида келиши мумкин.

Масалан, *итлар аккиллади*; *бу йил ёмғир кўп ёғди*. Бу эса ўзбекларнинг рус тилидаги нутқларида хатоларга олиб келади: *собаки лаёт*, *в этом году часта шел дожди*. Бу ерда ОТ → ЧТ.

Шу билан бирга рус тили таъсирида кўплик шаклида ифодаланган эга ва кесимнинг мувофиқлашуви кузатилмоқда. Бу ўзбек нутқида ҳам ўз аксини топмоқда, яъни ОТ←ЧТ. Масалан, *итлар аккилладилар*; *бу йил ёмғирлар кўп ёғдилар*.

Демак, интерференция сабабли вужудга келадиган хатоларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иккинчи тилга ўқитиш жараёнида фақат тиллар ўртасидаги фарқли жиҳатларни эмас, балки ўрганилаётган тил тизимидаги хусусиятлардан келиб чиқадиган қийинчиликларни ҳам инобатга олиш зарур.

Нутқий вазиятда ўзга тилни қўллаш жараёнида шахс томонидан у ёки бу даражада унга энг яқин бўлган она тили ёки биринчи чет тили тил воситаларини қўллаши интерференция ҳосил бўлишининг асосий омилдир. Интерференция ҳодисаси тилнинг ихтиёрий – график, фонетик, лексик, сўз ясалиши, морфологик, синтактик – сатҳида содир бўлиши мумкин. Интерференция мавжудлигининг муҳим омилларидан бири шахснинг тил компетенциясига эгалик даражасидир. Тадқиқотлар жараёнида чет тилига эгалик даражаси паст бўлган шахслар нутқида кучли тил интерференцияси ҳодисалари яққол намоён бўлиши кузатилади. Интерференция ҳодисаси она тили, биринчи чет тили, иккинчи чет тили ва ҳоказоларнинг ўзаро таъсири шаклида амалга ошади. Ҳар қандай ўзга тилда сўзлашиш жараёнида инсон мия фаолияти она тили етакчи ўринни эгаллаган алоқалар намоён бўлишининг одатий тизимидан фарқли, унга қарама-қарши бўлган алоқалар тизимида соланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Баграмова Н.В. Лингводидактические основы обучения второму иностранному языку: учеб.пособие. СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2005. 221 с.
2. Баранникова Л.И. Проблема интерференции и вопросы взаимодействия языков // Вопросы методики преподавания иностранных языков в связи с проблемой языковой интерференции. Саратов, 1966. – С. 4-23.
3. Баранникова Л.И. Сущность интерференции и специфика ее проявления / Проблема двуязычия и многоязычия. – М., 1972. – С. 88-98.
4. Блягоз З. У. Контактное взаимодействие русского и родного языков в условиях двуязычия: Учебное пособие. – Ростов-на-Дону, 1976. 76 с.
5. Вайнрайх У. Одноязычие и многоязычие // Зарубежная лингвистика. – М., 2002. – С. 7-42.

6. Верещагин Е.М. К проблеме разносистемной принадлежности лексем при билингвизме: автореф. дис. ... канд. филол. наук. М., 1966. 26 с.
7. Залевская А.А., Медведева И.Л. Психолингвистические проблемы учебного двуязычия. Тверь: Твер. гос. ун-т, 2002. 194 с.
8. Зокиров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. Фил.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т., 2007.
9. Карлинский А.Е. Типология речевой интерференции// Зарубежное языкознание и литература. – Алма-Ата, 1972. Вып. 2. – С. 9-16.
10. Миньяр-Белоручев Р.К. Общая теория перевода и устный перевод. М.: Воениздат, 1980. – 237 с.
11. Михайловская Н.Г. Вопросы типологии интерферентных явлений в русской речи билингва. Методы сопоставительного изучения языков. – М.: Наука, 1988. – 94 с.
12. Общая психология: учеб. пособие для студентов пед. ин-тов/ под ред. В.В. Богословского[и др.]. М.: Просвещение, 1981. – 383 с.
13. Психология: учебник/ под ред. А.А. Смирнова [и др.]. М.: Учпедгиз, 1962. 559 с.
14. Фомиченко Л.Г. Когнитивные основы просодической интерференции. Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2005. 300 с.
15. Шчерба Л.В. О понятии смешения языков // Избранные работы по языкознанию и фонетике. Л., 1958. С. 40-53.
16. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. Т.: Фан, 2007. 126 с.

УДК 398.221

“ШАХРИЁР” СЮЖЕТИНИНГ “ОДИЛХОН” ДОСТОНИДА ҚАЙТА ИШЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

М.Ф. Матқулиева ТАТУ Урганч филиали қошидаги 1-академик лицей ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Хоразмда машҳур бўлган “Шахриёр” эпик сюжетининг марказий Ўзбекистонда тарқалган “Одилхон” достонида қайта ишланиш тамойиллари ҳақида сўз юритилади. Анъанавий “Уч қиз сўхбати” мотивидан кейинги воқеаларда бахши томонидан кашф қилинган янги образлар таҳлил этилади. Ўз навбатида шеърини парчалар бадиияти таҳлилига урғу берилади.

Калит сўзлар: Шахриёр, Одилхон, Хоразм, эпос, Сурхон воҳаси, Саидмурод Паноҳ ўғли, бахши.

Аннотация: В статье говорится о принципах творческой переработки в получившем распространение в центральном Узбекистане дастане «Адилхан» эпического сюжета известного в Хорезме дастана “Шахрияр”. Анализируются новые образы, введенные бахши в события, следующие после традиционного мотива “беседы трёх девушек”. В свою очередь, акцентируется внимание на анализе художественности стихотворных отрывков.

Ключевые слова: Шахрияр, Адилхан, Хорезм, эпос, Сурханский оазис, Саидмурод сын Панаха, бахши.

Abstracts: The given article is devoted to discussing the revision of the epic story “Shakhriyar which is widely spread in central Uzbekistan in the dastan “Adylkhan”. The new images discovered by bakhshi bard after the traditional motive “Uch hiz sukhbati (Talk of three girls) are analyzed.

Key words: Shakhriyar, Adylkhan, Khorezm, epos, Surkhan oasis, Saidmurad Panokh's son, bakhshi (bard)

Марказий Ўзбекистон бахшилари репертуаридан жой олган яна бир дoston “Одилхон”дир. Бу дostonни Саидмурод Паноҳ ўғлидан Ш.Муродов ёзиб олган. Дoston Ислom шоир репертуаридаги “Сохибқирон” дostonи сюжетига анча якин туради. Аммо кўпгина алоҳидалик хусусиятларига ҳам эгадир. Унинг қисқача мазмуни куйидагича: дoston воқеалари Одилхон подшонинг ишкорга чиқиши билан бошланади. Подшоҳ йўл устида Худойкул подачининг чайласига дуч келади. Бу ерда уч қиз бир-бирларига кеча кўрган тушларини ҳикоя қилишаётган экан. Одилхон қизиқиб уларни тинглайди. Биринчи қиз: тушимда Одилхон подшога теккан эмишман, бир кечада барча аскарларига тўн тиккан эмишман, дейди.

Иккинчи қиз: Мен тушимда Одилхон подшоҳга тегиб шундай ош қилибманки, барчага етиб ортибди, дейди. Учинчи кенжа қиз: Мен ҳам подшога тегиб, бир ўғил, бир қиз туғиб берган эмишман, дейди.

Одилхон қизларнинг бу гапларини эшитиб, Боймат вазирни совчи қилиб юборади ва учала қизни ҳам никоҳига олади. Шу тариқа анъанавий сюжет мотивлари бирин-кетин давом эта боради. Кенжа қизнинг исми бу дostonда ҳам Бўтакўз шаклида берилади. Унинг ҳомиладорлик ой-куни тўлганда подшоҳ овга чиқиб кетади. Бўтакўзни бадном қилиш учун 40 кундош (уларнинг орасида

Бўтакўзнинг икки опаси ҳам бор) мастон кампирни ёллаб чақалоқларни кучукбаччаларга алмаштиришади. Мастон кампир Алиёр ўтинчига гўдакларни тилло эвазига ўлдиришни буюради. Аммо ўтинчи рухий довдирашга учраб болаларни ўлдирмасдан тоққа ташлаб қайтади. Воқеа Одилхонга етказилади, у Бўтакўзни дорга осишга буюради. Аммо Боймат вазир раҳм қилиб бу ҳукми зиндон билан алмаштиради.

Тоғда қолган гўдакларни кийик эмизиб боқаверади. Алиёр ўтинчи анча йиллардан кейин ўша жойдан ўтса, болалар каттайиб, шу ердаги кўрғонда мевазор ичида юришган экан. Алиёр улардан олма олиб бозорга қатнай бошлайди. Болалар Алиёрга ўрганишиб, унга олмани подшоҳга олиб бориш, пулига отини, қушини, тозисини олиб келишни илтимос қилишади. Ўтинчи подшоҳ ҳузурига бориб, бу илтимосни етказганда Одилхон буларнинг барчасини бериб юборади. Алиёр эса бу нарсаларни болаларга етказди ва болаларнинг доимий хизматчисига айланиб қолади. Шу пайтларда подшо овга чиқиб, ови бароридан келмайди. Атрофга разм солса, бир овчи йигит кўрган овини қўлга киритмоқда. Подшо йигитни ҳузурига олдириб қараса, Бўтакўзнинг сийратига жуда ўхшайди. Йигитнинг исми Қиронхон бўлиб, подшо уни ўзи билан саройга олиб кетади. Кундошлар бу йигитни кўриб ғулғулага тушишади, унинг Бўтакўзнинг ўғли эканини сезиб яна мастон кампирни ишга солиб йигитни йўқотиш пайига тушишади. Кампир Бўтакўзнинг қизи Қорасочни излаб топади ва унга таъсир қилиб, акасига мурсак буюртиради. Бу кийим Сувсулик деган жойда бўлиб, бориб-келиш жуда хатарли экан. Аммо йигит кўп машаққатлардан сўнг бу вазифани бажаради. Мастон кампирнинг режаси пучга чиқади. У яна Қорасочга айтиб, йигитни ойнайи жаҳонни топиб келишга жўнатади. Қиронхон йўлда барзангиларга асир тушиб узоқ давр қолиб кетади, аммо эпчил йигит гилам тўқишни ўрганиб, унга аҳволини хат билан батади. Гилам чиройли бўлганидан уни подшо саройи ходимлари сотиб олишади. Подшонинг оти Буғрохон бўлиб, унинг Офтобой деган қизи гиламдаги хатни ўқиб Қиронхонни излаб боради ва тутқунликдан озод қилади. Қиронхон унга уйланади. Бироздан кейин Офтобойга ойнайи жаҳон воқеасини айтиб, сафарга жўнайди.

Жуда кўп саргузаштларни бошдан кечиради. Йўлда семурғ болаларини емоқчи бўлган аждарни ўлдиради. Семурғ эса унга ойнайи жаҳонни топиб беради. Қиронхон уйига келгач, Мастон кампир яна унга қарши иш бошлаб, Қорасочга айтиб, Зумбулой сулув деган қизни олиб келишга жўнатади. Қиронхон бу қиз ҳузурига бориб тошга айланиб қолади.

Мастон кампир энди Қорасочдан қутилиш пайига тушиб подшони унинг ҳузурига олиб боради. Одилхон уни кўриб ошиқ бўлиб қолади. Қорасоч ўша пайтда ойнайи жаҳонни кўриб ўтмишдаги барча воқеалардан огоҳ бўлади, кейин уни Одилхонга кўрсатади. Подшо барча сирдан воқиф бўлиб, хатосини тузатади, айбдорларни жазолайди. Қорасоч эса акасини излаб топиб, уни ўз аслига қайтариб, Офтобойни ҳам олиб, онасини топиб мурод-мақсадига эришадилар. Достон мазмунини батафсилроқ ҳикоя қилишимизнинг сабаби шуки, ушбу достон сюжети кўп жиҳатлари билан Хоразмдан топилган “Шаҳриёр” достони қўлёзмаси сюжетига ва туркман эртаги “Галандар солтан” мазмунига жуда ўхшаб кетади. Бу ерда анъанавий “уч шарт” мотиви ўзини намоён қилгани ҳолда Қиронхон фаолиятига дахлдор қилиб берилади. “Шаҳриёр” достонида асар бош қаҳрамонининг булбулигўё қушни олиб келиш мақсадида кетиб тошга айланиб қолиш мотиви мавжуд. Уни охирида синглизис Анжум пари тутқунликдан қутқаради. Ушбу фаолият “Одилхон” достонида Қорасоч зиммасига юклатилади. “Шаҳриёр”да шу аснода Шамсун парига уйланиш лавҳаси борки, бу воқеа биз таҳлил қилаётган достонда Офтобой билан боғланади. “Шаҳриёр”да бош қаҳрамонга мифологик жонзот аспи жаҳонгир ҳомийлик қилса, “Одилхон”да бу вазифани Семурғ бажаради. Семурғнинг генезиси ҳам “Авесто”даги мифларга бориб боғланади. Шуниси ҳам борки, “Шаҳриёр”даги аспи жаҳонгир от осмонга учеди, Семурғ қуш бўлганлигидан унинг учиши ва инсонга ҳомийлик қилиши табиийдек кўринади. Бу икки образнинг икки хил тарзда берилиши негизда ҳам генетик алоқадорлик мавжуд. Рус олими В.Я.Пропнинг Н.Я.Марр фикрига таяниб таъкидлашча, узоқ ўтмишда от қуш маъносини ҳам англатган ва қушнинг отга алмашуви Осие-Европа ҳудудида амалга ошган. Шу нуқтаи назардан қараганда эпосда бу икки образ доимо бири-бирининг ўрнида фаолият кўрсатиб юради.

Эртақлар ва достонлардаги тошга айланиб қолиш мотиви энг ибтидоий тушунчалардан ҳисобланади. Ж.Фрезернинг ёзишча, инсонлар тошга сиғинганлар, унинг ичида Худо ёки бирор бошқа қудратли куч мавжуд деб тушунганлар. Ана шу ибтидоий тасаввур тошга айланиш Худо даргоҳига кетиш тушунчасини келтириб чиқарган бўлиши мумкин. Аммо тошга айланган одамни аксарият ҳолларда синглизис бориб тилсимини ечади ва қутқариб олади. Бунга қўплаб мисоллар келтириш мумкин. “Одилхон”да ҳам Қиронхон Қорасоч томонидан қутқарилади.

Қадимги архаик эпосда бу борада характерли лавҳалар учрайди. Масалан, эвенлар фольклорида эпик қаҳрамон кураш бошлаганда ёрдамга синглизисини чорлар, синглизис эса унга сеҳрли куч-қувват бахш этаркан. Бошқа бир ҳолатларда у курашда ҳалок бўлган акасини тирилтирар экан.

Тошга айланган акасини аслига қайтариш билан ўликни тиргизиш бундай олиб қараганда бир-бирига жуда ўхшаш ҳолатдир.

Демак, кадимий эпосда бу мотив фаол қўлланилган бўлиб, биз таҳлил қилаётган дostonларда ҳам акс-садо бераётир.

“Одилхон” дostonида архаик мотивлар жуда кўп учрайди. Шундай мотивлардан бири туш кўришдир. Асардаги “уч қиз” суҳбати туш мотиви билан бошланадики, бу мотив бошқа дoston ва эртақларда учрамайди. Тадқиқотларда таъкидланишича, “...дostonларда туш мотивига улкан бадий – эстетик вазифа юкланади. Туш қаҳрамонлар тақдирини аввалдан башорат қилиб кўяди”.

Дарҳақиқат, кенжа қиз подшога турмушга чиққани тушида аён бўлгандан кейин сал ўтмай бу воқеа ҳақиқатга айланади. Қорасочнинг ақлли, жасур қиз сифатида тасвирланиши ҳам қаҳрамонлик эпосида қизлар образини эслатади. Масалан, Алпомишнинг синглиси бунга мисол бўла олади. “Шаҳриёр” дostonидаги Анжум пари ҳам жасурликда ягонадир. У ҳам тилсимларни очиш хусусиятига эга. Шамсун парини ҳам қўлга киритгандан кейин у қизни узукка айлантириб чўнтагига солиб кўяди. Анжум барча жасоратларини эркакча кийим кийиб, йигитчасига амалга оширади.

“Одилхон”даги Қорасоч ҳам унинг кўпгина хусусиятларини ўзида акс эттиради.

“Одилхон” дostonидаги мазмуннинг кўпгина қирралари туркман эртаги “Галандар Солтан”даги воқеаларга ҳам ҳамоҳанг келади.

Туркман эртагидаги Галандар Солтаннинг синглисининг исми Қалдирғочдир. Унинг исмида Қиронхон синглиси Қорасочга ўхшашлик бор. Қолаверса, Мостон кампир ҳамиша Қалдирғочга таъсир қилиб, Галандарни хавфли сафарларга жўнатади. Охирида Галандар тошга айланиб қолади ва Қалдирғоч уни сингил сифатида эркак кийимини кийиб излаб чиқади ҳамда акасини қутқаради. Кўрамизки “Одилхон” билан туркман эртаги ўртасида анчагина ўхшаш лавҳалар кўзга ташланади. Демак, “Шаҳриёр” сюжети Ўрта Осиё халқлари ижодида қандайдир бир ёзма манбалар орқали оммалашган. Бу манба “Шоҳнома навислик” аънанасига бориб боғланади.

Бинобарин, “Одилхон”, “Соҳибқирон”, “Ойпарча” каби дostonлар, кўплаб эртақларга асос бўлган “...бундай сюжет феодализм шароитида ўзининг реал заминига эга эдики, бу нарса унинг жуда кенг тарқалишига, бир қанча тиллар ва элатларда турлича мазмун ва шаклларда намоён бўлишига сабаб бўлган”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Одилхон”, -Т.: “Фан”, 1972. (Нашрга тайёрловчи: Т.Мирзаев).
2. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. –Л.: ЛГУ, 1986. –С.170.
3. Фрезер Дж. Фольклор в ветхом завете. –М.: ИПП, 1989. –С.273 (542).
4. Лебедева Ж.К. Архаический эпос эвенов. –Новосибирск, “Наука”, 1981. –С.39.
5. Эшонкул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий –талқини. –Т.: “Фан”, 2011. –Б.257. (302)
6. Мирзаев Т. Сўз боши ўрнида. // “Одилхон”, дostonлар, термалар. –Т.: “Фан”, 1972. –Б.6.

УДК 94(575.1)

ОСВЕЩЕНИЕ В КНИГЕ “ФИРДАВС УЛ-ИКБАЛ” РАННЕГО ПЕРИОДА ПРАВЛЕНИЯ МУХАММАДА РАХИМХАНА I

(на основе произведения “Фирдавс ул–икбал”)

Б.Х. Сапарбаев преподаватель УрГУ

Аннотация. Мазкур мақолада “Фирдавс ул–икбал” асари асосида Мухаммад Рахимхон I ҳукмронлиги дастлабки йиллари воқеалари тадқиқ этилади. Хоннинг мамлакат чегаралари яхлитлигини таъминлаш учун турли айирмачи кучларга қарши олиб борган курашлари ёритиб берилади.

Калит сўзлар: “Фирдавс ул–икбал” асари, Мунис, Мухаммад Рахимхон I, Қутлугмурод иноқ, Мухаммадризобек, Тўрамурод сўфи, Қўнғирот, Амир Ҳайдар, йўмит ва човдур уруғлари.

Аннотация. В настоящей статье на основе произведения “Фирдавс ул–икбал” исследуются события, происходившие в первые годы правления Мухаммада Рахимхана I. Освещается борьба данной личности с различными проявлениями сепаратизма в целях обеспечения целостности границ государства.

Ключевые слова: произведение “Фирдавс ул–икбал”, Мунис, Мухаммад Рахимхан I, Қутлугмурод инак, Мухаммадризобек, Турамурад суфий, Қўнград, Эмир Хайдар, племена йомутов и човдиров.

Abstract. In this article, based on the work of “Firdavs ul-ikbal”, the events that took place during the first years of the reign of Mukhammad Rakhimkhan I are explored. The struggle of this individual with various manifestations of separatism is covered in order to ensure the integrity of state borders.

Key words: work “*Firdavs-al-ikbal*”, Munis, Muhammad Rakhimkhan I, Kutlug Murad inaq, Mukhammadrizabek, Turamurad sufi, Kungrad, Emir Khaydar, tribes yomut and chovdir.

1807 год сложился для Хивинского ханства очень сложным. В этот год бухарские войска под командованием Туры Ходжи и Ниязбека дадхоха форсировали Амударью. После данного события вновь подняли голову, потерпевший недавно поражение, Мухаммадризобек, Турамурад суфий из Кунграда и его сторонники, направив свои войска в направлении Хивы. Брат Мухаммадризобека Мухаммадниязбек расположился в кишлаке Гурланбаг неподалеку от Хивы. Сам Мухаммадризобек прибыл в соседний кишлак Варагзан. Однако они были атакованы и остановлены войсками Мухаммада Назарбека. Оба брата вынуждены были со своим войском отступить назад [1:173]. После данного события повернуло назад и бухарское войско.

Ханское войско под предводительством Кутлугмурада инака провело успешную военную операцию против мятежников в предместьях Гурлена, вынудив вернуться на исходные позиции и войско Турамурада.

Мухаммад Рахимхан прилагал все усилия в целях положить конец всем этим внутренним и внешним распрям. Вначале он стал неуклонно придерживаться жесткой политики, направленной на искоренение таких пороков внутри ханства, как групповщина, двурушничество, предательство. Действительно, подобного рода негативные проявления были очень распространены в то время в стране. Это можно наблюдать на основе политики, которой придерживался Мухаммадризобек. Признав свое поражение, он стал на путь примирения. Хан поддержал это предложение и простил мятежников. По его же просьбе правитель освободил из мест заключения Мухаммада Мурадбека, Фозилбека и Ниязмухаммадбека, отправив их к нему. Однако, объединившись, они продолжили свои гнусные дела, направленные на свержение власти. В результате хан Хивы был вынужден различными способами схватить всех сепаратистов, заключив в темницу, а отдельных из них казнить [1:174]. Также были уничтожены на основе политики неповиновения примерно тридцать воинов, имеющих к ним отношение.

Мунис, повествуя о данных событиях, передает свою мысль в стихах следующим образом:

Киши гар яхши бўлсин ва ёмон, бот,
Кўрар ул феълига лойиқ мукофот.
Бас, эй дил, яшилиқни айла пеша,
Ямонлиғдин узр қилғил хамеша! [1:175]

В период начала правления Мухаммада Рахимхана I имели место существенные разногласия между Хивинским ханством и Бухарским эмиратом. Эти разногласия весьма усилились в годы правления Эльтузархана, не позволяя наладить общественно-политическую жизнь. Бухарский эмир Хайдар старался различными путями оказать свое воздействие на разные народности и племена, проживавшие в Хивинском ханстве. Одним из проявлений данной политики стало то, что Кутлугмурад инак был вынужден снарядить военный поход против каракалпакского рода хитой.

Представители данного племени стали придерживаться политики неподчинения Хивинскому ханству, вступив в открытый сговор с эмир Хайдаром.

В итоге, войска Кутлугмурада инака, прибыв сюда, под предлогом сбора налогов разграбили и убили многих местных жителей [1:175].

После данных событий общественно-политическая ситуация в стране немного улучшилась. Наконец, хан в целях активного отдыха начинает приготовления к охоте.

Поначалу правитель делает остановку в Ургенче, где посещает дома Саидкулибая и Авазмухаммадбая. Организуется большое пиршество. Хану преподносятся богатые одеяния и конь [1:177]. По дороге правитель совершает паломничество на могилу Нияза Ахунбобо и выходит на берег Амударьи. Переночевав здесь, спозаранку направляется в старый Кят, где посещает могилу Шейха Аббосвали. Затем через Оккум выходит на озеро Бадай и направляется в Ходжейли. Он охотится в данных местах. Наместники Ходжейли, Кипчака, Гурлена, Кангли, Хизрэли организуют пышную встречу хану, устраивают грандиозные пиршества и одаривают своего правителя [1:182]. Данными событиями заканчивается второй год деятельности хивинского хана.

Непростым выдался и третий год правления хивинского хана. Внутри государства по-прежнему сохранялась нестабильная обстановка. Данная проблема была связана с необузданностью представителей проживавших на территории ханства туркменских племен йомут и човдир, а также с сепаратистской политикой обосновавшегося в северном Хорезма в предместьях Кунграда Турамурада суфия. В 1808 году данный вопрос еще более обострился.

В третий год своего царствования Мухаммад Рахимхан I начал кампанию по насильственному подчинению отдельных туркменских и каракалпакских племен. Свой первый поход правитель осуществил против туркменского племени човдир.

Политика неповиновения туркменских племен йомут и човдир Хивинскому ханству была связана, в основном, с деятельностью Турамурада суфия.

Ханское войско в целях положить конец данной сепаратистской политике прибывает в Оккум. Оттуда направляется в Кипчак и Ходжейли. На данной территории начинаются ожесточенные сражения, племя човдир было жестоко наказано, потоптаны посевы [1:184].

Спустя некоторое время Мухаммад Рахимхан I вновь направляет свои войска против племени човдир. Его второй поход был обусловлен целым рядом причин. Во-первых, каракалпаки Приаралья, притесняемые Турамурадом, обратились за защитой к хану. Во-вторых, когда караван, шествовавший из торгового дома, расположенного на берегу Волги, добрался до старого Вазира, он был атакован в целях разграбления людьми, имеющими отношение к племени човдир. Караван лишился всего имущества. В результате на повестку дня стал вопрос о предотвращении подобного рода разбоя, и хан со своим войском направился на данную территорию.

Данный поход поэт характеризует следующим образом:

Онингдек черик жам бўлиб беадад,
Ки, топмас хисобиға ақл аҳли ҳад.
Ададда тенг ўлмай фалак анжуми,
Фалак анжуми йўқ биёбон куми.
Бори эрди девафкану саф шикан,
Масоф ичра Рустам киби таҳмтан [1:186].

Представители племени човдир, поведав о многочисленности ханского войска, попросили убежища у Турамурада суфия и обосновались в крепости Кунград, часть войска правителя совместно с оставшейся верной хану группой представителей племени йомут освободили поначалу караван, переправив его в Хиву.

На данной территории к ханскому войску присоединились представители верных хивинскому правителю каракалпакских племен Кипчак, Мангыт, Ходжейли.

Все это происходило накануне религиозного праздника Курбан хайит, хан отпраздновал данный обряд в военной резиденции, устроив большое пиршество [1:188].

После данного обряда ханское войско приступает к своим прямым обязанностям. Проживавший на данной территории род Хасанбая откочевал в поисках защиты к Турамураду суфию. Однако сам Хасанбай прибывает к хану, взывая к милости, и хан прощает его, возвращая род на прежнее место, а сам вместе с войском направляется к крепости Кунград.

Среди воинов хана было много доблестных джигитов туркменского и каракалпакского происхождения. В осаде города Кунград участвовали многие воины под предводительством таких представителей племени йомут, как Кувонж суфий, десятник Отамухаммад, Бердибек, Мухаммаднийаз Курча, Коко сардор, из каракалпаков: Ойдустбий, Кадырберганбий, Кушберганбий и Шаголбий [1:191].

Данное огромное войско вступило в ожесточенную битву с воинами Турамурада и загнало своих противников обратно в крепость. В этот момент хан отдает приказ войску не вторгаться в крепость [1:193].

В процессе данных событий многие каракалпакские роды подчинились хану, попросив прощения. Хан удовлетворил их просьбу. Все они были переселены на другую территорию. Разумеется, было немало человеческих жертв, случаев грабежа населения. После этих событий хан переправился в Куныя Ургенч, почтив посещением гробницу шейха Нажмиддина Кубро, а затем вернулся в Хиву [1:194].

Список использованной литературы:

1. Шермухаммад Мунис Хоразмий, Мухаммадризо Огахий. “Фирдавс ул-икбол”. – Тошкент: Ўқитувчи, 2010. (Нашрга тайёрловчилар: Н.Жумахўжа, С.Рўзимбоев, А.Ахмедов).

UDK: 81-139

EINIGE MEINUNGEN ÜBER DAS WORT UND SEINE BEDEUTUNGEN

I.A. Ismailova Department of german- and frenchlanguage, Philology faculty, UrSU

Annotatsiya: Ushbu maqolada so'zlar ma'nosi, ularning turli talqini borasida ayrim (bahsli) fikrlar bildiriladi. Mualliflar hozirgi kunda dunyo tilshunoslari, jumladan, o'zbek lingvistlarining mazkur mavzu

bo'yicha fikr-mulohazalarini tan olgan holda, so'z ma'nosiga muayyan izoh va sharhlar berishga harakat qiladilar.

Kalit so'zlar: *so'z, ma'no, semantika, antonim, sinonim, qarama-qarshilik ma'nosi, leksikologiya, so'z funksiyalari, so'zning o'ziga xosligi, so'zning kompetent tahlili.*

Аннотация: *В статье приводятся некоторые размышления (спорные) о значении слов, об их разнообразном толковании. Автор признавая идеи современных языковедов, в частности, узбекских лингвистов, старается давать разъяснения и обзор смыслу некоторых слов.*

Ключевые слова: *слово, смысл, семантика, антоним, синоним, смысл противоположности, лексикология, функции слова, особенность слова, компонентный анализ слов.*

Annotation: *This article is about the word and its meaning. One tried in this article to explain the ambiguity, the functions of the words also comprehensively and from different sides.*

Key words: *Word, meaning, semantic, antonym, synonym, meaning opposites, lexicology, functions of the word, feature of the word, componentanalysis of the words.*

Einleitung

Es ist bekannt, dass das Wort – eine der wichtigsten Kommunikationsmittel - unter den anderen wichtigen Einheiten der Sprache eine bedeutende Rolle spielt.

Denn die Menschheit führt sein Gespräch außer der Mimik, Gestik und den Handbewegungen nur und nur durch das Wort. Mithilfe der Wörter nennen, zeigen und drücken wir die Welt, deren Zeichen, die Natur der Sachen in unserer Umgebung aus. Der Ausdruck dieser Zeichen erscheint dann durch die Wahrnehmung unserer Sinnesorgane (Sehen, Hören, den Geschmack kennen, Riechen, sich durch den Körper fühlen) in unseren Gedanken. In der Folge verwandelt sich das Wort in solch eine mächtige Waffe, dass man dann nicht braucht, die durch Wörter dargestellten Gegenstände oder die Handlungen wieder zu sehen, hören, anzufassen und etc.

Die Welt wird durch die Wörter ausgedrückt und durch den Geist erkannt. Das heißt, man muss der wunderlichen Macht des Wortes zugeben und dem Gott dafür dankbar sein. Dieser Meinung stützend muss man behaupten, dass jedes Wort seine eigene Bedeutung hat und sie in den Sätzen erscheint. Da im Vordergrund unseres Artikels im Wesentlichen das Wort steht, schenken wir die Aufmerksamkeit auf die Bedeutung der Wörter.

Die Bedeutung ist ein allgemeiner Bereich aller Wissenschaften. Die Person, die Bedeutung des Wortes kennt, kann die Wörter und die Sprache richtig benutzen.

Bevor man von der Bedeutung des Wortes seine eigene Stellung nimmt, muss man erkennen, was ein Wort ist.

Das Wort ist selbstständige sprachliche Einheit akustisch und orthographisch isolierbarer und verschiebbarer Bedeutungsträger im Satz, die von allen akzeptierte Definition des Terminus „Wort“ gibt es nicht.

Wörter sind Zeichen für Begriffe. Die Bedeutung des Wortes ist sein Inhalt, das Ideelle, das in eine lautliche materielle Gestalt (Form) eingeschlossen ist. Die Bedeutung bezeichnet einen Gegenstand oder eine Erscheinung der Wirklichkeit, sie ist ein gesellschaftlich determiniertes, interindividuelles Abbild der Merkmalstruktur einer Erscheinung der objektiven Realität. Die Bedeutung des Wortes ist die Äußerung des Begriffes. Die Bedeutungen der Wörter drücken aufrichtige oder unaufrichtige Begriffe von der Wirklichkeit aus. Der Begriff und die Bedeutung sind nicht identisch, sie verändern und entwickeln sich nach ihren eigenen Gesetzen. In seiner Entwicklung vermittelt der Begriff dem Menschen eine immer tiefere Erkenntnis der realen Wirklichkeit. Die Bedeutung entwickelt sich aber in den einzelnen Sprachen oft unabhängig von der Entwicklung des zugrunde liegenden Begriffes, deshalb können Wörter, die gleiche Begriffe ausdrücken, in verschiedenen Sprachen verschiedene Bedeutungen erhalten.

Hauptteil

Widerspiegelungsobjekte nennt man Denotate, genauer gesagt, Bedeutungen eines Wortes. In der Wortbedeutung verfestigen sich die vom menschlichen Bewusstsein abgebildeten Wesensmerkmale von Denotaten (Gegenständen, Prozessen, Eigenschaften) und Beziehungen zwischen ihnen. Diese Merkmale sind zu einer semantischen Einheit, einem Semem, zusammengeschlossen. Ein Semem ist Bedeutung eines Wortes oder Morphems.

In der Sprachwissenschaft sind Wörter Untersuchungsgegenstand vor allem in der Lexikographie, Lexikologie und Morphologie.

Das Wort hat einen großen funktionalen Bereich. Er reicht vom Morphem bis zu der rein kommunikativen Einheit, der Äußerung. Dank dieser Polyfunktionalität leichtet Wandlungsfähigkeit bald in

den Teil einer Wortgruppe oder einen Satz nimmt das Wort in der Struktur der Sprache eine nur ihm eigene Stellung ein. Das Wort übt in der Sprache folgende Funktionen aus:

1. Signifikative Funktion – (Bedeutungsaufgabe)
2. Kognitive Funktion (Aufgabe die vom Denken abhängig ist);
3. Kommunikative Funktion (das wichtigste Mittel der Kommunikation ist die Sprache, das Wort informiert über etwas);
4. Konnotative Funktion – (als Nebenbedeutung)

Dank seiner Eigenschaft, mehrere Funktionen wechselseitig erfüllen zu können, kann das Wort als das universelste und zugleich als ein spezifisch organisiertes sprachliches Zeichen charakterisiert werden.

1. Wortes Merkmale

das Wort ist reproduzierbar; 2. hat den bilateralen Charakter (besteht aus Formativ und Bedeutung); 3. ist Abbild der realen Wirklichkeit; 4. kann als Systemwort charakterisiert werden (paradigmatische und syntagmatische Beziehungen).

Jedes Wort ist durch bestimmte phonetische und morphologische Eigenschaften gekennzeichnet. Vom phonetischen Standpunkt ist für das deutsche Wort folgendes charakteristisch:

Die Sinn- und sachverwandten Wörter des Wortes sind Ausdruck, Vokabel, Bezeichnung.

Dann taucht die Frage auf, was eigentlich eine Bedeutung ist.

Bedeutung:

1. Sinn einer Information, Handlung oder Sache
2. Relevanz einer Information, Handlung oder Sache
3. Inhalt eines sprachlichen Zeichens.
4. der Sinn, den man in einer Handlung oder Gegebenheit sieht
5. der sprachliche Inhalt, der mit einer zeichenhaften Einheit verbunden ist.

In der Wortbedeutung verfestigen sich die vom menschlichen Bewusstsein abgebildeten Wesensmerkmale von Denotaten (Gegenständen, Prozessen, Eigenschaften) und Beziehungen zwischen ihnen. Diese Merkmale sind zu einer semantischen Einheit, einem Semem, zusammengeschlossen. Ein Semem ist eine dem Formativ (Lautform) zugeordnete Bedeutungseinheit (Semem = Bedeutung). Das Wort Bedeutung verbindet man auch mit dem Begriff Semantik. Semantik ist die Lehre der Bedeutung. Die vor allem wichtigsten Lernbereiche der Semantik ist Synonyme und Antonyme. Der Sprachwissenschaftler Michael Breal hatte in 1833 aus dem Stamm des Wortes „semantikos“ den Termin „semantique“ gebildet.

Aber den Begriff „semantics“ gibt es seit 17. Jahrhundert in der englischen Sprache.

Semantik beschäftigt sich mit der Veränderung der Wörter.

Semantikist ein Teil der Pragmatik.

2. Wortbedeutungstypen

Die lexikalische Bedeutung ist komplexer Natur. Man unterscheidet verschiedene Typen der Wortbedeutung:

1. Die denotative Bedeutung repräsentiert eine bestimmte Erscheinung der objektiven Wirklichkeit, das heißt sie beruht auf dem Abbild dieser Erscheinung im menschlichen Bewusstsein.
2. Die signifikative Bedeutung ist die Eigenschaft des Wortzeichens als Benennung für eine Klasse von Gegenständen aufzutreten.
3. Die konnotative Bedeutung signalisiert Einstellungen, Bewertungen und emotionale Beziehungen zum Bezeichneten: *fein* (neutral), *extrafein* (positiv bewertend), *stinkfein* (negativ bewertend).
4. Die Hauptbedeutung, die bei isolierter Nennung des Wortes als seine erste Bedeutung im Bewusstsein der Sprachträger entsteht. Diese Bedeutung nennt man direkte, eigentliche, nominative Bedeutung.
5. Die Nebenbedeutungen, die von der Hauptbedeutung oder einer Nebenbedeutung abgeleitet sind: *Fuchs* „ein schlauer Mensch“, der feste Wortkomplex „nicht alle Tassen im Schrank haben“ usw. Diese Nebenbedeutungen nennt man auch sekundäre, uneigentliche, übertragene Bedeutungen.

3. Analyse der Komponenten von der Wortbedeutung

Seme sind die kleinsten linguistisch relevanten Bedeutungselemente der Wortbedeutung, die sich nicht weiter zerlegen lassen. Mit ihnen werden lexikalische und grammatische Bedeutungen beschrieben. Die Seme bilden eine Hierarchie. Sie sind nach bestimmten Prinzipien geordnet. Deshalb werden folgende Seme unterschieden:

1. Kategorial-semantische Seme, die das Lexem als Wortart bestimmen: Verben drücken Prozessualität aus, Substantive – Gegenständlichkeit, Adjektive – Merkmalhaftigkeit.

2. Lexikalische/individuelle Seme, die den begrifflichen Kern der Wortbedeutung – des Semems ausmachen.

3. Differenzierende/konkretisierende Seme, die einzelne Lexeme und Sememe unterscheiden.

4. Wertende/konnotative Seme, die Einstellungen, Bewertungen und Gefühlswerte ausdrücken.

4. Was ist ein Bedeutungsgegensatz?

„Antonym“ ist ein Terminus griechischer Herkunft und bedeutet „Gegen – Name“, das heißt entgegengesetzte Benennung. Also Antonyme sind solche Wörter, die völlig entgegengesetzte Begriffe bezeichnen: *Reichtum – Armut, Hitze – Kälte* (Substantive), *klug – dumm, kalt – heiß* (Adjektive), *hier – dort, links – rechts, unten – oben* (Adverbien), *geben – nehmen, leben – sterben, lösen – binden* (Verben).

Sehr oft entstehen Antonyme durch Wortbildung. Zur Bildung von Antonymen dienen viele Halbsuffixe (-los, -frei, -voll, -reich) und Präfixe (auf- und zu-; zu- und ab-; ein- und aus-; be-, ver- und ent-; zu- und ent-): *freudlos, freudvoll; schmerzenreich – schmerzlos; zunehmen, - abnehmen, aufmachen – zumachen, einpacken – auspacken, bewässern – entwässern, verhüllen- enthüllen, zukorken – entkorken*. Die Präfixe ent-, un-, miß- haben Fähigkeit, dem Wort eine entgegengesetzte Bedeutung zu verleihen: *decken – entdecken, Glück – Unglück, Erfolg – Misserfolg, gelingen – misslingen*.

Man unterscheidet folgende Arten von Antonymen:

1. Kontradiktorische Antonyme. Der kontradiktorische Gegensatz ist ein „strenger“ Gegensatz, er stellt eine logische Negation des gegensätzlichen Begriffs dar: *Liebe – Haß, jeder – keiner, Möglichkeit – Unmöglichkeit*.

2. Konträre Antonyme sind Wörter, die innerhalb eines Bewertungssystems als Artbegriffe existieren. Unter einem gemeinsamen Gattungsbegriff schließen sie einander aus: *fragen – antworten, nehmen – geben*.

3. Komplimentäre Antonyme sind die Wörter, bei denen die Negation eines Begriffs die Behauptung eines anderen Begriffs voraussetzt: *ledig – verheiratet, männlich – weiblich*.

5. Bedeutungsüberordnung und Unterordnung.

Beziehungen der Bedeutungsüberordnung und Unterordnung oder hyperonym-hyponymische Beziehungen sind Gattungs-Artbeziehungen. Die Bedeutung des Hyperonyms schließt die Bedeutungen der Hponyme ein (Inklusionsbeziehungen): *Blume* ist ein Gattungsbegriff (Hyperonym), Artbegriffe (Hyponyme) sind *Rose, Lilie, Veilchen, Narzisse. Möbel* (Hyperonym) – *Tisch, Schrank, Stuhl* (Hyponyme).

Die Bedeutung der Hyponyme können auch Bezeichnungen eines Teils der Bedeutung des Hyperonyms sein.

Die Hyperonym – Hyponym – Beziehungen sind bei der Reihe zu finden: *Körper* (Hyperonym) – *Kopf, Arm, Brust, Bauch* usw. (Hyponyme).

6. Schlussfolgerung

Durch das Wort geben wir die Vorstellungen im Kopf und was wir und mithilfe den Sinnesorganen fühlen. Diese Wiedergabe ist oft unvollständig. Denn wir haben entweder keinen reichen Wortschatz oder wir können nicht alles erkennend reden. Das heißt wir haben keinen vollkommenen Verstand bei allen Wörtern, die wir benutzen. Um dies zu verstehen und richtig zu sprechen, brauchen wir die Bedeutung des Wortes zu erkennen. Es scheint wahrscheinlich im ersten Blick nicht problematisch zu sein. Aber es ist bei den Gesprächen, beim Reden und bei der Erkennung der Welt sehr relevant.

Liste der verwendeten Literatur:

1. DUDEN Die Sinn- und sachverwandten Wörter
2. DUDEN Das Herkunftswörterbuch
3. DUDEN Das Stilwörterbuch
4. Der Brockhaus in zehn Bänden (Enzyklopädie)
5. Lesestoffe zur deutschen Lexikologie A. Iskos
6. Wörter und Gegenwörter Chr. Agricola
7. Kleines Wörterbuch der Stilkunde

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

УДК 633.511:576.3.631.527

**ЯНГИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ СТАНДАРТ НАВЛАР БИЛАН РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ***Д.А.Аккужин, Ш.Ю.Кадилов, Ф.К.Жуманиязов, Р.Б.Машиарипова-Хоразм Маъмун академияси*

Аннотация. Селекция ишининг асосий мақсади юқори ва сифатли ҳосил берадиган навлар яратилди. Янги нав ўзи яратилган маълум бир тупроқ-иқлим шароитига мослашган бўлади. Лекин айрим вақтлар бу навлар умуман бошқа шароитларда ҳам яхши ўсиб, стандарт навдан устунлигини кўрсатиши мумкин экан. Хусусан, Хоразм Маъмун академияси олимлари томонидан яратилган Ният ва Хурма навлари Жиззах нав синаш шахобчасида етиштирилган стандарт навга нисбатан ҳосилдорлиги ва тола чиқими юқори бўлган.

Калит сўзлар: ғўза, нав, синаш, рақобат, стандарт, тупроқ-иқлим шароити

Аннотация. Целью селекционной работы является создание качественных и высокоурожайных сортов. Созданный новый сорт, обычно является приспособленным к определенным почвенно-климатическим условиям, где был создан сорт. Но иногда случается так, что эти сорта могут прекрасно произрастать в совершенно других условиях и иметь преимущества по сравнению со стандартом. В частности, сорта Ният и Хурма, созданные в Хорезмской академии Маъмуна, были лучшими по урожайности и выходу волокна по сравнению со стандартным сортом в Жиззаке.

Ключевые слова: хлопчатник, сорт, испытание, конкуренция, стандарт, почвенно-климатические условия.

Abstract: the aim of the selection works is to create qualitative and high productive varieties. As usual, the created new variety is adapted to the definite soil-climatic conditions, where the variety was created. But sometimes, the varieties, created in one condition, may perfectly grow in a quite another condition and have advantage over the standard variety. Particularly, the cotton varieties Niyat and Khurma, created in Khorezm Mamun academy, were better on yield and fiber output than standard variations.

Key words: cotton, varieties, testing, competitiveness, standard, soil-climatic conditions.

Экинлардан юқори ва барқарор ҳосил олишда селекциянинг аҳамиятини ҳеч ким инкор этмайди. Чунки яратилган янги нав биз кутган ижобий хусусиятларга, яъни ҳосилдор, эрта пишар, тола сифати юқори бўлиши билан бирга умуман кутилмаган кўрсаткичларни намоён қилиши мумкин. Масалан, селекциянинг мақсади янги навни маълум тупроқ-иқлим шароитида яратиш, шу шароитга мослашган ва турли салбий омилларга чидамли хоссаларни ўзида мужассам қилган ва натижада юқори ҳосил берадиган ўсимлик намуналарини олиш ҳисобланса, чатиштириш орқали яратилган янги нав бошқа тупроқ-иқлим шароитларида ҳам назорат навидан устунлигини намоён қилган ҳолатларни кўплаб кузатганмиз. Д.А.Аккужин (2015) янги навларга қўйиладиган талаблар ҳақида куйидагича ёзади. “Ҳозирги вақтда ғўза навлари серҳосил, эртапишар, касаллик ва зараркундаларга чидамли, ҳосилдор, кўп тола чиқиши, толасининг технологик сифатлари юқори, қатор ораларига механизация ёрдамида ишлов беришга мослашган, шу билан бирга турли ноқулай омилларга, паст ҳароратга, курғоқчиликка мослаша оладиган ва бошқа экстремал ҳолатларга бардошли бўлиши зарур” [1].

Хоразм вилояти учун мос навларни яратиш ўта долзарб масаладир. Чунки нафақат тупроғи турли даражада шўрланган, шу билан бирга воҳанинг гидрологик режими бошқа ҳудудларда умуман учрамайди. Ер ости сувларининг юзага яқинлиги шўр ювиш ҳамда вегетация даврида ва айрим йиллари Амударё сувининг кўтарилиши натижасида ер ости суви сатҳи 0,5 м га тенг бўлиши, шу сувлар ўсимликларга зарар келтирмаслиги учун маҳсус чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қилади [2]. Маълум даражада шўрланган тупроқ, ер юзасига яқин жойлашган ҳамда минерализацияга учраган сизот сувлари, қишда ҳаво куруқ совуқ, ёз фасли куруқ ва ўта иссиқ бўлган шароитларда ўсимликларнинг мослашиш жараёнлари қийин кечиши табиийдир.

Шулардан келиб чиқиб, Хоразм Маъмун академияси олимлари маҳаллий шароитда, Хоразм Маъмун академиясининг тажриба базасида ғўзанинг янги навларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Натижада бир қанча янги навлар яратилди. Шунингдек, Ният ва Хурма навлари дастлабки синовлардан муваффақиятли ўтгач, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг талабига асосан Давлат нав синаш участкаларига рўйхат бўйича бу навларнинг чигитлари етказиб берилмоқда ва республиканинг бошқа тупроқ-иқлим шароитида экилаётган стандарт навлар билан рақобатбардошлиги ўрганилмоқда. Республикамизнинг турли вилоятлари ҳудудларида жойлашган Давлат нав синаш шахобчаларида 2017 йилда ўтказилган синов натижалари эълон қилинди. Юқорида таъкидланганидек, Хурма ва Ният навлари шу ҳудуд учун бўлган стандарт навлар билан таққосланди.

Давлат нав синаш участкаси тақдим қилган маълумотга асосан синаш жараёнида муаллифлар учун ҳам кутилмаган натижалар олинганига гувоҳ бўлдик. Хоразм Маъмун академиясида яратилган Ният ва Хурма навлари турли нав синаш шахобчаларида ҳосилдорлик ва тола чиқими кўрсаткичлари бўйича таққосланганда, Эллиққалъа шахобчасида яхши натижалар кўрсатгани табиий ҳол деб қаралади, чунки бу ҳудуд Хива тумани тупроқ-иқлим шароити билан деярли бир хил. Лекин Жиззах вилояти шароитида Ният ва Хурма навлари ҳосилдорлик ва тола чиқими бўйича жуда яхши натижалар бериши биз учун кутилмаган ҳолдир. Тақдим қилинган маълумотга асосан Ният нави Эллиққалъа бўлими шахобчасида синовдан ўтказилганда ҳосилдорлиги 2,0 ц/га юқори бўлган бўлса, тола чиқими 2,9 % кўп бўлган. Жиззах бўлими шахобчасида эса, ҳосилдорлик 2,7 ц/га юқори, тола чиқими 3,3 % кўпдир. Хурма навида эса Эллиққалъа туманида стандарт навга нисбатан ҳосилдорлик 2,0 ц/га юқори, тола чиқими 0,4 % кўп бўлган. Жиззах туманида ҳосилдорлик 2,7 ц/га юқори, тола чиқими 3,3 % кўп бўлган.

Тўғри айрим нав синаш шахобчаларида Хоразм Маъмун академиясида яратилган навлар стандартга нисбатан ижобий натижалар кўрсатган бўлса ҳам, унчалик катта фарқ йўқ, яъни тажрибанинг хатолик чегарасида жойлашган. Масалан, Хатирчи туманида синалганда Ният нави ҳосилдорлик бўйича стандартга нисбатан 0,2 ц/га юқори, тола чиқими 1,6 % кўп, Бешариқ туманида ҳосилдорлик 1,1 ц/га юқори, тола чиқими бир хил бўлган.

Хурма нави Каттакўрғон туманида синалганда, ҳосилдорлик бўйича стандарт навдан 0,7 ц/га юқори, тола чиқими 0,2 % кўп, Боғдод туманида эса, ҳосилдорлиги 0,9 ц/га юқори, тола чиқими 1,2 % кўп бўлган.

Албатта, янги навларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун ҳам кўп меҳнат талаб қилинади. Биринчи навбатда ҳар бир тупроқ-иқлим шароитларига хос бўлган агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва уруғчиликни йўлга қўйиш зарур. Шундагина юқори ҳосил олиш билан бирга, янги навларнинг уруғларини нав тозаллиги ва навдорлик хусусиятларини сақлаган ҳолда ҳар йили ишлаб чиқарувчининг эҳтиёжига яраша кўпайтириб туриш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аккужин Д.А., Кадиров Ш.Ю., Жуманиязов Ф.К., Машарипова Р.Б. Хоразм Маъмун академиясида яратилган янги истиқболли ғўза навлари тола сифатининг технологик кўрсаткичлари./ Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2015 й., 4- сон, 16-б.
2. Салаев Қ. ва б. Тупроқ унумдорлигини ошириш – ҳосилдорлик гарови. Услубий қўлланма. Хива. 2008 й., Б.112.

УДК 633.11+631.413.3

КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ШЎРЛАНИШГА ЧИДАМЛИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

*З.Б. Аллоберганова, Х.М. Раҳимова, О.Р. Нурметов, Р.Б. Қўзиева,
У.Б. Мавланов, Т.Б. Курамбоев – Урганч давлат университети*

Аннотация. Мақолада Хоразм тупроқ иқлим шароитида етиштирилаётган кузги юмшоқ буғдой нав намуналарининг ташқи таъсирлардан шўрланишга чидамлилик хусусиятлари ўрганилган.

Калим сўзлар: шўрланиш, балл бонитет, ҳосилдорлик, бошоқлаш, тўлиқ тишини, генотип, фаза, агрофон.

Аннотация. В статье приведены результаты изучения устойчивости к засолению сортов озимой формы мягкой пшеницы в почвенно-климатических условиях Хорезма.

Ключевые слова: солеустойчивость, балл бонитет, урожайность, колосование, полная спелость, генотип, фаза, агрофон.

Abstracts: The article presents the results of studying the resistance to salinity of varieties of winter wheat soft in the soil and climatic conditions of Khorezm.

Key words: Salinity tolerance, score bonitet, productivity, kolosovanie, full ripeness, genotype, phase, agrofon

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан сўнг ўзбек халқи учун ҳар томонлама ривожланишга кенг имкониятлар очилди. Бозор муносабатлари шароитида республикамиз аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини янада қондириш ва иқтисодий мустақам ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, дон етиштиришни кўпайтириш, ўз-ўзини дон моҳсулотлари билан таъминлаш ва унга тезроқ эришишни ўз олдига мақсад этиб қўйди.

Мустақилликдан сўнг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизими ўзгариб, пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилди. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И. Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлиги асосида суғориладиган экин майдони ерларидан 1,310 минг гектарига дон экинларини жойлаштириш вазифаси қўйилди ва бу ишлар изчиллик билан амалиётга татбиқ этилмоқда [1]. Ҳозирги кунда республикамизнинг деярли 80-90 % суғориладиган буғдой майдонларида Краснодар ўлкаси селекциясининг ҳосилдор интенсиф типдаги навлари экилиб келинмоқда. Бу навлар тупроқнинг мелиоратив шароити яхши ҳосилдор бўлган минтақаларда ўзларининг юқори ҳосилдорлигини кўрсатиб келмоқда. Лекин балл бонитети паст, сув билан кам таъминланган шўрланган тупроқли мелиоратив ахволи ноқулай бўлган ерларга жойлаштирилганда уларнинг ҳосилдорлиги кескин пасайиб, кам ҳосил олинмоқда.

Маълумки, республикамизнинг қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерларининг 15,9% шўрланган бўлиб, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон ва Хоразм ҳудудларида 86-96% ерни эгаллайди. Хоразм шароитида ерларнинг шўрланиш даражаси кескин ошиб бормоқда. Буларнинг асосий сабаби, Амударё сувининг суғориш учун ишлатиладиган сув миқдори кўпайиб, коллектор-дренаж сувларининг дарёга қайтиб қўйилиши ва мавжуд сув ресурсларидан натижали фойдаланмаслик оқибатида ҳудуднинг гидрогеологик шароити ёмонлашиб об-ҳавонинг қурғоқчилиги кучайиб кучли шўрланган сизот сувларининг буғланиши натижасида баҳорда буғдой далаларидаги тупроқнинг юза қисми қор ёққондай оппоқ бўлиб кетади. Тупроқ шўрланиши, яъни тупроқ эритмасида тузлар эритмасининг ўсимликлар учун муқобил даражадан кўп бўлиши буғдой ўсимлигининг ўсиб ривожланиши учун салбий таъсир кўсатиб ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келади. Мураккаб экологик шароит буғдой ўсимлигининг ҳосилдорлигини пасайтириш билан бир вақтда хўжалик учун муҳим бўлган маҳсулот сифатини пасайишига олиб келади.

Буғдой ўсимлигининг шўрланишга чидамлилигини ошириш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммолари бўлиб қолмоқда. Ўсимликларнинг шўрланишига чидамлилигини орттиришнинг энг самарали экологик тоза усули бу экстремал шароитларга чидамли бўлган навларни яратиш ишлаб чиқаришга жадал жорий қилишни тақозо этади. Серҳосил, юқори маҳсулдорлик имкониятларига эга бўлган, юқори сифатли маҳсулот берадиган касалликларга, тупроқнинг шўрланишига чидамли навларни яратиш учун энг аввало мазкур талабларга тўла жавоб берадиган бошланғич манбаларни аниқлаш ва улар асосида янги навларни яратиш ҳозирги куннинг олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бошланғич манбалар Хоразмнинг иқлим шароитида ўрганилиб, уларнинг қимматли белги ва хусусиятлари асосида маҳаллий шароитда яратилган навлар камчиликларини тўлдириш ёки уларнинг имкониятларини ошириш мумкин бўлиб ушбу йўналишдаги изланишлар долзарб ҳисобланади.

Юмшоқ буғдойнинг кузги нав намуналари шўрланишга чидамлилигини ўрганиш борасида бир қанча етук олимлар изланишлар олиб борган, жумладан: Г. В. Удовенко, А. Л. Жученко, Б.А.Келлер, П.А.Генкел, Б.П.Строгонов, Л. М. Петров, А. И. Асалиев. в.х.к.

Ана шу муаммоларни ҳал қилишда биз кузатишларимизни 2016-2018 йиллар мабойнида турли хил тупроқ шароитларида олиб бордик.

Иш қуйидаги методикалар асосида олиб борилди: кузатиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар Бутунруссия ўсимликшунослик институти услубий кўрсатмаси асосида ўтказилди.

Ҳозирги вақтда юмшоқ кузги буғдойнинг республикамиз ҳудудининг барча ноқулай тупроқ-иқлим шароитларига, айниқса тупроқнинг шўрланишига, чидамли эртапишар навларини яратиш селекциянинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Кузги буғдой ўсимлиги бизнинг ҳудудимизда кўпчилик вақтлари ҳавонинг қуруқлиги ва шўрланган тупроқлар таъсири туфайли содир бўладиган қийин шароитда униб чиқади ва ривожланади. Шу даврда ҳаво ҳароратининг пасайиб кетишидан ўсимликнинг ўсиши тўхтаб, қишлагга тўлиқ туплаб улгурмасидан кетади. Айрим ҳолатларда ҳароратнинг ҳаддан ташқари ортиб кетишидан тупроқда намлик камайиб, тузлар буғланиб, унинг устки юзасига тўпланиб оппоқ қор қаби тусга киради. Натижада униб чиққан буғдой кўчатлари катта қийинчиликларга дучор бўлади, айниқса даланинг шўрланган жойларида умуман нобуд бўлади ва кўчат бўлмаган майдонлар пайдо бўлади. Бу муаммоларни бартараф қилиш учун тупроқнинг шўрланишига чидамли эртапишар янги юмшоқ кузги буғдой навларини яратиш ҳозирги куннинг долзарб селекцияси иши ҳисобланади.

В. Ф. Дорофеев ва Р. А. Удачинларнинг фикрича, қисқа ўсиш даврига эга бўлган янги навларни яратиш натижасида бирданига қишлоқ хўжалигидаги кўпгина муаммоларни ҳал этиш имконини яратиш мумкин [2].

Бир қатор тадқиқотчиларнинг (Удачин. Р. А; Шоахмедов И. Ш) маълумотида кўра юмшоқ кузги буғдой нав намуналарини баҳолашда ҳосилдорликни белгилашда “униб чиқиш-бошоқлаш” даврлари давомийлиги асосан, ҳаво, тупроқ ва намгарчилик шароитига боғлиқдир.

Удовенко Г. В; (1986); Мусиенко Н.Н, ва бошқалар (1986); Петров Л. Н, ва Попов. В. П (1986) ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар ишларида тупроқнинг ҳар-хил даражада шўрланиши буғдой нав намуналарининг вегетацияси даври давомийлигига ўз таъсирини кўрсатганлигини таъкидлашган [3-5].

Юмшоқ кузги буғдойнинг нав намуналарини ўрганиш даврида илмий–изланишимизнинг асосий йўналишини унинг эртапишар нав намуналарини ажратиб олишга йўналтирдик. Бизлар нав намуналарининг баҳолилигини бир неча морфобиологик белгиларга тавсиф бериш натижасида аниқладик. Биринчи баҳолаш ва танлаш ишлари дала шароитида ўсимликлар униб чиқиш, бошоқлаш ва тўлиқ пишиб етишгандан сўнг олиб борилади. Асосан нав намуналарининг ўсимликнинг шакли, ётиб қолишга, бошоқдаги донларнинг тўкилувчанлиги бўйича баҳоланди.

Шўрланган тупроқ шароитида 102 та ўрганилган буғдой нав намуналарининг 33 таси жуда ёмон кўрсаткичларга эга бўлиганлиги аниқланди. Бу нав намуналари сийрак униб чиқиш, униб чиқиш даврида ёппасига нобуд бўлиш, жуда кеч пишиш, ўсимликни тузилиши экстенсив шаклга эга бўлиши, йиқилиб қолишга мойил бўлиши каби кўрсаткичларга эга бўлганлиги аниқланди.

Униб чиқиб кўчат олинган буғдой нав намуналари устида олиб борилган фенологик кўзатишлар натижасида уларнинг ўсиш даври аниқланди. Унга кўра эртапишарлик, ўртапишарлик ва кечпишарлик хусусиятларига эга нав намуналарига ажратилди.

Униб чиқиш фазаси ўсимликларда биринчи ҳақиқий барг шаклланиб бўлган кундан бошлаб белгиланди. Бу даврда буғдой нав намуналарининг ўсиш кўрсаткичларини аниқланди.

Кўзатишлар натижаси бўйича андоза нав “Половчанка” экилган кундан сўнг ўртача 18 кунда униб чиқиб бошлаб 20 кун ичида тўлиқ униб чиққан бўлса, ўрганилган нав намуналарида бу кўрсаткич 20-25 кунни ташкил қилиб, уларнинг генотипига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Олинган маълумотларга асосланиб шунини айтиш мумкинки, буғдой нав намуналарининг униб чиқиш ҳолатига тупроқнинг шўрланиш даражаси ўз таъсирини кўрсатиши маълум бўлди. Нав намуналарининг униб чиқиш бўйича кўрсаткичлари тупроқнинг шўрланиш даражасига ва нав ўзгачалигига боғлиқ бўлар экан. Бизнинг тажрибамизда шўрланган агрофон шароитида нав намуналарининг уруғларини униб чиқиш вақти кечикиб, нав намуналари бўйича фарқи 2-6 кунга тенг бўлди. Бунинг асосий сабаби шўрланган муҳитда тузлар эритмасининг миқдори ўсимликлар учун муқобил даражадан кўп бўлишидир.

Кузги буғдой нав намуналари фенологик фазаларни босиб ўтиши ҳар бир навга тана янги органларнинг пайдо бўлиб, морфологик ўзгачаликларининг кўрсаткичлари билан тавсифланди.

Ўрганилган нав намуналарининг ўсиб ривожланиб тушлаш фазаси бошланиш даври ҳам шўрланган агрофон шароитида 3-5 кунга кечикиб бошланди. Шунини айтиб ўтиш лозимки нав намуналари бўйича тушлаш фазасидаги ўзгарувчанлик тушлаш бошланиши вақтидан бошлаб кўзга ташлана бошлади. Айрим нав намуналари юқори маром билан ўсиш натижасида ўсимликларнинг тулланиши яхши бўлди. Бу кўрсаткич шўрланган агрофон шароитида ҳам кўп учради.

Тажриба маълумотларига асосланиб шунини айтиш мумкинки, нав намуналарининг униб чиққандан сўнг қисқа вақт ичида тушлашга киришиши бўйича кўрсаткичи уларнинг тезпишарлигидан дарак беради. Алоҳида шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, тупроқнинг шўрланиш шароитида буғдой нав намуналарининг ўсимликларни тушлаш вақти бўйича ўзгарувчанлиги анча катта бўлмаса ҳам, тулланишлар сони бўйича кескин фарқ бор эканлиги маълум бўлди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, буғдой нав намуналарининг шўрланишига таъсирчанлик реакциясини ўсимликларнинг униб чиқиш ва тулланишининг бошланғич даврида аниқлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 21 – 24 б.
2. Дорофеев В.Ф., Руденко М. И, Удачин Р.А. Засухоустойчивые пшеницы. (Методические указания). Л., ВИР, 1974.186 с
3. Мусиенко Н. Н. Жаростойкость озимой пшеницы в условиях засоления. Физиологические и биохимические основы солеустойчивости растений. Т, 1986. с 20.
4. Петров. Л. Н., Попов В.Ф. Определение солеустойчивости озимой пшеницы на засоленных почвах черноземной зоны по показателю теплоустойчивости семян. Физиологические и биохимические основы солеустойчивости растений. Ташкент, 1986 г. с 65
5. Удовенко Г.В. Механизмы адаптации растений к засолению почвы: физиологические и генетические аспекты солеустойчивости растений // Проблемы солеустойчивости растений. - Ташкент: ФАН, 1989. С.113-142.

УДК 633.51..631.674.

КУЗГИ БУҒДОЙНИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ҒАЛЛА ҲОСИЛДОРЛИГИ

Алматов Б.Т., Чориев А.Ж., Алланазаров О.Я.

Термиз давлат университети

Аннотация: Мақолада эгатлаб суғоришда сув олдидан тупроқ ҳисоблаш қатламини ошиши билан суғориш ва мавсумий суғориш меъёри кўпайиши аниқланган. Худди шундай маълумотлар томчилатиб суғоришда ҳам олинди. Томчилатиб суғориш усулида эгатлаб суғоришга нисбатан 9,3-9,6 центнер кўп ҳосил олинган.

Калим сўзлар: кузги буғдой, суғориш муддатлари, суғориш сони, суғориш меъёри, томчилатиб суғориш.

Аннотация: В статье определено увеличение норм орошения и сезонного орошения при увеличении предводного слоя почвы при бороздовом поливе. Аналогичные результаты получены и при капельном орошении. При капельном орошении урожайность повысилась на 9,3 – 9,5 ц/га по сравнению с бороздовым поливом.

Ключевые слова: озимая пшеница, сроки полива, число поливов, норма полива, капельное орошение.

Abstracts: The question of watering technology is considering in this paper. It is defined that watering number and total watering rates increased with growth of calculating layers of soil. The same date were taken yield of 9,3-9,6 centers/to the hectare more than flooding between rows.

Key words: Winter wheat, dates of irrigation, number of irrigation, norm of irrigation, drip irrigation.

Ғаллачилик жаҳон қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, ҳар қандай давлат кудратининг ғоят муҳим манбаларидан ҳисобланади. Шу боисдан мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси аввало жамият аъзоларининг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишига боғлиқ. Аҳоли истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ичида донли экинлардан олинган ун, нон маҳсулотлари ёрма ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Чунки «токи ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иктисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча [1].

Кузги бошоқли дон экинларини суғориш тартиби ва муддатлари, суғориш сони, суғориш меъёри, минтақанинг иқлими, тупроқ гидрогеологик шароитларга, шунингдек, экилаётган навнинг биологик хусусиятларига ва қўлланадиган агротехника даражасига қараб белгиланади. Кузги буғдойни суғориш вақти, меъёри ва сувнинг тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш асосида, ҳозирги сув танқис бўлган вақтда беҳуда сув сарф бўлишининг олди олиниб, тупроқнинг ювилиши, маъдан ўғитларнинг беҳуда сарф бўлмаслиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши кабиларга барҳам берилди [3].

1-Жадвал

Суғориш технологиялари самарадорлигини ўрганиш учун олиб борилган тажриба вариантлари

Вариант тартиби	Суғориш усуллари	Ҳисобга олинандиган тупроқ қатлами, см	Суғоришдан олдинги тупроқ намлиги, % ЧДНС га нисбатан
1	Эгат орқали суғориш	0-30	75-75-75
2	-II-	0-50	75-75-75
3	-II-	0-70	75-75-75
4	-II-	0-100	75-75-75
5	Оддий сув билан томчилатиб суғориш	0-30	75-75-75
6	-II-	0-50	75-75-75

Изоҳ: ЧДНС-чала дала нам сифими.

Тадқиқотларни олиб боришдан мақсад, кузги буғдойни етиштиришда тупроқ унумдорлигини сақловчи, оширувчи ва мелиоратив ҳолатини яхшиловчи, сувни тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш ва суғориш тартибларини ғалла ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишга қаратилган.

Дала тажрибаси Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги фермер хўжалиги далаларида қуйидаги тизимларда олиб борилди.

Тажриба олиб борилган хўжаликда амалда қўлланилаётган минерал ўғитларни қўллаш меъёри асос қилиб олинди. Азот 250 кг/га фосфор 175 кг/га белгиланди. Хўжаликнинг 2749 гектар майдони ёки 36,4 % кам даражада, 3243,9 гектар ёки 42,5 % майдони ўртача шўрланган. Калий тажриба даласи тупроғида юкори ва юкоридан ортиқча бўлганлиги сабабли берилмади. Фосфорли ўғитларни 70 фоизи шудгорлаш олдидан, 30 фоизи буғдойни тупланиш даврида, азотли ўғитлар кузги буғдойни тупланиш,

найчалаш ва бошоқлаш бошлангунгача берилди. Томчилатиб суғориш тизимидан азотли ўғитлар 1-4 мавсумий суғориш суви билан сувда эритилиб берилди. Томчилатиб суғоришда намлагичлар орқали сув бериш учун САНИИИРИ ИИЧБ лойиҳаси асосида қурилган суғориш тизимидан фойдаланилди [2].

Буғдойни комбайн билан ўришни ташкил этиш мақсадида томчилатиб суғорилган вариантларда томчилатгич шлангларни ўриш даврида комбайн босмаслигини ҳисобга олиб 90 см. ораликда жойлаштирилди.

Сув сарфи тупроқ қатламидаги намликка асосланган ҳолда белгиланди. Эгат орқали суғорилган 1-4 вариантларда 6 марта, томчилатиб суғорилган 5-6 вариантларда 10 марта суғорилди. Умумий суғориш меъёри 1-4 вариантларда ўртача 3 йилда 5150-5950 м³/га ташкил қилди. Ғаллани ўриш олдида сув ташувчи қувурлар йиғиштириб олинди.

2-Жадвал

Кузги буғдой етиштиришда сувни тежовчи технологиялар ва уларнинг ҳосилдорликка таъсири

№	Суғориш усули	Ҳисобга олинган тупроқ қатлами, см	Ҳосилдорлик ўртача 3 йилда, ц/га	Суғориш усули ҳисобига ҳосилдорликнинг ошиши *		Суғориш тартиби ҳисобига ҳосилдорликнинг ошиши **		Умумий суғориш меъёри		
				ц/га	%	ц/га	%	2014 й	2015 й	2016й
1	Эгатлаб суғориш	0-30 см	63,0			3,5	10,5	5175	5085	5150
2	Эгатлаб суғориш	0-50 см	61,4			1,9	3,2	5440	5430	5400
3	Эгатлаб суғориш	0-70 см	60,3			0,8	2,0	5700	5680	5650
4	Эгатлаб суғориш	0-100 см	59,5	К	К	К	К	6025	5950	5875
5	Оддий сув билан томчилатиб суғориш	0-30 см	69,0	6,0	10,9			2745	2725	2750
6	Оддий сув билан томчилатиб суғориш	0-05 см	66,2	4,8	7,8			2850	2835	2860

Изоҳ: *-эгатлаб суғоришга нисбатан

**-ҳисобга олинадиган тупроқ қатламига нисбатан

К-назорат.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўладики, ҳисобга олинадиган тупроқ қатламини ошириш билан суғориш мавсумий суғориш меъёрлари ошиб борилишини кўрсатди. Масалан, суғориш олди ҳисобга олинадиган тупроқ қатлами 0-30 см бўлган эгатлаб суғоришда умумий суғориш меъёри ўртача уч йилда 5136 м³/га, 0-100 см ҳисобга олинадиган тупроқ қатламида 5423 м³/га, 0-70 см тупроқ қатламида 5676 м³/га, 0-100 см ҳисобга олинадиган тупроқ қатламида эса бу кўрсаткич 5950 м³/га бўлди. Томчилатиб суғорилган вариантларда ҳам худди шундай қонуният сақланди. 0-30 см тупроқ қатламини ҳисобга олинган анъанавий эгатлаб суғориш усулига нисбатан 48-50 фоиз сув кам сарф бўлди.

Эгатлаб суғоришда ўрганилган ҳисобга олинган суғориш олди турлича тупроқ қатламида (0-30; 0-50; ва 0-70; 0-100) ўртача уч йилда юқори ҳосил (63 ц/га) 0-30 см тупроқ қатламидаги намликка қараб кузги буғдойни суғоришда олинди. Келтирилган маълумотлар ер ости сувлари сатҳини буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўпланишига салбий таъсир кўрсатмайдиган чегарагача тушириш, суғориш олди тупроқ қатламини ҳисобга олиш, ҳосилдорликни кескин ошириш ва сувни тежашни кўрсатади (2-жадвал). Бу мутлоқ назорат (0-100 см) 4-вариантга нисбатан 3,5 ц/га ёки 10,5 фоизга кўп ҳосил олинди. Ҳисобга олинган 0-30 см ва 0-50 см тупроқ қатламидаги намликка қараб оддий усулда томчилатиб суғорилган 5,6 вариантларда 1,2 вариантларга нисбатан буғдой ҳосилдорлиги 4,8-6,0 ц/га ёки 7,8-10,9 фоиз юқори бўлди.

Кузги буғдойдан юқори ва мўл ҳосил олиш учун суғориш тартиби ва технологияларини буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашига таъсирини ўрганиш тубандаги хулосалар чиқаришга олиб келди.

Эгат орқали суғорилган 1-4 вариантларда 3-2-1 тартибда суғорилди. Суғориш меъёрлари ҳисобга олинган 0-30 см. тупроқ қатламида 800-900 м³/га, 0-50 см қатламда 850-950 м³/га, 0-70 см қатламда 870-1000 м³/га ва 0-100 см тупроқ қатламида 945-1025 м³/га, суғоришлар орасидаги давр 18-20 кунни, умумий суғориш меъёрлари 0-30 см ҳисобга олинган қатламида 5085-5175 м³/га, 0-50 см. да 5430-5440 м³/га, 0-70 см. да 5680-5700 м³/га ва 0-100 см тупроқ қатламида 5950-6025 м³/га ташкил этди.

Сурхон-Шеробод воҳасининг тақир-ўтлоқи тупроқлари шароитида томчилатиб суғориш усулини қўллаш кузги буғдой парваришида агротехника талабаларига мос келишини кўрсатди. Бу усулнинг қўлланилиши экин майдонларига белгиланган миқдорда сув ва ўғитни бир текис автоматлаштирилган ҳолда берилиши, тупроқ унумдорлигини ва атроф-муҳитнинг мусоффолигини таъминлаб беради, сувни тежамкорлик билан сарфлаш, суғоришга берилган сувнинг эгат бўйлаб текис тақсимланиши билан аҳамиятга моликдир. Томчилатиб суғоришда ўсимликнинг бир маромда ўсиши ва ривожланиши учун шарт-шароит вужудга келди. Томчилатиб суғориш технологиясида эгатлаб

суғоришга нисбатан сувнинг оқавага чиқиб кетиши ва чуқур қатламларга сингиб исроф бўлиши мутлақо бўлмаганлиги туфайли сув сарфини камайтириш имкониятини бериши аниқланган.

Томчилатиб суғориш технологиясида дала тез-тез кам меъёрларда суғорилиб турилади. Бу вариантларда мавсумий суғоришлар 4-4-2 тартибда 0-30 см ҳисобга олинган қатламида 250-300 м³/га, 0-50 см. 260-310 м³/га, умумий суғориш меъёри 2725-2750, 2860-2860-2850 м³/га ташкил этди.

Томчилатиб суғориш технологияси қўлланган вариантларда суғориш меъёри эгат бўйлаб текис тақсимланганлиги, ўсимликни озиклантириш учун берилган минерал ўғитларнинг оқавага чиқиб кетиши ва чуқур қатламларга сингиб исроф бўлиши мутлақо бўлмаганлиги сабабли сув ва озика тартибини яхшиланганлиги учун эгатлаб суғоришга нисбатан кузги буғдойдан юқори 73,9 ц/га ҳосил олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти 1994. 304 б.
2. Жўрақулов Б, Мирзаев Ш., Назаров А. Кузги буғдой етиштиришда сувни тежовчи технологиялар ва суғориш тартиби. Ғўза ва кузги буғдой парваришlash агротехникаларини такомиллаштириш халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2003. 76-79 б.
3. Тиллаев Р.Ш. Ўзбекистонда ғалачиликни аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари. Ғўза ва кузги буғдой парваришlash агротехникаларини такомиллаштириш халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2003. 26-30 б.

УЎТ 581.193: 581.5: 635. 655/ 575. 171

СОЯ УРУҒИГА ЭКИШДАН ОЛДИН ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Д.Р. Аннамуратова - Урганч давлат университети Биология кафедраси доценти, б.ф.н., Ш.М. Фозилов – Термез давлат университети, ўқитувчи

Аннотация: Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида турли соя навларининг биоэкологик ва морфофизиологик хусусиятлари ўрганилди. Соя навлари уруғларининг унувчанлигига ва ҳосилдорлигига ширинмия экстракти ҳамда капсулаланиннг таъсири аниқланди.

Таянч сўзлар: соя навлари, ўсиш, ривожланиш, онтогенез даврлари, ҳосилдорлик, экстракт, капсула, уруғ сони.

Аннотация: Изучены биоэкологические и морфофизиологические особенности различных сортов сои в условиях Хорезмской области. Определено влияние экстракта солодки и капсулирования на всхожесть и урожайность различных сортов сои.

Ключевые слова: сорта сои, рост, развитие, периоды онтогенеза, урожайность, экстракт, капсула, количество семян.

Abstract: In this article given results of bioecological and morphological features kloff the perspective varieties of soybean in the conditions of Khorezm region. Soyabean variety seeds germination and yield, extract of *Glycyrriza glabra* L. and capsulation effect determined.

Key words: sorts of soy, growth, development, periods of ontogenesis, productivity, extract, capsule, seed number.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва сифатли маҳсулотлар ҳажмини оширишнинг асосий йўллари – мавжуд анъанавий ўсимликлар ҳосилдорлигини уйғунлашган омиллар таъсирида ошириш ҳамда янги истиқболли ўсимликлар турлари ва навларини маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мослаштиришдир.

Ўсимликларнинг ташқи муҳитни ноқулай омиллари таъсирига чидамлилиги уларнинг генотипига боғлиқ бўлади, аммо ундан доимо етарлича фойдаланилмайди. Шу боис муайян ўсимлик тури ва навларида унувчанлик, ўсиш жадаллиги ва ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар турличадир. Шунинг учун ҳам истиқболли қишлоқ хўжалиги ўсимликларини янги минтақаларда етиштириш жараёнида уларнинг чидамлилигини турли усулларда ошириш зарур. Шу жумладан, ўсимликларнинг шўрланишга чидамлилигини уруғларга экишдан олдин ишлов бериш (турли физик омиллар таъсир қилиш, микроэлементлар ва кальций тузлари, фитогормонларнинг эритмаларида ивитиш, турли кимёвий препаратлар қўшилган ҳолда капсулага ўраш ва ҳоказо) орқали ошириш мумкин.

Турли агротехник тадбирлар орасида энг самаралиси – бу “қўшимча ҳосил / амалга ошириш харажатлари” кўрсаткичи бўйича уруғларга экишдан олдин ишлов бериш усулидир. Шу боис ҳозирги кунда уруғларга экишдан олдин ишлов беришнинг турли усуллари мавжуддир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Хоразм воҳасининг тупроқ-иқлим шароитларида истиқболли қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, соя навларини етиштиришда, уруғларни экишдан олдин турли усулларда ишлов бериш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди.

Биологик фаол моддалар таъсири. Турли ўсимликларнинг уруғларини экишдан олдин фитогормонлар: ауксин, гиббереллинлар ва цитокининларнинг эритмаларида ивитиш ўсимликларнинг турли касалликлар ва экстремал омиллар (шу жумладан, тупроқ шўрланиши) га чидамлилигини оширади.

Фитогормонлар ва турли кимёвий стимуляторларнинг препаратлари қиммат туради. Оролбўйи минтақасида *Glycirrizia glabra* L. (чучукмия, силлик ширинмия) жуда кенг тарқалган. Унинг илдизи таркибида катта миқдорда глицирризин кислотаси (илдизнинг куруқ массаси ҳисобига 6% дан 23% гача) мавжуд, яъни тупроқ қанчалик кўп шўрланган бўлса, шунча глицирризин кислотасининг миқдори катта бўлади [5]. Глицирризин кислотаси турли дори-дармонлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Кейинги йилларда глицирризин кислотасини ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ауксин ва гиббереллинга ўхшаб фитогормонал таъсири аниқланди [6,7].

Глицирризин кислотасининг 10^{-7} М концентрацияси индоллил сирка кислотаси-ИУК (10^{-4} М) га ўхшаб, унувчанлиги паст уруғларнинг унувчанлигини оширади, юқори унувчан уруғлардан шакланган ўсимталарни йириклаштиради, бугдой колеоптилининг ўсишини жадаллаштиради, нўхат барг қаламчаларининг илдиз олишига, ғўза уруғпалла барглари эксплантларининг массасини оширади [3].

Глицирризин кислотаси ҳам фитогормонлар (ауксин, гиббереллин) га ўхшаш таъсир қилади. Ғўза ўсимталарида радиоактив ^3H -ИУК ва ^3H -гиббереллин кислотаси билан ўтказилган тажрибаларда глицирризин кислотасининг ушбу фитогормонларнинг рецепторлари билан боғланиши ва уларни фаоллаштириши аниқланган.

Шу боисдан ширинмия илдизидан тайёрланган сувли экстракт (қайнатма) ни турли ўсимликлар учун стимулятор сифатида қўллаш ғояси туғилди.

Глицирризин кислотасининг 10^{-3} - 10^{-4} М концентрацияси гель ҳосил қилиш хусусиятига эгаллиги ундан уруғларни капсула билан ўрашда фойдаланилди. Тупроқларда кальцийнинг юқори концентрацияси ўсимликларнинг тузларга чидамлилигини ошириши боис ширинмия экстрактига оҳак қўшиб, уруғлар капсулага ўралди. Ана шу усулда ғўза ўсимлиги уруғларини экишдан олдин ишлов бериб, уларнинг тупроқ шўрланишига чидамлилиги оширилди [4,7].

Юқоридагиларга асосланган ҳолда соя навларининг тупроқ шўрланишига чидамлилигини ошириш бўйича тажрибалар амалга оширилди. Тажрибаларда унувчанлиги паст бўлган соя уруғларидан фойдаланилди. Тажрибалар 3 хил вариантда ўтказилди: 1-вариантда соя уруғлари 3 соат мобайнида дистилланган сувда ивитишиб идишларга экилди. 2-вариантда соя уруғлари 2 соат давомида ширинмия экстрактида ивитишиб, идишларга экилди. 3-вариантда уруғлар ширинмия экстрактдан тайёрланган капсулага ўралиб кейин экилди. Олинган натижалар 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Соя навлари уруғларининг унувчанлигига ва ҳосилдорлигига ширинмия экстракти ҳамда капсулалашнинг таъсири

Соя навлари	Вариантлар	Унувчанлик, %		Бир ўсимликдаги уруғ сони, дона	Уруғ ҳосилдорлиги, ц/га
		лаборатория	дала		
“Орзу”	назорат	75,6±1,62	62,1±1,28	492,9±2,43	20,2±0,38
	экстракт	87,2±1,59	75,9±1,40	548,3±2,51	21,5±0,41
	капсула	93,3±1,64	82,4±1,51	563,4±2,60	21,9±0,35
“Ўзбек-2”	назорат	72,4±1,25	62,3±1,17	484,8±2,45	21,6±0,46
	экстракт	83,8±1,61	72,6±1,35	507,8±2,50	22,3±0,51
	капсула	90,5±1,72	80,7±1,46	545,4±2,21	23,8±0,55
“Дўстлик”	назорат	74,7±1,46	61,6±1,31	482,7±2,43	20,9±0,39
	экстракт	85,8±1,71	73,2±1,35	551,7±2,60	22,8±0,43
	капсула	92,7±1,73	81,1±1,43	620,6±2,85	24,5±0,58
“Ўзбек-6”	назорат	71,9±1,47	60,7±1,26	424,2±2,37	19,4±0,59
	экстракт	84,2±1,53	71,5±1,33	484,8±2,25	20,8±0,44
	капсула	90,7±1,71	81,2±1,47	484,9±2,23	21,6±0,42

Соя навларининг уруғларини экишдан олдин ширинмия илдизидан тайёрланган экстрактда ивитиш ҳамда капсулага ўралса, ўрганган соя навларининг тупроқ шўрланишига чидамлилиги ортади. Соя навлари уруғларининг лаборатория ва дала шароитларидаги унувчанлиги ошади. Бундай

ишлов берилган уруғлардан ўсган ўсимликлар ҳам яхши ўсиб, ривожланиб, ҳосилдорлиги ортади (1-жадвал).

Шундай қилиб, амалга оширилган тажрибаларнинг натижалари асосида ўрганилган соя навлари уруғларини экишдан олдин ширинмия илдизидан тайёрланган экстракт ва оҳак қўшилган экстрактдан капсулага ўраб, кейин шўрланган тупроқларга экилса, ўсимликларнинг хлоридли шўрланишга чидамлилиги анча ортиши тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, муайян омил таъсирида ўсимликка ишлов берилганда, омилнинг таъсир миқдори ўсимликнинг чиниқиш имкониятидан катта бўлмаслиги зарур. Турли стрессорлар (нокулай омиллар) ўсимлик ҳужайрасида занжирли носпецифик реакцияларни келтириб чиқаради. Бу занжирнинг дастлабки халқасида турган мембраналарнинг турли ионларга ўтказувчанлиги ортади, кальций ионлари турли компартментлардан цитозолга ўтади. Цитоплазмада кальций ионларининг кўпайиши жуда кўп кальцийга боғлиқ жараёнлар ва ферментларнинг фаоллигини, айниқса, ўсимликлар чидамлилигини оширувчи ферментларнинг (цитоскелет тўри ва микрофиламентлар йиғилиши, стресс-оқсиллари синтези, H^+ -АТФаза, протектор аминокислоталар, ҳашаротлар ва микроорганизмларга қарши заҳарли бирикмалар синтезининг ферментлари, турли гидролазалар, пероксидазалар ва ҳоказо) фаоллигини кучайтиради [2].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аннамуратова Д.Р. Биоэкологические и морфофизиологические особенности перспективных сортов сои в условиях Хорезмской области./дис.. канд. биол. наук. Ташкент 2010. -137с.
2. Алехина Н.Д., Балнокин Ю.В., Гавриленко В.Ф., Жигалова Т.В., Мейчик Н.Р., Носов А.М., Полеская О.Г., Харитоншвили Е.В., Чуб В.В. Физиология растений, М: Академия, 2007. - 640 с.
3. Лукьянова С.В., Тойчиев А.А., Долимов Д.Н. Гагельганс А.И, Тонких А.К. Действие глицирризиновой кислоты на растения /Химия природных соединений. Спецвыпуск, 2001 – С. 61-62.
4. Лукьянова С.В., Тонких А.К. Агишев В.С., Сафаров К.С., Капсулирование семян хлопчатника в экстрактах из корня солодки добавлением извести увеличивает солеустойчивость растения //Актуальные проблемы экологии и почвоведения: Сборник тезисов докладов. Ташкент, 2006 – С. 105-106
5. Толстикова Г.А. Балтина Л.А. Шулутов Э.Э Глицирризиновая кислота / Биоорганическая химия, 1997. т. 1. № 23 – С. 691-709
6. Тонких А.К. Лукьянова С.В. Альченко В.Ю., Ибрагимов А.А., Сафаров К.С. Экстракт из корня солодки - стимулятор развития растений /Физикавий кимёвий биология ва биотехнологиянинг истикболлари: халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон. 2007. – С.64-66.
7. Тонких А.К., Лукьянова С.В., Тойчиев А.А., Далимов Д.Н., Гангельганс А.И. Действие глицирризиновой кислоты на растения//Химия природных соединений. 2001., Спецвыпуск – С.117-118.

УДК. 631.4

МЕХАНИЧЕСКИЙ СОСТАВ ГОРНЫХ ПОЧВ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ РЕЛЬЕФА И ЭКСПОЗИЦИИ СКЛОНА

Г.Т. Джалилова Национальный Университет Узбекистана, к.б.н., доцент

Аннотация: Ушбу мақолада тоғ тупроқларининг қиялик экспозицияси ва худуд рельефига боғлиқ ҳолда механик хоссаларини ўзгариши бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: тупроқ, фракция, эрозия, рельеф, экспозиция, қумоқ, физик лой

Аннотация: В статье предоставлен материал о механическом составе горных почв в зависимости от экспозиции склона и рельефа региона.

Ключевые слова: почва, фракция, эрозия, рельеф, экспозиция, суглинок, физическая глина

Abstract: The article provides material on the mechanical composition of mountain soils, depending on the exposure of the slope and the relief of the region.

Key words: soil, fraction, erosion, relief, exposition, loam, physical clay.

Свойства почвы и характер почвообразования в значительной степени зависят от механического состава почвы и материнской породы. Под механическим составом почвы подразумевается содержание и соотношение в ней частиц различного размера. Для определения механического состава пользуются методами разделения частиц на фракции просеиванием почвы через сита и отмучиванием тонких частиц в воде [1].

Механический состав почвы, как известно, является важной характеристикой, необходимой для определения производственной ценности почвы, ее плодородия, способов обработки и т.д. От механического состава зависят почти все физические и физико-механические свойства почвы. Изменение механического состава почв при эродированности во многом определяется степенью однородности механического состава по глубине профиля.




Рис. 1. Механический состав тёмных сероземов (несмытая, смытая и намытая почва)




Рис. 2. Механический состав горно-коричневых карбонатных почв (несмытая, смытая и намытая почва)




Рис. 3. Механический состав горно-коричневых типичных почв (несмытая, смытая и намытая почва)




Рис. 4. Механический состав горно-коричневых выщелоченных почв (несмытая, смытая и намытая почва)

Механический состав почв, в зависимости от рельефа, экспозиций склона, степени смытости почв разнообразна. В.Р.Вильямс [2], А.Н.Розанов [5] указывали в своих трудах, что плодородие почвы тесно связано с содержанием в ней глинистых частиц. К такому же мнению пришла Л.А.Гафурова [3], её исследования показывают, что в тёмных сероземах большие запасы гумуса -60-70% общего содержания, в почве сосредоточены в илистой и мелко пылеватых фракциях.

Механический состав тёмных сероземов отражает особенности материнской породы – лёссов, которым свойственна пылеватость. Результаты исследования показали, что механический состав темных сероземов, сформировавшихся на различных частях склона, количественно неодинаков, зависит от механического состава почвообразующей породы и степени смытости почв. На относительно ровных участках почвы не подвержены ливневой эрозии, так как на этих участках смывающая сила воды незначительная. Тёмные сероземы по механическому составу считаются тяжелыми суглинками, и содержат в себе высокое количество крупнопылеватой фракции, как видно из данных, в почвах, размещенных на южных склонах, число крупнопылеватой фракции варьируется в

пределах 35,2-43,2% в почвах, распространенных на северных склонах - 35,4-42,9%, в водораздельной части территории, а также на шлейфах количество их составляет 33,2-41,6%. Также надо заметить, что в темных сероземах содержание среднего песка незначительно 0,3-1,7%, мелкого песка 7-11 %, а количество крупного песка в этих почвах намного меньше - 0,3-0,9%. Значения фракции ила в этих почвах доходит до 11-18%, и к низу, в зависимости от смывости, она меняется. Количество физической глины на водораздельной части, а также на шлейфах составляет 46,4 - 54,9 %, на склонах разной экспозиции варьирует в пределах 44,2-52,9%. Как видно из данных, в смывых почвах, расположенных на склонах, наблюдается заметное уменьшение количества физической глины, это, в основном за счет изменения количества ила и мелкой пыли. Распределение по профилю илистой фракции ($<0,001$) и физической глины ($<0,01$) объясняет происходящее в процессе образования темных сероземов утяжеление механического состава, приуроченное, главным образом, к средней части профиля, причем это утяжеление проявляется несколько более отчетливо, чем в других типах горных почв (рис.1).

По механическому составу горно-коричневые карбонатные почвы характеризуются тоже как тяжелосуглинистые, где физическая глина на северных склонах составляет до 42-49%, на южных склонах 40-44%, в водораздельных частях территории, а также на шлейфах склонов она доходит до 53%. Содержание крупнопылеватых фракций (0,05-0,01мм) на северных склонах варьируется в пределах 36-38%, на южных склонах значительно меньше и составляет 31-35%. Количество мелкопесчанной фракции на северном склоне составляет 15%, на южном склоне 16% (рис.2). А.Н.Розанов пишет [5], что в темно серых кустарниковых сухостепных (коричневые карбонатные) почвах «оглинение, так же, как и в сероземах, несомненно, является результатом элювиального процесса, и не иллювия, поскольку темно серые кустарниково – сухостепные (коричневые карбонатные) почвы еще не освободились полностью от карбонатов и имеют устойчивую слабывщелоченную реакцию почвенного раствора. Но по формам, в которых оно проявляется, его нельзя считать морфологически скрытым, как в сероземах, так как оглинение отчетливо распространяется на весь почвенный профиль без особо заметного выделения в этом отношении какой-либо его части. Такую форму проявления элювиального оглинения А.Н.Розанов называл слабоскрытой [5].

Горно-коричневые типичные почвы, размещенные на северных склонах, содержат в себе физической глины ($<0,01$ мм) до 53,6%, а на южном склоне до 50,6-%, а водораздельных частях территории, а также на шлейфах склонов, количество физической глины доходит до 55,4%. Содержание крупно пылеватых фракций (0,05-0,01 мм) на северном склоне составляло 44,8%, а на южном склоне 45,0%, а в ровных частях территории количество крупно пылеватых фракций доходит до 44%.

По механическому составу горно-коричневые выщелоченные почвы, относятся к тяжелосуглинистым почвам, где количество физической глины ($<0,001$ мм) в почвах, расположенных на северных склонах, составляет 54,8%, на почвах, размещенных на южном склоне количество их - 53,6%. Содержание крупно пылеватых фракций (0,05-0,01 мм) на почвах северного склона варьируется в пределах 40-43 %, а на южном склоне 40- 42%. Количество мелкопесчанной фракции (0,1-0,5 мм) на почвах варьируется в пределах 4-6 %, а средне и крупнопесчанной фракции (1,0-0,1 мм) до 2-7 %.

Исходя из вышесказанного, можно сделать вывод, что для почв, распространенных в горных территориях характерно повышенное значение илистых и пылеватых фракций, а также незначительные фракции песка. Характерно утяжеление механического состава почв, но за счет эрозионных процессов исследованные почвы во время смыва наблюдается облегчение верхней части профиля, но, в целом, эти почвы в результате утяжеляются. Исследуемые почвы, а точнее, темные сероземы на лессах к горно-коричневым карбонатным, типичным и выщелоченным утяжеляются по механическому составу, а также содержание фракций ила увеличивается по мере увеличения абсолютных отметок [4], этим также почвы северных экспозиций, по сравнению с почвами южной экспозиции, характеризуются утяжелением механического состава.

Список использованная литература:

1. Апарин Б.Ф. Почвоведение. М.: Издательский центр «Академия», 2012. - 256 с.
2. Вильямс В.Р. Почвоведение. - М., 1947
3. Гафурова Л.А., Джалилова Г.Т. Современный подход в изучение эрозионных процессов бассейна Сукоксай // Ташкент, Изд-во «Фан ва технологиялар», 2017. -158 с.
4. Джалилова Г.Т., Забиров Ф.М., Ананова К.К. Почвенно-геоботаническое обследование горных территорий для разработки эффективных приемов борьбы с эрозией почв // Multidisciplinary scientific edition, International academy journal Web of Scholar 8 (№17, November), Warsaw, Poland, 2017. - p. 11 -14
5. Розанов А.Н. Сероземы Средней Азии. - Москва, Изд. АН СССР, 1951

УДК 635.1/8

XORAZM VILOYATINING TUPROQ IQLIM SHAROITINING QOVUN HOSILDORLIGIGA VA SIFATIGA TA'SIRI

A.Raximov, Urganch Davlat universiteti dotsenti, q.x.f.n.

G'.Q.Yoqubov, Urganch Davlat universiteti dotsent, q.x.f.n

Z.R.Tajiev, Urganch Davlat universiteti dotsenti, q.x.f.n

M.SH.Nurullaeva, akademik liseyi biologiya fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Maqolada Xorazm viloyati tuproq-iqlim sharoitida qovunning yuqori hosilini olish va uning shirinligini oshirishning agrotexnologik tadbirlari hamda qovun o'stirish uchun maqbul tuproq sharoiti bo'lgan xududlar maydonlarini to'g'ri belgilash tadbirlari ilmiy jihatdan asoslanib yozilgan.

Kalit so'zlar: qovun, agrotexnika, hosildorlik, sifat, iqlim sharoitlari

Аннотация: В статье с научной точки зрения обоснованы методы подбора посевных площадей, агротехнологические мероприятия для получения высоких урожаев дыни и для обеспечения его сладости.

Ключевые слова: дыня, агротехника, урожайность, качество, климатические условия.

Abstract: The article scientifically substantiates the methods of selection of acreage areas, agrotechnological measures for obtaining high melon crops and for ensuring its sweetness.

Key words: melon, agro-technology, productivity, quality, climatic conditions

Dunyodagi eng xushbo'y ta'mli va sershiral qovun navlarining vatani Xorazm diyoridir. Bu yuksak bahoning sirini professor Ya.G'ulomov quyidagicha izohlaydi: «Xiva qovunlarining bu qadar shirin bo'lishi asrlar davomida mavj urib oqqan voha qon tomiri - sehrgar Amudaryo suvi va sahovatli Xorazm tuprog'ining kimyoviy tuzilishi bilan bog'liqdir». Unumdor qumloq va qayir tuproqlar, havo yaxshi almashib turadigan tepaliklar yoki tekis yerlar qovun o'stirish uchun qulay hisoblanadi. Fosforli o'g'itlar solinib xaydalgan bedapoyalarga qovun ekilganida mo'l hosil olinadi. Almashlab ekishda qovun bedadan bo'shagan dalalarga fosforli o'g'itlar solinib ekilganda juda yaxshi o'sib mo'l hosil beradi. Qovun o'stirish uchun faqatgina bedapoyalardan bo'shagan yerlar yaxshi yerlar bo'libgina qolmay, balki yangi o'zlashtirilgan hamda eskidan haydalib kelinayotgan yerlar ham birmuncha yaxshidir. Bunday yerlarga ekishdan oldin organik hamda mineral o'g'itlar solinib o'simlik yaxshi parvarish qilinganida mo'l hosil olinadi.

Qovun bir yerga surunkasiga 2 yildan ko'p ekilmasligi lozim, aks holda hosildorlik juda pasayib ketadi, ekin fuzarioz (so'lish) kasalligiga chalinadi.

Demak qovun ekiladigan maydonlarni to'g'ri tanlash bunda asosan tuproq sharoitlari-sizot suvlari sathining mavsumiy dinamikasi, tuproq mexanik tarkibi, mineralizatsiyasi, oziq moddalari, singdirish kompleksidagi har xil elementlar ionlari va boshqa hususiyatlarini hisobga olish zarur. Xorazm qovunchiligida sizot suvlari yuza joylashgan (0,5-1,5 m) qayir tuproqlarda qadimdan qovun sug'orilmay o'stirilgan.

Xorazm viloyati hududida bunday qayir-allyuvial yerlar Amudaryoning chap qirg'og'ida tor lenta shaklida sharqiy chegara qismidan tortib to g'arbiy chegara qismigacha joylashgan va o'rtacha 7-8 ming gektarni egallaydi. Bu qayir – allyuvial tuproqlar har xil kenglikda – Gurlan tumanida bir necha 100 metrlargacha bo'lsa Honqa tumani shimolida 8-10 kilometrgacha etadi. Ulardan tashqari pastliklarda qoldiq sizot suvlar yuza joylashgan yerlarda ham qovun o'stirish mumkin. Bu mintaqaning asosiy maydoni tekislik va dehqonchilik qilish uchun qulay yerlardir. Faqat Urganch, Yangibozor va Gurlan tumanlarining shimoliy qismlarida daryo bo'ylarida kichik-kichik to'qayzorlar uchraydi.

Hududning o'simlik dunyosi asosan qamish (*Erianthus ravenae*), har joy - har joyda Tuyatikan (*Aligi pseudoalshagi*) dan iborat bo'lib, daraxtlari Jiyda, Terak va To'rang'ilardir. Tuproq qatlami qumloq va qumoq tarkibli Amudaryo oqimi qirg'oq yotqiziqlaridan iborat. Qayir tuproqlar genezisida asosan Kremnezyom minerallari bo'lib yengil mexanik tarkibli qumloqlardan iborat.

Tuproq singdirish kompleksida asosan kalsiy, magniy ionlari bo'lib 0-50 sm qatlamda Ca 4,50 – 4,75 mg/ ekvivalent, ya'ni barcha singdirilgan asoslarning 70-75 foyizini, Mg esa nisbatan kam 1,50 – 1,80 mg, 21-27 foyizini tashkil etadi

Qayir allyuvial tuproqlari joylashgan bu mintaqada sizot suvlari sathi yuza joylashgan bo'lib o'rtacha 0,9-1,3 m ni tashkil qiladi. Uning mavsumiy yoki yillik dinamikasi shu chegarada bo'lib, daryo suvining oqim miqdoriga qattiq bog'lik bo'ladi. Ya'ni sizot suvlari sathi keskin o'zgarmaydi va doim harakatda bo'ladi. Shuning uchun ham sizot suvlari mineralizatsiyasi yuqori bo'lmaydi. Natijada tuproq qatlamlarida namlik doimiy saqlanib turadi va tuproq ortiqcha sho'rланmaydi. Bu o'z navbatida ekinning maqbul o'sib-rivojlanishini ta'minlaydi. Bunday sharoitda qovun o'stirilganda butun o'suv davrida sug'orilmaydi va ekin

tuproqdagi tabiiy nam bilan ta'minlanadi. Bu usulda qovun o'stirib yuqori va shirin qovun hosili etishtirish amaliy tajribalari Xorazmning eski dehqon qovunchilari tomonidan isbotlanib kelingan.

Viloyatning janubiy qismida Davdon-Daryoliq o'zanlaridagi yotqiziqlardan hosil bo'lgan allyuvial – cho'l tuproqlari mavjud bo'lib, ular asosan zax qochirish tarmog'i (kollektori)ning qirg'oqlarida sharqda Pitnak oazisidan boshlanib Bog'ot, Yangiariq, Xiva va Qo'shko'pir tumanlarining janubiy chegaralari – Qoraqum yon bag'irlarida lenta shaklida 5-10 km kenglikda tarqalgan. Bu mintaqadagi tuproqlar ham qayir tuproqlari sharoitlariga o'xshaydi va sizot suvlari sathi dinamikasi, tuproq singdirish kompleksidagi elementlar turlari va miqdori hamda mexanik tarkiblari jihatidan keskin farq qilmaydi. Demak, viloyatning janubiy qismidagi bu xududlarda ham qovun etishtirish uchun maqbul tuproq sharoitlari mavjud.

Qovundan yuqori hosil yetishtirish bilan bir qatorda uni iste'mol qilish va chet ellarga eksport qilishda uning asosiy sifat belgilari– xushta'mligi, tarkibida qand moddasining ko'pligi, tashqi ko'rinishi, tarkibining ekologik tozaligi (pestitsidlar va nitrat moddalarining meyordan ortiq bo'lmasligi) va boshqa bir qator hususiyatlariga e'tibor qilinadi.

Qovun mag'zining asosiy qismi qand moddasidan iborat bo'lib, u eng yaxshi navlarida 13%-18 % gacha boradi. Ertapishar navlardagi qand miqdori 5-8% bo'ladi. Pishib yetilgan qovun mag'zida saxaroza ko'p bo'ladi, u qovun tarkibidagi umumiy qand moddasining 60-75 %ini tashkil etadi. Shunday qilib, qovunning shirinligi undagi saxaroza miqdoriga qarab aniqlanadi. Qovundagi qand moddasining miqdori bir navning o'zida ham tuproq-iqlim sharoiti, agrotexnologik tadbirlar, berilgan mahalliy va mineril o'g'itlar turlari hamda miqdoriga qarab o'zgarib turadi.

Mahalliy sharoitda ajoyib xususiyatlarga ega bo'lgan ko'pgina navlar respublikamizning boshqa viloyatlarida ekilganda ana shu xususiyatlarini ancha yo'qotadi. Jumladan mahalliy "Qarrikiz" navi tarkibida o'rtacha 8,8 % qand bo'lsa, shu nav Toshkent viloyatining o'tloq tuproqlarida ekilganda atigi 5,4% bo'lgan.

Agrotexnologik tadbirlar qovun tarkibidagi qandning ko'p bo'lishida muhim omil hisoblanadi. Qovun tuproqdan oziqlanish sharoitiga juda talabchan. Shuning uchun o'g'itlardan to'g'ri foydalanish faqat hosilning oshishiga emas, balki qovun sifatining yaxshilanishiga ham imkon beradi. Azotli va fosforli mineral o'g'itlar organik o'g'itlar bilan aralastirilib solinganda juda yaxshi natija beradi. Bunda qovun tarkibidagi qand moddasi o'g'it solinmagan yerdagiga nisbatan 1,2- 1,5%, faqat azotli o'g'it berilgan paykaldagiga qaraganda esa 2 % oshadi. Faqat azotli o'g'it solinganda u hosilni oshiradi, lekin qovun sifatiga salbiy ta'sir qilib undagi nitratlar miqdorini oshirib yuboradi. Qovun tuproqdan oziqlanish sharoitiga juda talabchan. Tuproq tarkibidagi oziq elementlar, jumladan fosfor juda kam bo'lgan tuproqlarda esa qovun tarkibidagi qand ancha kamayadi. Azotli va fosforli o'g'itlar birga solinganda qovun tarkibidagi qandning umumiy miqdori va saxaroza oshadi.

Azotli o'g'itlarni solish muddati ham katta ahamiyatga ega. Azotli o'g'itlar ekish oldidan, haydashda yillik azot miqdorining yarmini ekishgacha, ikkinchi yarim o'suv davrida (omnaviy gullashda) berilsa, qovun tarkibida qand moddasi juda ko'p to'planadi.

Shunday qilib, tegishli tuproq iqlim sharoiti uchun navlarni to'g'ri tanlash, qo'llaniladigan mineral o'g'itlarni to'g'ri berish mo'l hosil olishga va mahsulot sifatini yaxshilashga imkon beradi

Qovun hosilining mo'l va sifatli bo'lishiga ta'sir qiluvchi asosiy sharoitlardan yana biri sizot suvlari sathi hisoblanadi.

Yuqorida ta'kidlanganimizdek sizot suvlari sathi er yuziga yaqin joylashgan bo'lsa tuproq qatlamlari butun o'suv davrida tabiiy nam bilan ta'minlanadi va ekinni sug'orishga zarurat bo'lmaydi. Bunday sharoit viloyatning shimoliy, Amudaryo bo'ylaridagi qayir tuproqlar va janubiy chegaralaridagi allyuvial tuproq tarqalgan xududlarida mavjud.

Hosilning mo'l va sifatli bo'lishi shuningdek tuproq mexanik tarkibiga ko'p jihatdan bog'liq. Ilmiy manbalarda qovun engil-qumoq va qumloq tuproqlarda yuqori hosil berishi to'g'risida ko'plab ma'lumotlar mavjud. Demak viloyatda bunday tuproqlar yuqorida ta'kidlangan xududlarda tarqalgan.

Bu xududlarda qadimgi ko'l o'rinlarida hosil bo'lgan og'ir qumoq tuproqli xududlar ham uchraydi. Bunday tuproqlarda ham nam bilan ta'minlanganlik yaxshi bo'lganligi uchun qovun hosili yuqori bo'ladi. Ma'lumki, sizot suvlari yer yuzasiga yaqin joylashgan sharoitlarda yuqori minerallashtirilgan bu suvlar intensiv bug'lanishi oqibatida tuprov qatlamlarini sho'rlantiradi. Amudaryo qirg'og'idagi xududlarda sizot suvlari daryo oqimiga bog'liq holda doimo harakatda bo'ladi va tuproqni kuchli sho'rlantirmaydi. Bundan tashqari, tuproq zarralariga singdirilgan asoslar qovunning xushta'm va shirin bo'lishiga sababchi bo'ladi. Jumladan tuproqqa singdirilgan kaltsiy gidrokarbonat - $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ tuzlari qovun hosilida shakarning sintezlanish jarayonida faol qatnashadi. Xuddi shu tarkibdagi tuzlar yuqorida ta'kidlangan xududlarda ko'p uchraydi.

Demak, yuqoridagi izohlangan ma'lumotlardan hulosa qilib, viloyatda qovun o'stirish uchun maqbul tuproq xududlarini to'g'ri tanlash, qovun etishtirish agrotexnologiyasini sifatli bajarish, mahalliy navlarni tiklash va ko'paytirish maqsadida uning urug'chiligini talab darajasida tashkil qilish, aholini esa bu tadbirlar bilan to'liq tanishtirish Xorazm qovuni dovrug'ini tiklashga imkon yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Фелициант И.Н. “Почвы Узбекистана” III- том, Ташкент 1967 г.
2. Б.О.Обдолниёзов, С.Гулимов. “Хоразм қовунлари” Урганч 2008 й.
3. А.Рахимов ва бошқалар “Хоразм вилоятининг тупроқ-иклим шароитида қовун етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологиялари” Фермерлар учун илмий-амалий қўлланма. Урганч 2016 й.

УДК 579.22:633.11

**ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КУЗГИ БУҒДОЙ АЛМАШЛАБ ЭКИШДА ТУПРОҚНИНГ
КАТАЛАЗА ФЕРМЕНТИ ФАОЛЛИГИ**

Х.Салаватова, А.Таджиев, Урганч давлат университети

Аннотация. *Полиз экинлари ва кузги буғдой алмашлаб экишда тупроқдаги микроорганизмларнинг нафас олиш жараёни фаоллашади ва каталаза ферментининг тупроқдаги водород пероксидини парчалаши тезлашади.*

Калим сўзлар. *Каталаза ферменти, полиз экинлари, кузги буғдой, микроорганизмлар, тупроқ, водород пероксид.*

Аннотация. *В севообороте бахчевых культур и озимой пшеницы активизируется интенсивность дыхания микроорганизмов, а также разложение перекиси водорода в почве с участием фермента каталазы.*

Ключевые слова. *Каталаза, фермент, бахчевые культуры, озимая пшеница, микроорганизмы, почва, перекись водорода.*

Annotation. *In a crop rotation melon growing cultures and winter wheat intensity breath of microorganisms and also decomposition of peroxide of hydrogen in soil with enzyme participation katalaza becomes more active.*


Key words. *Katalaza, enzymes, melon growing, winter wheat, microorganisms, soil, peroxide of hydrogen.*

Кириш. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва тупроқнинг унумдорлигини оширишда алмашлаб экишнинг ўрни ва тупроқга берилаётган минерал ҳамда органик ўғитларнинг аҳамияти чексиз. Тупроқдаги мавжуд барча минерал ва органик моддалар микроорганизмлар воситасида парчалангани ва бунинг натижасида микроорганизмлар ҳаёт фаолияти ёрдамида ҳамда ўзаро кимёвий реакциялар воситасида ажралиб чиқаётган водород пероксидини каталаза ферменти парчалайди. Тупроқда ва микроорганизмлар танасида водород пероксидининг тўпланиб қолиши зарарли ҳисобланади ва уни фермент ёрдамида парчалаш муҳим аҳамият касб этади. Бактериал инокулянтларнинг самарали таъсир этишини ошириш учун, юқори популяцияга эга бўлган бактерияларни танлаб олиш ва ўсимликнинг ризосферасига киритиш лозим. Илдиз тизимининг илдиз ажратмаларини кўп миқдорда ишлаб чиқиши ризосферанинг озикага бўлган талабини оширади, ундаги микроорганизмлар миқдорининг кўпайишига ва каталаза ферменти фаолашишига олиб келади [1]. Фосфор тупроқда асосан икки хил турда; органик (ўлган ҳайвонларнинг суяклари ва чириган ўсимликларнинг шунингдек, тупроқдаги микробларнинг ҳосил қилган маҳсулотлари таркибида) ва минерал моддаларнинг таркибида бўлади. Тупроқнинг тарқалиши ва фосфор элементи билан таъминланишига қараб органик фосфор тупроқдаги умумий фосфорнинг 25-85% ташкил этади. Минерал фосфор бирикмалари эса Са, Mg, Al, Fe каби элементлар билан бирикиб, минерал фосфатлар ҳолида учрайди ва тупроқнинг ҳар-хил минераллари таркибига киради [2]. Шу билан бирга, тупроқдаги фосфорнинг кўп қисми ўсимликлар учун ўзлаштирилмайдиган, сувда эримайдиган фосфорит ва апатитлар ҳолида, минерал ва органик ўғитлар таркибида учрайди. Тупроқдаги фосфорнинг ўзлаштирилиши ва парчаланишида микроорганизмлар жуда катта аҳамият касб этади ва улар бу жараённинг ферментлар ёрдамидаги фаол иштирокчиси ҳисобланади [3, 4]. Тупроқдаги органик моддалар таркибига кирувчи фосфор элементи ҳам ўсимликлар учун ўзлаштирилмайдиган ҳисобланади ва ўсимликлар фақат фитин моддасини аста-секинлик билан ўзлаштиради. Органик моддалар таркибидаги фосфорни ўсимликлар фақат микроорганизмлар воситасида мобилизацияга учраганидан сўнг ўзлаштириш хусусиятига эга, тупроқ ферментлари эса ўзидан кислота ажратиб чиқариб моддаларнинг парчаланиш жараёнини тезлаштиради [5, 6]. Кенг экологик тадқиқотлар олиб борилиши натижасида, тупроқдаги микроорганизмларнинг ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган, қийин парчаланувчи органик ва минерал фосфорнинг бирикмаларини парчалаб ўзлаштириш хусусиятига эга микроорганизмлар борлиги намоён бўлди. Кўпчилик микроорганизмлар фосфорнинг минерал бирикмаларини парчалаб, ўсимликлар учун осон ўзлаштириладиган ҳолга ферментлар ёрдамида олиб

ўтади ва бу жараёнда тупроқдаги бактериялар, актиномицетлар, замбуруғлар ва бошқа гуруҳ микроорганизмлари иштирок этади [7]. Микрообларнинг оксигенига фосфорнинг бирикиши тупроқдаги углерод ва фосфорнинг нисбатларига қараб белгиланади. Агар С ва Р нисбатлари 100 га тенг бўлса, фосфор элементи тупроқдан микроорганизмлар воситасида ўзлаштирилади, нисбатлар кўрсаткичи 100 дан кам бўлса тупроқдаги органик моддалар таркибидан фосфор минерализацияга учрайди [8, 9]. Аниқланишича, тупроқда намликнинг етишмаслиги оқибати ўсимликлар озика элементларни кам ўзлаштиришига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, ўсимликларнинг бу элементга бўлган эҳтиёжи ортади ва озикланиш нисбати бузилади, фосфорли ўғитларни ўзлаштира бошлайди [9].

Тадқиқот усуллари ва услублари. Тупроқ ферментлари фаоллигини аниқлаш ишлари куруқ тупроқда олиб борилиб, назорат сифатида 180⁰С ҳароратда 3 соат мобайнида қуритилган тупроқдан шунингдек, тупроқсиз субстратдан фойдаланилди ва наъмунадаги ўсимлик колдиқлари ҳамда ҳар-хил қўшилмаларни ажратиб олгандан сўнг 1мм элакдан тупроқ намунаси ўтказилди. КаталАЗа ферментининг фаоллиги газометрик усулда аниқланиб, унда водород пероксидининг 3 минут давомида тупроқ намунаси билан реакцияга киришиб, парчаланишидан ҳосил бўлган O₂ миқдори билан аниқланди [10].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. КаталАЗа – тупроқдаги тирик организмларнинг нафас олиши ва унда кечадиган турли хил биокимёвий реакциялар натижасидаги органик моддаларнинг оксидланишидан ҳосил бўладиган, тупроқдаги организмлар учун ниҳоятда заҳарли бўлган водород пероксид (H₂O₂) ни молекуляр кислород ва икки молекула сувга парчаланишини тезлаштирувчи фермент ҳисобланади. Кузги буғдой экилмасдан олдин олинган дала тупроғи таҳлилларида дастлабки тупроқдан 1,6 см³/г O₂ ажралиб чиққани намоён бўлди. Агрономик тадбирларга амал қилган ҳолда, экиш олдида тупроққа фосфорли ва калийли ўғитларнинг 70 ёки 100 % қисмини, азотли ўғитнинг эса 30 % қисмини бериш лозим ва шу тадбирга риоя этиб, бу ўғитларнинг 100 % қисми ва мочевиначининг 30 %, яъни 54 кг/га меъёрдагиси [CO(NH₂)₂- 46% NH₂, оддий суперфосфат 12-15% P₂O₅ ва KCl- 52% K₂O] тупроққа солинди.



1-расм. Тупроқдаги каталаза ферментининг ўзгариш динамикаси

N₁₈₀P₉₀K₆₀ 100% фонида тупроқнинг каталаза фаоллиги кузги буғдойнинг бутун ривожланиш давларида 2,2-3,9 см³/г атрофида ўзгариб туриши кузатилади ва энг юқори каталаза фаоллиги кузги буғдойнинг майсалаш даврига тўғри келди ва у 3,9 см³/г O₂ ташкил этди. Шу фондаги ривожланишнинг тупланиш ва найчалаш давларида нисбатан майсалаш даврида каталаза фаоллиги бир оз юқорилиги қайд этилди. Бунга асосий сабаб эса, майсалаш даврида илдизнинг атрофида фаол микроорганизмларнинг кўп тупланиши натижасида ва тупроқда кечадиган моддалар алмашинувининг фаоллашиши бўлса, тупланиш даври эса куз фаслининг совуқ ойларида тўғри келиши натижасида моддалар алмашинувининг сустлашиш ва найчалаш даври эса эрта баҳорда тупроқдаги микроорганизмларнинг фаоллашган давларининг бошланиши билан бевосита боғлиқ жараён дейиш мумкин (1-расм).

Кузги буғдой ривожланиш даврининг N₉₀P₄₅K₃₀ 50%+ФПБ фонидаги тупроқнинг каталаза фаоллиги 2,6-5,3 см³/г O₂ ташкил этди. Бу фонда, энг юқори каталаза фаоллиги тупланиш даврида кузатилади ва у бир грамм тупроқда 5,3 см³ O₂ ташкил этди. Ривожланишнинг бошқа давларида ҳам, тупроқдаги каталаза фаоллиги олдинги N₁₈₀P₉₀K₆₀ 100% фонига нисбатан устунлиги аниқланди, бу эса

тупроққа минерал ўғитнинг 50% ишлатилиб унга қўшимча равишда уруғларни фосфорпарчаловчи фаол бактерияларнинг штамлари асосида ташкил этилган инокулянтнинг самарали таъсиридир. Бундан шундай хулоса чиқариш лозимки, минерал ўғитларнинг қўлланилиши тупроқнинг зичлашишига, агробиокимёвий моддалар алмашинувининг пасайишига олиб келар экан. ФПБ+БУ фонига экилган кузги бугдойнинг бутун вегетация даврида тупроқнинг каталаза фаоллиги бир грамм тупроқда 3,3-6,0 см³ ташкил этганлиги таҳлиллар асосида аниқланди ва барча даврларда олдинги фонларга нисбатан каталаза фаоллигининг устунлиги қайд этилди. Энг юқори каталаза фаоллиги тупланиш даврида кузатилди ва у 6,0 см³ О₂ ташкил этди. Барча фонларда кузги бугдой ривожланишининг пишиш даврига келганда тупроқнинг каталаза фаоллиги пасайиши кузатилди ва буни моддалар алмашинувининг камайиши натижасида юзага келган вазият сифатида қараш лозим.

Хулоса. Алмашлаб экиш тизимида қишлоқ хўжалиги экинларига берилаётган минерал, органик ва микроэлементли ўғитларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши натижасида ўзаро кимёвий реакциялар содир бўлади. Тупроқнинг микробиологик фаоллиги ва каталаза ферменти эса тупроқда тупланиб қолаётган зарарли водород пероксидни юқори даражада парчалошга қаратилгандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Klopffer J.W., Lifshitz R., Zublotowich R.M. Free-living bacterial inocula for enhancing crop productivity // Trends in Biotechnology.-Germany, 1997.-№7. P.39-44.
2. Середина Н.А., Халиулин К.З., Тропников В.К. Сезонная и многолетняя динамика фосфора в черноземе выщелоченном под влиянием доз и способов внесения удобрений // Агрохимия.- Москва, 1988.- №5.С.5-11.
3. Касицкий Ю.И., Игнатов В.Г., Хлыстовский А.Д. Последствие фосфора минеральных удобрений и эффективность прямого действия пониженных доз фосфора на дерново-подзолистой, тяжелосуглинистой почве // Агрохимия.-Москва, 1998.-№9.С. 71-74.
4. Кефели В.И., Сидоренко О.Д. Физиология растений с основами микробиологии.-М: Агропромиздат,1991.-336 с.
5. Макаров М.И., Малышева Т.И., Недбаев Н.П. Фосфор органических соединений в гранулометрических фракциях некоторых типов почв // Агрохимия.- Москва, 1999.-№7.С.24-32.
6. Демин В.А., Мусса Ауду. Влияние длительного применения разных систем удобрения в севообороте на содержание общего, органического и минерального фосфора в дерново-подзолистой среднесуглинистой почве // Агрохимия.- Москва, 2001. №11. С. 5-9.
7. Туев Н.А. Экологические проблемы интенсивного земледелия // Вестник с/х науки.-Минск, 1988. №6. С. 91.
8. Христенко А.А. Проблема изучения фосфатного состояния почв//Агрохимия.-Минск, 2001.№6.-С.89-95.
9. Никитишен В.И., Личко В.И., Орехова Е.В. Эффективность последействия фосфорного удобрения в зависимости от остаточного количество фосфатов в почве и обеспеченности растений азотом и влагой//Агрохимия. - Минск, 2001.-№11.С.34-42.
10. Штатнова В.Ф. Методика определения продуцирования углекислого газа из почвы // Ж. Почвоведение.-Москва, 1961.- №9. С.110-111.

УДК 579.12:633.11

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УРЕАЗА ФЕРМЕНТИНИНГ АХАМИЯТИ

А.Таджиев, Х.Салаватова, Урганч давлат университети

Аннотация: *Полиз экинлари ва кузги бугдой алмашлаб экиш тупроқдаги органик моддаларнинг парчаланиши ҳамда микробиологик жараёнларнинг фаоллашишига, тупроқдаги уреаз ферменти ортишига олиб келади.*

Калим сўзлар: *Уреаз ферменти, органик моддалар, микроорганизмлар, тупроқ, полиз экинлари, кузги бугдой.*

Аннотация. *В севообороте бахчевых культур и озимой пшеницы активизируется процесс разложение органических веществ и микробиологических процессов, а также увеличение фермента уреазы почв.*

Ключевые слова. *Фермент уреазы, органические вещества, микроорганизмы, почва, бахчевые культуры, озимая пшеница.*

Annotation. *In a crop rotation melon cultures and a winter wheat process decomposition of organic substances and microbiological processes, and also enzyme increase ureaza soils becomes more active.*

Key words. *Enzyme ureaza, organic substances, microorganisms, soil, melon cultures, a winter wheat.*

Қириш. Тупроқдаги органик моддаларнинг парчаланиш жараёнида микроорганизмлар ва қишлоқ хўжалиги экинларига берилаётган минерал, органик ва микроэлементли ўғитларнинг ахамияти

нихоятда катта. Тупроқдаги бу моддаларнинг парчаланишида уреaza ферменти катта ўрин тутиб бунинг таъсири натижасида органик моддалар янада осонроқ ўзлаштириладиган бирикмаларгача парчаланadi. Микроорганизмлар томонидан фосфорнинг мобилизацияга учраши ҳар-хил механизмларнинг қўлланилишига боғлиқ. Масалан, *Bacillus* оиласига мансуб бактериялар муҳитга турли метаболитларни ажратиши $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ парчаланишига олиб келган. *Azotobacter* оиласи вакиллари эса, $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ парчалаш жараёни тўқима гликокаликсининг Са бирикмаси билан ўзаро алоқасига боғлиқ. Муаллифнинг маълум қилишича, *Penicillium* ва *Aspergillus* оиласи вакиллари энг фаол кислота ҳосил қилувчи микроорганизмлардан ҳисобланади. Бу каби замбуруғлар томонидан асосан кўп миқдорда сирка ва оксалат кислоталари ажратилади. Бактерияларнинг ҳар хил тур намоёндалари вакиллари томонидан чумоли, сирка, мой, урон ва сут кислоталар кабиларни ажратиш хусусиятига эга ва тупроқ ферментларининг роли катта [1]. Бактериялар ва замбуруғларнинг моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган моддалари таркибида қанд, кетокислота ва оксикислоталарни бирламчи оксидловчи кислоталар аниқланган. Шу муаллифларнинг фикрича, ҳар-хил органик кислоталар таъсири натижасида $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ нинг парчаланиши асосан иккита омилга: озиқа муҳитнинг рН кўрсаткичи ва органик муҳитнинг комплекс куч ҳосил қилиш хусусиятига боғлиқ деб кўрсатилади. Тупроққа парчаланмаган органик қолдиқларнинг (сомон ва ҳ.к) солиниши натижасида захира фосфор бирикмалар ҳаракатчан ҳолга олиб ўтилади. Айрим олимлар томонидан Ироқ тупроқлари ва ўсимликлар дунёсининг фосфорпарчаловчи бактериялар миқдорига таъсири ўрганилиб, тадқиқот олиб борилган 52 та тупроқдан 47 тасида фосфорпарчаловчи бактериялар аниқланиб, уларнинг миқдори 0,12-2,7 хужайра/г ташкил этган. 45 та тупроқда органик моддалар миқдори 1-2,7 % бўлиб, 1% тупроқ типидида фосфорпарчаловчи бактерияларнинг миқдори 10^5 хужайра/г ташкил этган ҳолос. Фосфорпарчаловчи бактерияларнинг қулай шароитда ривожланиши учун 7,6-8,2 рН муҳити қулай ҳисобланади ва кўп миқдордаги фосфорпарчаловчи бактериялар полиз ва дуккакли экинлар экилган далаларда кузатилган [2]. Фосфорли ўғитлар жадал ва кўп қўлланилган Германия тупроқларида фосфорпарчаловчи микроорганизмларнинг кўп турлари учрайди. Шунинг учун, масалан, фосфор миқдори кам бўлган тупроқларда фосфорпарчаловчи микроорганизмлар миқдор жихатидан кўпчиликни ташкил этади каби адабиётлардаги айрим фикрлар инкор этилади. Унумдор тупроқларнинг фосфорпарчаловчи микроорганизмларга бойлиги каби хусусиятлари уларнинг биологик фаоллигига боғлиқ [3]. Тупроқдаги парчаланмайдиган фосфор бирикмаларини юқори даражада парчалайдиган микроорганизмлар гуруҳини аниқлаш ва тупроқнинг фосфорпарчаловчи микроорганизмларга: бактериялар, актиномицетлар ва замбуруғларга бўлган талабини ўрганиш каби изланишлар олиб борилган [4]. Химояланган тупроқ шароитларида бодринг ўсимлигининг ризосфераси атрофидаги фосфорпарчаловчи микроорганизмлар миқдорининг органик ДНК, РНК, фитин ва ноорганик $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$, AlPO_4 , $\text{Fe}_3(\text{PO}_4)_2$ каби фосфор бирикмаларининг парчаланиши юзасидан изланишлар ўтказилди. Натижада бодринг ризосферасида норизосфера тупроқларга нисбатан кўп миқдорда фосфорпарчаловчи микроорганизмлар аниқланган [5, 6].

Тадқиқот услуби ва услубиёти. Гидролитик гуруҳга мансуб ферментларнинг фаолликларини А.Ш. Галстян услуби бўйича [7], куйидаги субстратларда ўрганилди: Уреaza ферментининг фаоллиги мочевинонинг аммиаккача гидролизланиш жадаллиги 5% мочевина эритмасида фосфат буфери рН 6,7 ёрдамида Несслер реактиви иштирокида аммиакнинг тўпланиш тезлиги аниқланди. Фосфатаза ферментининг фаоллиги эса, кальций глицерофосфатнинг парчаланиб фосфат кислотасини ажратиши билан боғлиқ.

Уреaza ферментларининг фаолликларини аниқлашда, 1 грамм тупроқ намунасини шунга мос келадиган 20 мл субстрат билан (уреaza ферменти учун-мочевинонинг 20% эритмаси, инвертаза ферменти учун эса-сахарозанинг 10% эритмаси) аралаштирилди. Субстратлар рН 5,5 гача буферлаштирилди. Микроорганизмларнинг фаолиятини тўхтатиш учун толуол ишлатилди. Тайёрланган суспензия 24 соат мабойнида, 30°C ҳароратда термостатда инкубацияланди. Инкубация вақти тугагач эса, суспензияга симоб йодид кукунни қўшилди ва филтрдан ўтказилди. Филтратда, ферментлар таъсири остида кечадиган кимёвий реакция натижасида ҳосил бўлаётган маҳсулот аниқланди. Уреaza ферментини аниқлашда ҳосил бўладиган аммиакни тупроқдан 2% КСI эритмаси билан ажратиб олинди ва Несслер реактиви иштирокида фотоэлектроколориметрда аниқланди.

Тадқиқот натижаси ва уларнинг муҳокамаси. Уреaza - тупроқдаги мочевинонинг гидролизланишини тезлаштирувчи фермент ва бу жараённинг охириги маҳсулоти бўлиб, аммиак ва карбонат ангидрид гази ҳисобланади. Типик бўз тупроқларда уреaza ферментининг фаоллигини ўрганиш бўйича олиб борилган изланишлардан маълум бўлишича, бу тупроқлардаги уреaza ферментининг фаоллиги ўзгариб туриши аниқланди. Ҳар хил ўғитлар фонида экилган кузги бўғдойнинг ривожланиш даврлари бўйича ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, экин экилмасдан

олдин дастлабки тупроқдаги уреаз ферментининг фаоллиги 1,1 мг/г N-NH₃ ташкил этди. N₁₈₀P₉₀K₆₀ 100% фонида кузги буғдойнинг бутун ривожланиш даври мобайнида тупроқнинг уреаз фаоллиги 1,37-4,08 мг/г N-NH₃ атрофида ўзгариши кузатилди. Аммо, найчалаш ва гуллаш давридаги уреаз ферментининг фаоллиги 2,87 ва 4,08 мг/г N-NH₃ ташкил этиб, кузги буғдойнинг ривожланиш давридаги энг юқори фаоллигини намоён қилди. Бу даврларда уреаз фаоллигининг юқори бўлишига асосий сабаб эса, айнан шу даврларда кузги буғдой ўсимлиги иккинчи ва учинчи марта мочевина (CO(NH₂)₂ таркибада 46% NO₃) билан озиклантирилади.



1-расм. Тупроқдаги уреаз ферментининг ўзгариш динамикаси

Мочевинанинг парчаланиши эса шу ферментнинг фаоллигига боғлиқдир. Кузги буғдойнинг ўсиш-ривожланиш жараёнидаги тупроқ таркибидаги уреаз фаоллигининг ўзгариш динамикаси 1-расмда қайд этилган. N₉₀P₄₅K₃₀ 50% +ФПБ фонида эса уреаз ферментининг фаоллиги 1,62 ва 2,48 мг/г N-NH₃ оралигида ўзгариб туриши кузатилди ва майсалаш, найчалаш ва гуллаш даврида фермент фаоллигининг юқори бўлиши аниқланди, яъни 2,75; 2,46 ва 2,48 мг/г N-NH₃ натижаларини қайд этганлиги тажриба таҳлилларида маълум бўлди.

Кузги буғдой ривожланишининг майсалаш даврида фермент фаоллигининг юқори бўлишига асосий сабаб қилиб уруғларни экишдан олдин ерга белгиланган умумий меъёрнинг 30 % микдоридаги мочевина (CO(NH₂)₂ таркибада 46% NO₃) билан озиклантирилиши ва уруғларнинг ФПБ инокулянти билан ишлов берилганлигидадир. Агрономик қоидаларга амал қилган ҳолда ўсимликнинг иккинчи ва учинчи марта озиклантирилиши эса найчалаш ва гуллаш даврида олиб борилиб ва шу даврда тупроқдаги уреаз ферменти фаоллиги юқорилиги қайд этилди. ФПБ+БУ фонларида эса уреаз фаоллигининг тупроқдаги умумий ўзгариб туриши 1,1 -2,62 мг/г N-NH₃ бўлиши тажриба таҳлиллари асосида аниқланди. Ривожланишнинг найчалаш даврига келиб тупроқдаги уреаз ферментининг фаоллик жараёни 2,62 мг/г N-NH₃ ташкил этиб, тупроқдаги азотли органик моддаларнинг парчаланишидаги орлик маҳсулот ҳисобланган мочевинанинг парчаланиши ва 2т/га меъёрида берилган биоўғитнинг таркибидаги органик моддаларнинг парчаланиши билан боғлиқ.

Хулоса. Полиэкинлар ва кузги буғдойни алмашлаб экишда тупроқдаги органик моддалар асосан микроорганизмлар воситасида парчаланadi ва бунда микроорганизмлар томонидан ажратиблиб чиқаётган уреаз ферментининг ахамияти катта. Фермент томонидан қишлоқ хўжалиги экинларига берилётган минерал ва органик моддалар таркибидаги мочевина парчаланиб ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган шаклга айланади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги экинларига самарали таъсир этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Richardson A.E. Soil microorganisms and phosphorus availability in soil biota. Management in sustainable farming systems, eds. C.E.Panhhust, B.M.Doube, V.V.S.R. Cupts and P.R.Grass, 1994, p. 50-62. CSIRO Australia, Melbourne.
2. Рой А.А., Бера З.Т., Булавенко Л.В. Мобилизация фосфора из органико- и неорганикофосфатов бактериями рода Bacillus и Azotobacter // Микробиология и биотехнология на рубеже XXI столетия: мат. межд. конф.-Минск, 2000.С.80-81.
3. Yahya A.I., Al-Azawi S.K. Occurrence of phosphate solubilizing bacteria in some iragi soils // Plant and Soil.-Pakistan, 1989.-№117.P.135-141.
4. Forster I., Fvier K. Vorcommen P-mobilizinder microorganismen in boden der DDR und prufung ihrer irstungfanigreit // Tagungsher/ Acad. Landwirtschaftswiss. DDR.1988.№269.teir №1.P.295-299.

5. Bhattacharyya P., Ghosh T. K., Jain R.K // Evaluation of native phosphate solubilizing microorganisms from Vidarbha. Indian Agr.Univ.-India, - №2(22). 1997. P.252-253.
6. Захарова Н.Г., Алимова Ф.К. Фосформобилизующие микроорганизмы прикорневой зоны огурца. Казань ун-ть, Казань. 1990-7 с. Библиогр. ДЕП. в. ВИНТИ № 2793-в 90.
7. Галстян А.Ш. Ферментативная активность почв Армении. - Ереван: Айастан, 1974

УЎТ:634.12.632

ПЕКАН –ИСТИҚБОЛЛИ ЁНҒОҚМЕВАЛИ ЭКИН

А.М. Кўчқоров Термиз давлат университети катта ўқитувчиси, б.ф.н.

Алланазаров О.Я., Термиз давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада pekan ёнгогининг аҳамияти, биоэкологик хусусиятлари ва унинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари батафсил ёритилган. Pekan ёнгогининг дориворлик ва шифобахшилик хусусиятларини ҳисобга олиб уни етиштириши долзарблиги нуқтаи-назаридан илмий асосланган етиштириши агротехнологиясини ишлаб чиқиши бўйича амалий лойиҳа тадқиқотлари ўтказиши режаслаштирилган.

Калит сўзлар: Pekan, ёнгоқмевали экин, истиқболли, тиббиёт, касалликлар, иммун тизими, агротехнология, лойиҳа.

Аннотация: В данной статье подробно отражены значения, биоэкологические особенности и урожайные показатели pekanового ореха. С учётом актуальности лечебных свойств pekanового ореха целесообразно планирование проекта по проведению исследовательских работ с целью разработки научно-обоснованных агротехнологий возделывания.

Ключевые слова: Pekan, орехоплодная культура, перспективный, медицина, болезни, иммунная система, агротехнология, проект.

Abstracts: This article deals with the significance bio-ecological peculiarities and fertility indices of pekan. Taking into account pekan's herbal and medical peculiarities, as it is actual to grow it, holding practical project researches are planned on working out scientifically proved agrarian technologies.

Key words: Pekan, fruiter garden trees, perspective, medicine, diseases, immune of system, agrotechnology, project.

Кириш. Халқимиз хуш кўриб истеъмол қиладиган ёнғоқ мевалилар организмнинг иммун тизимини кучайтириб, қон томир деворларини мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади. Ёнғоқчилик қадимдан бизнинг шароитимизда тараққий этган ва ёнғоқ майдонлари ҳам кейинги пайтларда кўпаймоқда. Ўзбекистонда pekan ёнғоғининг кўпгина нав ва шакллари кенг тарқалган бўлиб, ушбу нав ва шаклларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш асосида истиқболли нав намуналарини танлаш ва улардан энг самаралиларини амалиётга тавсия этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Биолог олимлар ёнғоқ ва бошқа меваларнинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш борасида ўз ичига ҳаммаси бўлиб 819 минг қатнашчини қамраб олиб ўтказилган 29 та илмий иш маълумотларини таҳлил қилдилар.

Олимлар тадқиқот натижаларига асосланиб инсонларга доимий равишда pekan, ўрмон ва грек ёнғоқларини, шунингдек ер ёнғоғни истеъмол қилишни тавсия қилишмоқда. Тавсияга кўра, ҳар кунлик таомга 20 грамм бундай маҳсулотни қўшиб ейиш юрак ишемияси билан касалланиш эҳтимолини 30 фоизга, саратон пайдо бўлишини 15 фоизга ва эрта ўлим ҳолати хавфини 22 фоизга камайтиради экан.

Олимларнинг фикрларига кўра, бундай тавсияга амал қилувчи инсонлар диабет ва респиратор касалликлар билан камроқ оғрийдилар. Pekan ёнғоқлари бириктирувчи тўқима, магний ва политўйинтирилмаган ёғларнинг катта миқдорига эга. Улар юрак-қон томир касалликлари билан оғриш хавфи ва холестерин даражасини камайтиради. Pekan ёнғоғида саратон пайдо бўлишини олдини оловчи антиоксидантлар ҳам бор.

Pekan ёнғоғидан кўз касалликларини даволашда фойдаланилади, уни истеъмол қилиш кўзнинг кўриш қобилиятини оширади, организмда қонни ҳар-хил зарарли моддалардан тозалайди ва касалликларнинг олдини олишда профилактика вазифасини ўтайди.

Мавзунинг долзарблиги. Ёнғоқчилик қадимдан бизнинг шароитимизда тараққий этган ва ёнғоқмевалилар майдонлари ҳам кейинги пайтларда кўпаймоқда. Ўзбекистонда pekan ёнғоғининг кўпгина нав ва шакллари кенг тарқалган бўлиб, ушбу нав ва шаклларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш асосида истиқболли нав намуналарини танлаш ва улардан энг самаралиларини амалиётга тавсия этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунинг учун ушбу мавзу ўта долзарб бўлиб

илмий- амалий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Пекан ёнғоғи дарахтининг бўйи 50 метргача, 40-45 ёшли дарахтнинг шохланиш диаметри 35-40 м гача боради, 300-400 йил яшайди, 300 йилгача мўл ҳосил олиш мумкин.

Тупроқ намлигига талабчан, лекин доимий намликни ёқтирмайди. Иссиққа ва совуққага бардошли, 29-30°C гача совуққа чидайди. Илдиз қисми ер устки қисмига нисбатан узунроқ бўлади.

Уруғидан экилган дарахтларда 7-8-йили генератив органларнинг пайдо бўлиши кузатилади ва шу тариха ҳосилдорлик йил сайин кўпайиб боради.

20-25 йиллик дарахтлар 100 кг гача ва 40-45 йиллик алоҳида экилган дарахтлар 250-270 кг гача ҳосил беради. Пекан мевалари катта-кичиклигига қараб 1 кг да 200-400 донагача мева бўлади. Бир дона меванинг узунлиги 2-4 см, вазни эса 2-4,5 г гачани ташкил этади.

Унинг илдиз қисми яхши ривожлангани учун қурғоқчилик йиллари ҳам дарахтнинг ўсув қисми ва мевалари сувсизликдан азият чекмайди.

Мағзи оқиш, ширин, ёнғоқ вазнининг 45-60% ини ташкил этади. Ёнғоқчасида 70% гача мой ва кўп микдорда оксил ҳамда қанд мавжуд. 100 г мағиз энергетик қиммати 236 килокалория, ёғлар 70-72 г ни, оксиллар 9,2 г ни, углеводлар 12,3 г ни, минерал моддалар 1,6 г ни, витаминлар 3,1 мг ни ташкил этади.

Пекан ёнғоғи грек ёнғоғидан вегетация даврининг узунлиги билан ҳам фарқ қилади. Грек ёнғоғининг вегетация даври 150-160 кунни ташкил этса, пекан ёнғоғининг вегетация даври 190-200 кунни ташкил этади. Ёнғоқ меваларининг пишиб етилиши октябр ойининг 2-декадасига тўғри келади.

Масаланинг мазмуни ва ечими. Маълумки, Республикамининг жанубий Сурхондарё вилоятининг субтропик хусусиятга эга тупроқ-иқлим шароити турли хил мевали экинлар етиштириш учун қулай ва муҳим аҳамиятга молик ҳудуд ҳисобланади.

Вилоятнинг иқлими кескин ўзгарувчан континентал бўлиб, шимолий ҳудуди қуруқ субтропик иқлими билан жанубий ҳудудлардан тубдан фарқ қилади.

Ушбу ҳудуднинг Денов тумани марказида жойлашган Академик Махмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий-тажриба станциясида ёнғоқ мевалилардан пеканнинг 10 га яқин шакллари мавжуд бўлиб, улар устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ва сермахсул янги нав намуналарини танлаш мақсад қилиб олинди.

Тадқиқотларда ушбу ёнғоқмевали экинни вилоятнинг қуруқ субтропик шароитида кенг миқёсда атрофлича ўрганилади ва ундан экологик тоза юқори сифатли мўл ҳосил олишнинг қуйидаги илмий - назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилади:

1. Пекан ёнғоғининг афзалликларидан бири ҳар йили мўл ҳосил беради, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, уруғидан кўпайтирилганда ҳам нав таркиби ўзгармайди, экспорт учун қулай маҳсулот ҳисобланади.

Сурхондарё вилояти шароитида етиштирилган пекан ёнғоғи мевалари таркибида инсон организми учун фойдали озиқа моддаларга бой бўлиб, Республикамининг ва бошқа хорижий ҳудудларга қараганда табиий иссиқ иқлими ҳисобига кўп микдорда тўпланади;

2. Экологик тоза табиий пекан ёнғоғи мевалари олиш имкониятларини берувчи юқори серҳосил навлар шу ҳудуднинг табиий тупроқ-иқлим шароитида изланади ва муҳит учун мос, ўзига хос навлар танлаб ажратилади ҳамда етиштириш агротехнологияси ишлаб чиқилади;

3. Ҳозирги бозор ислохотлари шароитида ички ва ташқи бозорда харидорбоп ҳамда экспортга мўлжалланган экологик тоза касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмайдиган табиий пекан ёнғоғи мевалари етиштириш имкони туғилади.

Хулоса ва тавсиялар. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган маҳаллий пекан ёнғоғининг энг яхши истиқболли навларини танлаб кўпайтирилади, нав тозаллиги сақланади ва ҳосилдорлик оширилади, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш каби қўшимча харажатлар тежалани, янги узилган ва қайта ишланмайдиган ёнғоқ маҳсулотлари сифатини ошириш имконияти туғилади.

Республикамининг жанубий ва шимолий ҳудудлари аҳолисини юқори сифатли шифобахш ёнғоқ маҳсулотлари билан таъминланади ва экспорт учун қулай бўлиб, вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширади.

МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

UDK 519.711.3

TRUBADA QISILMAYDIGAN YOPISHQOQ SUYUQLIKLAR HARAKATINI LAMINAR OQIMGA AYLANTIRISH**Sh.A. Mengliyev, Termiz davlat universiteti doktoranti**

Annotasiya: Maqolada trubada harakatlanayotgan qisilmaydigan yopishqoq suyuqlik harakatini matematik modellashtirishga oid ma'lumotlar keltirilgan. Tadqiqotda trubada, kanallarda va chegaraviy qatlamda harakatlanayotgan suyuqlikning laminar va turbulent rejimda bo'lishi, hamda ushbu rejimlarning paydo bo'lishining fizik mohiyati tahlil etilgan. Butun uzunligi bo'yicha o'zgarmas diametrli trubadagi suyuqlik oqimini qaraylik, oqim tezligi yopishqoqlik evaziga truba devorida nolga teng bo'ladi, truba o'rtasida esa maksimal qiymatga erishadi. Suyuqlik ichiga joylashtirilgan xarakterli uzunlik hamda radiusga ega bo'lgan o'qi truba o'qi bilan mos tushadigan silindr orqali oqib o'tadigan suyuqlik harakati o'rganilgan. Ushbu silindrdagi oqimning maksimal tezligini, trubaning ko'ndalang kesimi orqali oqib o'tadigan suyuqlik hajmini, oqim uzunligi bo'yicha trubaning ishqalanish qarshilik ko'rsatish koeffitsientini hamda urunma kuchlanishning maksimal qiymatini hisoblash formulasi chiqarilgan. Ishqalanishga qarshilik ko'rsatish koeffitsientini hisoblashning empirik va yarim empirik formulalarini taqqoslash natijalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: Reynolds soni, laminar oqim, turbulent oqim, parabolik oqim, ishqalanish kuchi, integral, koordinata, truba, bosim, yopishqoqlik, zichlik, asosiy oqim tezligi, o'rtacha tezligi, maksimal tezligi, radius, Guk, Gagen, Puazeyl, Darsi-Veysbax, Blazius, Nikuradze, suyuqlik hajmi, qarshilik koeffitsienti.

Аннотация: В статье приведены сведения о математическом моделировании движения несжимаемой вязкой жидкости в трубе. В исследование указаны ламинарные и турбулентные режимы движения жидкости, а также анализированы физический смысл возникновения этих режимов. Рассмотрим прямую круглую трубу с постоянным по всей длине диаметром. Скорость течения на стенках трубы вследствие прилипания равна нулю, в середине трубы она имеет наибольшее значение. Рассмотрен цилиндр с характерной длиной и характерным радиусом внутри жидкости, ось которого совпадает с осью трубы и изучены течения жидкости через цилиндр. Выведены расчётные формулы для вычисления максимальной скорости течения в цилиндре, объём жидкости проходящее через поперечное сечение трубы, коэффициент сопротивления к трению в трубе по длине течения, а также максимальное значение касательного напряжения. Приведены результаты сравнения эмпирических и полуэмпирических формул для вычисления коэффициента сопротивления к трению.

Ключевые слова: число Рейнольдса, ламинарное течение, турбулентное течение, параболическое течение, сила трения, интеграл, координата, труба, вязкость, плотность, основная скорость течения, среднее скорость, максимальная скорость, радиус, Гук, Гегин, Пуазейл, Дарси-Вейсбах, Блаузиус, Никурадзе, объём жидкости, коэффициент сопротивления.

Abstract: The article contains information on mathematical modeling of the motion of an incompressible viscous fluid in a pipe. Laminar and turbulent regimes of fluid motion are indicated in the research, and the physical meaning of the appearance of these regimes is analyzed. Consider a straight circular tube with a constant diameter over its entire length. The velocity of flow on the walls of the pipe due to adhesion is zero, in the middle of the pipe it has the greatest value. We consider a cylinder with a characteristic length and a characteristic radius inside a fluid whose axis coincides with the axis of the tube and the flow of liquid through the cylinder is studied. Calculation formulas are derived for calculating the maximum flow velocity in the cylinder, the volume of liquid passing through the cross section of the pipe, the coefficient of resistance to friction in the pipe along the length of the flow, and the maximum value of the tangential stress. The results of a comparison of empirical and semi-empirical formulas for calculating the coefficient of resistance to friction are presented.

Keywords: Reynolds number, laminar flow, turbulent flow, parabolic flow, frictional force, integral, coordinate, pipe, viscosity, density, main flow velocity, mean velocity, maximum speed, radius, Guk, Gegin, Poiseuille, Darcy-Weisbach, Blasius, Nikuradze, volume of liquid, coefficient of resistance.


Suyuqliklarda yopishqoqlikning mavjudligi suyuqlik qatlamlarining bir-biriga nisbatan siljishiga qarshilik ko'rsatadi. Boshqacha qilib aytganda, laminar (qatlamli) oqimlarda yopishqoqlik evaziga ichki ishqalanish paydo bo'ladi, u qatlamlar chegaralaridagi urunma kuchlanishlar miqdori bilan ifodalanadi, ya'ni birlik yuzaga to'g'ri keladigan urunma kuch miqdori bilan xarakterlanadi. Suyuqlikning ayrim konsentrik

qatlamlari bir-biriga nisbatan shunday harakatlanadiki, bunda suyuqlik tezligi asosiy o'q bo'ylab yo'nalgan bo'ladi. Bunday turdagi suyuqlik harakati laminar oqim deyiladi [1-4].

Real suyuqliklarning harakati ko'pgina hollarda laminar oqim harakatidan keskin farqlanadi. Ular shunday maxsus xususiyatga ega bo'ladiki, u turbulentslik deb ataladi. Trubalar, kanallar va chegaraviy qatlamlardagi real suyuqlik oqimlarida Reynolds sonining ortib borishi bilan laminar shakldagi oqimning turbulent oqimga aylanishi yaqqol kuzatiladi. Laminar oqimning turbulent oqimga bunday o'tishini ba'zan turbulentslikning paydo bo'lishi deb ham atashadi, u butun gidrodinamika sohasida fundamental ahamiyatga ega. Dastlab bunday o'tish to'g'ri truba va kanallardagi oqimlarda kuzatilgan. O'zgarimas ko'ndalang kesimga ega bo'lgan silliq devorli to'g'ri trubada Reynolds sonining unchalik katta bo'lmagan qiymatlarida suyuqlikning har bir zarrachasi to'g'ri chiziqli traektoriya bo'ylab harakatlanadi. Yopishqoqlik mavjud bo'lganligi sababli, suyuqlikning devorga yaqin joylashgan zarrachalari devordan uzoqda joylashgan zarrachalarga nisbatan sekin harakatlanadi boshlaydi. Oqim tartiblangan holda bir-biriga nisbatan siljuvchi laminar oqim (qatlamlar) sifatida harakatlanadi. Ammo, kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, Reynolds sonining katta qiymatlarida oqim tartiblanmagan holatga o'tadi, ya'ni turbulent oqimga aylanadi. Oqimda kuchli aralashish sodir bo'ladi, buni trubadagi suyuqlikka bo'yoq kiritish orqali ko'rinarli tarzda ifodalash mumkin.


Bu tajribani amalda kuzatish dastlab O. Reynolds (1883-1912) tomonidan o'tkazilgan bo'lib, unda oqim tarkibiga rang kiritilgan [1]. Oqim laminar bo'lganda bo'yoq qat'iy chegaralangan chiziqlar bo'ylab harakatlanadi va oqim turbulentslikka aylanishi bilan suyuqlikdagi rang butun truba bo'ylab tarqalib ketadi va trubadagi oqim rang bilan to'liq bo'yaladi. Bu shuni ko'rsatadiki, turbulent oqimda truba o'qi bo'ylab harakatlanayotgan asosiy oqimga ko'ndalang harakat paydo bo'ladi, ya'ni truba o'qiga perpendikulyar bo'lgan harakat vujudga keladi. Ana shu ko'ndalang harakat buyoq rangining oqimda aralashib ketishiga olib keladi.

Ushbu tajriba qurilmasi 1-rasmda keltirilgan



1-rasm. Oqimga qo'shilgan rangli suyuqlik tajribasi.

Dastlab tajriba D trubaga past tezlikka ega bo'lgan suyuqlikni kiritishdan boshlanadi. Aynan bir vaqtda C idishdan rangli bo'yoq E trubacha orqali qo'shiladi. Bunda quyidagi holat sodir bo'ladi: bo'yalgan oqim to'g'ri gorizontallik ko'rinishda, suyuqlikning qolgan barcha massasi esa bo'yalmagan holatda bo'ladi. O'z navbatida, bo'yalgan suyuqlik zarrachalari qolgan suyuqlik bilan aralashib ketmaydi va D trubadagi oqim harakati laminar rejimda bo'ladi. Suyuqlik tezligining asta-sekin ortib borishi bilan D trubada shunday holat paydo bo'ladiki, tekis harakatlanayotgan rangli bo'yoq yo'qoladi va butun harakatlanayotgan suyuqlik tekis bo'yalgan holatga o'tadi. Rangli oqimga aralashib ketadi, bu shundan dalolat beradiki, D trubada oqimning turbulent rejimi paydo bo'ladi.



2-rasm. Laminar oqimning turbulent oqimga o'tishi.

Qisilmaydigan yopishqoq suyuqliklar harakatida Reynolds soni $Re = \frac{\rho UL}{\mu}$, ning aynan bitta qiymatidan boshlab, laminar oqim turbulent oqimga aylanadi, Reynolds sonining ana shu qiymati kritik

Reynolds soni deb ataladi, bunda ρ - zichlik, μ - suyuqlikning yopishqoqligi, U - asosiy oqimning maksimal tezligi, L - uzunlikning xarakterli masshtabi.

2-rasmdan ko'rinadiki, $Re < Re_{krt}$, bo'lganda oqim laminar, $Re_{krt} < Re$ bo'lganda esa oqim turbulent rejimga o'tadi.


Butun uzunligi bo'yicha o'zgarmas diametrli trubagi suyuqlik oqimi va suyuqlik ichiga joylashtirilgan uzunligi L ga va radiusi y ga teng bo'lgan o'qi truba o'qi bilan mos tushadigan silindrni qaraylik. Yopishqoqlik evaziga truba devorlaridagi tezlik nolga teng, trubaning o'rtasida tezlik o'zining eng katta qiymatiga erishadi. Asosiy o'qi truba o'qi bilan mos keluvchi silindrsimon sath nuqtalarida oqim tezligi o'zgarmas bo'ladi. Ayrim konsentrik qatlamlar o'zaro shunday harakatlanadiki, tezlik hamma joyda o'q bo'yicha yo'naltirilgan va oqim laminar rejimda bo'ladi. Trubaning boshlang'ich nuqtasidan yetarlicha uzoq masofada trubadagi oqimning tezlik taqsimoti radius bo'ylab, uzunasiga yo'naltirilgan koordinatadan bog'liq bo'lmaydi.

Trubadagi suyuqlik harakati truba o'qi bo'ylab bosimning pasayishi ammo, har bir truba o'qiga perpendikulyar ko'ndalang kesimda bosimni o'zgarmas deb qarash mumkinligi evaziga sodir bo'ladi. Suyuqlikning har bir elementi harakati bosimning pasayishi evaziga tezlashadi va ishqalanish hisobidan paydo bo'ladigan siljish kuchlanishi sababli sekinlashadi.

Asosiy o'q bo'ylab silindrga bosim kuchlari $p_1\pi y^2$ va $p_2\pi y^2$ ta'sir etadi, ular mos ravishda silindrning kirish va chiqish asoslariga mos keladi, hamda silindrning yon sirti bo'yicha ta'sir etadigan urinma kuch $2\pi y L \tau$ mavjud bo'ladi. Ushbu silindrdagi oqimning maksimal tezligini, trubaning ko'ndalang kesimi orqali oqib o'tadigan suyuqlik hajmini, oqim uzunligi bo'yicha trubaning ishqalanishga qarshilik koeffitsientini hamda urinma kuchlanishning maksimal qiymatini aniqlash talab etiladi.

Silindrdagi suyuqlikka ta'sir etuvchi kuchlarni tenglashtirib (3-rasm), harakat yo'nalishi bo'yicha muvozanat sharti sifatida ushbu tenglamani hosil qilamiz

$$p_1\pi y^2 = p_2\pi y^2 + 2\pi y L \tau . \quad (1)$$



3-rasm.

Ichki ishqalanish kuchi proeksiyasi musbat ishora bilan olingan, chunki tezlik gradiyenti manfiy (qatlamlarning oqim tezligi radius r ning ortib borishi bilan kamayadi).

Formula (1) dan urinma kuchlanish τ ni aniqlab olamiz

$$\tau = \frac{p_1 - p_2}{L} \cdot \frac{y}{2} . \quad (2)$$

Qaralayotgan holda tezlik u koordinata y ning ortishi bilan kamayadi va u yopishqoqlik evaziga $y = r$ bo'lganda nolga aylanadi. Shu sababli, Guk ishqalanish qonuniga asosan $\tau = -\mu \frac{du}{dy}$ deb olamiz. Ushbu

ifodani (2) ga qo'yib, quyidagiga ega bo'lamiz

$$-\mu \frac{du}{dy} = \frac{p_1 - p_2}{L} \cdot \frac{y}{2} ,$$

bundan

$$\frac{du}{dy} = -\frac{p_1 - p_2}{\mu L} \cdot \frac{y}{2} . \quad (3)$$

ekanligini ko'rish mumkin.

Endi $y = r$ bo'lganda $u(y) = 0$ bo'lishini etiborga olib, ushbu boshlang'ich shart bilan tenglama (3) ni integrallab quyidagi tenglamani hosil qilamiz

$$u(y) = -\frac{p_1 - p_2}{4\mu L} y^2 + C , \quad (4)$$

Tenglama (4) dagi o'zgarmas konstanta C ni topish uchun $y=r$ bo'lganda tezlik $u(r)=0$ bo'lish shartidan foydalanamiz, ya'ni

$$u(r) = -\frac{p_1 - p_2}{4\mu L} r^2 + C = 0,$$

bundan

$$C = \frac{p_1 - p_2}{4\mu L} r^2. \quad (5)$$

ekanligini aniqlaymiz. O'zgarmas C ning bu qiymatini (4) ga qo'yib

$$u(y) = -\frac{p_1 - p_2}{4\mu L} y^2 + \frac{p_1 - p_2}{4\mu L} r^2,$$


tenglamani va bundan o'z navbatida

$$u(y) = \frac{p_1 - p_2}{4\mu L} (r^2 - y^2). \quad (6)$$

tenglamaga ega bo'lamiz.

Shunday qilib, truba radiusi bo'ylab tezlikning parabolik taqsimotiga ega bo'lamiz (4-rasm). Ushbu tezlik o'zining eng katta qiymatiga trubaning o'rtasida ($y=0$) erishadi va u quyidagi maksimal qiymatga ega bo'ladi:

$$u_{\max} = \frac{p_1 - p_2}{4\mu L} r^2. \quad (7)$$



4-rasm.

Truba kesimi bo'ylab oqib o'tadigan to'liq suyuqlik miqdori Q (suyuqlik sarfi) aylanma paraboloid hajmi sifatida aniqlanadi (4-rasm) va o'z navbatida quyidagicha aniqlanadi. Tenglama (6) ni r^2 ko'paytiramiz va bo'lamiz

$$u(y) = \frac{p_1 - p_2}{4\mu L} (r^2 - y^2) \cdot \frac{r^2}{r^2},$$

bundan

$$u(y) = \frac{p_1 - p_2}{4\mu L} r^2 \left(\frac{r^2 - y^2}{r^2} \right) = u_{\max} \left(1 - \frac{y^2}{r^2} \right), \quad (8)$$

ekanligini ko'rish mumkin.

Doiraviy kesimga ega bo'lgan truba orqali o'tadigan suyuqlikning umumiy oqimi uchun Gagen-Puazeyl formulasi [1-4] dan foydalanib, quyidagini aniqlaymiz

$$\begin{aligned} Q &= \int_0^r u(y) 2\pi y dy = 2\pi u_{\max} \int_0^r \left(y - \frac{y^3}{r^2} \right) dy = \\ &= 2\pi u_{\max} \left[\frac{y^2}{2} - \frac{y^4}{4r^2} \right]_0^r, \end{aligned}$$

ya'ni oqim sarfi uchun ushbu formulaga ega bo'lamiz

$$Q = \frac{\pi(p_1 - p_2)r^4}{8\mu L}. \quad (9)$$

Trubaning ko'ndalang kesimi bo'yicha qiymati quyidagicha aniqlanadigan oqimning o'rtacha tezligini kiritamiz:

$$\bar{u} = \frac{Q}{\pi r^2}. \quad (10)$$

Formula (9) ni e'tiborga olgan holda (10) ni quyidagicha yozamiz

$$\bar{u} = \frac{(p_1 - p_2)r^2}{8\mu L},$$

Funksiya $\bar{u}(y)$ ni formula (7) bilan aniqlanadigan u_{\max} bilan taqqoslab, $\bar{u}(y) = \frac{1}{2}u_{\max}$ ekanligini ko'rish mumkin, ya'ni trubadagi laminar oqim harakatida o'rtacha tezlik maksimal tezlikning yarmiga teng (4-rasm) bo'ladi.

Bosim farqi $(p_1 - p_2)$ ni aniqlaymiz

$$p_1 - p_2 = \frac{8\mu L \bar{u}}{r^2},$$

bundan

$$p_1 - p_2 = \frac{8\mu L \bar{u}}{r^2} = \frac{32\mu \bar{u}}{2r} \cdot \frac{L}{2r} = \frac{32\mu \bar{u}}{D} \cdot \left(\frac{L}{D}\right) \quad (11)$$

bu yerda $D = 2r$ truba diametri.

Oqim uzunligi bo'ylab yo'qotilgan bosim Darsi-Veysbax tenglamasi orqali topiladi

$$\lambda = \frac{(p_1 - p_2)}{\frac{1}{2}\rho \bar{u}^2} \cdot \left(\frac{D}{L}\right), \quad (12)$$

Formula (11) dan $p_1 - p_2$ ning qiymatini (12) ga qo'yish natijasida quyidagi formulaga ega bo'lamiz

$$\lambda = \frac{32\mu \bar{u}}{D} \cdot \left(\frac{L}{D}\right) \cdot \frac{2}{\rho \bar{u}^2} \cdot \left(\frac{D}{L}\right) = \frac{64\mu}{\rho \bar{u} D}$$

yoki bundan

$$\lambda = \frac{64}{\text{Re}}. \quad (13)$$

ekanligini ko'rish mumkin, bu yerda $\text{Re} = \frac{\rho \bar{u} D}{\mu}$.

Silliq truba uchun trubaning qarshilik koeffitsiyenti λ ning Reynolds soni Re ga bog'liqligini ko'rsatuvchi eksperimental va hisoblash natijalari keltirilgan. Olingan natijalarni taqqoslash shuni ko'rsatadiki Re sonining kichik qiymatlarida nazariy formula (13) eksperiment orqali tasdiqlanadi. Hisoblash va eksperimental natijalarning mosligi $\text{Re} = 2000 \div 2320$ gacha bo'lganda kuzatiladi. Re sonining yanada katta qiymatlarida turbulentlik mexanizmlarining faol ishga tushishi evaziga, qarshilik ortadi. Parametr λ ning Re sonidan kelgusidagi bog'liqligi laminar oqim uchun olingan natijadan keskin farqlanadi.

Eksperimental tadqiqotlar natijasida qisilmaydigan yopishqoq suyuqliklar harakatining chegaraviy qatlamida ham oqimning laminar va turbulent bo'lishi mumkinligi kuzatiladi.

Qisilmaydigan yopishqoq suyuqliklar harakatini chegaraviy qatlamdagi jism atrofida laminar oqimning turbulent oqimga aylanishi ko'pgina faktorlarga bog'liq bo'ladi. Ular orasida Reynolds sonidan tashqari, tashqi oqimda bosimning o'zgarish xarakteri, truba devori sirtining holati (uning silliqdigi yoki notekisligi), chegaraviy qatlamdan tashqi oqimda qo'zg'alishlarning mavjudligini ko'rsatish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Reynolds O. On the experimental investigation of the circumstances which determine whether the motion of water shall be direct or sinuous, and the law of resistance in parallel channels // Phil. Trans.roy.soc. – 1883. – № 174. – P. 935-982.
2. Абуталиев Ф.Б., Нармурадов Ч.Б. Математическое моделирование проблемы гидродинамической устойчивости Т.: Изд-во «Fan va texnologiya», 2011. – 188 с.
3. Лойцянский Л.Г. Ламинарный пограничный слой. – М.:Физматлит, 1962. – 479 с.
4. Шлихтинг Г. Теория пограничного слоя. – М.: Наука, 1974. – 571 с.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

УДК 691.421

**ОРОЛБЎЙИ РЕГИОНИДА ДЕВОРБОП МАТЕРИАЛЛАРНИ ШЎРЛАНИШ ТАЪСИРИДА
ЕМИРИЛИШ ЖАРАЁНИ ТАҲЛИЛИ**

**З.К. Бабаев, т.ф.н., профессор в.б. Урганч давлат университети,
Ш.К. Матчанов, т.ф.н. доцент, Урганч давлат университети.,
А.И. Эрметов, талаба, Урганч давлат университети,
Ю.Х. Якубов, талаба, Урганч давлат университети**

Аннотация: *Керамик ғишт асосидаги деворларни шўрланиш натижасида емирилиш сабабларига оид тадқиқот натижалари келтирилган. Керамик ғишт ва кум-цементли қоришма ўртасидаги бирикмиш мустаҳкамлиги (адгезия)га тузли муҳит таъсирига оид синов натижалари баён қилинган. Шунингдек, янгидан қурилаётган ёки эксплуатациядаги иншоотларни шўрланиш таъсиридан ҳимоя қилишга оид тавсиялар келтирилиб ўтилган.*

Калим сўзлар: *шўрланиш, керамик ғишт, кум-цементли қоришма, бирикмиш мустаҳкамлиги, шўрланиш таъсиридан ҳимоялаш.*

Аннотация: *Анализируются причины образования солевой коррозии стены из керамического кирпича в условиях Приаралья Республики Узбекистан. Приведены результаты испытания влияния солевой коррозии на адгезионные свойства системы "цементно-песчаный раствор - керамический кирпич". Рекомендованы мероприятия по устранению дефектов высолообразования как для существующих, так и для вновь возводимых зданий.*

Ключевые слова: *высолобразование, керамическая кирпичная кладка, цементно-песчаный раствор, адгезионная прочность, защита от солевых коррозий.*

Abstracts: *The reasons of formation of salt corrosion of a wall from a ceramic brick in the conditions of Priaralye of the Republic of Uzbekistan are analyzed. The results of the test of the salt effect of corrosion on the adhesion properties of the system "cement-sand mortar of ceramic bricks" are given. Measures were recommended to eliminate flaw defects for both existing and newly erected buildings.*

Key words: *salinity, ceramic bricks, sand-cement mixing, combination stability, salinity effects.*

Орол денгизининг қуриши билан регионда бир қатор муаммолар юзага келдики, унинг оқибатида жамиятнинг барча соҳаларида янгича ёндашувлар, инновацион технологик ечимларни жорий қилишни талаб қилмоқда. Шундай соҳалардан бири қурилиш ва уй жойлардан фойдаланиш соҳаси бўлиб, бунда кейинги йилларда керамик ғишт асосида қурилган иншоотларнинг шўрланиш оқибатида емирилишнинг кескин кучайиб бораётганини келтириш мумкин.

Бундай салбий таъсир оқибатида биноларнинг ташқи юзаларида сувоқларнинг кўчиши, пойдевор қисмига яқин жойлардаги ғишларнинг уваланиб тўкилиб кетиш ҳоллари кўплаб учрамоқда.

Керамик ғишт асосида қурилган, юза қисмлари кум-цемент қоришмаси асосида сувоқ қилинган бинолардан сувоқ қисмининг кўчишига сабаб бўлувчи 2 та омилни келтириш мумкин:

Орол денгизи сарҳадларидан ҳар йили 50-70 миллион тоннагача тузли- кумли бўронларининг кўтарилиши ва кейинчалик уларнинг ер сатҳига чўкиши кузатилмоқда. Бунинг оқибатида тупрок, сув, бино ва иншоотларни сирт юзалари тузлар билан бойиб боради. Шу жумладан, керамик ғишт ишлаб чиқарилаётган ҳом ашё карьерлари бундан мустасно эмас. Тупрок ва сув шароитининг Орол худудидан кўтарилган чанглари билан тўйиниб бориши, улар асосида олинаётган керамик ғиштининг ҳосса ва хусусиятларини тубдан ўзгаришига сабаб бўлади.

Бундай шароитда олинаётган керамик ғишт массаси таркиби тузлар билан бойитилган бўлиб, уларни анъанавий усул билан пишириш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Чунки масса таркибидаги тузлар тўла парчаланиши ва алюмосиликатлар ҳосил бўлиши жараёнида қатнашиши учун етарли шароит талаб қилинади. Анъанавий усулда эса бундай шароити кўзда тутилмаган.

Иккинчидан, иншоотларнинг девор юзаларини тузлар билан тўйиниши, кейинчалик намлик таъсирида туз эритмаси ҳосил бўлиши ва у билан туташ тизимларда кимёвий таъсирлашув юзага келиши ва ҳосил бўлган кимёвий агрессив моддалар сувоқ ҳамда керамик ғишт массасини емирилиши мумкин.

Маълумки, керамик ғишт иссиқлик таъсирида компонентларнинг ўзаро кимёвий таъсирлашиши натижасида алюмосиликатли бирикмалар ҳосил бўлишидан шаклланади ва айнан улар маҳсулотни сифат кўрсаткичларини белгилаб беради. Пиширилаётган керамик масса таркибида барча бирикмаларни ўзаро таъсирлашиб кетиши учун етарли шарт-шароит, яъни температура, босим, муҳит, сувоқ фаза коцентрацияси каби омиллар бўлиши керак. Шундагина, масса таркибидаги дегазация

жараёни тўлиқ бориши ва ҳосил бўлган оксидлар алюмосиликатлар ҳосил бўлишида тўлиқ қатнашиши мумкин ва натижада мукамал яхлит керамик масса – юқори сифатли керамик ғишт ҳосил бўлади.

Бугунги кун амалиётида керамик масса таркибида тузлар микдорининг юқорилиги, пишириш жараёни тўла охиригача етиб бормаслиги оқибатида масса таркибида Na_2O , CaO , MgO , K_2O каби оксидлар алюмосиликатлар ҳосил бўлиш жараёнида тўлиқ қатнашмасдан эркин ҳолда қолиб кетмоқда ва кейинчалик ғиштни эксплуатация даврида юза қатламларга диффузияланиши ва намлик таъсирида кристаллогидратлар ҳосил бўлиши кузатилмоқда. 2017 йил баҳор ойларида олиб борилган кузатувларда очиқ атмосфера ҳавосида сақланган ғишт юзаларида тузли-қум бўронларидан кейин оқ доғларнинг юзага келиши кескин ортиб борди. Физик - кимёвий таҳлилларга кўра улар асосан ишқорий ва ишқорий ер металлларининг сульфатли ва хлоридли тузларидан иборат эканлиги қайд қилинди.

Керамик ғишт массаси таркибида тузларнинг эркин ҳолда қолиб кетиши ва намлик таъсирида кристаллогидратларнинг ҳосил қилиши, ер ости сувларини бино конструкцияларига капилляр сўрилиши оқибатида бинонинг ер устки қисмида, айниқса фундамент ва деворнинг пастки қисмида емирилиши жуда сезиларли даражада эканлигини кўриш мумкин.

Бино деворларининг пастки қисмидаги керамик ғишт ва сувоқ таркибида $\text{CuSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ (гипс), $\text{MgCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ (бишофит), $\text{MgSO}_4 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ (гексагидрит), $\text{NaCl} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ (гидрогалит), $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ (мирабилит) каби кристаллогидратларнинг юқорилигини аниқладик [1]. Манбада келтирилган маълумотларда бундай кристаллогидратлар бино конструкцияларида ер ости сувларининг капилляр сўрилиши натижасида ҳосил бўлишини кўрсатади. Шунингдек, [2] манбада келтирилган маълумотларга кўра, қаттиқ жисм сирт юзаси кристаллогидратлар билан контактлашишида фазалар орасида итариш кучларини юзага келиши кузатилади.

Бу эса тузлар иштирокида юзага келадиган емирилиш жараёнини тавсифловчи муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, ўша манбада кристаллогидратларнинг ҳосил бўлишида юзага келадиган кристалланиш ҳам бу жараённи тавсифловчи катталик эканлиги баён қилиб ўтилган.

[3] Манбада муаллифлар айрим тузларнинг эритмаларини кристалланиш натижасида юзага келадиган кристалланиш босими тўғрисида маълумот келтирилиб ўтишади. Жумладан, (МПаларда) $\text{NaCl} - 0,27$; $\text{Na}_2\text{CO}_3 - 0,21$; $\text{Na}_2\text{SO}_4 - 0,44$; $\text{MgSO}_4 - 0,36$ га тенглиги ўша манбада баён қилинган

Бино деворни юзасида ёки қатламида мавжуд бўлган курук тузларни ўзларига намликни бириктириб олишида қаттиқ фаза ҳажмининг ошиши ва кристалланиш босимининг юзага келиши кузатилади.

Бизнинг тадқиқотларда “керамик ғишт-сувоқ (қум-цементли қоришма)” тизимида қатламнинг бириктириш мустаҳкамлиги (адгезияси)га тузли эритмалар таъсири ўрганилиб чиқилди. Тадқиқотларимизда керамик ғишт (M100) сирт юзасига қум-цементли қоришма (M50) дан қалинлиги 5 мм қилиб сувоқ қилинди. Бу намуналар Na_2SO_4 , NaCl ва Na_2CO_3 тузларининг 5 % ли эритмаларида 6 ой давомида солиб қўйилиб кейинчалик уларнинг механик мустаҳкамлигини камайиши ўрганилди. Олинган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

“Керамик ғишт – сувоқ” тизимида бириктириш мустаҳкамлигига тузли эритмалар таъсирини ўрганиш натижалари

Эритма	Механик мустаҳкамлиги, МПа	Механик мустаҳкамликнинг камайиши, %	Қатламнинг ажрлиш тавсифи
H_2O	6,8	0	ғишт қатлами бўйлаб
5% ли Na_2SO_4 эритмаси	2,6	61,7	қоришма қатлами бўйлаб
5% ли Na_2CO_3 эритмаси	4,9	27,9	ғишт – қоришма юза қатлами бўйлаб
5% ли NaCl эритмаси	6,2	8,8	ғишт қатлами бўйлаб

Жадвалда келтирилган маълумотларни назарий жихатдан қуйидагича изохлаш мумкин:

Натрий сульфат тузи эритмасининг таъсирида емирилиши оқибатида механик мустаҳкамликнинг катта микдорда камайишига сабаб унинг тенардит кўринишидан (Na_2SO_4) мирабилит ($\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$) кўринишига ўтишида ҳажмининг 311%га ошишидир [4].

Бино деворларини тузли муҳитлар таъсирида емирилишини олдини олишга қаратилган тадбирлар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтамыз:

- керамик ғиштни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ҳисобига масса таркибидаги тузларни тўлиқ бириктириб олган таркибан муллит, анортит ва шиша фаза микдори юқори бўлган, зич қилиб пиширилган, махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- бино конструкциясида кучайтирилган гидроизоляция ишларини йўлга қўйиш;
- бино девор юзаларини даврий равшда махсус кимёвий эритмалар билан сувоб туриши ва шу каби бир катор тадбирлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сидоров В.И., Никифорова Т.П., Устинова Ю.В. Физико-химические основы оценки состояния объектов недвижимости М.: АСВ, 2010. 143 с
2. Шестеркин М.Н. Ячеистый бетон неавтоклавного твердения на основе стеклобоя: дис... канд.тех.наук. М.; 2002. 196с
3. Мироненко Е.В. Физико-химические процессы высолообразования в кирпичной кладке и методы их устранения: дис... канд.техн.наук. Самара. 2006. 160 с
4. Федосов С.В, Базанов С.М. Сульфатная коррозия бетона. М.: АСВ. 2003. 120 с

КИМЁ ФАНЛАРИ

УДК 547.785.51:547.582.1

1,3-DIMETILBENZIMIDAZOLIN-2-ONNI BENZOILLASHDA KATALIZATORLARNING NISBIY FAOLLIK QATORI

*Q.S. Kilichev, Urganch davlat universiteti talabasi,
Yu.R. Taxirov, k.f.n., Urganch davlat universiteti dotsenti,
R.Sh. Kuryazov, k.f.n., Urganch davlat universiteti dotsenti,
X.M. Azizjonov, k.f.n., Urganch davlat universiteti dotsenti*

Annotatsiya. Ushbu maqolada 1,3-dimetilbenzimidazolin-2-onni benzoilxlorid bilan kam miqdor turli xil katalizatorlar ishtirokidagi reaksiyalari natijalari keltirilgan. Bundan tashqari sintez qilingan 1,3-dimetil-5(6)-benzoilbenzimidazolin-2-onning HyperChem programmasi yordamida kvant-kimyoviy hisoblashlari haqidagi ma'lumotlari ham berilgan.

Kalit so'zlar: 1,3-Dimetilbenzimidazolin-2-on, Lyuis kislotalari, atsillash, benzoilxlorid, 1,3-dimetil-5(6)-benzoilbenzimidazolin-2-on.

Аннотация. В данной статье даны результаты ацилирования 1,3-диметилхинозолин-2,4-диона с бензоилхлоридом в присутствии малых количеств разных катализаторов. Кроме того, приведены результаты расчета синтезированных 1,3-диметил-5(6)-бензоилбензимидазолин-2-она в программе HyperChem.


Ключевые слова: 1,3-Диметилхинозолин-2,4-дион, кислоты Льюиса, ацилирование, бензоилхлорид, 1,3-диметил-5(6)-бензоилбензимидазолин-2-он.

Annotation. In this article gives the acylation of 1,3-dimethylquinazoline-2,4-dione with benzoyl chloride in the presence of small amounts of different catalysts. More information is given on the quantum-chemical calculations of the synthesized 1,3-dimethyl-5(6)-benzoylbenzimidazolin-2-one program HyperChem.

Key words: 1,3-dimethylquinazoline-2,4-dione, Lewis acids, acylation, benzoyl chloride, 1,3-dimethyl-5(6)-benzoylbenzimidazolin-2-one.

Molekulasida aromatik halqa tutgan turli xil birikmalarning aromatik yadrosini Fridel-Krafts bo'yicha atsillash usulida organik birikmalarni sintezini amalga oshirish organik kimyoning keng qo'llaniladigan usullaridan biri hisoblanadi.

Ma'lumki, Fridel-Krafts reaksiyalari aromatik yadroda bo'ladigan elektrofil almashinish reaksiyalari hisoblanadi. Aromatik birikmalarning atsillash reaksiyalarida katalizatorlar ta'sirida atsillovchi agentlarning qutblanishi sodir bo'ladi va karbonil guruhi hisobiga karbokation yoki musbat zaryadlangan ion jufti hosil bo'ladi. Ushbu hosil bo'ladigan musbat zaryadlangan ion yoki dipol aromatik halqaga xujum qiladi va bunda avval π -, keyin esa σ -komplekslar hosil bo'lishi orqali boradigan elektrofil almashinish reaksiyasi sodir bo'ladi [1].



Odatda, yaxshi katalitik samara kuchli Lyuis kislotalarida kuzatilib, ular atsillovchi agentlar bilan ko'p hollarda ionli tuzlar (A), kuchsizroqlari esa asosan donor-akseptor komplekslar (B) hosil qiladi.




Lyuis kislotasining kuchi qancha katta bo'lsa, atsillovchi agent bilan shunchalik mustahkam donor-akseptor bog' hosil qiladi. Donor-akseptor bog'ning mustahkamligi qanchalik ortsa, karbonil guruhining qutbliligi ham oshib, karbonil guruhi uglerod atomining musbat zaryadini ko'payishiga olib keladi. Bu esa o'z navbatida aromatik halqa tomonidan bo'ladigan nukleofil hujumni osonlashtiradi [2]. Lekin adabiyotlarda ta'kidlanganidek, katalitik atsillash reaksiyalarida katalizatorlarning roli ancha murakkab bo'lib, u faqatgina atsillovchi agentni faollashtirish bilan chegaralanmasdan, reaksiya mahsuloti bilan katalizator yangi kompleks hosil qilib, atsillash reaksiyasini sekinlashtiradi. Kuchli Lyuis kislotalari bilan hosil bo'lgan shunday komplekslar mustahkam bo'lib, kuchsizlarining komplekslari esa oson parchalanadi. Yuqori harorat ham ushbu komplekslarning parchalanishiga sabab bo'lib, katalizatorni keyingi reaksiya uchun ajratib chiqaradi [3-5].

Ma'lumki, Fridel-Krafts bo'yicha atsillash reaksiyalarida katalizatorlar sifatida asosan alyuminiy xlorid va boshqa Lyuis kislotalari ishlatiladi. Ushbu reaksiyalarda qo'llaniladigan Lyuis kislotalari ko'p miqdorda bo'lib, ularni reaksiyon aralashmadan chiqarishda qiyinchiliklar tug'diradi.

Keyingi yillarda aromatik, geterotsiklik va aromatik halqa bilan kondensirlangan geterotsiklik birikmalarni iqtisodiy jihatdan qulay va dolzarb bo'lgan katalizatorlarning oz miqdori ishtirokidagi atsillash usullari ishlab chiqilmoqda, bular amaliy jihatdan muhim ahamiyat kasb qiladi. Hozirgi davrgacha ushbu reaksiyalar aromatik birikmalar misolida keng o'rganilgan, lekin aromatik halqa bilan kondensirlangan besh azoli geterohalqali birikmalar benzazolin-2-onlar misolida kam o'rganilgan.

1,3-Dimetilbenzimidazolin-2-onni benzoilxlorid bilan atsillash reaksiyalarini katalizatorlarning oz miqdori ishtirokida o'rganish va ularni turli katalizatorlar ($ZnCl_2$, $FeCl_3 \cdot 6H_2O$ va temir asetilasetonati (TAA)) ishtirokida benzoillash reaksiyalarini o'rganishni maqsad qildik.

1,3-Dimetilbenzimidazolin-2-onning (I) benzoilxlorid (II) bilan $1,25 \cdot 10^{-2}$ mol miqdordagi $ZnCl_2$, $FeCl_3 \cdot 6H_2O$ va TAA ishtirokida 200-210°C haroratda 3 soat davomida qizdirish natijasida benzoillash reaksiyasi natijasida 1,3-dimetil-5(6)-benzoil-benzimidazolin-2-on (III) sintezini amalga oshirdik (jadval 1).




Jadval 1

1,3-Dimetilbenzimidazolin-2-onni turli xil katalizatorlar bilan nitrobenzol eritmasida benzoillash

Birikma	Katalizator	Reagentlarning mol nisbati, I:II:katalizator	Suyuqlanish harorati, °C	Mahsulot unumi, %
III	$ZnCl_2$	1:1,5:0,0125	138-140	66
III	$FeCl_3 \cdot 6H_2O$	1:1,5:0,0125	138-140	74
III	TAA	1:1,5:0,0125	138-140	39
III	$AlCl_3$	1:1,5:1	-	-
III	$AlCl_3$	1:1,5:2	-	-
III	$AlCl_3$	1:1,5:3	138-140	12

Sintez bo'yicha olingan natijalarni solishtirish maqsadida ekvimolyar miqdordagi $AlCl_3$ ishtirokida ham reaksiyalari o'rganildi va kutilgan natijaga erishilmadi. Lekin $AlCl_3$ miqdorini 3 molgacha oshirilganda 1,3-dimetil-5(6)-benzoilbenzimidazolin-2-onning (III) unumi 12 % ga yetgan (jadval 1).

Olingan natijalar asosida 1,3-dimetil-5(6)-benzoilbenzimidazolin-2-onning sintezida qo'llanilgan katalizatorlarni quyidagicha nisbiy faollik qatoriga joylashtirish mumkin:



Ushbu qatordan ma'lumki, 1,3-dimetilbenzimidazolin-2-onni (I) benzoil xlorid bilan atsillash reaksiyalarining bir xil vaqtda olingan natijalariga ko'ra $FeCl_3 \cdot 6H_2O$ eng yuqori faollikni, $AlCl_3$ esa eng past faollikni namoyon qilgan ekan.


Sintez qilib olingan 1,3-dimetil-5(6)-benzoilbenzimidazolin-2-onning tuzilishi IQ-, UB- va mass-spektrometriya usullari yordamida tasdiqlandi.

1,3-Dimetil-5(6)-benzoilbenzimidazolin-2-onning IQ-spektrlarida 5(6)-holat karbonil guruhining valent tebranishlariga xos yutilish chiziqlarining ($1650-1680 \text{ cm}^{-1}$) hamda 1,2,4-almashgan benzol halqasi CH fragmentining notekis deformatsion tebranishlarining yutilish chiziqlarining ($805-825$ va $870-885 \text{ cm}^{-1}$) paydo bo'lishini kuzatish mumkin.


1,3-Dimetil-5(6)-benzoilbenzimidazolin-2-onning UB-spektrlarida 310 nm sohada yutilish maksimumlarini borligini kuzatish mumkin, ushbu holat reaksiya sharoitida metil guruhining saqlanib qolishini va xech qanday o'zgarishga uchramasligini ko'rsatadi.

Mass-spektrlarida esa taklif etilgan 1,3-Dimetil-5(6)-benzoilbenzimidazolin-2-onning tuzilishni tasdiqlovchi molekulyar ion va fragmentlarining cho'qqilarini borligi aniqlandi.

1,3-Dimetil-5(6)-benzoilbenzimidazolin-2-onning tuzilishini HyperChem programmasi yordamida qilingan kvant-kimyoviy hisoblashlar natijasiga ko'ra molekuladagi elektron zaryadlarning taqsimlanishi va molekulaning fazoviy shakli quyidagicha tasvirga ega (1-rasm).



1-rasm. 1,3-Dimetil-5(6)- benzoilbenzimidazolin-2-on



2-rasm. 1,3-Dimetil-5(6)-benzoilbenzimidazolin-2-onning shar-sterjenli fazoviy ko'rinishi va atomlardagi elektronlar zichligi, IQ-spektrlari hisoblandi

TAJRIBA QISMI

Reaksiyalar borishi va moddalarning tozaligi yupqa qatlamli xromotografiya (YuQX) usuli bilan nazorat qilindi (Silufol UV-254, ochuvchi (proyavitel) –1 g KMnO_4 + 4 ml kons. H_2SO_4 + 96 ml H_2O).

1,3-Dimetil-5(6)- benzoilbenzimidazolin-2-on sintezi

a) rux xloridning $1,25 \cdot 10^{-2}$ mol miqdori ishtirokida

Ikki og'izli kolbada 1,62 g (0,01 mol) 1,3-dimetilbenzimidazolin-2-on 20 ml nitrobenzolda eritildi, ustiga 2,1 g (0,015 mol) benzoilxlorid va 0,017 g (0,000125 mol) ZnCl_2 qo'shildi. Reaksiyon aralashma qaytarma sovutkich yordamida $210-220^\circ\text{C}$ da 3 soat davomida qaynatildi. Sovitilgandan keyin reaksiyon aralashma 4 %li HCl , suv bilan $\text{pH}=7$ gacha, 5 %li NaHCO_3 va yana suv bilan $\text{pH}=7$ gacha yuvildi. Erituvchi suv bug'i bilan haydaldi, hosil bo'lgan cho'kma ajratilib, suv bilan yuvildi, quritildi va 1,75 g (66%) 1,3-dimetil-5(6)-benzoilbenzimidazolin-2-on olindi. Suyuqlanish harorati $138-140^\circ\text{C}$ (etanol), $R_f=0,31$ (adabiyotda keltirilgan suyuqlanish harorati $138-140^\circ\text{C}$).

Jadvalda keltirilgan boshqa katalizatorlar bilan reaksiyalar ham yuqorida keltirilgan usul bo'yicha olib borildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Беккер Г. Введение в электронную теорию органических реакций: Пер. с нем. -М.: Мир. 1977. -С. 658
2. Терней А. Современная органическая химия. В 2-х т. Пер.с англ. -Москва. Мир. 1981. Т.1. - С.606.
3. Мухамедов Н.С., Тауметова Ш.Г., Алиев Н.А. Бензоилирование 2-бензоксазолинонов в присутствии малых количеств хлористого цинка // Журн. органич. химии. -Ленинград, 1991. -Т.27, №4. -С. 880–881.
4. Mukhamedov N.S., Kristallovich E.L., Plugar V.N., Giyasov K., Aliyev N.A., Abdullayev N.D. Catalytic acylation of benzoxazolin-2-ones in the presence of zinc chloride // Chem. Heterocycl. Comp. -New-York, 1994. -V.30. -P. 982-984.
5. Dushamov D.A., Mukhamedov N.S., Aliyev N.A., Bobokulov Kh.M., Levkovich M.G., Abdullayev N.D. Benzazoles. II. Relative activity of catalysts and 4-substituted benzoyl chlorides in the acylation of benzothiazolin-2-ones // Chem. Heterocycl. Comp. -New-York, 2002. -V.38. -P. 438-441.
6. Тахиров Ю.Р., Душамов Д.А., Душамов Х.А., Мухамедов Н.С. 3-Бензил-бензоксазолин-2-онни бензоиллашда катализаторларнинг нисбий фаоллиги // Табиий фанларнинг долзарб муаммолари. Хоразм Маъмур академияси. Хива, 2008. - 44-46 б.

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси 2006 йилдан буён бир йилда 4 (3 ойда бир) марта чоп қилинади. Ахборотномада илм-фаннинг барча соҳалари бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги мақолалар нашр этилади. Ахборотномага мақолалар қуйидаги тартибда қабул қилинади: мақола ҳажми 0,25 босма табоқ (4 саҳифа) дан кам бўлмаслиги, 1 б.т. (16 саҳифа) дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Мақола таҳририятга Times New Roman шрифти, 14 ўлчовда, 1,5 қатор оралиғида, чап томондан 3 см, юқори ва паст томондан 2,5 см, ўнг томондан 1,5 см қолдирилган ҳолатда А4 форматли стандарт қоғознинг бир томонига чоп этилган ва муаллиф(лар) нинг шахсий имзоси билан тасдиқланган ҳолда бир нусхада топширилиши зарур. Электрон шакли Word 2000-2016 дастури, doc ёки docx форматида **xma_axborotnomasi@mail.ru** ёки **mamun-axborotnoma@academy.uz** электрон почта манзиллари ҳамда **+998935691670** рақамли телеграмм саҳифаси орқали қабул қилинади. Мақола тегишли фан соҳаси бўйича фан доктори ёки илмий унвонга эга фан номзоди тақризи ва ИТМ ёки ОТМ томонидан эксперт хулосасига эга бўлиши талаб қилинади.

Мақола расмийлаштирилганда, дастлаб юқори чап томондан УЎТ (УДК) қайди, бир оралиқдан сўнг бош ҳарфларда мақола мавзуси, кейинги сатрда муаллиф(лар)нинг исми, шарифи, отасининг исми, илмий даражаси ва илмий унвони, иш жойи ва лавозими тўлиқ ёзилади. Кейин ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация ва калит сўзлар келтирилади. Аннотация 2-3 жумладан иборат бўлиб, ўзида мақола мазмунини ифодалаш лозим. Калит сўзлар мавзунини очиқ берадиган 10 дан ошмаган сўз ва иборалардан иборат бўлиши керак. Мақолада кириш, мавзунинг долзарблиги, масаланинг мазмуни, ечим ҳамда тегишли хулоса ва тавсиялар келтирилиши, сўз, ибора ва формулалар аниқ ифодаланган, гап ва жумлалар тизимли бўлиши талаб қилинади.

Таҳририят мақолаларни таҳрир қилиш ва қисқартириш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида расмийлаштирилмаган мақолалар ахборотномада эълон қилинмайди. Мақола муаллифларига таҳририят қўлёзмаларни қайтариш ва ёзма жавоб бериш мажбуриятини олмайди. Мақолани таҳрир қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп қилиш учун кетадиган харажатларни қоплаш учун 1 саҳифага 20 минг сўм миқдорида бадал пули тўланади.

Эндиликда “Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” нинг мавжуд сонлари билан Хоразм Маъмун академияси расмий сайти: **mamun.uz** да танишишингиз ва юклаб олишингиз мумкин.

Таҳририят**Хоразм Маъмун академияси****Манзили: Хива, Марказ-1****Тел: +998942306575; xma_axborotnomasi@mail.ru, mamun-axborotnoma@academy.uz****Обуна индекси: 8030****ШХ/Р: 4001 1086 0332 2679 5010 0043 001****СТИР 202463612 ОКОНХ 95110****Ғазначилик бўлинмасининг номи: Молия вазирлиги ғазначилиги****ЭКС: 2340 2000 3001 0000 1010****Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ****МФО 00014****Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919****Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси (обуна ёки мақола чиқариш) учун**